

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ҚарДУ ХАБАРЛАРИ

Илмий-назарий, услубий журнал

**Журнал 2009 йилда
ташқил этилган**

**Йилига 4 марта
чоп этилади**

5(35). 2018

Қарши – 2018

ТАҲРИРИЯТ ҲАЙЪАТИ:

Бош муҳаррир проф. ШОИМҚУЛОВ Б.А.
Бош муҳаррир ўринбосари проф. ЁЗИЕВ Л.Х.
Масъул котиб доц. ЖУМАЕВ Т.Ж.

Таҳририят ҳайъати аъзолари:

проф. ЖАББОРОВ А.М. фалс.ф.д. ЧОРИЕВ С.А.
проф. ЖАББОРОВ Н.А. пед.ф.д. ШОДИЕВ Р.Д.
б.ф.д. КУЧБОЕВ А.Э. ф.ф.д. ШОДМОНОВ Н.Н.
проф. МЕНГЛИЕВ Б.Р. ф-м.ф.д. ШУКУРОВ А.М.
проф. МУРТОЗАЕВА Р.Х. проф. ЭШОВ Б.Ж.
проф. РАҲМОНОВ Н.Р. проф. ЭШҚОБИЛОВ Ю.Х.
проф. РОЗИҚОВ Ў.А. проф. ҚУРБОНОВ Ш.Қ.
проф. СУЛАЙМОНОВ Р.Х. проф. ҒАФФОРОВА Т.Ғ.
ф.-м.ф.д. ТАШАТОВ А.К. доц. АБДУЛЛАЕВ С.И.
акад. ТОЖИБОЕВ К.Ш. доц. БЎРИЕВ О.Б.
проф. ТЎЙЧИЕВ Б.Т. доц. КАМОЛОВ Л.С.
проф. ТЎРАЕВ Б.О. доц. ЭРКАЕВ А.П.
проф. ТЎРАЕВ Д.Т. доц. ҲАЛИМОВ Ғ.Ғ.

Манзилмиз:

180003, Қарши, Кўчабоғ, 17. Қарши давлат университети, Бош бино.
Тел.: (90) 441-33-73, факс: 221-00-56; web-sayt: xabarlar.qarshidu.uz
E-mail: qarduxj@qarshidu.uz ёки qarduxj@umail.uz

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

Главный редактор проф. ШАИМКУЛОВ Б.А.
Заместитель главного редактора проф. ЁЗИЕВ Л.Х.
Ответственный секретарь доц. ДЖУМАЕВ Т.Ж.

Члены редколлегии:

проф. ҒАФФАРОВА Т.Ғ. проф. ТУРАЕВ Б.О.
проф. ДЖАББАРОВ А.М. проф. ТУРАЕВ Д.Т.
проф. ДЖАББАРОВ Н.А. д.филос.н. ЧАРИЕВ С.А.
проф. КУРБАНОВ Ш.К. д.пед.н. ШАДИЕВ Р.Д.
д.б.н. КУЧБАЕВ А.Э. д.ф.н. ШАДМАНОВ Н.Н.
проф. МЕНГЛИЕВ Б.Р. д.ф.-м.н. ШУКУРОВ А.М.
проф. МУРТАЗАЕВА Р.Х. проф. ЭШКАБИЛОВ Ю.Х.
проф. РАЗИКОВ У.А. проф. ЭШОВ Б.Ж.
проф. РАХМАНОВ Н.Р. доц. АБДУЛЛАЕВ С.А.
проф. СУЛАЙМАНОВ Р.Х. доц. БУРИЕВ О.Б.
д.ф.-м.н. ТАШАТОВ А.К. доц. КАМАЛОВ Л.С.
акад. ТАДЖИБАЕВ К.Ш. доц. ХАЛИМОВ Ғ.Ғ.
проф. ТУЙЧИЕВ Б.Т. доц. ЭРКАЕВ А.П.

Адрес редакции:

180003, Қарши, Кучабаг, 17. Қаршинский госуниверситет, Главный корпус.
Тел.: (90) 441-33-73, факс: 221-00-56; web-sayt: xabarlar.qarshidu.uz
E-mail: qarduxj@qarshidu.uz или qarduxj@umail.uz

ҚУЁШ ГЕОТЕРМАЛ СУВ БИЛАН ИСИТИЛАДИГАН СОҒЛОМЛАШТИРИШ
БИНОЛАРИ ГЕЛИОКОЛЛЕКТОР ВА ИССИҚЛИК АККУМУЛЯТОРЛАРИНИНГ
САМАРАДОРЛИГИНИ ҲИСОБЛАШ

Холмирзаев Н.С., Бобомуродова Г.М., Баҳромова А.А. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *гелиоколлектор, қуёш энергияси, техник параметр, теплофизик параметр, иситиш қувури, қуёш уйи, иссиқлик аккумулятори, иссиқлик баланси.*

Қуёш геотермал сув билан иситиладиган уйлар гелиоколлекторининг самарадорлиги(η) ва қуёш энергиясидан фойдаланиб иситишнинг таққослаш коэффициентини(φ)ни теплофизик параметрларга боғлаб ҳисоблаш методикаси (1–3) адабиётларда келтирилган.

Турли системалар учун олинган η ва φ қийматларни солиштириш аниқ иқлим шартларида у ёки бу системанинг афзалликлари тўғрисида хулоса чиқаришга олиб келади.

Қуёш уйини иситишда замонавий гелиоколлекторлардан самарали фойдаланиб иссиқлик аккумуляторларини жорий этиш билан бир қаторда уй деворларининг иссиқлик ҳимоя қатлами хоссаларини ошириши иситиладиган уйни юқори қопламаларини маҳаллий материаллар (қамиш ёки ғўзапоя, майин сомонли маҳсус қумтупрокли лойсувоқлар) дан фойдаланиб иссиқлик сақловчи тизимнинг самарадорлигини оширишга эришиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. (1-расм)

Хусусан, одатдаги қуёш уйларини иситишда қуйидаги формулалардан фойдаланиб ҳисоблаш ишлари бажарилади(2–3).

$$\eta = \alpha \tau \left(\frac{1}{\eta_{Tn}} + \frac{\epsilon}{\alpha} \frac{K_{\text{кал}} F_{\text{кк}}}{q_0 V} \right)^{-1} \quad (1)$$

$$\alpha = \alpha_p \tau \frac{q_{\text{муи}}}{t_k - t_o^c} \left(\frac{q_0 V}{\eta_{Tn} \epsilon F_{\text{кк}}} + \frac{K_{\text{кал}}}{\alpha} \right)^{-1} \quad (2)$$


va (2) formulalardagi doimiy kattaliklar

$$a = \frac{t_k^1 - t_0^1}{t_k^1 - t_0^{dH}} \quad (3)$$

$$\epsilon = \frac{Z_{dH}}{Z_c} \quad (4)$$

тенгламалардан фойдаланиб аниқланади ва (2) формулалардаги а катталиқ [3] адабиётда келтирилганидек 2 га тенг деб, ε эса сутка давомида қуёш коллекторининг ишлаш даври билан боғлиқ бўлиб, 0,25÷0,33 оралиқда бўлади.

Қуёш уйини иситиш учун иссиқлик физик ва иссиқлик техник параметрлар инобатга олиниб (1) ва (2) тенгламалар ёрдамида унинг самарадорлигини аниқлаб, лойиҳалашга тавсия этиш мумкин. Аммо бу тенгламаларда иссиқлик аккумулятор системасидан фойдаланиш эътиборга олинмайди. Натижада бу тенгламалар ёрдамида олинган маълумотлар қуёш уйини иситишда қўлланилиш самарадорлигини пасайтиради. (1) ва (2) тенгламаларда чегараланган теплофизик параметрларни вақт бирлигида ўзгармас деб ҳисоблаб, қуёш уйининг иссиқлик балансини ҳисоблашда иссиқлик жараёнларнинг барча қисмлари учун алоҳида элементларга нисбатан тенгламалар тузиб, қуёш уйининг иссиқлик балансини аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб борилди.



Изоҳ: “Согломлаштириш марказларида” фойдаланиш учун тавсия этилган иссиқлик аккумуляторлари ва қўшимча геотермал сув билан иситишга мўлжалланган қуёш уйининг кўндаланг кесими: 1–қуёш ҳаво иситкич коллектори; 2–иссиқ ҳаво оқимининг I контури; 3–иссиқлик аккумулятори; 4–I контурнинг вентилятори; 5–совуқ оқимнинг I контури; 6–совуқ ҳаво оқимининг I контури; 7–II контурнинг вентилятори; 8–қўшимча геотермал иссиқ сув манбасидан узатиладиган инжектор қурилмаси; 9–совуқ ҳаво оқимининг II контури; 10–иссиқлик сақловчи панель (материал); 11–қайроқ тошлар – иссиқлик аккумулятори сифатида; 12–совуқ ҳаво оқими учун қувурлар.

Қуёш иссиқлик коллекторидан олинadиган иссиқлик миқдорини қуёш уйини мавсум (қиш фасли) даврида иситиш ва иссиқлик миқдорининг бир қисмини аккумуляциялаш тенгламаси қуйидагича ифодаланади:

$$Q_{\text{мул}}^{\text{кк}} = \eta_{\Gamma} F_{\text{кк}} [q_{\text{юм}} - K_{\text{кел}} (t_f - t_0^{\text{дн}})] Z_{\text{дн}} - n \quad (5)$$

Шунингдек, иситиладиган қуёш уйини иссиқлик аккумуляторига бериладиган иссиқлик миқдори:

$$Q_{\text{ооё}}^{\text{аё}} = K_{f-k} F_n (t_f - t_k^1) Z_{\text{н}} \cdot n \quad (6)$$

Қуёш уйининг мавсум (қиш фасли) даврида иситилиши унинг поли, деворлари, деворлар, юқори атрофидаги муҳитга сарфланадиган шифт қисми ва эшиклар орқали узатиладиган иссиқлик миқдори эса қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$Q_{\text{уй}} = q_0 V (t_k^1 - t_0^c) Z_c \cdot n \quad (7)$$

Бу ерда–қуёш энергиясини қабул қилувчи қуёш коллекторига тушувчи нур энергияси оқимининг ютиладиган миқдори бўлиб, уни ҳисоблаш

$$q_{\text{юм}} = \alpha_{\rho} \tau q_{\text{муш}}$$

формула орқали амалга оширилади.

(2) ва (4) тенгламаларни (5), (6) ва (7) тенгламаларга нисбатан боғланишларини эътиборга олиб, ҳарорат ўзгаришини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$t_0^{\text{дн}} - t_f = \frac{Q_{\text{мул}}^{\text{кк}}}{\eta_{\text{уй}} K_{\text{кел}} F_{\text{кк}} Z_{\text{дн}} n} - \frac{q_{\text{юм}}}{K_{\text{кел}}} \quad (9)$$

$$t_f - t_k^1 = \frac{\epsilon \cdot Q_{mul}^{ak}}{K_{f-k} F_n Z_{\partial n} n} \quad (10)$$

$$t_k^1 - t_k^{\partial n} = \frac{\epsilon Q_{ui}}{aq_0 V Z_{\partial n} n} \quad (11)$$

(9) ва (11) тенгламаларни умумлаштириб

$$Q_{mul}^{kk} = \eta_{ak} Q_{mul}^{kk} \quad (12)$$

$$\eta_{kk} = \frac{Q_{mul}^{kk}}{Q_{mul}} \quad (13)$$

$$Q_{mul} = q_{mul} \cdot F_{kk} Z_{\partial n} n \quad (14)$$

$$\eta_{uci} = \alpha_p \tau \quad (15)$$

$$\varphi = \frac{Q_{mul}^{kk}}{Q_{ui}} \quad (16)$$

ва шунингдек, (8) дан фойдаланиб куёш иссиқ ҳаво коллектори учун самарадорликни

$$\eta_{kk} = \eta_{k\partial c} \left[\frac{1}{\eta_{ui}} + K_{kel} F_{kk} \eta_{ak} \epsilon \left(\frac{1}{K_{f-k} F_n} + \frac{1}{aq_0 V} \right) \right]^{-1} \quad (17)$$

$$\varphi = \eta_{k\partial c} \frac{q_{mul}}{t_k - t_0^c} \left[q_0 V \left(\frac{1}{\epsilon \eta_{ui} F_{kk}} + \frac{1}{K_{f-k} \cdot F_{II}} \right) + \frac{K_{kel} \eta_{ak}}{a} \right]^{-1} \quad (18)$$

Формулалардан ҳисобланиб аниқланади.

(17) тенгламадан маълумки, куёш уйини иситиш асосан гелиоколлекторининг ва унинг тиниқ юзасини нур ўтказиш самарадорликларига, шунингдек, гелиоколлектор қурилмасининг герметик сифатли тайёрлаш иссиқлик саклаш самарадорлигига, иссиқлик йўқо-тиш коэффициентига боғлиқ бўлар экан.

Куёш уйини иситиш системасини гелиоколлекторлар ёрдамида амалда жорий этиш коэффициенти барча ҳолларда талаб этилгани сингари куёш энергиясининг ўртача йиғинди интенсивлигига, иситиш даврида атроф-муҳитнинг ўртача ҳароратига, иссиқлик хара-ктеристикасига, куёш коллекторининг юзасига, унинг ички қувурлари ва остки қопла-маларнинг герметик ва солиштирма иссиқлик ютиш даражасига, иситиш қувурлари орқа-ли ўтадиган иссиқ ҳаво панеллардан хонанинг ички ҳавосига иссиқлик узатиш коэффи-циентига ҳамда иссиқлик аккумулятор системасининг самарадорлигига боғлиқ бўлади. Демак, биринчидан, назарий ҳисоблаш ва тажриба натижаларининг мувофиқлиги, иккин-чидан, куёш уйини гелиоколлектори ёрдамида иситиш самарадорлик даражаси система-нинг боғланиш коэффициенти ва иссиқлик аккумуляторининг мувофиқлигига боғлиқлиги асосида тасдиқланди. Муборак тумани Санжар Арслонов корхонасига қарашли соғлом-лаштириш марказида қурилган ва 2016–2017 йилларда иситиш мавсуми даврида ўтказил-ган тажрибаларда ва ф ларни юқорида келтирилган методика бўйича назарий ҳисоблаш-ларнинг натижалари ўзаро таққосланди.

Тажриба қурилмаси учун $\eta_{ui} = 0,76$, $\eta_{k\partial c} = 0,60$, $F_{kk} = 12,4 \text{ m}^2$, $K_{kel} = 3,4 \text{ Bm} / \text{m}^2 \text{ } ^\circ\text{C}$ $a = 2.0$ $\epsilon = 0.259$ $K_{f-k} = 2,8 \text{ Bm} / \text{m}^2 \text{ } ^\circ\text{C}$ ва $F_n = 26 \text{ l}^2$ бўлиб φ (17) формула ёрдамида ҳисобланган-да унинг қиймати 0,3142, фни қиймати эса (18) формула билан ҳисобланганда 0,5820 ва 0,5460 бўлиб 2016–2017 йилларда иситиш мавсуми даврида аниқланадики, белгиланган методика [1,3] бўйича ўтказилган назарий тадқиқотлар тажриба ва натижалари ўзаро му-вофиқ келиши аниқланди.

Шартли белгилар:

- H – иситиш коллекторининг самарадорлик коэффиценти;
 ϕ – куёш энергиясидан фойдаланиб иситишнинг таққослаш коэффиценти;
 a_p – иситиш коллекторига тушадиган куёш энергиясининг нур ютиш коэффиценти;
 τ – иситиш коллекторининг тиниқ юзасидан қиш мавсумида ўтадиган куёш энергиясини ўртача нур ўтказиш коэффиценти;
 $K_{кел}$ – коллектор орқали иссиқлик йўқолишини характерловчи келтириш коэффиценти;
 F_{kk} – ҳаво иситиш коллекторининг умумий юзаси;
 Q_0 – куёш уйининг солиштирма иситиш характеристикаси;
 V – куёш уйининг ташқи қурилиш ўлчамлари;
 $Q_{муш}$ – куёш уйини қиш фаслида иситиш учун мўлжалланган иссиқлик;
коллекторини тиниқ юзага тушадиган куёш энергияси оқимининг йиғинди миқдори;
 t_k – куёш уйининг қиш фаслида иситиш жараёнидаги ўртача ички ҳаво температураси;
 t_0 – атроф-муҳитнинг қиш фаслидаги ўртача температураси;
 t_k – қиш фаслининг ўртача иситиш даврида максимал куёш энергияси ҳисобидан ва геотермал иссиқ сув билан иситиладиган куёш уйи ички ҳаво температурасининг ўзгариши;
 $t_0^{\hat{н}}$ – қиш фаслида ўртача иситиш даврида ташқи ҳаво температураси;
 $Z_{дН}$ – куёш иситиш коллекторининг кундузги ишлаш давомийлиги, соат;
 Z_c – суткада соатлар бўйича ишлаш даври;
 t_f – куёш уйини иситиш мавсуми (қиш фаслида) даврида гелиоколлектор қувури орқали ҳаракатланадиган иссиқ ҳаво оқимининг температураси;
 K_{f-k} – гелиоколлекторидан келадиган иссиқ ҳаво оқимини куёш уйининг цилиндрик панеллари орқали уй ичидаги ҳавога иссиқлик бериш коэффиценти;
 F_n – куёш уйини иситиш панелларининг юзаси;
 n – уйни иситиш даври, сутка.
 $\eta_{\hat{ае}}$ – иссиқлик аккумуляторининг самарадорлиги;
 $Q_{муш}$ – куёш уйини иситиш мавсумий (қиш фасли) даврида гелиоколлектор тиниқ юзасига тушувчи куёш энергиясининг йиғинди миқдори;
 $\eta_{к.д.с}$ – гелиоколлектор тиниқ юзасининг ўртача нур ўтказиш самарадорлиги.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Даффи Дж.А., Бекман У.А. Тепловые процессы с использованием солнечной энергии. – М.: Мир, 1977. – 420 с.
2. Аvezов Р. Р. Азимов О. // Гелиотехника. 1992. – №1 – С. 3–5.
3. Аvezов Р. Р., Орлов А.Ю. Солнечные системы отопления и горячего водоснабжения. – Ташкент: Фан, 1988. – С. 288.

РЕЗЮМЕ

Мақолада геотермал сувли куёш коллекторлари ҳамда иссиқлик аккумуляторли куёш иситиш пассив тизимининг алмашинув самарадорлик коэффицентини ҳисоблаш методикаси келтирилган.

РЕЗЮМЕ

В статье приведена методика расчета эффективности солнечного коллектора геотермальных вод и коэффициента эффективности замещения пассивных систем солнечного отопления аккумулятора тепла.

SUMMARY

The results of the theoretical calculation of the using the battery of the heat in solar geliocollection and their comparison with experiment.

Наишга доц. Ф. Ҳалимов тавсия этган

ЭЛЕКТР ВА МАГНИТ МАЙДОНЛАРИНИНГ ТИРИК ОРГАНИЗМЛАРГА ТАЪСИРИ

Мустафақулов А.А., Юлдашев У., Асомиддинов Б.А. (ЖизПИ)

Таянч сўз ва иборалар: *электромагнит майдон, электромагнит тўлқин, ультрабинафша нурланиш, хужайра, майдон кучланганлиги, тўлқин узунлиги, микротесла.*

Замонавий физикада ҳозирги кунда материянинг икки тури мавжудлиги қайд этилган. Биринчи хил материяга атомлар, молекулалар ва улардан тузилган барча жисмлар киради. Бу турдаги материаллар жуда яхши ўрганилган. Материянинг иккинчи тури майдон, яъни электромагнит, гравитацион каби майдонлардан иборат бўлиб, улар ҳали тўлиқ ўрганилмаган. Ҳозирги замон техника тараққиёти даврида юқори частотали магнит ва электромагнит майдонлардан техниканинг турли соҳаларида кенг фойдаланилмоқда. Электромагнит майдонлардан фойдаланишда қулайлик шундаки, жуда катта микдордаги иссиқликнинг ажралмаслиги ва ортиқча ускуналарга бўлган эҳтиёжнинг камлигидир. Ҳозирги вақтда радио, телевизор, компьютер техникаси, уяли алоқа воситалари – телефонлар, радионавигация ва бошқа электромагнит тебранишларга асосланган қурилмаларнинг кенг қўламда қўлланилиши кўпчилик аҳоли, ишчи ва хизматчиларнинг электромагнит тўлқинлар таъсири остида бўлишига олиб келади. Шунинг учун ҳам электромагнит тебранишлар ва тўлқинлардан муҳофазаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш тақозо қилинмоқда. Ҳозирги кунларда электромагнит тўлқинларнинг инсон организмга салбий таъсир кўрсатиши аниқланган [1–4]. Бунинг хатарли томони шундаки, инсон бу нурлар таъсири остига тушиб қолганини сезмайди. Маълумки, электромагнит тўлқинларнинг узунлиги қанча қисқа бўлса, унинг частотаси ва энергияси шунча катта бўлади. Юқори частотали нурланишлар, ультрабинафша нурланишлардан бошлаб хужайралардаги атом ва молекулаларни ионлаштирадilar. Шу орқали хужайралардаги биокимёвий жараёнларнинг боришида ўзгаришлар юз беради. Масалан, ультрабинафша нурларни олсак, улар таъсирига кўра уч гуруҳга бўлинади, 1-гуруҳига тўлқин узунлиги 380–315 нм (нанометр, $1\text{нм}=10^{-9}\text{м}$) бўлган нурланишлар киради. Бу нурланиш асосан турли моддаларнинг люминесцент анализи учун қўлланилади. Бу нурланишнинг биологик активлиги унчалик катта эмас. 2-гуруҳига 315–280 нм тўлқин узунликдаги нурланишлар киради. Бу нурланишлар жуда катта биологик эффективликка эга бўлиб, рухсат этилган дозаларда таъсир эттирилганда тирик организмларни соғломлаштириш хусусиятига эгадир. Бу нурланиш асосан организмдаги Д витаминига таъсир этади ва Д витаминининг ҳосил бўлишини тезлаштиради. 3-гуруҳга 280–10 нм тўлқин узунликдаги ультрабинафша нурлар киради ва бу нурланиш кучли бактериологик таъсир қилади [1]. Тирик организм хужайраларида биокимёвий ўзгаришларни юзага келтиради. Уларни ҳалок этиши ҳам мумкин. Бундай нурланиш хоналардаги ҳавони, идишларни стерилизация қилишда ишлатилади. Бундай нурланишларни симобли-кварц шишали люминесцент-бактерицид лампалар ҳосил қилади. Узун тўлқинли электромагнит тебранишлар энергияси атом ва молекулалар орбитасидаги электронларни уриб чиқара олмаса ҳам, яъни ионлаштириш хусусиятига эга бўлмаса ҳам, молекулаларнинг иссиқлик ҳаракати тезлигини оширади. Натижада тана органларининг қизиши юз беради-ю, у ташқаридан сезилмайди. Паст частотали электромагнит нурланишлар организмнинг ҳаёти учун зарур бўлган биотокларга таъсир этиши орқали нормал ҳаёт тарзини издан чиқаради [3]. Масалан, ташқи магнит майдони кучланганлигининг микдорига қараб чумолилаларнинг иштаҳаси ва шу орқали ҳаёт тарзи ўзгариши аниқланган. Арилар эса 50 гц частотали электромагнит тебранишлар майдони таъсирига тушиб қолсалар, бу майдондан қочиб, учиб кетишга ҳаракат қилиши кузатилган. Компьютер операторларининг кўпчилиги эса компьютерда ҳаддан ортиқ ишлаш оқибатида бош оғришидан, эшитиш ва кўриш қобилиятининг пасайишидан шикоят қиладилар. Бу

хам компьютер экранидан 30 см масофада 25 микротесла қийматига эга бўлган паст частотали магнит майдони кучланганлигининг таъсирдир. Эндиликда замонавий алоқа воситалари учун электромагнит майдон қуввати ютилишининг рухсат этилган солиштирма қиймати (SAR-Specific Absorption Rate) 1,6 Вт/кг – қилиб белгиланган. Кейинги йилларда ишлаб чиқарилаётган мукамал алоқа воситаларида ҳосил бўладиган электромагнит майдон қуввати 0,5–0,1 Вт/кг бўлиб, у рухсат этилган қийматдан пастдир.

Электромагнит майдон маълум кучланишдаги электр майдони E ва магнит майдони H (А/м) векторлари орқали ифодаланади. Ҳаракатланувчи электромагнит тўлқинларининг E ва H векторлари ҳамма вақт бир-бирига перпендикуляр бўлади. Ўтказувчи муҳитда тарқалаётганда электромагнит майдон энергиясининг ютилиши қуйидаги боғланишга эга бўлади [1]:

$$E = \frac{\omega \mu}{J} \cdot e^{-kz} \quad (1).$$

Бу ерда ω – электромагнит тебранишларнинг айланма частотаси;

J – экран моддасининг солиштирма ўтказувчанлиги; μ – модданинг магнит ўтказувчанлиги; k – сўниш коэффициенти; z – нурланаётган экран юзасидан майдон кучланганлиги аниқланаётган нуқтагача бўлган масофа [4]. Электромагнит тўлқинлари вакуумда ёки ҳаво муҳитида тарқалаётган бўлса, у магнит майдон кучланганлиги билан қуйидагича муносабатда бўлади: $E=377 \cdot H$ (2). Бу тўлқинларнинг тарқалиши электромагнит майдон қувватини кўчириш билан боғланган. Электромагнит майдони энергиясининг зичлиги қуйидагича аниқланади: $W_{эм} = W_э + W_м = \frac{1}{2}(\epsilon_0 \epsilon E^2 + \mu_0 \mu H^2)$ (3). Бу ерда ϵ_0 ва μ_0 электр ва магнит доимийлари, ϵ ва μ муҳитнинг нисбий диэлектрик ва магнит сингдирувчанлиги. Электромагнит тўлқинлари қувват оқимининг зичлик вектори I (Вт/м²) қуйидагича ифодаланади:

$$\vec{I} = \left[\vec{E} \cdot \vec{H} \right] \quad (4).$$

Электромагнит майдон назариясига асосан ўзгарувчан электр ёки магнит майдони манба яқинида яқин зона (С) ёки индукция зоналари (R) ни ҳосил қилади.

$$R \leq \frac{R}{C} \cong \frac{H}{D} \quad (5).$$

Бу формулада D – электромагнит майдон энергиясини ютган модданинг активация (диссоциация) энергияси. Электромагнит тўлқинлар узунлиги эса қуйидаги тенгламага асосан аниқланади:

$$\lambda = \frac{c}{\nu} \quad (6).$$

Бу ерда c – электромагнит тўлқинларнинг тарқалиш тезлиги (вакуум ёки ҳаво муҳити учун ёруғлик тезлиги); ν – электромагнит тўлқинларининг чизиқли частотаси. Индукция зонасида ҳаракатланаётган электромагнит майдон ҳосил бўлиб улгурмаган бўлади, яъни унда электр билан магнит майдонларини бир-бирларига боғланмаган деб ҳисоблаш мумкин. Нурланиш зонасида эса майдон ҳаракатланаётган электромагнит тўлқинини вужудга келтиради ва унинг муҳим параметри тўлқин оқимининг зичлик қуввати ҳисобланади. Бу зонадаги меъёрлаштириш интенсивликка асосан олиб борилади ва бу интенсивлик нуқтасимон манбагача бўлган масофа квадратида тесқари пропорционалликда бўлади.

$$I = \frac{Pm}{4\pi R^2} \quad (7).$$

Бу ерда P_m – манбанинг нурланиш қуввати.
Агар бу манба йўналтирилган ҳаракатга эга бўлса, унда

$$I = \frac{P_m \cdot G}{4\pi R^2} \quad (8).$$

Бу ерда G – кучайтириш коэффициенти бўлиб, у эмпирик ҳисоблашлар ёрдамида аниқланади [4]. Индуктор, термик қурилманинг конденсатори, генераторнинг айрим қисмларини, трансформатор, антенна, тўлқин узатгичларнинг очик қисмлари ва ўта юқори частотали генераторларга электромагнит тўлқинларининг манбалари сифатида қараш мумкин. Нурланаётган ҳужайралардаги қутбланган молекулалар электромагнит майдон тарқалаётган йўналишларга қараб ҳаракатлана бошлайди. Қон ҳужайралари ва улар оралиғидаги суюқлик таркибида ташқи майдон таъсирида ионлашган ток ҳосил қилади. Ўзгарувчан электр майдони инсон танаси ҳужайраларида диэлектрик суюқликларнинг ўзгарувчан диэлектрик қутбланишига сабаб бўлади. Шунингдек, бу майдон таъсирида ўтказувчи тоқлар ҳосил бўлиб, жоуль-ленц қонунига асосан организм ҳарорати ортади. Бу иссиқлик таъсири электромагнит майдонларининг қувват ютилиши ҳисобига юзага келади. Ўзгарувчан магнит майдони атом ва молекулаларнинг магнит моментлари йўналишларининг ўзгаришига олиб келади. Бу инсон организмга кучсиз таъсир кўрсатса ҳам, уни организм учун бефарқ деб бўлмайди. Майдоннинг кучланиши қанча кўп бўлса ва унинг таъсири давомли бўлса, организмга таъсир кўрсатиши ҳам шунча кўп бўлади. Тебраниш частотасининг ортиши эса тана ўтказувчанлигини ва қувват ютилиши қийматини нисбатан орттиради. Узунлиги 10 см дан қисқа бўлган тўлқинларнинг асосий қисми тери ҳужайраларида ютилиши тажриба асосида тасдиқланган. 10–30 см диапазондаги нурланишлар эса тери ҳужайраларида камроқ ютилади. Организмда ҳосил бўлган ортиқча иссиқлик маълум чегарагача инсон организмнинг терморегуляцияси ҳисобига йўқотилиши мумкин. Иссиқлик чегараси деб аталувчи маълум миқдордан бошлаб ($I \geq 10$ мвт/см²), организм ҳосил бўлаётган иссиқликни чиқариб ташлаш имкониятига эга бўлмай қолади ва тана ҳарорати кўтарилади, бу эса ўз навбатида соғлиққа катта зарар етказиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Йўлдошев У., Усмонов У., Қудратов О. Мехнатни муҳофаза қилиш. – Тошкент: Мехнат, 2001.
2. Кошчанов Э., Раҳмонов А., Жуманазаров Г. Электромагнит майдоннинг атроф-муҳитга таъсири // Экология хабарлари, – №12, 2007.
3. Канаков З., Холбўтаев Ш.Х., Рахимов Э.Т. Қуйи частотали электромагнит майдонларнинг инсон соғлиғига таъсири // Физика, математика ва информатика, – №3, 2009.
4. Орипов С. Электромагнитизм. – Тошкент: Ношир, 2011.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада электр ва магнит майдонларнинг тирик организмларга таъсири ҳақида маълумотлар келтирилган.

РЕЗЮМЕ

В данной работе приводятся данные о влиянии электрических и магнитных излучений на живые организмы. Электромагнитное излучение может создавать помехи биотокам, играющим важную роль в жизнедеятельности организмов.

SUMMARY

This paper presents data on the impact on living organisms of electric and magnetic radiation. Electro magnetic radiation can cause interference of bio energy, which plays an important role in the vital activity of organisms.

Наширға доц. Ғ.Ҳалимов тавсия этган


4-МЕТОКСИФЕНИЛХЛОРАЦЕТАТНИНГ АМИНЛАР БИЛАН РЕАКЦИЯЛАРИ АСОСИДА КОРРОЗИЯ ИНГИБИТОРЛАРИНИНГ СИНТЕЗИ

Бобоёрова Ш. М., Мустафоева Ф.У., Жўраев Р.С., Чориев А.У. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: 4-метоксифенилхлорацетат, иккиламчи ва учламчи аминлар, нуклеофиль, коррозия ингибиторлари.




Жаҳонда ҳар йили металлларнинг 10 фоизи атроф-муҳит билан кимёвий ёки электро-кимёвий таъсирлашуви натижасида коррозияга учраб емирилади, бунинг оқибатида етказилаётган зарар миллиард сўмларни ташкил қилади. Замонавий техника ва технологияларнинг асосий материаллари бўлган темир асосидаги қотишмалар намлик, ҳаводаги ксилород, азот, олтингугурт оксидлари ва бошқа кимёвий фаол моддаларнинг таъсири натижасида коррозияланишга учрайди. Республикамиз мустақилликка эришганидан буён кимё саноатида янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш йўналишида илмий изланишларни юқори даражада ташкил этиш ва маҳаллий бозорни импорт ўрнини боса оладиган кимёвий реагентлар билан таъминлаш борасида кенг қамровли чоратадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилди. Бу борада органик ва олигомер бирикмалар асосида ишлаб чиқарилган ингибиторлар турли сув тизимлари ва сув таъминоти тармоқларида, нефтни қайта ишлаш ва нефт кимё саноатларида, барча энергетик қурилмаларни ҳимоялашда ишлатилади ва металлларни ишлаш даврини узайтиришини алоҳида таъкидлаш мумкин. Жаҳон миқёсида металллар сифатини ошириш ва улардан самарали фойдаланиш юзасидан мақсадли тадқиқотларни амалга ошириш муҳим бўлиб, бу борада қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда: жумладан, сувда эрувчан олигомер ва полимер ингибиторларнинг туз ҳосил қилиш жараёнларига қарши курашда қўлланилиши, металллар коррозиясини ингибирлаш хусусиятида мақбул шароитларни аниқлаш, таркибида азот, фосфор тугган бирикмалар асосида қора ва рангли металлларни турли муҳитларда ҳимояловчи сувда эрувчан органик ва олигомер ингибиторларни синтез қилиш, ингибирлаш механизмнинг физик-кимёвий қонуниятларини илмий жиҳатдан асослаш. Металл билан адсорбцион таъсирлашув натижасида унинг ҳимоялаш хоссалари турли ҳароратларда қандай намоён бўлиши ва реакция механизмларини ўрганиш натижасида янги самарадор ингибиторлар ишлаб чиқариш бугунги кунда долзарб вазифалардан бири ҳисобланади [1-4].

α-Галогенкислоталарнинг фенил эфирларидаги галоген атоми галогеналканлардагига нисбатан ҳаракатчан бўлганлиги учун амина- гуруҳга осон алмашади. α-Галогенкетонлардаги электроноакцептор карбонил гуруҳ галоген атомининг реакцияга киришиш қобилиятига кучли таъсир қилади ва галогенкетоннинг аммиак, аминлар билан реакциясини осонлаштиради:




Галоген атомининг амина гуруҳга алмашиниши фақат галогенларнинг табиатига боғлиқ бўлмасдан, галоген билан боғланган углерод атомининг қандай атомлар ва атомлар гуруҳи билан боғланганлигига ҳам боғлиқ.

п-Метоксифенилхлорацетатнинг аминлар билан реакцияларини тадқиқ этиш мақсадида уларнинг турли бирламчи, иккиламчи ва учламчи аминлар билан реакциялари олиб борилди:




Адабиётларда молекуласида алкокси-, фенокси- ва кислота қолдиқларини тутган аминобирикмаларнинг турли хил биологик фаолликка эга бўлиши маълум. Шу сабабли, янги бирикмалар синтез қилиш мақсадида, п-метоксифенилхлорацетат билан гексаметилентетрамин ҳамда мочевино ўртасида нуклеофил алмашилиш реакциялари олиб борилди.


п-Метоксифенилацетат гексаметилентетрамин хлорид синтезини амалга оширишда п-метоксифенилхлорацетат, гексаметилентетрамин ва эритувчи сифатида гептандан фойдаланилди. Бунда реакция жуда ҳам жадал бориб 3 соат давом этди ва дастлабки моддалар 1:1 моль нисбатда олинганлиги сабабли реакция маҳсулоти сифатида тўртламчи туз – п-метоксифенилацетат гексаметилентетрамин хлорид 86 фоиз унум билан ҳосил бўлди. Ҳосил бўлган тўртламчи тузнинг суюқланиш температураси 91°C бўлиб, гигроскоплиги сабабли очиқ ҳавода қолдирилганда суюқланиб қолади. Реакция қуйидаги схема бўйича боради:



Илмий тадқиқот ишларини давом эттириб, п-метоксифенилхлорацетат билан мочевинани алкиллаш реакцияси олиб борилди. Мочевинани алкиллаш ва ациллаш реакциялари ЎзМУ Кимё факультети Органик кимё кафедрасида И. П. Цукерваник ва И. Г. Тыщуклар томонидан чуқур ўрганилган. Бунда мочевинани алкиллаш реакциясининг оптимал усуллари таклиф этилган. Тегишли усул бўйича п-метоксифенилхлорацетат билан мочевинани поташ иштирокида гептан эритувчиси муҳитида 99 °C да 5 соат давомида алкиллаб 66 фоиз унум билан п-метоксифенилкарбоксиметилмочевина олинди. Реакция қуйидаги схема бўйича боради:



Калий фталиимиднинг галогеналканлар билан реакцияси ҳам ДМФА эритмасида яхши боради:



1-жадв.

п-Метоксифенилхлорацетатнинг аминлар билан нуклеофил алмашиниш реакциялари асосида синтез қилинган моддаларнинг унумлари ва физик-кимёвий доимийликлари

№	Моддаларнинг номи	Р-я вақти (соат)	Модда унуми, фоиз	Т _{суюқ} °С ёки Т _{қайн.} мм. сим. уст.
1	п-Метоксифенил(диэтил)аминоацетат	5	88	148/28
2	п-Хлорфенил(диэтил)аминоацетат	5	91	144/28
3	п-Метоксифенил(учламчи-бутил)аминоацетат	4	85	41
4	п-Хлорфенил(учламчи-бутил)аминоацетат	4	87	37
5	п-Метоксифенил(2-метил-фенил)аминоацетат	5	80	29
6	п-Хлорфенил(2-метил-фенил)аминоацетат	5	83	25
7	п-Метоксифенил(4-метил-фенил)аминоацетат	5	84	32
8	п-Хлорфенил(4-метил-фенил)аминоацетат	5	85	26
9	п-Метоксифенилфталимидоацетат	6	79	54
10	п-Хлорфенилфталимидоацетат	6	80	46
11	п-Метоксифенилацетат гексаметилентетрамин хлорид	3	86	91
12	п-Хлорфенилацетат гексаметилентетрамин хлорид	3	88	82
13	п-метоксифенил-карбоксиметилмочевина	5	66	122
14	п-хлорфенилкарбоксиметилмочевина	5	69	106
15	п-Метоксифенилацетат пиридиний хлорид	3	90	102
16	п-Хлорфенилацетат пиридиний хлорид	3	94	88
17	п-Метоксифенилацетат триэтиламмоний хлорид	3	89	93
18	п-Метоксифенилдифенилтиокарбазон	3	59	Т _{қайн.} = 305 °С. (Т _{қайн.} = 191 °С/32 мм. сим. уст.).

п-Метоксифенилхлорацетатнинг аминлар билан нуклеофил алмашиниш реакциялари натижасида олинган моддаларнинг айрим физик кимёвий катталиклари 1-жадвалда келтирилган.

Тажриба қисми

1-тажриба.

п-Хлорфенил-м-толиламиноацетат синтези

Юқоридагига ўхшаш жиҳозланган туби думалоқ колбага мета-толуидин солиниб 50 мл абсолют бензолда эритилди. Унинг устига 0.84 г (0,01 мол) натрий гидрокарбонат аста-секин солинди. Сўнгра оз-оздан чайқатиб турган ҳолда п-хлорфенилхлорацетат солинди. Реакция 5 соат давом этиб тугагандан сўнг, аралашмани ажратиш мақсадида 5 фоизли ишқор эритмаси солинди. Эритма яхшилаб аралаштирилгандан сўнг, бензол билан 3 марта экстракция қилинди. Бензол қават CaCl_2 ёрдамида қуритилди. Бензол сув насосида ҳайдаб олинди, маҳсулот эса этил спиртида қайта кристалланиб тозаланди. $T_{\text{суюк}} = 25^\circ\text{C}$. Реакция унуми 2.28 г, 83 фоизни ташкил қилди.

2-тажриба .

Калий фталимид синтези

Тескари совутқич билан жиҳозланган 100 мл ҳажмли колбага 1,47 г фталимид ва 10 мл абсолют этил спирт солинади, унинг устига 0.56 г калий гидроксиднинг 10 мл 75 фоизли этил спиртли эритмаси қўйилади. Эритма тезда совитилади ва ажралган калий фталимид филтрлаб ажратилади. Калий фталимид 10 мл ацетон билан ювилади ва ҳавода секинлик билан қиздириб қуритилади. Унум 1.85 г.

3-тажриба.

п-Хлорфенилфталимидоацетат синтези

1.85 г калий фталимид, 2 г п-хлорфенилхлорацетат ва 10 мл диметилформаид аралашмаси қайтар совутқич билан жиҳозланган 100 мл ҳажмли колбада аралаштириб турилган ҳолда 80°C температурада 6 соат давомида қиздирилди. Реакцион масса хона ҳароратигача совитилди ва 20 мл музли сувга қўйилди, бунда модда тўлиқ кристалланди. Эритма филтрланиб ажралган кристалл масса 96 фоизли этил спиртида қайта кристалланди ва ҳавода қуритилди. $T_{\text{суюк}} = 46^\circ\text{C}$. Реакция унуми 2.48 г, 80 фоизни ташкил қилди.

4-тажриба.

п-Хлорфенил(диэтил)аминоацетат синтези

Тескари совутқич билан жиҳозланган 100 мл ҳажмли колбага 2 г п-хлорфенилхлорацетат ва 10 мл абсолют бензол солинади, унинг устига 0.84 г калий гидрокарбонат ва 0.73 г диэтиламин қўйилади. Реакцион аралашма 5 соат давомида қайнатилади. Эритма хона ҳароратигача совитилади ва дистилланган сув билан ювилади. Бензолли қисм кальций хлорид билан қуритилади ва филтрланади. Бензол оддий шароитда, п-хлорфенил(диэтил)аминоацетат вакуумда ҳайдаб олинади. $T_{\text{қайн}} = 144^\circ\text{C}/28$ мм. сим. уст. Унум 2.17 г, (91 фоиз).

5-тажриба.

Гексаметилентетрамин п-метоксифенилацетатохлорид синтези

Юқоридагига ўхшаш жиҳозланган туби думалоқ колбага 2 г п-метоксифенилхлорацетат, 1.4 г гексаметилентетрамин солиниб, 10 мл хлороформда эритилди. Реакция қиздирилганда жадал бориб, реакцион аралашма ўз-ўзидан давом этиши кузатилди. Бунда қиздириш тўхтатилди. Реакция 10 минут давом этди ва тўхтади. Реакцион аралашма хона ҳароратигача совитилди ва хлороформ алоҳида идишга қўйиб олинди. $T_{\text{суюк}} = 110^\circ\text{C}$. Маҳсулот унуми 2.9 г, 86 фоизга тенг.

6-тажриба.

п-Метоксифенилкарбоксиметилмочевина синтези

Тескари совутқич билан жиҳозланган таги думалоқ колбага 2 г п-метоксифенилхлорацетат, 0.6 г мочевина, 1 г поташ солиниб, уни 10 мл гептанда эритилди. Реакция 5 соат давом этди. Реакция тугагач, эритувчи гептанны сув насоси вакуумида ҳайдаб олинди. Колбада қолган мойсимон суюқликни 100 мл ҳажмли стаканга қўйилди. Вақт ўтиши билан мойсимон суюқликнинг ярми стакан тубида қотиб қолди. Қотмаган мойсимон

суюклик алоҳида идишга қуйиб олинди. Стакан тубидаги қаттиқ модда 10 мл 96 фоизли этил спирти билан қайта кристалланди.

$T_{\text{суюк.}} = 78^{\circ}\text{C}$. Унум 1.48 г, 66 фоиз.

7-тажриба.

п- Метоксифенилдифенилтиокарбазон синтези

Тескари совутқич билан жиҳозланган 100 мл ҳажмли колбага 2 г (0,01 моль) п-метоксифенилхлорацетат ва 10 мл диметилсульфоксид солинади, унинг устига 0,69 г (0,005 моль) поташ ва 2,56 г (0,01 моль) дифенилтиокарбазон қўшилади. Реакцион ара-лашма 3 соат давомида қайнатилади. Эритма хона ҳароратигача совитилади, этилацетат билан экстракция қилинади ва дистилланган сув билан ювилади. Этилацетатли қисм кальций хлорид билан қуритилади ва филтрланади. Этилацетат оддий шароитда, п-метоксифенил-дифенилтиокарбазон вакуумда ҳайдаб олинади. $T_{\text{қайн.}} = 305^{\circ}\text{C}$. ($T_{\text{қайн.}} = 191^{\circ}\text{C}/32$ мм. сим. уст.). Унум 2,47 г (59 фоиз).

Фойдаланилган адабиётлар

1. Eshmamatova N.B., Akbarov Kh.I. Quantitive value of effectivity of nitrogen and phosphor-containing ingibitors by the results electrochemical and gravimetical investigations // Austrian Journal of Technical and Natural Sciences. 2016. – №3–4. – P. 132–135.

2. Писаненко Д.А., Погребова И.С. Синтез и антикоррозионные свойства четвертичных аммониевых солей на основе 2-ацетилаллилхлорида // Журн. приклад. хим. –М. 2002. – № 8 (75). – С. 1274–1277.

3. Таджиходжаев З.Б. Эффективное использование внетехнологического сырья производств при получении ингибирующих композиций. Журн. приклад. хим. –М. 2003. – № 3 (76). – С. 411–413. 145.

4. Карякин А.А., Боброва О.А., Карякина Е.Е. Потенциометрический биосенсор на основе полианилиновых полупроводниковых пленок// Московский гос. Универ. им. М.В. Ломоносова. Электрохимия, 1996, Т. 32, – №8. –С. 1016–1019.

РЕЗЮМЕ

Мақолада алмашинган метоксифенилхлорацетатларнинг алкоголятлар, фенолятлар, аминлар, органик ва ноорганик кислота тузлари билан нуклеофиль алмашиниш реакцияларини олиб бориш орқали 20 та янги мураккаб эфирлар олиш усуллари яратилган.

РЕЗЮМЕ

В статье приведены результаты исследования и создана методика получения 20 новых сложных эфиров при реакциях нуклеофильного замещения замещённых метоксифенилхлорацетатов с алкоголями, фенолятами, аминами, неорганическими и органическими солями.

SUMMARY

In article results of the chloracetylation methoxyphenols and reacthion substithion nucleophelic alcoholyate, phenolyate, amine, inorganic and organic carboxylic acids in the presence of dimethylformamids were synthesised more than 20 substances.

Нашрга доц. Л. Камолов тавсия этган

SYNTHESIS OF BENZO-21-CROWN-7 AND THE INFLUENCE OF SUBSTITUENTS ON ITS COMPLEXING PROPERTIES


**Boymurodov B.M., Yusupova F.Z., Beknazarova M.O.,
Choriyev A.U. (QarSU)**

Key words: *benzo-21-crown-7, pseudorotaxane, self-sorting, supramolecular chemistry, template.*

Mechanically interlocked structures [1–3] are attractive to chemists not only because they are aesthetically appealing but also due to their potential applications in molecular machines and

smart materials [4–6]. Although a few covalent templates are known, their synthesis most often makes use of noncovalent templates [7–10], for which quite a number of different binding motifs are available that make the synthesis of many diverse and complex interlocked structures possible. Among these, the threaded interaction of secondary ammonium ions with larger crown ethers is a prominent example [11–14]. Recently, Huang and co-workers reported that the macrocyclesize for forming pseudorotaxane can be reduced to only 21 atoms, namely benzo-21-crown-7 [15] (C7; Scheme 1) and pyrido-21-crown-7 [16], which could still slip over a secondary dialkylammonium ion when one of the alkyl groups is a narrow alkyl chain. By using this binding motif, the so far smallest [2] rotaxane consisting of only 76 atoms and having a molecular weight of not more than 510 Da was synthesized by Chiu and co-workers [17]. More recently, we applied C7 together with dibenzo-24-crown-8 (DB24C8) to the construction of a four component self-sorting system based on the fact that C7 cannot pass over a phenyl stopper group at the end of a dialkylammonium axle, while DB24C8 can [18]. This system was further extended to construct more complex multiply interlocked structures by using the strategy of integrative self-sorting [19] which ensures programmability and positional control of all distinct subunits present in the complexes. Along this line, more diverse and complex supramolecular structures could be obtained when suitable instructions are written into the structures of their components. Modification of crown ethers and their secondary ammonium guests allows variation of their binding properties and enables them to be incorporated into more complex assemblies [20]. In this respect, benzocrown ethers are more preferable than their aliphatic analogs due to the easy-to-achieve substitution on the benzene ring. One prerequisite for the generation of more complex supramolecular architecture based on such ammonium crown binding motifs is the efficient synthesis of the building blocks. Here we report on attempts to improve the synthesis of C7 and the preparation of substituted derivatives. Two synthetic routes, one which utilizes a templating cation and one which does not involve a template, are compared. Finally, the effects of substituents on the crown ether binding behavior are examined to lay the basis for a more precise control over the assembly of future complex assemblies.


Synthesis of C7. Several synthetic procedures for C7 have been explored systematically under phase-transfer conditions by Lukyanenko et al. [20]. Among them, intramolecular macrocyclization via monotosylate **1** generated in situ gives rise to the highest yield (68 %). To test the efficiency of intramolecular ring closure in the absence of phase-transfer catalysis, we synthesized the monotosylate **1** which is then used in a separate macrocyclization (Scheme 1).



Disappointingly, only 24 % yield was achieved for the synthesis of C7 from **1**. A second fraction of 31 % turned out to be a mixture of C7's bigger homologues **2-(n)** ($n = 1-7$). There are two reasons responsible for the relatively low yield: (i) the initial concentration (90 mM) of **1** is too high, favoring polycondensation over the intramolecular macrocyclization; the sodium ion originating from the NaH used as the base is not an appropriate template for C7 [21]. Meanwhile, the low yield and long procedure discourage the application of intramolecular macrocyl-


zation to the synthesis of C7's derivatives. Therefore, an alternative procedure with improved efficiency was sought. The synthetic procedure with catechol and hexa (ethylene glycol) ditosylate (3) (Scheme 1) is advantageous since they are commercially available or easily prepared from commercially available materials. However, under phase-transfer conditions, this procedure gives C7 in a relatively low yield (22 %), which is not acceptable for synthesizing complex C7 derivatives. Huang et al. modified this procedure by introducing KPF₆ as a template, which increased the yield to 69 %. Nevertheless, we found it difficult to cleanly separate the KPF₆ salt from C7 during the reaction workup, since their complex dissolves well in organic solvents (e.g. CDCl₃, ethylacetate). This can be attributed to the quite high hydrophobicity of the PF₆⁻ anion. Instead, KBF₄ was found to be a very good template which gives a satisfying yield (70 %) and could be completely removed after column chromatography. This was further supported by the application to the synthesis of 4 (yield: 62 %).

Characterization of higher crown oligomers 2-(n). The signals in the ¹H NMR spectra of 2-(n) (Figure 1e) appear at almost exactly the same position as those of C7 (Figure 1c). The broadening of the signals is the only indication that the sample contains more than just C7. Consequently, it is difficult to distinguish the larger oligomers from C7 by simple ¹H NMR experiments. In the corresponding ESI mass spectra, the ionization efficiency is quite low. Some of the major components can be observed easily, but minor products are hard to detect. Therefore, we added charged guest 5-H•PF₆ (Scheme 2)




to the mixture to (i) detect signal shifts in the NMR spectra characteristic for the formation of complexes and (ii) to facilitate the ionization of the crown ether oligomers as ammonium complexes. This guest will furthermore provide straightforward evidence for the formation of crown ethers larger than C7, because the phenyl group in 5-H•PF₆ is too bulky to thread through the cavity of C7. Complex formation thus immediately indicates that the crown ether must have a larger cavity than C7. As seen in Figure 1b, the spectra of the equimolar mixture of 5-H•PF₆ and

C7 is the simple superimposition of their individual spectra (Figure 1a, Figure 1c). However, addition of 5-H•PF₆ to the fraction containing the larger oligomers 2-(n) caused shifts of all signals for both of guest and host indicative of complex formation (Figure 1d, Figure 1e).



From these experiments, we can conclude that crown ethers larger than C7 have formed, but the composition of the fraction containing 2-(n) is still not yet clear. From the structure of the starting material 1, dibenzo-42-crown-14 (2-(1)) is certainly the most likely candidate, but even larger structures cannot be ruled out yet.

To further elucidate the structure of 2-(n), ESI-MS experiments were performed with the mixture of the second crown ether fraction and 5-H•PF₆. To our surprise, a broad series of several peaks evenly spaced by a distance of $\Delta m = 356$ amu was observed in the ESI mass spectrum (Figure 2).



Considering that [5-H]⁺ does not simultaneously form complexes with several C7 crown ethers, this peak distribution can only be assigned to a series of macro cycles with different sizes ranging from dibenzo-42-crown-14 (2-(1)) up to heptabenzocrown-168-crown-56 (2-(7)). Although the peak intensity does not necessarily reflect the solution composition quantitatively, the mass spectra indicate 2-(1) – 2-(4) to be the major components in the mixture, while the larger crown ethers are likely present only in trace amounts. Since we are focusing on C7, no attempt was made to separate the larger crown ethers by more sophisticated methods such as HPLC.

In summary, two procedures have been explored for the synthesis of C7. The one with catechol and hexa (ethylene glycol) ditosylate as starting materials and KBF₄ as template turned

out to be a quite efficient synthetic pathway allowing easy introduction of a variety of substituents by choosing the appropriate catechol building block. In addition, two guests 5-H•PF₆ and 6-H•PF₆ are found to be very useful for the characterization of C7 and its homologues on the basis of the fact that C7 could not pass over phenyl group. Modifications of C7 and secondary dialkylammonium guests significantly alter the binding ability. Replacing a benzyl stopper on the axle by an anthracenyl methyl group even changes the binding mode: Formation of C-H•••O hydrogen bonds is hampered for the methylene group between the anthracene and the ammonium. Compared to DB24C8, the complexing property of C7 is more susceptible to modification probably because the smaller macrocycle is more or less rigidified after complexation with secondary dialkylammonium, thus weakening its adjustability. This has to be taken into account if one desires to construct more complex inter-locked assemblies by using C7 and secondary dialkylammonium ions as building blocks in the future.

Experimental

General Methods. All reagents were commercially available unless explicitly stated and used without further purification. 1,2-Bis{2-[2-(2-hydroxyethoxy)ethoxy]ethoxy}benzene, 5-H•PF₆ and 6-H•PF₆ were synthesized according to literature procedures. Solvents were either employed as purchased or dried prior to use by usual laboratory methods. Thin-layer chromatography (TLC) was performed on aluminum sheets coated with silica gel 60/F254 (Merck KGaA). The plates were inspected by UV light, and if required, developed in I₂ vapor. Column chromatography was performed on silica gel 60 (Merck 40–60 nm, 230–400 mesh). ¹H and ¹³C NMR spectra were recorded on Bruker ECX 400 MHz and Jeol Eclipse 500 MHz. All chemical shifts are reported in ppm with residual solvents as the internal standards, and the coupling constants (J) are in Hertz. The following abbreviations were used for signal multiplicities: s, singlet; d, doublet; t triplet; m, multiplet. Electrospray-ionization time-of-flight high-resolution mass spectrometry (ESI-TOF-HRMS) experiments were conducted on an Agilent 6210 ESI-TOF, Agilent Technologies and a Varian/IonSpec QFT-7 FTICR (Fourier-transform ion-cyclotron-resonance) mass spectrometer equipped with a superconducting 7 Tesla magnet and a micro-mass Z-spray Electrospray-ionization (ESI) ion source utilizing a stainless steel capillary with a 0.75 mm inner diameter. 2-{2-[2-(2-{2-[2-(2-Hydroxyethoxy)ethoxy]ethoxy}phenoxy)ethoxy]ethoxy}ethyl-4-methylbenzene-sulfonate (1): To a mixture of 1,2-Bis{2-[2-(2-hydroxyethoxy)ethoxy]ethoxy}benzene (5.15 g, 13.8 mmol) in THF (60 mL) and sodium hydroxide (2.2 g, 55 mmol) in H₂O (60 mL) in an ice bath was added dropwise tosyl chloride (3.2 g, 16.8 mmol) in THF (150 mL) for 2 h. The mixture was continued to stir overnight in ice bath, THF was evaporated under reduced pressure. The residue was suspended in H₂O (50 mL), extracted with CH₂Cl₂ (100 mL × 3) and then dried over anhydrous Na₂SO₄. After the solvent was removed in vacuo, the crude product was subjected to column chromatography (silica gel, eluent: ethyl acetate: hexane = 2:1) to afford a pale-yellow oil 1 (3.0 g, 41 %). ¹H NMR (400 MHz, CDCl₃, 298 K): δ (ppm) = 2.42 (s, 3H), 3.58–3.62 (m, 4H), 3.64–3.75 (m, 10H), 3.80–3.88 (m, 4H), 4.12–4.17 (m, 6H), 6.89–6.91 (m, 4H), 7.31 (d, J = 8.0 Hz, 2H), 7.78 (d, J = 8.4 Hz, 2H); ¹³C NMR (100 MHz, CDCl₃, 298 K): δ (ppm) = 21.7, 61.9, 68.8, 68.91, 68.94, 69.4, 69.89, 69.90, 70.5, 70.8, 70.9, 71.0, 72.6, 115.0, 121.8, 128.0, 129.9, 133.0, 144.9, 149.0; ESI-TOF-HRMS: m/z calcd for [M+Na] + (100 %): 551.1921, found: 551.1926; m/z calcd for [M+K] + (20 %): 567.1661, found: 567.1664.

Benzo-21-crown-7 (C7) and its homologues (2-(n)): The mixture of 1 (2.37 g, 4.5 mmol) and NaH (0.60 g, 25.0 mmol) in anhydrous THF (50 mL) was refluxed for 3 d. After cooling down to room temperature, water (100 mL) was added to quench the superfluous NaH. THF was removed under reduced pressure, and the residue was extract by CH₂Cl₂ (100 mL × 3). The organic phase was collected, dried over anhydrous Na₂SO₄, and concentrated in vacuo to give the crude product, which was isolated by column chromatography (silica gel, eluent: ethylacetate/MeOH, 100:1 to 20:1) to afford C7 [23,28] (380 mg, 24 %) and 2-(n) (490 mg, 31 %) as yellow oil. For C7, ¹H NMR (400 MHz, CDCl₃, 298 K): δ (ppm) = 3.64–3.69 (m, 8H), 3.71–3.75 (m, 4H), 3.77–3.81 (m, 4H), 3.92 (t, J = 4.6 Hz, 4H), 4.16 (t, J = 4.6 Hz, 4H), 6.87–

6.91 (m, 4H); ¹³C NMR (100 MHz, CDCl₃, 298 K): δ (ppm) = 69.3, 69.9, 70.6, 71.07, 71.13, 71.16, 114.5, 121.6, 149.0; For 2-(n), ¹H NMR (400 MHz, CDCl₃, 298 K): δ (ppm) = 3.57–3.68 (m, 12(n+1)H), 3.68–3.76 (m, 4(n+1)H), 3.79–3.87 (m, 4(n+1)H), 4.12–4.18 (m, 4(n+1)H), 6.86–6.94 (m, 4(n+1)H); ¹³C NMR (100 MHz, CDCl₃, 298 K): δ (ppm) = 68.9, 69.0, 69.1, 69.8, 69.9, 70.6, 70.66, 70.71, 70.75, 70.87, 70.89, 70.93, 71.08, 71.14, 71.17, 114.8, 115.0, 121.6, 121.7, 149.1.

Hexa(ethylene glycol) ditosylate (3): Hexa(ethylene glycol) (5.0 g, 17.7 mol) in THF (50 mL) and sodium hydroxide (4.8 g, 120 mmol) in H₂O (50 mL) was mixed in 500 mL flask. To the mixture in an ice bath was added dropwise tosyl chloride (12 g, 63 mmol) in THF (100 mL) for 2 h. The reaction mixture was stirred for another 5 h in ice bath, and THF was then concentrated under reduced pressure. The residue was suspended in H₂O (150 mL) and extracted with dichloromethane (100 mL × 3) and then dried over anhydrous Na₂SO₄. The solvent was removed in vacuo to give 3 as a pale-yellow oil (10 g, 96 %) which is pure enough for next step. ¹H NMR (400 MHz, CDCl₃, 298 K): δ (ppm) = 2.44 (s, 6H), 3.55–3.64 (m, 16H), 3.67 (t, J = 4.8 Hz, 4H), 4.14 (t, J = 4.8 Hz, 4H), 7.33 (d, J = 8.0 Hz, 2H), 7.79 (d, J = 8.0 Hz, 2H).

General procedure for synthesis of C7 KPF₆ or KBF₄ as template and 4 with KBF₄ as template: While stirring vigorously under argon atmosphere, a suspension of K₂CO₃ (2.07 g, 15 mmol) and KPF₆ or KBF₄ (7.5 mmol) in anhydrous CH₃CN (100 mL) was heated to reflux. To the suspension was added dropwise a solution of 3 (2.95 g, 5.0 mmol) and catechol or 3,4-dihydroxybenzaldehyde (5.0 mmol) in CH₃CN (100 mL) during 12 h. The resulting reaction mixture was stirred under reflux for another 3 d. Upon cooling down to ambient temperature, the suspension was filtered and washed with CH₂Cl₂ (100 mL). The filtrate was concentrated under vacuum. The residue was partitioned between CH₂Cl₂ (100 mL) and water (100 mL), and the aqueous phase was extracted twice by CH₂Cl₂ (50 mL). The combined organic phase was dried over anhydrous Na₂SO₄, and concentrated under reduced pressure to give the crude product, which was purified by column chromatography over silica gel (eluent: ethyl acetate/MeOH, from 50:1 to 20:1). For C7 (with KBF₄ as template) (1.25 g, 70 %), yellow oil, the ¹H NMR spectrum is in line with the literature and the one synthesized from compound 1; For 4 (1.20 g, 62 %), yellow oil; ¹H NMR (400 MHz, CDCl₃, 298 K): δ (ppm) = 3.63–3.69 (m, 8H), 3.70–3.75 (m, 4H), 3.77–3.82 (m, 4H), 3.91–3.97 (m, 4H), 4.18–4.24 (m, 4H), 6.95 (d, J = 8.4 Hz, 1H), 7.38 (d, J = 1.6 Hz, 1H), 7.43 (dd, J₁ = 8.4 Hz, J₂ = 1.6 Hz, 1H), 9.82 (s, 1H); ¹³C NMR (100 MHz, CDCl₃, 298 K): δ (ppm) = 69.2, 69.3, 69.5, 69.6, 70.6, 71.0, 71.05, 71.1, 71.2, 71.3, 71.4, 111.4, 112.3, 126.9, 130.3, 149.2, 154.4, 190.9; ESI-TOF-HRMS: m/z calcd for [M+K]⁺ (100 %): 423.1416, found: 423.1434.

5-[(Anthracen-10-yl)methylamino]pentan-1-ol (7): 9-Anthracenecarboxaldehyde (1.00 g, 4.9 mmol) and 5-aminopentan-1-ol (0.71 mL, 6.5 mmol) were refluxed for 24 h in a mixture of 90 mL of absolute ethanol and 60 mL of CHCl₃. After cooling down to room temperature, NaBH₄ (1.86 g, 49 mmol) was added and the resulting solution stirred at room temperature for another 24 h. The solvent was removed under vacuum. The resulting residue was treated with water and the compound was repeatedly extracted with CH₂Cl₂ (three times 50 mL). The organic phase was dried over anhydrous Na₂SO₄, and the solvent was evaporated to give the crude product, which was subjected to column chromatography over silica gel (eluent, CH₂Cl₂:MeOH, 100:1 to 20:1) to afford 7 (1.00 g, 70 %) as a yellow solid. ¹H NMR (400 MHz, CDCl₃, 298 K): δ (ppm) = 1.37–1.46 (m, 2H), 1.51–1.65 (m, 4H), 2.87 (t, J = 7.0 Hz, 2H), 3.59 (t, J = 6.4 Hz, 2H), 4.73 (s, 2H), 7.43–7.48 (m, 2H), 7.51–7.56 (m, 2H), 7.98–8.02 (m, 2H), 8.30–8.35 (m, 2H), 8.40 (s, 1H); ¹³C NMR (100 MHz, CDCl₃, 298 K): δ (ppm) = 23.5, 29.7, 32.6, 45.8, 50.4, 62.8, 124.2, 125.0, 126.2, 129.3, 130.4, 131.6; ESI-TOF-HRMS: m/z calcd for [M+H]⁺ (100 %): 294.1852, found: 294.1858. 7-H•PF₆: To compound 7 (1.00 g, 3.41 mmol) dissolved in MeOH (30 mL) was added conc. HCl to adjust pH < 2, and the solvent was then evaporated off under reduced pressure. The residue was suspended in acetone (30 mL). Saturated aqueous NH₄PF₆ solution was added until the suspension became clear. The solvent was removed in vacuo, and water

(100 mL) was added to the residue. The resulting mixture was stirred at ambient temperature overnight. The mixture was then filtered, washed with copious amounts of H₂O, and dried to give 7-H•PF₆ as a yellow solid (1.39 g, 92 %). ¹H NMR (400 MHz, CD₃CN, 298 K): δ (ppm) = 1.36–1.44 (m, 2H), 1.46–1.54 (m, 2H), 1.69–1.78 (m, 2H), 3.25–3.34 (m, 2H), 3.48 (t, J = 6.2 Hz, 2H), 5.23 (t, J = 6.2 Hz, 2H), 7.58–7.64 (m, 2H), 7.70–7.76 (m, 2H), 8.14–8.19 (m, 2H), 8.30–8.34 (m, 2H), 8.74 (s, 1H); ¹³C NMR (100 MHz, CD₃CN, 298 K): δ (ppm) = 23.4, 26.2, 32.3, 44.9, 49.9, 62.0, 122.0, 124.2, 126.6, 128.6, 130.4, 131.8, 132.3; ESI-TOF-HRMS: m/z calcd for [M-PF₆] + (100 %): 294.1852, found: 294.1852.

References

1. Sauvage, J.-P.; Dietrich-Buchecker, C. O., Eds. *Molecular Catenanes, Rotaxanes and Knots*; Wiley-VCH: Weinheim, Germany, 1999.
2. Stoddart, J. F.; Colquhoun, H. M. *Tetrahedron*, 2008, 64, 8231–8263.
3. Stoddart, J. F. *Chem. Soc. Rev.* 2009, 38, 1521–1529.
4. Balzani, V.; Credi, A.; Raymo, F. M.; Stoddart, J. F. *Angew. Chem., Int. Ed.* 2000, 39, 3348–3391.
5. Stoddart, J. F., Ed. *Molecular Machines Special Issue In. Acc. Chem. Res.* 2001, 34, 409–522.
6. Feringa, B. L., Ed. *Molecular Switches*; Wiley-VCH: Weinheim, Germany, 2001.
7. Schalley, C. A.; Vögtle, F.; Dötz, K.-H., Eds. *Templates in Chemistry I. Top. Curr. Chem.* 2004, 248, 1–260.
8. Schalley, C. A.; Vögtle, F.; Dötz, K.-H., Eds. *Templates in Chemistry II. Top. Curr. Chem.* 2005, 249, 1–349.
9. Broekmann, P.; Dötz, K.-H.; Schalley, C. A., Eds. *Templates in Chemistry III. Top. Curr. Chem.* 2009, 287, 1–255.
10. Schalley, C. A.; Illigen, J. *Templated Synthesis of Interlocked Molecules. In Bottom-up Nanofabrication: Supramolecules, Self-Assemblies, and Organized Films*; Ariga, K.; Nalwa, H. S., Eds.; American Scientific Publishers: Valencia/USA, 2009.
11. Kolchinski, A. G.; Alcock, N. W.; Roesner, R. A.; Busch, D. H. *Chem. Commun.* 1998, 1437–1438.
12. Gibson, H. W.; Yamaguchi, N.; Hamilton, L.; Jones, J. W. *J. Am. Chem. Soc.* 2002, 124, 4653–4665.
13. Huang, F.-H.; Jones, J. W.; Gibson, H. W. *J. Org. Chem.* 2007, 72, 6573–6576.
14. Wu, J.; Leung, K. C.-F.; Stoddart, J. F. *Proc. Natl. Acad. Sci. U. S. A.* 2007, 104, 17266–17271.
15. Zhang, C.-J.; Li, S.-J.; Zhang, J.-Q.; Zhu, K.-L.; Li, N.; Huang, F.-H. *Org. Lett.* 2007, 9, 5553–5556.
16. Zhang, C.-J.; Zhu, K.-L.; Li, S.-J.; Zhang, J.-Q.; Wang, F.; Liu, M.; Li, N.; Huang, F.-H. *Tetrahedron Lett.* 2008, 49, 6917–6920.
17. Hsu, C.-C.; Chen, N.-C.; Lai, C.-C.; Liu, Y.-H.; Peng, S.-M.; Chiu, S.-H. *Angew. Chem.* 2008, 120, 7585–7588. *Angew. Chem., Int. Ed.* 2008, 47, 7475–7478.
18. Jiang, W.; Winkler, H. D. F.; Schalley, C. A. *J. Am. Chem. Soc.* 2008, 130, 13852–13853.
19. Jiang, W.; Schalley, C. A. *Proc. Natl. Acad. Sci. U. S. A.* 2009, 106, 10425–10429.
20. Bogaschenko, T.; Basok, S.; Kulygina, C.; Lyapunov, A.; Lukyanenko, N. *Synthesis* 2002, 2266–2270.
21. Ostrowicki, A.; Koepp, E.; Vögtle, F. The “cesium effect”: Syntheses of medio- and macrocyclic compounds. *Top. Curr. Chem.* 1992; Vol. 161, pp 37–67.

РЕЗЮМЕ

Бензо-21-краун-7 синтези учун иккита усул текширилди. Андоза сифатида KBF₄ билан [1+1] макроцикланиш жараёни андозасиз интрамолекуляр макроцикланишдан кўра самаралироқ эканлиги аниқланди.

РЕЗЮМЕ

Проверены два метода синтеза бензо-21-краун-7. Определено, что [1+1] макроциклизация с KBF₄ в качестве матрицы эффективнее, чем интрамолекулярная макроциклизация без матрицы.

SUMMARY

Two procedures for the synthesis of benzo-21-crown-7 have been explored. The [1+1] macrocyclization with KBF₄ as the template was found to be more efficient than the intramolecular macrocyclization without template.

Recommended for publication by dots. L. Kamolov

2-KARBOKSIMETILAMINOXINAZOLON-4 VA UNING d-METALLAR BILAN KOORDINATSION BIRIKMALARI

Yakubov E.Sh., Beknayev N.M (QarDU)

Tayanch soʻz va iboralar: *elektrodonor atom, xinazolon-4, tautomerik holatlar, d-metallar, karboksimetilaminoxinazolon-4, metakvolon, ortonol, motonol, IQ-spektri, EPR-spektri, g-faktorlar, bidentat birikish, deformatsion tebranishlar.*


Hozirgi kunda biologik faol boʻlgan, tuzilishi va xossalari jihatidan katta farq qiladigan, oʻzida elektrodonor atomlar tutgan hamda koordinatsion birikmalar hosil qilishga moyil boʻlgan koʻplab organik va anorganik ligandlar mavjud boʻlib, ularning eng muhim sinflaridan biri xinazolon-4 va uning hosilalari hisoblanadi.

Xinazolon-4 va uning hosilalari qatorida gerbitsid, fungitsid, bakteritsid va farmakologik xususiyatlarni namoyon qiluvchi koʻplab faol birikmalar aniqlangan. Masalan, 2-metil-xinazolon-4 nerv sistemasini tinchlantiruvchi, haroratni tushiruvchi dorivor preparat sifatida metakvolon va ortonol yoki motonol nomi bilan tibbiyotda ishlatilmoqda. Karboksimetilaminoxinazolon-4 paxta viltiga qarshi, uning kompleks birikmalari esa bugʻdoy zang kasalliklariga qarshi, nematod chuvalchanglariga qarshi 80–100 foiz faol ekanligi aniqlangan.

2- Karboksimetilaminoxinazolon-4 (KMAX) – oq kristall modda boʻlib, spirtida erimaydi.

2- Karboksimetilaminoxinazolon-4 tarkibida uchta azot va ikkita karbonil guruhi tutganligi uchun faol kompleks hosil qiluvchi ligand hisoblanadi.

U tarkibida harakatchan vodorod boʻlganligi uchun bir qancha tautomerik holatlarda boʻlishi mumkin [1:136]:




2-Karboksimetilaminoxinazolon-4 molekulasida manfiy zaryadlarni lokallashtirishda ishtirok etuvchi beshta reaksiyon markazi mavjud boʻlganligi uchun murakkab, polidentat ligand hisoblanadi [2:457].

Kompleks birikmalarni hosil qilish reaksiya sharoitiga va markaziy atomning kompleks birikma hosil qilish tabiatiga bogʻliq holda, ligand tarkibidagi donor guruhlarining har xil koordinatsiyaga uchrashi, qanday fazoviy tuzilishli kompleks birikma hosil boʻlishi va liganddagi biologik faollikning oshishi, kamayishi yoki yangi biologik xususiyatlarni namoyon qilishi ham nazariy, ham amaliy jihatdan katta ahamiyatga egadir.

Maʼlumki, biologik faol boʻlgan organik birikmalar tarkibida biometallarning kiritilishi ularni nafaqat zararli tomonlarini kamaytiribgina qolmasdan, balki koʻpgina hollarda biologik faolligini oshiradi yoki yangi biologik xususiyatlarni namoyon qiladi. Shuning uchun yangi, yuqori effektli biopreparatlarni sintezlash va ularni zamonaviy usullar yordamida oʻrganish hozirgi kunda dolzarb hisoblanadi.

2-Karboksimetilaminoxinazolon–4 ni metanoldagi suspenziyasiga 1:1 hamda 1:2 nisbatlarda ishqor taʼsir ettirilib, 2-karboksimetilaminoxinazolon–4 ga nisbatan eruvchan boʻlgan mono va dikaliyli hamda natriyli tuzlarini olish mumkin:



2-Karboksimetilaminoxinazolon–4 ni monokaliyli tuzini metanoldagi eritmasiga mis (II) va rux tuzlarini metanoldagi eritmasidan qoʻshib, aralashtirganimizda metanolda kam eruvchan yashil rangli $\text{CuX}\cdot\text{KMAX}\cdot 2\text{H}_2\text{O}$ ($\text{X}=\text{NO}_3, \text{CH}_3\text{COO}$) kompleks birikmalari va oq rangli $\text{ZnX}\cdot\text{KMAX}\cdot\text{H}_2\text{O}$ ($\text{X}=\text{Cl}, \text{NO}_3$) kompleks birikmalari hosil boʻladi. Bu birikmalarda 2-karboksimetilaminoxinazolon–4 bir asosli anion koʻrinishida birikadi.

Kompleks birikmalarning IQ-spektrida $-\text{HNCOOCH}_3$ radikali va xinazolon-4 ga tegishli $\nu(\text{C}=\text{O})$ ni 1740 va 1690 cm^{-1} sohalardagi yutilish chiziqlarini pastki sohalarga siljishi kuzatildi. Xuddi shunday $\nu(\text{NH})$ ni 3210 va 1950 cm^{-1} sohalardagi yutilish chiziqlari esa kuzatilmadi. $\text{CuX}\cdot\text{KMAX}\cdot 2\text{H}_2\text{O}$ kompleks birikmalarini IQ-spektrida kompleks tarkibiga kiruvchi suv molekulariga $\nu(\text{OH})$ tegishli keng yutilish chiziqlarini 3200 cm^{-1} va kuchsiz yutilish chiziqlarini 3400 cm^{-1} sohada namoyon boʻlishi kuzatildi. Nitrat va atsetat ionlariga tegishli kuchsiz yutilish chiziqlarini koʻrishning imkoni boʻlmadi.


$\text{CuNO}_3\cdot\text{KMAX}\cdot 2\text{H}_2\text{O}$ kompleks birikmasi tarkibidagi nitrat ionlarini kuchsiz deformatsion tebranishlariga, $-\text{NH}$ guruhiga tegishli va valent tebranishlariga ν_3 tegishli keng yutilish chiziqlari 3210 cm^{-1} da kuzatildi. Nitrat ionlarini qolgan yutilish chiziqlari (ν_2 va ikkinchi ν_3) kuzatilmadi.

$\text{CuCH}_3\text{COO}\cdot\text{KMAX}\cdot 2\text{H}_2\text{O}$ kompleks birikmasidagi $\nu_{\text{as}}(-\text{O}-\text{C}=\text{O})$ va $\nu_{\text{s}}(\text{O}-\text{C}=\text{O})$ larga tegishli kuchsiz yutilish chiziqlari 1590 va 1385 cm^{-1} sohalarda namoyon boʻldi. Adabiyotlardan maʼlumki, $\Delta\nu=\nu_{\text{as}}-\nu_{\text{s}}$ farq 205 cm^{-1} ga teng ekanligi atsetat ionlarini metall bilan monodentant birikayotganligidan dalolat beradi.


$\text{CuX}\cdot\text{KMAX}\cdot 2\text{H}_2\text{O}$ kompleks birikmalarini EPR-spektrlari oʻxshash boʻlib, g -faktorlar ($g_{\text{II}} < g_{\text{I}}$) metallni d_z^2 holatda ekanligini koʻrsatadi.

Kompleks birikmalarning IQ-spektrlarida uchinchi holatdagi $\nu(\text{NH})$ ga tegishli yutilish chiziqlarini 3210 va 1950 cm^{-1} sohalarda yoʻqolib ketishi hamda $\nu(\text{C}=\text{O})$ larga tegishli yutilish chiziqlarini pastki sohalarga siljishi markaziy ionni 2-karboksimetilaminoxinazolon–4 bilan uchinchi holatdagi azot va toʻrtinchi holatdagi kislorod orqali, toʻrt halqali metallosikl hosil qilgan holda bidentat birikayotganligini koʻrsatadi.


Olingan maʼlumotlarga asoslangan holda, kompleks birikmalarning tuzilish formulasini quyidagicha ifodalash mumkin:



ZnX·KMAX·H₂O kompleks birikmalarini IQ-spektri misli kompleks birikmalarning IQ-spektrlariga juda o'xshash bo'lib, KMAX rux metalli bilan uchinchi holatdagi azot va to'rtinchi holatdagi kislorod orqali to'rt halqali metallosikl hosil qilib, bidentat birikayotganligini ko'rsatadi. Kompleks birikmalarning IQ-spektrida kompleks tarkibiga kiruvchi suv molekulariga $\nu(\text{OH})$ tegishli keng yutilish chiziqlarini 3200 cm^{-1} va kuchsiz yutilish chiziqlarini 3400 cm^{-1} sohalarda namoyon bo'lishi kuzatildi.




2-Karboksimetilaminoxinazolon-4ni dikaliyli tuzini metanoldagi eritmasiga mis(II) va kobal't(II) tuzlarini metanoldagi eritmasidan ta'sir ettirganimizda, to'q yashil rangli Cu·KMAX·2H₂O va qizil rangli Co·KMAX·3H₂O kompleks birikmalari hosil bo'ladi. Ushbu kompleks birikmalarda KMAX ikki asosli anion sifatida birikadi.



Kompleks birikmalarning IQ-spektrlarida $\nu(\text{NH})$ va $\nu(\text{C}=\text{O})$ ga tegishli yutilish chiziqlarining kuzatilmasligi, 3300 cm^{-1} sohada $\nu(\text{OH})$ ga tegishli yangi yutilish chiziqlarining namoyon bo'lishi hamda qo'sh bog'lar sohasida esa 1600 cm^{-1} da $\nu(\text{C}=\text{N})$ ga tegishli yutilish chiziqlarining hosil bo'lishi 2-karboksimetilaminoxinazolon-4 ni markaziy ion bilan to'rt halqali hamda olti halqali metallosikl hosil qilgan holda tridentat birikayotganligidan dalolat beradi. Co·KMAX·3H₂O kompleks birikmasining IQ-spektrida, ligandni IQ-spektrida kuzatilmagan

$\nu(\text{Co-N})$ va $\nu(\text{Co-O})$ larga tegishli yutilish chiziqlari 555 va 445 cm^{-1} sohalarda namoyon bo'lishi kuzatildi.



$\text{Cu}\cdot\text{KMAX}\cdot 2\text{H}_2\text{O}$ kompleks birikmasining IQ-spektrida esa, $\nu(\text{Cu-N})$ va $\nu(\text{Cu-O})$ larga tegishli yutilish chiziqlari 540 va 465 cm^{-1} sohalarda kuzatildi.

Sentez qilingan kompleks birikmalarning biologik faolliklari Qrimdagi O'simliklarni himoya qilish ilmiy tekshirish institutida hamda O'zbekiston Fanlar Akademiyasining Genetika institutida o'rganilganda, kompleks birikmalarning $0,001$ foizli eritmaları nematod chuvalchanglariga qarshi 100 foiz faollikni namoyon qilishi aniqlangan.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Шохидоятлов Х.М. Хиназолони-4 и их биологическая активность. – Ташкент: Фан, 1988. – 136 с.
2. Паршиев Н.А., Рахимов Р., Муфтахов А.Г. Анорганик кимё назарий асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 479 б.

REZYUME

Kobal't(II), mis(II) va rux tuzlarining 2-metoksikarbonilaminokvinazolon-4 bilan yangi 6 ta kompleks birikmalari sintez qilindi. Kompleks birikmalarning fazoviy tuzilishlari IQ- va EPR-spektroskopiyalari yordamida o'rganildi.

РЕЗЮМЕ

Синтезировано 6 новых комплексов кобальта (II), меди (II) и цинка с метоксикарбониламинохинозолоном-4. Структура комплексов идентифицирована с помощью ИК- и ЭПР- спектроскопии.

SUMMARY

6 new complexes of cobalt(II), copper(II) and zinc with 2-metoksikarbonil aminoquinazolon-4 one have been synthesised. The structure of synthesised complexes has been identified by IR- and ESR- spectroscopy.

Nashrga dots. L.Kamolov tavsiya etgan

РЕКРЕАЦИЯ ХУДУД ТУПРОҚЛАРИДАГИ ЦИАНОБАКТЕРИЯ ВА СУВЎТЛАРИ (Андижон шаҳри мисолида)

Наралиева Н.М., Мамасолиев С.Т. (АнДУ)

Таянч сўз ва иборалар: шаҳар, рекреация, цианобактерия ва сувўтлар, альгофлора, таксономик, биохилмахиллик.

Рекреация тушунчаси [1:174] яшил ҳудуднинг ичидаги табиий ёки махсус ташкил этилган аҳоли дам олиш жойи бўлган ҳудуд ҳисобланади. Рекреация ҳудуди шаҳарнинг санитария-гигиена ва ландшафтига анчагина ижобий таъсир қилади. Бу ҳудудлар маҳаллий ва хорижий сайёҳларнинг мавсумий дам олиш жойи ҳисобланади. Бундай ҳудудга келувчи кишиларнинг кўпчилиги мазкур экотузилмага ўзининг таъсирини кўрсатади. Рекреация ҳудудлари атроф-муҳит шароитларига таъсир этувчи асосий омил бўлиб тупроқнинг тепкиланиши, бунинг оқибати сифатида физикавий хусусиятлари, хусусан, зичланиши, биокимёвий ва микробиологик жараёнларда салбий ўзгаришлар содир бўлади [2:86; 4:19; 8:30]. Уфа шаҳрининг атрофларидаги тупроқлар альгофлорасини ўрганган Суханова (1996), Ижевск шаҳрида илмий тадқиқотларни олиб борган Сугачкова (2000), Новосибирск шаҳри ҳудуди тупроқлари альгофлорасини тадқиқ этган Аксёнова (2010), Красноярск шаҳри ҳудуди тупроқлари альгофлораси бўйича Артоманова (2012) ва бошқалар мазкур ҳудудларнинг тупроқларида тарқалган альгофлоранинг биологик хилма-хиллиги ҳақида илмий жиҳатдан қимматли маълумотларни келтириб ўтишган [3:22; 4:19; 7:176; 8:30]. Афсуски, Ўзбекистон бўйича шаҳар атрофи рекреация ҳудудлари бўйича етарли тадқиқотлар олиб борилмаган.

Ўрта Осиё дурдонаси бўлган Фарғона водийси, шу жумладан, Андижон вилоятининг гўзал табиати Ўзбекистондагина эмас, балки бутун Ўрта Осиё мамлакатлари аҳолиси учун машҳур. Бу ҳудуддаги аҳоли зич жойлашган шаҳарларда уларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун диққат-эътиборга молик жойлар талайгина. Андижон шаҳар рекреация ҳудудлари бир-биридан 5–10 км атрофидаги масофада жойлашган бўлиб, ўзига хос табиатига эга.

Андижон шаҳрининг рекреацион объектлари – маданий ҳордиқ чиқарадиган истироҳат боғлари, мўъжаз дендропарклари мавжуд. Жумладан, Андижон шаҳридаги Навоий номли, Боғи Бобур, “Болалар боғи”, Нодирабегим номли ва бошқа истироҳат боғлари шаҳарликлар, унинг меҳмонлари учун шинам маскан. Навоий боғидаги Амфитеатрни ўраб олган кўл 110 м² майдонни эгаллаган бўлиб, боғнинг иқлимига шинамлик бахшида этиб турибди. Андижон шаҳрида дунёнинг турли ҳудудларидан табиат шайдолари томонидан келтирилиб, ўзининг иккинчи ватанига айланган 100 га яқин турдаги манзарали дарахт ва буталар барқ уриб, ажиб манзара ҳосил қилиб ўсмоқда. Истироҳат боғларини яшил маскан сифатида бор чиройини сақлаб қолишда, ўша жой биоценози асосини ташкил этувчи тупроқдаги цианобактерия ва сувўтларни ўрганиш ҳозирги экологик шароитда муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Тадқиқот объекти ва методлари

Тупроқлардаги сувўтларнинг систематик, таксономик таркибини ўрганишда Fritsch а John (1942) нинг “тупроқ культураси” методидан [1:21] фойдаланилди (Голлербах, Штина ва бошқ.). Альгофлораси таркиби ўрганиладиган тупроқлардаги таксономик таркибни янада тўлароқ ўрганиш мақсадида “сув культураси” деб аталадиган метод ҳам қўлланилди [1:24; 5:22; 9:34; 10:86]. Бундан ташқари, Л.А.Гайсина (2008) нинг “Современные методы выделения и культивирования водорослей” услубий қўлланмасидан фойдаланилди [6:64; 7:30; 8:35].

Андижон шаҳри рекреация ҳудудларидаги истироҳат боғлари тупроқларида тарқалган цианобактериялар ва сувўтларнинг тарқалиши қонуниятлари бўйича тадқиқотлар олиб борилди. Бунинг учун ҳар бир рекреация ҳудуд деб ҳисобланган, яъни одамлар гавжум жойлардан намуналар олиниб ўрганилди. Намуналар шаҳар марказидаги истироҳат боғининг дарахтлар қалин соя берадиган жой, йўлак атрофи ва очиқ майдондаги тупроқ юзасидан 0–2 см қалинликда олинди. Таркибидаги сувўтлари ўрганиладиган тупроқ стерилланган Петри идишига солинди. Унга минералли суяқ озик қуйиб, қопқоғини ёпиб, ёруғ тушиб турадиган жойга қўйилди. Хона ҳарорати 25–30°C бўлиб, сувўтларидан ҳосил бўлган ғуборлар 10–12 кунда (баъзан эртароқ) пайдо бўлди.

Натижа ва унинг муҳокамаси

Андижон шаҳри рекреация ҳудудларидан олинган тупроқ намуналаридан 101 тур ва тур хилларига мансуб цианобактериялар ва сувўтлар аниқланди. Улар систематик жиҳатидан 5 бўлим, 8 синф, 18 тартиб, 33 оилага ва 46 туркумга мансуб. Рекреацион ҳудуд тупроқлари альгофлорасининг таксономик таркиби қуйидаги жадвалда ўрин олган.

1-жадв.


Рекреация ҳудудининг тупроқлари альгофлорасини таксономик таркиби (фоиз ҳисобида).

№	Бўлимлар	Таксонлар сони (фоиз ҳисобида)											
		синф-лар		тартиб-лар		оилалар		туркумлар		турлар		тур ва тур хиллари	
1	Cyanobacteria	1	12,5	2	11,11	8	24,24	12	26,01	32	32,65	33	32,67
2	Chlorophyta	4	50,0	9	50,0	16	48,48	19	41,3	40	40,8	39	40,59
3	Xanthophyta	1	12,5	4	22,2	4	12,12	7	15,21	13	13,26	13	12,87
4	Eustigmatophyta	1	12,5	1	5,5	1	30,3	2	4,34	4	4,08	4	3,96
5	Bacillariophyta	1	12,5	2	11,1	4	12,12	6	13,0	9	9,18	10	9,9
6	Жами	8	100	18	100	33	100	46	100	98	100	101	100

Бўлимлар бўйича *Cyanobacteria* 32,67 фоиздан иборат. Сувўтлар орасида *Chlorophyta* 40 тур ва тур хилларидан иборат бўлгани ҳолда 40,59 фоизни ташкил қилди. Бу иккита бўлим альгофлорада 72 тур билан 73,26 фоиз дан иборат. *Xanthophyta* 13 тур билан 12,87 фоиз, *Bacillariophyta* 9,9 фоизни ташкил қилди. Энг кам тур (4) *Eustigmatophyta* бўлимига тегишли. Биологик хилма-хиллик синфлар кесимида (50 фоиз) *Chlorophyta* га тегишли. Тартибларга мансуб туркумларнинг сонидан ҳам *Chlorophyta* 50 фоиздан иборат. *Xanthophyta* бўлиmidан 4 та тартиб, *Cyanobacteria* ва *Bacillariophyta* 2 тадан тартибга мансуб таксонларга эга. Тартиблар бўйича *Chlorophyta* бўлими энг кўп таксонга эга бўлгани ҳолда энг кам таксон *Eustigmatophyta* бўлимига тегишли бўлди. Таксонларни оилалар бўйича хилма-хиллигида *Chlorophyta* бўлимида 16 тур билан 48,48 фоиз, *Cyanobacteria* икки марта кам (24,24 фоиз). *Xanthophyta* ва *Bacillariophyta* ҳар бири 12,12 фоиздан иборат. Туркумлар сони бўйича ҳам *Chlorophyta* энг кўп 41,3 фоизни ташкил этгани ҳолда *Cyanobacteria* 26,01 фоиз, *Xanthophyta* 15,21 фоиздан иборат. Турлар сони жиҳатидан *Chlorophyta* жами турларнинг 40,8 фоизни, иккинчи ўринда 32,65 фоиз билан *Cyanobacteria* бўлими вакиллари ташкил қилади. Ҳар бир бўлимга мансуб таксонларнинг сонидан ўзаро яқинлик йўқ. Таксонларнинг фоиз ҳисобидаги нисбатлари қуйида келтирилди.

Доминант сифатидаги турлар хилма-хил бўлиб улар 3 бўлимга мансуб: *Cyanobacteria* бўлиmidан *Lyngbya foveolatum*, *Microcoleus vaginatus*, *Phormidium autumnale*, *Ph. boryanum*, *Ph. formosum*, *Nostoc punctiforme*, *Cylindrospermum licheniforme*; *Bacillariophyta* бўлиmidан бошқаларига қиёслаганда *Hantzschia amphioxys* кўп учрайди. *Chlorophyta* бўлиmidан доминантлар қаторида *Chlamydomonas gloeoyata*, *Bracteacoccus minor*, *Chlorella vulgaris* кўп учрайди.

Рекреация ҳудудларида цианобактериялар ва сувўтларининг кўрсаткичлари
(фоиз ҳисобида)



Доминант сифатидаги турлар хилма-хил бўлиб улар 3 бўлимга мансуб: *Cyanobacteria* бўлимидан *Lyngbya foveolatum*, *Microcoleus vaginatus*, *Phormidium autumnale*, *Ph. boryanum*, *Ph. formosum*, *Nostoc punctiforme*, *Cylindrospermum licheniforme*; *Bacillariophyta* бўлимидан бошқаларига қиёслаганда *Hantzschia amphyoхus* кўп учрайди. *Chlorophyta* бўлимидан доминантлар қаторида *Chlamydomonas gloeoyama*, *Bracteacoccus minor*, *Chlorella vulgaris* кўп учрайди.

Ҳар бир намунада *Phormidium boryanum*, *Lyngbya foreolarum*, *Hantzschia amphyoхus*, *Botrydiopsis eriensis*, *Chlamydomonas gloeoyama*, *Chlorella vulgaris* 50–90 фоиз ҳолатда қайд этилди. Олинган маълумотлар Суханова (1996), Сугачкова (2000), Аксенова (2010) Батура (2010), Ефремова (2012) фикрларига қиёсланганда бир хил қонуният аниқланди. Ўхшаш томони бўлиб, *Xanthophyta* бўлимига мансуб таксонлар тупроқдаги сувўтлар турлари орасида сув ҳавзаларидагига нисбатан биологик хилма-хиллик кўп.

Рекреация ҳудудларидан аниқланган цианобактерия ва сувўтларнинг систематик таҳлилида турлар сони кўплиги жиҳатидан *Cyanobacteria* бўлимидан *Nostocales* 17 тур ва тур хиллари билан биринчи ўринда бўлса, *Oscillatoriales* 16 тур билан иккинчи ўринда. *Chlorophyta* бўлимидан *Volvocales* 12 тур билан учинчи ўринда келмоқда.

2-жадв.

Рекреация ҳудудларида тарқалган турлар сони кўп бўлган тартиблар

№	Тартиблар	Даражаси	Турлар сони	Ҳисса (фоиз)
1	Nostocales	1	17	17
2	Oscillatoriales	2	16	16
3	Volvocales	3	12	12
4	Chlorococcales	4	9	9
5	Naviculales	5	8	8
6	Mischococcales	6	7	7
7	Chlorellales	7	5	5

Рўйхатдаги дастлабки 3 тартиб 45 тур билан аниқланган жами турларнинг ярмидан бироз камроғини (44,55 фоиз) ташкил қилди. Бу тартибларнинг турлари ҳудуддан аниқланган жами (101) турларнинг 74 фоиз миқдори яъни $\frac{1}{4}$ қисмини ташкил этган ҳолда, қолган 11 тартиб 36 фоиздан иборат. Олинган маълумотлар юқорида қайд этилган

тадқиқотчиларнинг рақамлари билан қиёслаганда ўхшашлик жиҳатлари кўп эканлиги аниқланди. Турлар орасида ҳаётий шакли жиҳатидан ипсимон тузилишга эга бўлганлари ҳам кўп.

Бу ҳудудлардан аниқланган таксонларни оилалар бўйича таҳлилида 33 тадан дастлабки 10 таси 10-3 турни жамлаган. Оилалар рўйхатида дастлабки *Chlamydomonadaceae* 12 ва *Nostocaceae* 11 тур билан биринчи ва иккинчи ўринда. Дастлабки 5 оила 48 тур таксонни жамлаб 48 фоизни, 10 оила эса 68 турдан иборат бўлган ҳолда 67,32 фоиздан иборат. Рўйхатдаги дастлабки 5 оиланинг ҳар бири ўртача 9,6 дан 10 оила эса 6,8 турдан иборат. 33 оиланинг ҳар бири ўртача 3,1 турга эга.

3-жадв.

Рекреация ҳудудларида тарқалган турлар сони кўп бўлган оилалар

№	Оилалар	Даражаси	Турлар сони	Жами турлардан (фоиз ҳисобида)
1	<i>Chlamydomonadaceae</i>	1	12	12
2	<i>Nostocaceae</i>	2	11	11
3	<i>Pseudoanabenaceae</i>	3	9	9
4	<i>Phormidiaceae</i>	4,5	8	8
5	<i>Pleurochloridaceae</i>	4,5	8	8
6	<i>Chlorococcaceae</i>	6	5	5
7	<i>Eustigmatocaceae</i>	8	4	4
8	<i>Klebsormidiaceae</i>	8	4	4
9	<i>Stichococcaceae</i>	10	3	3

Туркумларга мансуб таксонларнинг сони 46 та. Бир туркумга ўртача 2,19 тур тўғри келади. Туркумлар рўйхатида 8 туркум 4 таксондан 12 тагача ўз ичига олган. *Chlamydomonadaceae* туркуми 12 тур ва тур хилига эга. Иккинчи ўринда *Phormidiaceae* 9 турни жамлаган. Ҳар иккала туркум жами турларнинг 1/5 қисмини 20,8 фоиздан иборат. Рўйхатдаги дастлабки 4 туркум 32 турни жамлаган 31,68 фоиз. Кейинги 4 туркумнинг ҳар бири 4 тадан турга эга.

4-жадв.


Рекреация ҳудудларида тарқалган турлар сони кўп бўлган туркумлар

№	Туркумлар	Даража	Турлар сони	Жами турлардан (фоиз ҳисобида)
1	<i>Chlamydomonas</i>	1	12	12
2	<i>Phormidium</i>	2	9	9
3	<i>Lyngbya</i>	3	6	6
4	<i>Pleurochloris</i>	4	5	5
5	<i>Cylindrospermum</i>	5-9	4	4
6	<i>Nostoc</i>	5-9	4	4
7	<i>Luticola</i>	5-9	4	4
8	<i>Chlorococcum</i>	5-9	4	4

Қолган туркумлар 1–3 турга эга. Жами туркумлардан 29 таси монотуркум ҳисобланади, 63 фоизни ташкил қилади.

Рекреация ҳудудларида тарқалган 101 тур ва тур хилларининг ҳаётий кўринишларида бир хужайрали *Xanthophyta* ва *Chlorophyta* бўлимига мансуб бўлган турлари ҳамда ипсимон цианобактериялар кўплиги билан характерланади. Ҳар бир экобиоформанинг тарқалиши уларнинг сони ҳисобланганда бу ҳудуддан аниқланган цианобактериялар ва туپроқ сувўтларининг экобиоформаси қуйидаги кўринишга эга:

Рекреация ҳудудида тарқалган сувўтларнинг ҳаётӣ кўринишларини динамикаси



Рекреация ҳудудида цианобактериялар ва сувўтлар турларининг экотоп жиҳатидан тақсимланиши

Намуналарда аниқланган цианобактерия ва тупроқ сувўтлари турларининг сони учта рекреация ҳудуди очик майдонидан олинган намуналарда биологик хилма-хиллиги кўпроқ эканлиги аниқланди. Бу ҳудудлар улардаги фототрофларнинг ҳаёти ва ривожланиши учун қулай шароит яратган, деган ҳулосага келинди. Мазкур жойлардан аниқланган турлар орасида *Bacillariophyta* бўлимидан *Hantzschia amphioxys*, *Nitzschia palea*, *Navicula palliculasa*, *Xanthophyta* бўлимидан *Plurochloris commutata*, *Xanthonema exilie* *Chlorophyta* бўлимидан – *Chlamydomonas gleogama f. himicola*, *Chlorococcum humicola*, *Coccomyxa dispar*, *Chlorella terricola*, *Pleurococcus vulgaris*, *Stichococcus minor*, *Cyanobacteria* бўлимидан *Gloeocapsa minor*, *Phormidium autumnale*, *Ph. foreolarum*, *Euglena terricola* кўп учради. *Bacillariophyta* бўлимига мансуб таксонлардан, уларнинг орасида рангсиз паллалар кўп учради. Бу тупроқнинг кимёвий таркиби ҳамда турнинг биологик хусусиятлари билан боғлиқ [10:87]. Истироҳат боғларининг йўлаклари атрофидаги тупроқларда тарқалган диатом сувўтлар мутахассисларнинг маълумотларига кўра (Ефремова, 2012) кўпроқ яхши ёритиладиган жойларда кўп тарқалган [10:88]. Дарахтлар остида сояли жойларнинг тупроқларида сувўтлар таксонларининг биологик хилма-хиллиги камроқ. Бундай ҳолатга ёруғликнинг етишмаслиги, шу билан бирга, истироҳат боғига келган одамлар томонидан тупроқнинг тепкиланиши таъсир кўрсатган. Бундай жойларда тупроқларнинг зичлиги ортиб кетишга салбий таъсир қилган бир хужайрали монад ва коккоид тузилишли *Chlorophyta* ва *Xanthophyta* бўлимларига мансуб таксонларнинг биологик хилма-хиллиги камайиши ҳисобига рўй берган.

Истироҳат боғларидаги очик майдонларда тарқалган фототрофларнинг популяцияси ўртача $1,0 \pm 0,1$ млн. хужайраларни ташкил этиб улардан цианобактериялар 70 фоизга, диатомлар 30 фоизга яқин кўрсаткични ташкил қилади. Дарахтлар остидан олинган намуналарда ўртача 0,2 млн. хужайралардан, йўлаклар ёнидан олинган намуналарда $2,1 \pm 0,3$ млн. хужайралардан иборат бўлган ҳолда цианобактериялар популяцияни 80 фоиз, диатомлар 20 фоиз атрофида эканлиги аниқланди.

Рекреация ҳудудларининг очик жойлар, дарахтларнинг таги, йўлак ёнидаги тупроқларда тарқалган цианобактериялар ва сувўтлар флораси систематик таркибидаги бўлимларга мансуб таксонлар сони аниқланди. Унга кўра учта рекреация ҳудудининг очик майдонларидан аниқланган турларнинг сони ўзаро яқин 50–54 турни ташкил этади. Дарахтларнинг тагидаги тупроқларда 41–43 турдан, йўлаклар ёнидаги тупроқларда 32–35 турдан иборат бўлган ҳолда сариқяшил сувўтлардан 9 тур аниқланди.

Рекреация хуудларидаги истироҳат боғлари тупроқларининг цианобактерия ва сувўтлар таксонларни сони, фоизи

№	Бўлимлар	Навий истироҳат боғи					
		очиқ жойлар		дарахт таги		йўлак ёни	
		сони	фоиз	сони	фоиз	сони	фоиз
1	Cyanobacteria	22	40,74	13	30,23	11	31,43
2	Chlorophyta	18	33,33	12	27,9	10	28,57
3	Bacillariophyta	12	22,22	10	23,25	10	28,57
4	Xanthophyta	8	14,8	6	13,95	4	11,43
5	Eustigmatophyta	4	7,4	2	4,65	-	-
6	Жами	54	100	43	100	35	100

1-жадв. (давоми)

№	Бўлимлар	Боғи Бобур					
		очиқ жойлар		дарахт таги		йўлак ёни	
		сони	фоиз	сони	фоиз	сони	фоиз
1	Cyanobacteria	21	41,17	12	27,27	9	28,12
2	Chlorophyta	17	33,33	11	25,00	11	34,37
3	Bacillariophyta	11	21,57	10	22,72	8	25,00
4	Xanthophyta	8	15,68	9	20,45	4	12,5
5	Eustigmatophyta	4	7,84	2	4,54	-	-
6	жами	51	100	44	100	32	100

1-жадв. (давоми)

№	Бўлимлар	Нодирабегим						жами
		очиқ жойлар		дарахт таги		йўлак ёни		
		сони	фоиз	сони	фоиз	сони	фоиз	
1	Cyanobacteria	20	40,0	12	29,27	10	31,25	22
2	Chlorophyta	17	34,0	10	24,39	12	35,3	18
3	Bacillariophyta	11	22,0	8	19,5	8	23,53	12
4	Xanthophyta	8	16,0	9	21,95	4	11,76	9
5	Eustigmatophyta	4	8,0	2	4,88	-	-	4
6	Жами	50	100,0	41	100,0	34	100,0	65

Хулоса. Шундай қилиб, рекреация хуудининг умумий хусусиятлари сифатида қуйидагилар қайд этилди:

1. Цианобактериялар ва тупроқ сувўтларининг биологик хилма-хиллиги юқори даражада (101 тур);

2. Биологик хилма-хилликни асосан *Cyanobacteria* ва *Chlorophyta* бўлимларига мансуб таксонлар ташкил қилади. *Xanthophyta* ва *Eustigmatophyta* бўлимларининг вакиллари жами турлар сонининг 17 фоизни ташкил этади, холос;

3. Турлар ва тур хиллари сони кўп бўлган оилалар ичида *Chlamydomonadaceae*, *Nastocaceae*, *Phormidiaceae* юқори ўринда туради;

4. Биологик спектрида Х-Р ва Ch ҳаётий формалари бошқа формалардан кўп қайд этилди;

5. Рекреация хуудларида аниқланган цианобактерия ва тупроқ сувўтлари орасидаги биологик хилма-хиллик ҳамда хужайраларининг сони жиҳатидан турлича кўрсаткич-

ларга эга эканлиги худуд жойлашган ўрни ёритилиши, намлик даражаси, антропоген омил таъсири турлича бўлиши билан боғлиқ. Шу билан биргаликда, очиқ майдонлар тупроқларида бошқа жойдаги тупроқларга таққосланганда биологик хилма-хиллик юқори.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Голлербах М.М., Штина З.А. Почвенные водоросли. – Л., 1969. – 228 с.
2. Голлербах М.М., Штина З.А. Экология почвенных водорослей. – М., 1976. – 141 с.
3. Суханова Н. В. Почвенные водоросли городских экосистем: автореф. дис. ... канд. биол. наук. – Уфа, 1996. – 22 с.
4. Сугачкова Е. В. Влияние рекреационной нагрузки на сообщества почвенных водорослей. Автореф. дис... канд. биол. наук. – Уфа, 2000. – 19 с.
5. Кабиров Р.Р. Роль почвенных водорослей в антропогенных экосистемах // Фундаментальные исследования. биол. науки. – 2004. – № 6. – С. 22–24.
6. Гайсина Л.А. Современные методы выделения и культивирования водорослей. Учебное пособие / Л.А. Гайсина, А.И. Фазлутдинова, Р.Р. Кабиров. – Уфа: Изд-во БГПУ, 2008. – 152 с.
7. Аксенова Н. П. Урбанофлора эдафотфильных водорослей и цианопрокариот г. Ижевска. Канд.дисс... – Ижевск, 2010. – 213 с.
8. Артамонова В. С. Влияние урбанизации на микробное население почв // Водоросли и цианобактерии в природных и сельскохозяйственных экосистемах: Материалы Междунар. научно-практ. конф., посвящ. 100-летию со дня рождения проф. Э. А. Штиной. – Киров: Вятская ГСХА, 2010. – С. 30–35.
9. Кондакова Л.Р. Альго-цианобактериальная флора и особенности ее развития в антропогенно нарушенных почвах (на примере почв подзоны южной тайги европейской части России). – Сыктывкар, 2012. – 34 с.
10. Ефремова В.А. Сообщества почвенных водорослей и цианобактерий в экологической оценке городских почв (на примере г. Кирова). Канд. дисс... – Киров, 2014. – 176 с.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Андижон шаҳар рекреация худудлари цианобактерия ва сувўтларининг таксономик таҳлили, хусусиятлари, биохилма –хиллиги ҳамда турларга бойлиги ҳақидаги маълумотлар ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается таксономический анализ, свойства, биоразнообразие и разнообразие цианобактерий и водорослей рекреационных зон города Андижана.

REZUME

The article considers taxonomic analysis, properties, biodiversity and diversity of cyanobacteria and algae recreational zones in the city of Andijan.

Наишга проф. Л.Ёзиев тавсия этган

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШИДА МАЪДАНЛИ МОДДАЛАР

Умедова Ш.Н. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *нутрициология, микронутриентлар, макронутриентлар, соғлом овқатланиш, фортификациялаш, саплементация, гиподинамия.*

Маълумки, Абу Али ибн Сино ўзининг шоҳ асари – “Тиб қонунлари”да инсон организмиди учун асосий озик моддалари (оқсиллар, ёғлар, углеводлар) билан бир қаторда ичимлик суви ҳамда кўпгина унсурлар (минерал моддалар) қабул қилиниши лозимлигини таъкидлаб ўтганлар.

Ҳақиқатан ҳам нутрициологияда олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, ўсмирлар организмнинг меъёрида ўсиб ривожланиши учун истеъмол қилинадиган таомлар таркибида, макронутриентлар билан бир қаторда, микронутриентлар ёки минерал моддалар ҳам муҳим аҳамият касб этар экан. Улар организмда энергетик эга бўлмаса-да, вужудда борадиган барча тириклик жараёнлари ва моддалар алмашинувининг меъёрида кечи-

шида алоҳида аҳамиятга эга. Маъданли моддаларнинг меъёрга нисбатан кам ёки кўп бўлиши организмда у ёки бу касалликнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши диетологиядан маълум.

Адабиётларда қайд қилинишича, кейинги йилларда кишиларнинг, шу жумладан, ўқувчи ёшларнинг кўп ҳолларда минерал моддаларга бўлган суткалик талаби тўлиқ қондирилмаяпти. Бунинг асосий сабаби қилиб қуйидагиларни кўрсатиш мумкин. Биринчидан, ҳозирги пайтда истеъмол қилинадиган сув ва озиқ моддалар экологик номуносибликлар туфайли миқдор ва сифат жиҳатдан анча ўзгарган. Хусусан, озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида бўладиган керакли минерал моддалар кўп ҳолларда камайиб, айрим зарарлилари эса кўпайиб кетмоқда. Иккинчидан, кишиларнинг кундалик сарф қиладиган умумий энергияси гиподинамия (камҳаракатлик) туфайли пасайганлиги боис истеъмол таомларининг шунга мос ҳолда камайтирилиши улардаги минерал моддаларнинг тегишли ҳолда озайиб кетишига олиб келади.

Ўсмир организмнинг минерал моддаларга бўлган талаби катта ёшли одамларга нисбатан юқорироқ бўлганлиги боис, ушбу маъданли моддалар улар кундалик таомлари таркибида зарур миқдорда бўлиши мақсадга мувофиқдир. Тадқиқотлар хотира ва диққатни жамлаш билан боғлиқ муаммолар, ёмон кайфият, баъзи сурункали касалликлар кўпинча истеъмол таомлари таркибида айрим маъданли моддалар етишмаслигидан келиб чиқишини кўрсатади.

БМТ нинг ҳисоботларида келтирилишича, темир, йод, витамин А, фолат кислотаси ва бошқа микронутриентлар танқислиги болалар ва ўсмирларнинг ўқиш ва ривожланишига сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатади. Чунончи, темир етишмовчилиги камқонликни келтириб чиқарса, истеъмол таомлари таркибида йод моддасининг камайиб кетиши болаларнинг ақлий ва жисмоний ривожланишдан орқада қолишига сабаб бўлади.

Юқорида қайд қилинган ноҳуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 июнда “Аҳоли ўртасида микронутриентлар етишмовчилиги тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Унда озиқ-овқат маҳсулотларини фортификациялаш, саплементация (витамин ва минераллар билан бойитиш) дастурини қўллаш, аҳоли ўртасида овқатланиш маданияти бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда баркамол авлодни шакллантириш масалаларига тегишли эътибор қаратилган.

Шуларни ҳисобга олиб, биз ўз кузатувларимизда Қарши давлат университети қошидаги 2-академик лицей ўқувчиларининг амалдаги овқатланишини ўрганишни мақсад қилиб олдик. Тадқиқотлар 17–18 ёшли ўғил (24 нафар) ва қиз (26 нафар) болалар (50нафар)да анкета сўров усулида олиб борилди. Кузатувлар 2016 йилнинг куз ва қиш мавсумида ўтказилди.

Олинган натижалар Windows XP операцион тизимининг Microsoft Excel дастурида қайта ишланди.

Қуйидаги жадвалларда ўқувчиларнинг маъданли моддалар билан таъминланиши ҳақида маълумотлар берилган.

1-жадв.


Куз мавсумида академик лицей ўқувчиларининг маъданли моддалар билан таъминланиши

Минерал моддалар	Ўғил болалар			Қиз болалар		
	Меъёр	Натижа	Фарқи (фоиз ҳисобида)	Меъёр	Натижа	Фарқи (фоиз ҳисобида)
Калций, мг	1200	986	-18	1200	943,5	-21
Фосфор, мг	1800	1704	-5	1800	1355	-25
Темир, мг	15	21,4	+43	18	24,4	+36
Йод, мкг	150	113,8	-24	150	109,7	-27

СанПиН №0250-08., Т, 2008 материаллари бўйича 1-жадвалда куз мавсумида ўқувчиларнинг минерал моддалар билан таъминланиши баён қилинган. Кўриниб турганидек, ўғил болаларнинг минерал моддалардан калцийга бўлган талаби (1200 мг) бор-ўғи 986 мг га қондирилган (18фоиз га кам). Қиз болаларда ҳам бу кўрсаткич меъёр талабидан сезиларли даражада кам бўлиб, 1200 мг ўрнига 943,5 мг ни ташкил этади (21фоиз га кам). Агар ўғил болалар сутка давомида қабул қилиниши керак бўлган 1800 мг фосфор ўрнига 1704 мг истеъмол қилган бўлсалар (5фоиз га кам), қиз болаларнинг фосфорга бўлган талаби (1800 мг) атиги 1355 мг га қондирилган (25фоиз га кам). Йодга бўлган суткалик эҳтиёжнинг қондирилмаслиги янада яққолроқ намоён бўлади, яъни ўғил болаларда 150 мкг ўрнига 113,8 мкг (24фоиз га кам), қиз болаларда эса 109,7 мкг қабул қилинган (27фоиз га кам). Биз ўрганган элементлардан фақат темиргина меъёрга нисбатан сезиларли даражада кўп қабул қилинган (ўғил болаларда 60фоиз га, қиз болаларда 36 фоиз га). 1–2-расмларда жадвалда изоҳланган маълумотлар график равишда (фоиз ҳисобида) келтирилган.


1-расм.

17–18 ёшли ўғил болаларнинг кунлик истеъмол таомлари таркибидаги минерал моддалар миқдори (фоиз ҳисобида)



2-расм.

17–18 ёшли қиз болаларнинг кунлик истеъмол таомлари таркибидаги минерал моддалар миқдори (фоиз ҳисобида)




**Қиш мавсумида академик лицей ўқувчиларининг маъданли
моддалар билан таъминланиши**

Кўрсаткичлар	Ўғил болалар			Қиз болалар		
	Меъёр	Натижа	Фарқи фоиз	Меъёр	Натижа	Фарқи фоиз
Кальций, мг	1200	876,6	-27	1200	788	-34
Фосфор, мг	1800	1405	-22	1800	1164	-35
Темир, мг	15	20,9	+39	18	22,4	+24
Йод, мкг	150	98,7	-34	150	92,3	-38

2-жадвалда қиш мавсумида ўқувчилар устида ўтказилган натижалар қайд қилинган. Унда 1-навбатда кўзга ташланадиган ҳолат ҳар иккала гуруҳ ўқувчиларининг кунлик таомлари таркибидаги биомикронутриентлар бўлимиш минерал моддаларнинг қарийб ҳаммасининг меъёрга нисбатан сезиларли даражада камлиги кўзга ташланади. Ушбу ҳолатни кузатувлар январ ойида ўтказилганлиги ва бу даврда истеъмол таомлари таркибида маъданли моддаларнинг камайиб кетиши билан изоҳлаш мумкин.

**17–18 ёшли ўғил болаларнинг кунлик истеъмол таомлари
таркибидаги минерал моддалар миқдори (фоиз ҳисобида)**




Текширилувчилардан, айниқса, ўқувчи қизларнинг овқатида маъданли моддаларнинг юқорида қайд қилинганидек, кам бўлиши, табиийки, уларнинг ўсиши, ривожланиши, сиҳат-саломатлиги ҳамда фанларни ўзлаштиришига салбий таъсир кўрсатади. Чунки бу ёшдаги ўсмирлар организмида моддалар ва энергия алмашинуви жараёнлари анча жадал кечиб, ушбу ҳолат уларнинг озиқ моддаларга бўлган талабини оширади.

Хулоса ўрнида шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, академик лицей ўқувчиларининг кунлик истеъмол таомлари таркибидаги аксарият минерал моддаларнинг миқдори меъёр даражасига мос келмайди. Ушбу ҳолат ўқувчи ёшларнинг меъёрий ўсиб-ривожланиши, фанларни мақсадга мувофиқ тарзда ўзлаштириши ҳамда ақлий ва жисмоний фаолиятларига тегишли даражада салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бунинг олдини олиш мақсадида биринчи навбатда лицей ўқувчиларининг соғлом овқатланиш ҳақидаги саводхонлигини янада ошириш, нотўғри овқатланишнинг зарарли оқибатлари ҳақида тегишли тушунтириш ишлари олиб бориш ва шу каби амалий тадбирларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бир қаторда ўқувчи ёшларнинг уйда ва таълим муассасаларида овқатланишида қайд қилинган микронутриентларнинг етарли даражада мав-

жудлиги ота-оналар, мураббийлар ҳамда раҳбарлар эътиборида бўлиши алоҳида ўрин эгаллайди.

4-расм.

17–18 ёшли қиз болаларнинг кунлик истеъмол таомлари таркибдаги минерал моддалар миқдори (фоиз ҳисобида)



Фойдаланилган адабиётлар

1. Методические рекомендации по вопросам изучения фактического питания и состояния здоровья населения в связи с характером питания / Зайченко А.И., Волгарев М.Н., Бондарев Г.И и др. – Москва. 1986. – 86 с.
2. Химический состав пищевых продуктов: Книга 1: Справочные таблицы содержания основных пищевых веществ и энергетической ценности пищевых продуктов / Под ред. проф., д-ра техн. наук И.М. Скурихина, проф., д-ра мед. наук М.Н. Волгарева – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: ВО Агропромиздат, 1987. – 224 с.
3. Павлоцкая Л.Ф., Дуденко Н.В., Эйдельман М.М Физиология питания, – М., 1989.
4. Смоляр В.И. Рациональное питание. – Киев: Наукова Думка, 1991. – 368 с.
5. Дорохина М.А., Скалозуб Л.С., Роговая А.Л. Организация питания школьников в сельской местности. – М.: Экономика, 1991. – 127 с.
6. Сорока Н.Ф Питание и здоровье. – Минск, 1994. – 340 с.
7. Нормы физиологических потребностей в пищевых веществах и энергии для различных групп населения Узбекистана: СанПиН №0035-95. – Ташкент, 1995. – 23 с.
8. Тутельян В.А, Спиршев В.Б., Суханов Б.П., Кудашева В.А Микронутриенты в питание здорового и больного человека. – Москва: Колос, 2002. – 29 с.
9. Глобальная стратегия по питанию, физической активности и здоровью. ВОЗ. – Женева, 2004. – 18 с.
10. Қурбонов Ш.Қ. Овқатланиш маданияти. – Тошкент: Маънавият, 2005. – 209 б.
11. Ўзбекистон Республикаси аҳолиси турли гуруҳларининг озиқ моддалар ва энергияга бўлган физиологик талаб меъёрлари. СанПин-0250-08. Шарипова ва бошқалар. ТТАУФ. – Тошкент, 2008.
12. Диетология (руководство) Под ред. А.Ю.Барановского. Питер, 2012. – 1022 с.

РЕЗЮМЕ

Мақолада академик лицей ўқувчиларининг куз ва қиш мавсумида овқатланишида минерал моддалар билан таъминланиши келтирилган. Олинган натижаларга кўра, ўқувчилар овқатида кальций, фосфор ва йод элементлари белгиланган меъёрга нисбатан кам учрайди.

РЕЗЮМЕ

В статье изложены материалы по обеспечению минеральными веществами учащихся академических лицеев в осенне-зимний период. Результаты исследований показывают, что в питании учащихся содержание кальция, фосфора и йода меньше нормы.

SUMMARY

In clause is stated materials on maintenance to elements of learning academic Liceums per autumn and winter months. Results show, that in a meal of the learning contents of elements kalsium, fosforium and iodium are less than norm.

Наишга проф. Ш.Курбонов тавсия этган

СТЕВИЯ (*STEVIA REBAUDIANA* BERTONI) ЎСИМЛИГИНИ ЎРГАНИШ ТАРИХИ

Бегматов А.М., Шарипов А.Э. (ТерДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *stevia*, *стевиозид*, *ўт ўсимлик*, *интродукция*, *фармацевтика*, *озик-овқат саноати*.

Ҳозирги кунда жамиятимизнинг жадал ривожланиш босқичида аҳоли фаровонлигини ошириш учун ўсимлик хом-ашёларида озик-овқат, фармацевтика, тиббиёт соҳаларида унумли фойдаланиш масалаларини ҳал қилиш долзарбдир. Шу боис фойдали хусусиятга эга бўлган ёввойи ўсимликларни маданийлаштириш, интродукция қилиш ва янги навларини яратиш бўйича республикамиз олимлари изчиллик билан илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар.

Stevia rebaudiana Bertoni-кўп йиллик ўт ўсимлик бўлиб *Asteraceae* оиласига мансуб. Бу ўсимликнинг ватани Парагвай ҳисобланиб, маҳаллий аҳоли 1500 йилдан ортиқроқ вақт давомида ундан фойдаланиб келмоқда. Жанубий Американинг тропик минтақасига мослашган бу ўсимликнинг баргида 6–7 фоиз стевиозид моддаси мавжуд. У истеъмол қилинадиган шакларга нисбатан 200–300 маротаба ширин бўлса-да паст калория беради, қувват манбаига эга эмас [1], [4]. Ҳозирги вақтда 15 дан ортиқ давлатлар (АҚШ, Англия, Франция, Япония, Хитой, Жанубий Корея, Канада, Россия, Украина ва бошқалар) *S. rebaudiana* ни кўпайтириб, қандолатчилик, ширин ичимликлар, парҳез таомлар, консервалар ва дори-дармон тайёрлашда кенг микёсда фойдаланиб келмоқдалар [5].

Ўсимликни италиялик табиатшунос олим Моэзис Сантиого Бертони 1887 йилда аниқлаган. 1899 йилда ботаника журналида (Асунсьонда) Парагвайлик кимёгар Rebaudi шарафига ўсимлик янги тур сифатида *Eupatorium rebaudianum* Bertoni деб эълон қилинди. Кейинчалик 1905 йилда ўсимлик *Stevia* туркумига киргизилди ва *Stevia rebaudiana* Bertoni деб номланди [7]. *Stevia* сўзи XVI асрда яшаган испан врачлари Esteve номига берилган. 1901 йилларда Парагвайнинг пойтахти Асунсьонда Британия элчиси бўлган К. Гозлингнинг ёзишича, Гуарани ҳиндулари бу ўсимликни «каа-ехе» деб атаган бўлиб, «ширин ўт» ёки «асал барг» маъносини билдирган. Шунингдек, ўсимликнинг бир нечта маҳаллий номлари: *Stevia*, *Sweet, leaf of Paraguay*, *caa-he-ee*, *kaa jhee*, *ca-a-jhei*, *ca-a-yupi*, *azucasa*, *eiraca*, *carim dose*, *erva dose*, *sweet-herd*, *honey leaf*, *yaa waan*, *candy leaf* лар мавжуд. *S. rebaudiana* ёввойи ҳолда Парагвайнинг тоғли ҳудудларида, Rio Monday водийсининг 25–26°ли жанубий кенглигида дарё ўзанларига яқин қумли тупроқда ўсади. Табиий ўсимлик захиралари денгиз сатҳидан 300 метр баландликда ҳам учрайди [9]. *Stevia* туркумининг 300 га яқин тури бўлиб, фақатгина битта *S. rebaudiana* нинг поя ва баргларида кўп микдорда ширин моддалар мавжуд [2], [3]. *Stevia cav.* кўп йиллик ўт ёки чала бута бўлиб, бўйи паст, Парагвай ва Бразилияда ўсади. 1930 йилгача бу ўсимликка илмий кизиқиш сезиларли даражада кузатилмади. 1931 йилда Н.И. Вавилов Жанубий Америкадаги бу қимматли ўсимлик ер устки қисмининг ширинлиги ва шифобахшли хусусиятларига эътибор қаратди. У кейинчалик Бутунитифок ўсимликшунослик институтига (ВИР) *S. rebaudiana* нинг уруғини жўнатди, лекин институтнинг тажриба майдонида уруғлар унвчанлигини йўқотганлиги учун униб чиқмайди. 1971 йил Хитой олими Тей-Фу-Чен Парагвайга илмий сафар уюштириб, ўз юртига *S. rebaudiana* уруғини олиб келган. Хитой дав-

латида бу интродуцент ўсимликка қизиқиш билан қаралди ва тезда маҳсулот ишлаб чиқариш билан бирга биологиясига ҳам катта эътибор берилди [10], [11]. Бошқа ҳудудларда ҳам ўсимликнинг илмий жиҳатларини ўрганиш бошланди. Жумладан, Бразилия флорасида ҳам *Stevia* нинг 15 тури жанубий ва жануби-шарқий штатларда Риу-гранди-ду-сул (РГС), Санта катарина (СК), Парана (П), Сан паулу (СП), Минас-жерайс (МЖ), Рио-де-жанейро (РДЖ), Гвиана (Г) да ўсиши аниқланган:

1. *Stevia harinensis* (СК)
2. *Stevia cinerascens* (РГС, П, СП, МЖ.)
3. *Stevia collina* (РГС, СК, П, СП, МЖ., Г)
4. *Stevia crenulata* (П, МЖ)
5. *Stevia cruziana* (РГС, СП,)
6. *Stevia dubia* (РДЖ)
7. *Stevia gardneriana* (П, СП, Г)
8. *Stevia involucrata* (РГС, СК, МЖ)
9. *Stevia lundiana* (РГС, СК, СП, МЖ, П)
10. *Stevia ophryophylla* (П, МЖ, СП)
11. *Stevia saturejaefolia* (РГС, П)
12. *Stevia Selloi* (СК, П)
13. *Stevia pohliana* (П, МЖ)
14. *Stevia rabandiana* (МЖ)
15. *Stevia veronicae* (РГС, СК, П, СП, РДЖ, МЖ, Г)

Бразилияда *Stevia* туркуми бўйича аниқлагич, уларнинг қисқача морфологик тавсифи, тарқалиш харитаси, йиғилган жойлари ва сақланган гербарий намуналари тўғрисида илмий маълумотлар мавжуд.

Япония мутахассисларининг тадқиқотларида эса Парагвайдан янги олинган *S. rebaudiana* уруғларининг унувчанлиги юқори – 80 фоизга тенг бўлган. Интродукция қилинган айрим ҳудудларда *S. rebaudiana* ни генератив даврга ўтиши кузатилмоқда.

Бошқа ҳудудлардаги каби Украинада ҳам В.И. Стефанюк раҳбарлигида *S. Rebaudiana* нинг кимёвий, биологик ва дориворлик хусусиятлари, иқлим омиллари таъсирида ўсиши ва ривожланиши, гуллаши ва уруғ ҳосил қилиши, гликозид билан эстевиолнинг биокимёвий ва физиологик хусусиятларини солиштириб ўрганиш бўйича ҳам натижалар олинган. М.М. Коробова (2000) маълумотига кўра, лаборатория шароитида 4-5 кундан кейин 4-6 фоиз уруғ униб чиққан [6]. Жумладан, Украина очик дала шароитида *S. rebaudiana* сентябрь–октябрда, баъзан бир нечта ўсимликлар июль – августда гуллаган. Бир туп ўсимликда гуллаш давомийлиги 1,5–2,0 ойга чўзилиб, ялпи гуллаш ҳаво ҳарорати 7–9°C да кузатилган. Бундай паст ҳарорат шароитида *S. rebaudiana* муртагининг жуда секин ривожланиши ва оқибатда уруғнинг тўлиқ пишиб етилмаслиги аниқланган.

Ўсимликни иқлимлаштириш мақсадида, Украинадаги қанд лавлаги (УААН) институтида 17 йил давомида ўсимликнинг биологияси ўрганилган. Кўп йиллик илмий натижалар асосида, *S. rebaudiana* ни турли тупроқ-иқлим шароитидаги мосланувчанлигини эътиборга олиб, уни Закарпатье, Қрим, Ғарбий Грузия, Латвияда ҳам ўстириш мумкинлиги тўғрисида тавсиялар берилган. Украинанинг ўрмон-дашт шароитида уруғ етилмасдан қолганлиги, баъзи йилларда эса ўсимлик учун очик дала шароитидаги муҳит қулай бўлганда юқори унувчанликка эга бўлган уруғ олиш мумкинлиги кузатилган. Кейинги йилларда кўпчилик интродукция қилинган давлатларда (иссиқхона шароити) уруғ олиш тажрибалари, шунингдек, биостимуляторлар таъсирида ҳам уруғ олиш тадқиқотлари давом эттирилмоқда. Украинада *S. rebaudiana* нинг совуққа чидамлик даражаси ҳам синопсис кўрилган. Махсус камераларда ўсимлик 5–7 соат давомида -5°C да сақланганда тирик қолган, бироқ -5°C да 12 соат ушлаб турилганда эса ўсимлик нобуд бўлганлиги аниқланган. Украинанинг ўрмон дашт зонасида *S. rebaudiana* нинг йўғон илдизлари сони 32–155


тагача етганлиги кузатилган. Ўсимликнинг илдизлари сони, масалан, *in vitro* да 64 тадан 155 тагача, яшил куртаклардан кўпайтирилганда эса 32-55 тагача ҳосил бўлган.

1970 йилда экспедиция вақтида Испаниядан ўсимликнинг кўчатлари Никита Ботаника боғига (Главный Никитский ботанический сад, г. Ялта, Қрим) олиб келинди. Кейинчалик А.А. Чеботарь бу ўсимликнинг гуллаш биологиясини шу шароитда ўрганган. Олинган натижаларга кўра, Қримнинг жанубий қисмида ўсимликнинг октябрь ва ноябрь ойларида гуллаши, ҳамда чангчи гулларнинг етилиши ва чангдоннинг ёрилиши ёпиқ гулда амалга ошиши этироф этилган. Эркак (чангчи) археспорасидан кўп қаторли (қаватли) нормал тетрада шаклланиб, микроспоралари симультанли ва тетрадаларда тетраэдрал тарқалиши, етилган чанг донаси уч хужайрали, сунъий озуқа муҳитида чанг донаси униб чиқмаслиги аниқланган. Тугунчада анатроп, бир қаватли, тенуинуцелятли уруғкуртак мавжуд бўлиб, ундаги муртак халтаси нормал типда шаклланганлиги, шу билан бирга уруғчи тумшукчасининг ҳаётчанлиги 9–12 кунни ташкил этганлиги текширилган [12]. Бошқа ҳудудда, яъни Қримда етиштирилган диплоид *S. rebaudiana* да барг узунлиги 7–8 см, эни 3–4 см, тетраплоидда эса тегишли равишда 8,3 см ва 4,3 см бўлган. Шу шароитда етиштирилган *S. rebaudiana* баргининг морфологик тузилиш шаклига кўра 8 хил гуруҳ: энли ёки энсиз, чўзилган, эллипссимон, ромбсимон, тухумсимон, ланцетсимон, айлана-симон бўлиши аниқланган [7].

Интродукция қилинган кўпчилик ҳудудларда *S. rebaudiana* ни (ватанига нисбатан) йиллик ҳаво ҳарорати паст бўлган шароитда ўстириш муаммо ҳисобланади. Россияда 1987–1989 йилларда ўсимлик илдизини совуқдан сақлаш бўйича бир қанча тадқиқотлар ўтказилган. Бунинг учун *S. rebaudiana* кўчатларини йиғиштиришдан олдин касал ва кучсиз ўсганлари ташлаб юборилиб, соғлом ўсимликлар ажратиб олинган. Барг ҳосилини йиғиштириб олиш учун ўрилганида 5 см узунликда новдаси қолдирилган. Кейин илдиз секинлик билан қазиб олиниб, бир қават қилиб ёғоч ёки пластмасса қутичага жойлаштирилган.

Стевианин барг ва поя таркибидаги стевиозид миқдорини ўрганиш бўйича ҳам тадқиқотлар ўтказилган. Француз кимёгарлари Ж. Бридел ва Д. Лавел *S. rebaudiana* барги таркибидаги кристалл оқ модда «Стевиозид» нинг 5 фоизга тенглигини аниқлашган. 1952 йилда АҚШ нинг Мэриленд штати Бетаста шаҳридаги «Жамоа соғлиғи хизмати» институти филиалида стевиозид молекуласининг мураккаблиги ва унинг 7 фоизга тенг бўлганлиги аниқланган.

1954 йилдан *S. rebaudiana* Япония иссиқхоналарида етиштирила бошланган. 1970 йилда профессор Т. Сумида Японияда ўсимликнинг экин майдонини кенгайтиришга муваффақ бўлади. Япониянинг қишлоқ хўжалик, тиббиёт ва бошқа илмий текшириш институтларидаги 60 га яқин лабораторияларда илмий изланишлар олиб борилган. Японияда 1980 йилда энг кўп миқдорда *S. rebaudiana* барги ҳосили тўпланиб, 190 тонна миқдорда стевиозид экстракти олинган. Бу миқдор дунё бўйича 41 фоизни ташкил этганлиги сабабли, стевиозиддан озиқ-овқат ва денгиз маҳсулотлари, ширин ичимликлар, печенье ва нон маҳсулотлари, музқаймоқ, шунингдек кока-кола ичимликларига қўшиб ишлатиш бошланган. Дунё бўйича *S. rebaudiana* барги таркибидаги стевиол гликозид кимёвий формуласининг қуйидагича тузилиши аниқланган: Молекуляр формуласи $C_{38}H_{60}O_{18}$.



S. rebaudiana 1987 йилдан Канаданинг Онтория шаҳрида ўстирила бошланди. Бу ишлар доктор С. Cheng бошчилигида олиб борилди. Канада қишлоқ хўжалигида илмий марказ (Delhi) ташкил қилинган. Парвариш қилинган майдондан 2000–3000 кг/га қуруқ барг хом ашёси олиниб, стевиозид миқдори 15–20 фоизга етказилган. Барглари 24 соатдан 48 соатгача 40°C, 50°C да махсус жойда қуритилган. Ўсимликнинг новда ва барглари ажратилиб, биомассани махсус қутиларга жойлаштириб, технологик жараёнлар давом эттирилган. Канадада *S. rebaudiana* фермер хўжаликларида парвариш қилинади. Барча ишлар техникалаштирилган, ҳаттоки кўчатларни эгатларга ўтқозиш, ўғит бериш, ўсимликни ўриб олиш ва бошқалар техника воситаларида амалга оширилади.

Россия давлат илмий-тадқиқот институти (Всероссийский научно-исследовательский институт свекла и сахара) Воронеждан 35 км узоқликда жойлашган бўлиб, бу ерга *S. rebaudiana* нинг «Раменская сластена» нави келтирилган. Далаларда *S. rebaudiana* нинг ушбу нави ўстирилиб, унинг иссиқсевар ва совуққа чидамсизлиги аниқланган ҳамда Краснодар ўлкасида экиш тавсия қилинган. Дунё миқёсида *S. rebaudiana* нинг барг ва поя хомашёсини етиштириш, ундан тайёр маҳсулот олиш йўлга қўйилган. Масалан, Японияда йилига 1000 тонна *S. rebaudiana* нинг қуритилган барг биомассаси тўпланади, натижада экин майдоннинг ҳажми 200 гектарга етказилган.

Доривор ўсимликлардан олинадиган маҳсулотлар табиийлиги билан ажралиб туради. 1997 йил Москва шаҳрида «Лис-В» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси *S. rebaudiana* маҳсулотидан озик-овқат, фармацевтика, тиббиётда фойдаланиш ва қандли диабет касалини даволаш мақсадида ташкил қилинди.

1995 йилдан бошлаб АҚШнинг Калифорния штатида, Парагвайдан (табиий ареали) 18 та ўсимлик намуналарини олиб келиб тажрибалар ўтказилган. Тадқиқотда ўсимлик вегетациясининг якунида (бир марта ўрим қилинган) 920 г/м² қуруқ ер устки массаси олинган. АҚШ да ҳозирги вақтда *S. rebaudiana* ўсимлигидан фойдаланиб, турли хил озик-овқат маҳсулотларини тайёрлаш (пишириклар, торт, печенье, ширин ичимликлар, майонез, коктейль, шўрва, балиқ маҳсулоти) ва бошқа маҳсулотларни тайёрлаш услуги, ишлатилиши бўйича ўнлаб китоблар нашр қилинган. АҚШ бозорида *S. rebaudiana* нинг 1 кг қуруқ барги 340 доллар, 1 кг суяқ концентрати 306 доллар ва 1 кг концентранган экстракт таблеткалари 4990 долларда баҳоланади.

Ўзбекистонга *Stevia rebaudiana* ниҳоллари биринчи марта 1987 йилда профессор Г.Е. Шмараев томонидан Парагвайдан Ўзбекистон Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтига олиб келинган эди, улар бу даргоҳда вегетатив йўл билан иссиқхона ва очик дала шароитида ўстириш йўллариини ўрганишган. Ўзбекистонда эса 1995 йилда Тошкент вилояти шароитида ЎЗР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти тажриба майдончасида *S. rebaudiana* дан уруғ олиш мақсадида ёруғлик режимини ўзгартириб, махсус тажрибалар ўтказилган. Бунинг учун Ж.Ю. Турсунов (1997 йил) маслаҳати асосида май ойининг ўрталарида эгатларга кўчириб ўтказилган кўчатларнинг ўсиш ва ривожланиш жараёнида куннинг ёруғлик давомийлиги 8 соатга қисқартирилган [8]. Ўсимликнинг баландлиги 23–35 см бўлиб, соат 18° дан эрталаб соат 9° гача интродуцентнинг устидан қора рангли плёнка ёпиб қўйилган. Ўсимликни сунъий равишда қисқа кунга ўтқозиш унинг фаол ўсиш фазасидан (июль ойининг охири) бошланиб, то ўсимликда ғунчалаш бошлангунча, яъни 10–15 кун давом эттирилган. Ўтказилган тажриба натижасига кўра, ўсимликнинг уруғи сентябрь ойининг охирида пишиб етила бошлаганлиги аниқланган. Тошкент вилояти шароитида пишиб етилган уруғлар вақти-вақти билан териб олинган ва ўртача 40–50 кг/га сифатли уруғ олиш мумкинлиги тўғрисида маълумотлар берилган.

Ўзбекистоннинг Тошкент ва Сурхондарё вилояти шароитида парвариш қилинган *S. rebaudiana* нинг микроспорогенези Н. Ходжаева ва Д. Раҳимова томонидан ўрганилган бўлиб, олинган натижаларнинг юқоридаги келтирилган илмий маълумотларга ўхшашлиги таҳлил этилди. Тадқиқот натижаларига асосланиб, Тошкент шароитида етиштирилган

S. rebaudiana ning mikроспорогенези ва чангчи деворининг ривожланиши бўйича қуйидагича хулосалар чиқарилган:

–чангдон *S. rebaudiana* да тўрт уяли, унинг девори 4 қаватли, етилган чангдон эпидермис ва фиброз қаватдан тузилган.

–тапетум периплазмодийли типда, микроспорогенез бир вақтда (симультанно) ўтади, тетрадали микроспораси тетраэдрикли.

– етилган чанг уч ҳужайралидир.

Сурхондарё вилояти шароитида илк марта кўп йиллик *S. rebaudiana* ни етиштириш мақсадида тадқиқотлар ўтказилди. ЎзМУ ва ТошДАУ илмий ходимлари томонидан олинган илмий натижаларга асосланиб, “Стевия ўсимлигини уруғидан етиштиришнинг асосий агротехникаси” номли қўлланма нашр қилинди.

Биринчи марта Тошкентдан 1994 йил май ойида 50 туп *S. rebaudiana* кўчатлари Музработ тумани, Қизил олма участкасига олиб келинди, яъни интродукция қилинди. Ушбу шароитдаги фенологик кузатишларни олиб бориш б.ф.н. Р. Сафарова раҳбарлигида муаллифнинг (А. Бегматовга) зиммасига топширилди ва икки йил давомида тадқиқотлар олиб борилди. Кузатиш натижаларига кўра, ўсимлик бу янги шароитда гуллади, лекин тўқ уруғлар ҳосил қилмаганлиги аниқланди.

1994 йилдан Шўрчи туманида *S. rebaudiana* ўсимлигини интродукция қилиш, иқлимлаштириш ва биотехнологиясини ишлаб чиқиш ишлари бошланди ҳамда шу йилнинг ўзида режадаги айрим илмий натижаларга эришилди. Тадқиқотга кўра, «Далварзин» жамоа хўжалиги дала шароитида *S. rebaudiana* кўчатлари қишки совуққа бардош берди ва 1995 йил сентябрь ойидан бошлаб гулга кирди ҳамда сифатли уруғ ҳосил қилди. 1995 йилда илмий тадқиқот ва дала тажриба ишларини кенгроқ йўлга қўйиш учун Сурхондарё вилояти ҳокимиятининг 1995 йил 4 декабр №335–1 сонли қарори билан Шўрчи туманида Оллоҳиёр-охун илмий-ишлаб чиқариш фирмаси ташкил қилинди. 2000 йилда бу фирманинг номи стевия экспериментал фермер хўжалиги деб ўзгартирилди, ҳозирги вақтда ҳам илмий тадқиқот ишлари шу ерда фаол давом эттирилмоқда.

Тошкент вилояти шароитида етиштирилган *S. rebaudiana* кўчатлари Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманидаги “Далварзин” жамоа хўжалигига қарашли ерга турли муддатларда олиб бориб ўтказилди. Янги иқлим шароитида партикуляция жараёнлари ҳам ўрганилди. *S. rebaudiana* ning иккинчи ва учинчи йилларида илдизнинг (каудекс) тепа қисмида жойлашган куртаклар ҳисобига 40–60 тагача ва ундан ҳам ортик қўшимча I-тартибли новдалар ҳосил бўлиши кузатилди. Партикуляция натижасида ўсган новдалар ажратилиб, кўчат сифатида далага ўтказилди. Сурхондарё шароитида ўсимлик новдасининг баландлиги 35–40 см га етганда ўриб олинди ва соя жойда докали тўшама устида қуритилиб, ҳар бир гектаридан 2,0–2,5 тонна қуруқ барг хом ашёси олинди.

Шундай қилиб, юқоридаги келтирилган адабиётлар таҳлилидан кўриниб турибдики, *S. rebaudiana* ning биоэкологик хусусиятлари Ўзбекистоннинг тупроқ-иқлим шароитида етарлича ўрганилмаган. Хусусан, Жанубий Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилояти шароитида бу интродуцентни иқлимлаштириш мақсадида унинг морфологияси, биологияси, экологияси, барг хомашёси ҳосилдорлигини ва стевиозид миқдорини тўлиқ ўрганиш зарурдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Байкабилов Б., Белолитов И. Выращивание стевии (*Stevia rebaudiana* Bertoni (Hemsl) из семян на юге Узбекистана // Биология – наука XXI века: Тез. докл. Пушкинской школы-конф. молодых ученых. – Пушино, 2003. – С. 156–157.

2. Бондарев Н.И. Влияние экзогенных регуляторов роста на каллусогенез и рост культивируемых клеток *Stevia rebaudiana* // Физиология растений. – Москва, 1998. – № 6 (3). – С. 888–892.

3. Бондарев Н.И. Состав и содержание стевииоли-гликозидов в надземных и подземных органах *Stevia rebaudiana* Bertoni и их динамика в течение онтогенеза // Физиология растений основа

фитобиотехнологии: Тез. докл. Международной научной конференции. – Пенза, 2003. – С. 379.

4. Вульф Е.В., Малеева О.Ф. Мировые ресурсы полезных растений. – Л.: Наука, 1969. – 427 с.

5. Ермаков Е.И. Особенности роста и развития растений стевии при разных световых режимах в регулируемых условиях // Доклады Россельхозакадемии. – Москва, 1996. – № 1. – С. 8–9.

6. Коробова М.М. Опыт выращивания *Stevia rebaudiana* в Ленинградской области // Биологическое разнообразие. Интродукция растений: Тез. докл. междунауч. конф. – Санкт-Петербург, 1999. – С. 387–389.

7. Семенова Н.А. Стевия – растение XXI века. – Москва: Диля, 2004. – 160 с.

8. Турсунов Ж., Мечар М., Бойқобилов Б., Бегматов А. Ўзбекистон тупроқ-иклим шароитида стевия ўсимлигини уруғидан кўпайтириш // Инновация-99: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Термиз, 1999. – Б. 39–45.

9. Brandle J.E., Roza N. Heritability for yield, leaf-stem ratio and stevioside content estimated from landrace cultivar of *Stevia rebaudiana* // Canadian Journal, 1992. – № 72. – P. 1263–1266.

10. Chang S.S., Cook J.M. Stability studies of stevioside and rebaudioside in carbonated beverages // Agriculture & Food Chemistry, 1983. – № 31. – P. 409–412.

11. Jia G.N. An experiment on the cultivation of *Stevia rebaudiana* Chinese // Shanxi Agricultural Science, 1984. – № 1. – P. 20–21.

12. Shaffert E.E., Chebotar A.A. Structure, topography and ontogeny of *Stevia rebaudiana* // Botanical Journal, 1994. – № 79. – P. 38–48.

РЕЗЮМЕ

Мақолада дунё микёсида *stevia rebaudiana* ўсимлигининг айрим биоэкологик хусусиятлари ҳақида олинган маълумотлар ёритилган. Ўзбекистон тупроқ иқлим шароитида ўсимлигининг интродукцияси, шунингдек, Сурхондарё вилоятида кўп йиллик ўсимлигининг иқлимлаштирилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

РЕЗЮМЕ

В статье освещены некоторые биологические особенности растения *stevia rebaudiana* в мировом масштабе, а также полученные данные. Также приведены сведения об интродукции растения в почвенно климатических условиях Узбекистана, а также об акклиматизации многолетнего растения в условиях Сурхандарьинской области.

SUMMARY

The article illustrates particular bio-ecological features of *stevia rebaudiana* and results of scientific information worldwide. In addition, the article presents some information on the introduction of the plant in climate and soil conditions in Uzbekistan along with some data on acclimatization of the perennial plants to Surkandarya region conditions.

ВИДОВОЙ СОСТАВ И СЕЗОННОСТЬ ПАРАЗИТИРОВАНИЯ ИКСОДОВЫХ КЛЕЩЕЙ В УЗБЕКИСТАНЕ

Абдурасулов Ш. (НПЦ МСВХ РУз)

Ключевые слова: клещи, иксодиды, нимфы, переносчики.

В последние годы особое внимание уделяется заболеваниям животных и человека, передающимся трансмиссивным путем. Среди них особое место занимают болезни, возбудители которых передаются иксодовыми клещами (Балашов Ю.С., 1998.)

Изучение видового состава, биологии и экологии иксодовых клещей является одной из существенных задач, имеющих теоретическое и практическое значение (18;19).

Значение иксодид, как переносчиков возбудителей природно-очаговых болезней животных и человека, приводится в работах (3; 7; 8; 9;13). Кроме того, многими учеными доказана способность иксодид передавать прокормителям патогенных простейших, бактерий, вирусов, риккетсий (8;15;16).

Иксодовые клещи, прикрепляясь к животным, прокалывают кожу, что ведет к выработке до 86 % кожевенного сырья. При массовом паразитировании вызывают заболе-

вание иксодидоз. При этом, молочная продуктивность у коров падает на 18–40 %, масса тела снижается до 12 % (5; 8).

Работу выполняли в лабораториях общей паразитологии Института зоологии АН РУз, в Специализированной ветеринарной лаборатории по особо опасным болезням животных ГГУВ МСВХ РУз и в хозяйствах Джизакской, Кашкадарьинской, Навоинской, Самаркандской областей и Республики Каракалпакстан с 2008 по 2017 гг.

Для определения экстенсивности и интенсивности поражения клещами осматривали животных, раздвигая шерсть в местах их локализации (шея, подгрудок, область живота, боков, паха и хвоста).

Сборы клещей производили в регионах, неблагополучных по кровепаразитарным болезням крупного рогатого скота. Кроме того, на заклещеванность были обследованы скотные дворы, выгульные площадки, места стоянки и дневного отдыха животных.

Установление видового состава, численности и сезонной динамики паразитирования клещей-переносчиков производили в апреле – октябре два раза в месяц, в марте, ноябре, декабре, январе и феврале один раз в месяц, и при этом осматривали по 30–50 голов животных.

При сборе клещей учитывали время, видовой состав, количество и стадии развития. Знание видового состава, сезонной динамики и ареала распространения иксодовых клещей в определенной зоне позволяет правильно планировать мероприятия по ликвидации клещевых очагов и осуществлять профилактические меры против кровепаразитарных болезней, в том числе анаплазмоза животных.

В результате изучения собранные клещи были отнесены к 7 видам семейства Ixodidae: *Boophilus calcaratus*; *Hyalomma anatolicum*; *H.asiaticum*; *H.detrutum*; *H.plumbeum*; *Haemaphysalis punctata*; *Rhipicephalus turanicus*.

Результаты изучения соотношения собранных видов клещей и их численности по фазам развития показали, что большое количество клещей принадлежат к видам *B.calcaratus* – 11541 экз. (25,3 %), *H.anatolicum* – 11231 экз. (18 %) и *H.detrutum* – 1155 экз. (21,8 %), *H.asiaticum* – 89 экз. (1,6 %), *H.plumbeum* – 784 экз. (14,0 %), *Haemaphysalis punctata* – 235 экз. (4,2 %) и *Rhipicephalus turanicus* – 907 (15,1 %).


Подвижные фазы *B.calcaratus* паразитировали на крупном рогатом скоте с середины июня до конца октября. Пик их паразитирования приходится на вторую декаду июня.

По нашим данным, период паразитирования *B.calcaratus* на крупном рогатом скоте во всех подвижных фазах развития охватывает время с марта по октябрь. Этот вид клещей во всех активных фазах развития в начале апреля регистрируется в небольшом количестве, затем число их резко увеличивается, образуя во второй декаде июня первый пик (наибольшее количество клещей). В июле их численность заметно снижается, особенно личинок и нимф. В дальнейшем, количество клещей снова увеличивается, образуя второй пик в третьей декаде августа. В сентябре клещи встречаются в умеренном количестве, но уже в октябре наблюдаются в единичных экземплярах.

Клещи *H.anatolicum* и *H.detrutum* встречаются широко. Они приспособились обитать в природе в более разнообразных условиях, особенно в примитивных животноводческих помещениях. Личинки паразитируют на животных с февраля по октябрь, нимфы – с марта, половозрелые клещи – круглый год с максимумом в мае–августе.

Взрослые клещи *Hyalomma* на крупном рогатом скоте паразитируют с марта по ноябрь. Сезонная динамика их паразитирования характеризуется двумя большими пиками, первый – менее выраженный, отмечается в третьей декаде июня, второй – более выраженный, наблюдается во второй декаде августа. С начала октября их количество снижается до середины ноября.

**Периоды заражения крупного рогатого скота клещами
в Джизакском вилояте.**



H. detritum больше всего встречается в долинах рек и саев, в тугаях и низинах, в пойменной части рек с обильной растительностью, реже – в предгорьях и степях. Являясь влаголюбивым видом, распространение его совпадает с ареалом *B. calcaratus*. Полный цикл развития клеща может происходить и в животноводческих помещениях, и в дувалах. Массовые заражения крупного рогатого скота регистрируются на тугайно-луговых пастбищах в орошаемых зонах и поймах рек, реже регистрируются в степной зоне по направлению к предгорьям.

В Узбекистане *H. detritum* паразитирует круглогодично (Рис. 1). Имаго появляется в мае и достигает максимума в июне–июле. В августе их численность снижается, а в сентябре–октябре встречаются единичные экземпляры, которые зимой и весной появляются крайне редко. Личинки и нимфы паразитируют с сентября по апрель, редко до мая. Часть насосавшихся нимф отпадает осенью, и зимует вне хозяина; недостаточно насосавшиеся кровью особи зимуют на теле животного и отпадают весной следующего года.

Массовое паразитирование и отпадание нимф отмечается в феврале–марте (4; 9). Во внешней среде упитанные нимфы линяют в имаго, которые через 10–15 дней нападают на крупный рогатый скот.

Личинки осенью при температуре 17–23°C питаются 8–15 дней, нимфы, присосавшиеся к хозяину – 3–9 дней. Личинки и нимфы насыщаются в течение 9–16 дней. Линьки осенних и весенних нимф в природе, как правило, происходят одновременно в мае–июне (10).

Имаго клещей присасываются в области паха, вымени, задних конечностей, брюха; личинки и нимфы – на шее, груди, подгрудке, реже – на спине и бедрах крупного рогатого скота. В Узбекистане этот клещ является одним из основных переносчиков тейлериоза крупного рогатого скота.

H. anatolicum также является распространенным в Узбекистане. Ареалы *H. anatolicum* и *H. detritum* совпадают количественно. Эти клещи в различных зонах представлены различно. В зонах равнинно-низменного типа преобладает *H. detritum*, на менее влажных равнинах и в местах с волнистым рельефом преобладает *H. anatolicum*. По данным (4), *H. anatolicum* паразитирует на предгорном ландшафте и равнинной юго-западной части Узбекистана.

Имаго *H.anatolicum* паразитирует на животных с апреля по сентябрь (Рис.1), а юные фазы – с июля по август. В отдельные годы, особенно в теплую зиму, клещи нападают на животных даже в феврале, марте.

По типу паразитирования *H.anatolicum* является треххозяинным клещом. Все три стадии развития проводит на многих видах сельскохозяйственных животных. Все же, основным прокормителем его является крупный рогатый скот. Он экологически приспособлен к скотным дворам, преобладает в предгорных ландшафтах и культурно-обжитых местах равнины.

Нимфы *H.anatolicum* и *H.detritum* являются основными переносчиками тейлериоза крупного рогатого скота в Центральноазиатских странах. При этом следует отметить, что *H.anatolicum* приносит значительно больше эпизоотического вреда, чем *H.detritum* потому, что паразитирует длительное время. Ранневесенние вспышки и поздние случаи заболеваний тейлериозом крупного рогатого скота происходят в результате заражения от клещей *H.anatolicum*. Фауна, биология и фенология клещей рода *Hyalomma* в Узбекистане изучены достаточно полно. Перенос тейлериоза крупного рогатого скота установлен в Грузии (11), в Узбекистане (4), в Таджикистане И.Г.Галузо (6), в Казахстане Л.М.Целищевой (17).

Одна из примечательных особенностей взаимосвязи *Th.annulata* и клещей-переносчиков заключается в типе циркуляции возбудителя тейлериоза в организме клеща. При этом перенос возбудителя осуществляется в пределах одной генерации клещей. Трансвариальная передача тейлерий в клещах отсутствует, что экспериментально доказано Ш.А.Абдурасуловым (1, 2).

Список литературы

1. Абдурасулов Ш. Опыты стерилизации клещей *Hyalomma anatolicum* от вирулентного штамма и инвазирования их авирулентным штаммом *Theileria annulata* // Ж. Ветеринария, 2003. – № 1. – С. 11–12.
2. Абдурасулов Ш.А., Назруллаева М.Ф., Син Е.С. Изучение реверсии штамма ТAU-219 через организм клещей-переносчиков рода *Hyalomma* // Биохилмахилликни саклаш муаммолари: тез. докл. научной конференции посвященной 100-летию академика Теша Захидова. – Ташкент, 2006. – С.13–14. Балашов Ю.С. Иксодовые клещи паразиты и переносчики инфекций. – С.-Пб.: Наука, 1998. – 285 с.
3. Благовещенский Д.И. Материалы по фауне наружных паразитов животных Казалинского и некоторых других районов Южного Казахстана. Труды КазФАН. Вып. 2. – Алма-Ата, 1937.
4. Бернадская З.М. Краткие итоги работы НИИВ по изучению иксодовых клещей Узбекистана: Сб. науч. тр. УзНИВИ, 1959. Вып.13. – С. 15–16.
5. Богородицкий А.В., Бернадская З.М. Новые переносчики крупного рогатого скота и борьба с ними: Сб.тр. УзНИВОС, 1938. Вып. X. – С. 45.
6. Галузо И.Г. К вопросу о переносчиках тейлериоза крупного рогатого скота в СССР: Сб. тр. Таджикской базы, 1935. Т. 5. – С. 24.
7. Кербабаяев Э.Б., Яременко Н.А., Катаева Т.С., Ралка И.П. Эпизоотическая ситуация по пироплазмидозам и борьба с их переносчиком // Ветеринария. – 2000. – № 6. – С. 10–13.
8. Кербабаяев Э.Б., В.Н.Шевкопляс. Роль иксодовых клещей в передаче зоонозных заболеваний (на примере Краснодарского края) // Труды Всеросс. институт гельминтологии им. К.И.Скрябина. – М, 2006. – Т. 43. – С. 121–131.
9. Куклина Т.Е. Фауна иксодовых клещей Узбекистана. Ташкент: Фан, 1976. – 145 с.
10. Лаврентьев П.А. Опыт смены пастбищ при тейлериозе крупного рогатого скота: Сб.тр. УзВИНОС, 1939. Вып. X. – С. 47–50.
11. Матикашвили Н.В. Материалы к изучению эндоглобулярных паразитов крупного рогатого скота в Грузинской ССР // Вредители животноводства. – М.: Изд. АН СССР, 1935. – С. 67.
12. Муратбеков Я.М. Биология некоторых клещей в очагах Джалангарского энцефалита: Сб. тр. Ин-та ботаники и зоол. – Ташкент: изд-во АН УзССР, 1950. Т. 2. – С. 41.
13. Павловский Е.Н. О природной очаговости инфекционных и паразитарных болезней // Вестн. АН СССР. 1939. – № 10. – С. 98 – 108.
14. Померанцев Б.И. Иксодовые клещи Ixodidae. В кн. «Фауна СССР. Паукообразные». Т. IV. Вып. 2. – М.: Изд-во АН СССР, 1950.

15. Смирнова С.Е. Крымская-Конго геморрагическая лихорадка (этиология, эпидемиология, лабораторная диагностика). – М.: АТиСО, 2007.

16. Тохов Ю.М. Иксодовые клещи на территории Ставропольского края и переносимые ими инфекции: Сборник статей специалистов государственной санитарно-эпидемиологической службы Ставропольского края «Ежегодная неделя медицины Ставрополья». – Ставрополь, 2001. – С. 136–138.

17. Целищева Л.М. Опыт переноса тейлериоза крупного рогатого скота клещами *Hyalomma* (1844): Сб.тр. КазНИВИ, 1940. Т. 4. – С. 107–111.

18. Филиппова Н.А. Таксономический состав клещей семейства Ixodidae (Acariña, Parasitiformes) в фауне СССР и перспективы его изучения // Паразитол. сб. ЗИН АН СССР. 1984. Т. 32. – С. 61–78.

19. Филиппова Н.А. Переисследование типовых серий *Hyalomma scupense* Schulze, 1918 и *H. detritum* Schulze, 1919 (Acari: Ixodidae) в связи с вопросом микроэволюции в пределах этого рода // Паразитология. 2003. Т. 37, вып. 6. – С. 455–461.

РЕЗЮМЕ

Результаты изучения соотношения собранных видов клещей и их численности по фазам развития показали, что большое количество клещей принадлежат к видам: *B. calcaratus* – 25,3 %; *H. anatolicum* – 18 %; *H. detritum* – 21,8 %; *H. asiaticum* – 1,6 %; *H. plumbeum* – 7,4 %; *Haemaphysalis punctata* – 4,2 % и *Rhipicephalus turanicus* – 15,1 %.

Подвижные фазы *B. calcaratus* паразитировали на крупном рогатом скоте с середины июня до конца октября. Пик их паразитирования приходится на вторую декаду июня. В июле их численность заметно снижается, особенно личинок и нимф. В дальнейшем, количество клещей снова увеличивается, образуя второй пик в третьей декаде августа. В сентябре клещи встречаются в умеренном количестве, но уже в октябре наблюдаются в единичных экземплярах.

Клещи *H. anatolicum* и *H. detritum* встречаются широко. Они приспособились обитать в природе в более разнообразных условиях, особенно в примитивных животноводческих помещениях. Личинки паразитируют на животных с февраля по октябрь, нимфы – с марта, половозрелые клещи – круглый год с максимумом в мае – августе.

РЕЗЮМЕ

Каналарнинг ривожланиш фазалари бўйича тўпланган материаллар таҳлили *B. calcaratus* – 25,3 фоиз; *H. anatolicum* – 18 фоиз; *H. detritum* – 21,8 фоиз; *H. asiaticum* – 1,6 фоиз; *H. plumbeum* – 7,4 фоиз; *Haemaphysalis punctata* – 4,2 фоиз ва *Rhipicephalus turanicus* – 15,1 фоиз каби турларга мансублигини кўрсатди.

B. calcaratus тури ҳаракатчан фазаларида июнь ойининг ўрталаридан бошлаб октябрь ойининг охиригача йирик шохли молларда паразитлик қилади. Паразитликнинг юқори чўққиси июнь ойининг иккинчи ярмига тўғри келади. Июль ойида уларнинг миқдори, айниқса, личинкалари ва нимфаларининг миқдори сезиларли даражада пасаяди. Кейинчалик каналарнинг миқдори яна кўпайиб, август ойининг учинчи ўн кунлигида паразитликнинг иккинчи юқори чўққисини ҳосил қилади.

H. anatolicum ва *H. detritum* каналари кенг тарқалган. Бу турлар табиатда турли хил шароитларга мослашган. Айниқса, мазкур турлар примитив чорвачилик биноларида кўп учрайди. Личинкаларини ҳайвонларда февраль ойидан октябрь ойигача, нимфалари – март ойида, жинсий вояга етган каналарни эса йил бўйи учратиш мумкин.

SUMMARY

The results of studying the correlation between the collected species of mites and their number in the developmental phases showed that a large number of mites belong to the species: *B. calcaratus* – 25.3 %; *H. anatolicum* – 18 %; *H. detritum* – 21.8 %; *H. asiaticum* – 1.6 %; *H. plumbeum* – 7.4 %; *Haemaphysalis punctata* – 4.2 % and *Rhipicephalus turanicus* – 15.1 %.

The mobile phases of *B. calcaratus* parasitized on cattle from the middle of June to the end of October. The peak of their parasitization is in the second decade of June. In July their numbers noticeably decrease, especially larvae and nymphs. In the future, the number of ticks again increases, forming a second peak in the third decade of August. In September, ticks occur in a moderate amount, but already in October are observed in single specimens.

The mites of *H. anatolicum* and *H. detritum* occur widely. They have adapted to live in nature under more diverse conditions, especially in primitive livestock buildings. Larvae parasitize on animals from February to October, nymphs – from March, mature mites – all year round with a maximum in May–August.

Рекомендовано к печати доц. Б. Рузиевым

ОСОБЕННОСТИ РОСТА И РАЗВИТИЯ НЕКОТОРЫХ ВНУТРИВИДОВЫХ ФОРМ ПШЕНИЦЫ

Кадилова Д.Н., Рахматова М.У. (ТерГУ)

Ключевые слова: *рост, развитие, внутривидовые формы пшеницы, зерно, физиологические показатели, устойчивость, урожайность.*

Процессы роста и фотосинтеза пшеницы, обуславливающие накопление биомассы и урожая, определяются в большой степени регуляцией водного режима растений в период вегетации. Недостаточная влажность сдерживает поглощение растением воды, вследствие чего замедляются рост и развитие растений. В свою очередь это приводит к дефициту воды в растениях, которые вынуждены регулировать водный режим. В связи с этим, значительный интерес представляют исследования водообеспеченности листьев в течение вегетации растений [1]. Результаты исследований показали, что формы растений на разных фазах развития отличаются по динамике содержания воды в листьях по сравнению с контролем (табл. 1).

Как установлено, наиболее интенсивный процесс обезвоживания в листьях растения происходит в конце октября – начале ноября. При этом у К-55563 х К-24596 под влиянием недостаточного водоснабжения обезвоживание листьев продолжалось вплоть до прекращения вегетации, а у остальных, менее устойчивых общее содержание воды в листьях стабилизируется в начале ноября и таким остается вплоть до зимы. Заметно различие в ходе обезвоживания листьев разновозрастных форм растений. Наиболее интенсивно этот процесс протекает у растений оптимального срока сева (5 ноября) по сравнению с поздним (20 ноября). Выявлено, что процесс вегетации и динамика водного режима у изученных форм изменялись в пределах, обуславливающих меньшее число нарушений жизненных функций растения. Следует отметить, что содержание воды в листьях не остается постоянным: оно заметно меняется по фазам развития растений. Максимальная величина оводненности листьев по сравнению с контролем и другими наблюдалась у Ф-1.

Табл. 1

Содержание воды у внутривидовых форм пшеницы в разные фазы развития, % от сырого веса

Формы, пшеницы	Кушение				Трубкование			
	общая	свободная	связанная	связанная вода свободная вода	общая	свободная	связанная	связанная вода свободная вода
Контроль	63.6 ± 1.59	30.2 ± 0.76	33.4 ± 0.81	1.11 ± 0.04	66.2 ± 1.53	32.2 ± 0.78	34.0 ± 0.82	1.06 ± 0.03
Ф-1	72.7 ± 1.75	35.6 ± 0.86	37.1 ± 0.86	1.05 ± 0.03	69.2 ± 1.73	33.0 ± 0.80	36.2 ± 0.87	1.10 ± 0.04
Ф-2	70.5 ± 1.70	34.6 ± 0.83	35.9 ± 0.83	1.04 ± 0.03	66.2 ± 1.52	32.1 ± 0.75	34.1 ± 0.85	1.07 ± 0.03
Ф-3	64.6 ± 1.60	31.5 ± 0.74	33.1 ± 0.77	1.05 ± 0.02	66.6 ± 1.56	32.2 ± 0.78	34.4 ± 0.86	1.07 ± 0.03
Ф-4	71.5 ± 1.74	36.1 ± 0.87	36.4 ± 0.84	1.04 ± 0.03	63.4 ± 1.75	31.1 ± 0.72	32.3 ± 0.78	1.04 ± 0.03
	Колошение				Налив зерна			
Контроль	64.5 ± 1.55	31.4 ± 0.73	33.1 ± 0.77	1.06 ± 0.03	53.5 ± 1.40	23.4 ± 0.54	30.1 ± 0.70	1.29 ± 0.04
Ф-1	66.6 ± 1.8	32.1 ± 0.74	34.5 ± 0.85	1.08 ± 0.03	57.4 ± 1.50	25.1 ± 0.61	32.3 ± 0.78	1.29 ± 0.03
Ф-2	65.3 ± 1.57	32.2 ± 0.74	33.1 ± 0.80	1.03 ± 0.02	55.3 ± 1.44	24.2 ± 0.56	31.1 ± 0.74	1.29 ± 0.03
Ф-3	64.5 ± 1.55	31.2 ± 0.72	33.3 ± 0.82	1.07 ± 0.03	53.5 ± 1.40	23.2 ± 0.54	30.3 ± 0.71	1.31 ± 0.03
Ф-4	60.6 ± 1.46	28.8 ± 0.67	31.8 ± 0.74	1.11 ± 0.04	54.7 ± 1.32	24.1 ± 0.56	30.6 ± 0.73	1.27 ± 0.03

Примечание: полученные значения достоверно отличается от показателей контрольного варианта при $P < 0,05$

Например, если у этой комбинации Ф-1 в фазе кущения содержание общей воды в листьях составляло 72.7 %, то в фазе трубкования – 69.2 %. Небольшое колебание содержания воды в листьях растения этой комбинации в разных фазах развития, возможно, связано с такими морфологическими особенностями листьев, как способность свертывать листовые пластинки в экстремальных условиях [2]. Важной функцией растений служит транспирация, в большей степени связанная с физиологической адаптацией растения к неблагоприятным факторам среды. В связи с этим проведена работа по исследованию изменчивости транспирации у разных форм пшеницы. Анализ полученных данных по транспирации внутривидовых форм пшеницы на разных фазах развития (табл.2) дает основание утверждать, что степень водообеспеченности различных форм растений отчетливо проявляется в фазах кущения и трубкования.

Показано, что резкий спад общей оводненности листьев растений отмечается в фазе налива зерна. В результате этого содержание воды в листьях растений не остается постоянным как в течение дня, так и в период вегетации. Следует отметить, что наименьшая оводненность для всех комбинаций отмечается в утренние часы, затем в середине дня она повышается [3]. К вечеру опять наблюдается снижение содержания воды в листьях, хотя оно не достигает уровня утренних часов. Максимальная величина оводненности листьев отмечается в апреле (фаза колошение-цветение), минимальная – в мае (фаза налива зерна). При этом наблюдается различие по показателям общей оводненности листьев растений в зависимости от форм пшеницы. В фазе трубкования в середине дня наименьшая интенсивность транспирации отмечена у комбинаций Ф-1 и Ф-3 (423,6 и 398,2 мг/г сутки сухой массы соответственно).

Табл. 2

**Интенсивность транспирации внутривидовых форм пшеницы,
в течение суток мг/ч**

Формы пшеницы	Часы				Среднее за день
	8	12	15	18	
Кущения					
Контроль	356.8±10.7	510.9±15.3	518.6±15.5	392.1±11.7	444.6±13.3
Ф-1	346.6±10.3	496.4±14.8	509.8±15.2	376.8±11.3	432.3±12.9
Ф-2	358.8±10.4	501.6±15.0	521.4±15.6	386.2±11.6	441.7±13.1
Ф-3	361.6±10.8	503.4±15.1	523.2±15.4	387.8±11.5	444.0±13.3
Ф-4	341.4±10.2	490.8±14.7	506.1±15.1	377.3±11.3	428.9±12.8
Трубкование					
Контроль	418.8±12.5	670.8±20.1	780.3±23.4	312.5±9.3	545.6±16.3
Ф-1	423.6±12.7	665.2±19.9	730.5±21.9	328.6±9.8	536.9±16.1
Ф-2	431.1±12.9	675.3±20.2	772.6±23.1	319.3±9.5	549.5±16.4
Ф-3	398.2±11.9	671.2±20.1	736.6±22.0	339.3±10.1	536.3±16.1
Ф-4	442.2±13.2	636.5±19.0	748.4±22.4	316.6±9.3	535.9±16.2
Колошения					
Контроль	936.8±28.1	946.4±28.3	968.8±28.9	542.3±16.2	848.5±25.4
Ф-1	918.2±27.8	940.8±28.1	965.9±28.7	534.2±16.0	842.3±25.2
Ф-2	949.3±28.4	965.7±28.9	983.4±29.3	528.4±15.8	856.7±25.7
Ф-3	958.4±28.7	976.5±29.2	986.8±29.3	533.6±16.1	863.8±25.9
Ф-4	933.2±27.9	966.4±28.9	963.1±28.8	540.6±16.2	850.8±25.5
Налив зерно					
Контроль	709.6±21.2	912.4±27.3	1028.4±30.8	642.6±19.2	823.2±24.6
Ф-1	702.1±21.0	917.6±27.5	1027.6±30.5	636.8±19.1	818.5±24.5
Ф-2	712.8±21.3	938.8±28.1	1134.2±34.0	654.2±19.6	860.0±25.8
Ф-3	716.6±21.4	946.5±28.3	1053.8±31.6	626.1±18.7	835.7±25.0
Ф-4	709.8±21.2	931.6±27.9	1142.4±34.2	651.3±19.5	858.7±25.7

Примечание: полученные значения достоверно отличаются от показателей контрольного варианта при $P < 0,05$.

Снижение транспирации в листьях растений этих комбинаций в середине дня объясняется уменьшением содержания воды в корнеобитаемом слое почвы.

Показано, что у всех форм пшеницы интенсивность среднесуточной транспирации листьев была выше в середине лета, чем в начале. Это объясняется большей напряженностью температурного режима.

В таблице 3 приведены данные по интенсивности транспирации за один час у форм растений в зависимости от фазы развития. Выявлено, что у Ф-1 в среднем за три года исследований установлен наименьший показатель потери воды за определенный промежуток времени (от 15 до 60 мин.) по сравнению с контролем и другими формами пшеницы.

В результате проведенных исследований установлено, что в течение трех сроков определения за первые 30 минут листья пшеницы формы К-55563 x К-55571 и К-55571 x К-24596 больше теряли воды, чем листья К-55563 x К-24596, что свидетельствует о меньшей устойчивости этих форм в экстремальных условиях, в частности в условиях засухи.

Табл. 3

Интенсивность транспирации у разных форм в течение часа, %

Формы пшеницы	Фазы развития			
	кущение	трубкование	колошение	налив зерна
Контроль	24.6±0.59	32.6±0.65	40.1±0.97	36.8±0.85
Ф-1	23.3±0.56	30.5±0.50	36.8±0.96	33.8±0.90
Ф-2	24.7±0.59	31.2±0.64	39.6±0.95	36.3±0.84
Ф-3	23.8±0.57	33.4±0.52	38.3±0.88	35.6±0.82
Ф-4	24.2±0.58	32.3±0.65	33.8±0.90	36.3±0.84

Примечание: полученные значения достоверно отличаются от показателей контрольного варианта при $P < 0,05$.

Обобщая полученные результаты, можно заключить, что оптимальная оводненность тканей в течение вегетации при дефиците влаги способствует лучшему формированию элементов структуры продуктивности и, тем самым, повышению урожайности растения.

Таким образом, сравнение различных внутривидовых форм пшеницы по особенностям водного режима показало, что генетически обусловленный признак «свертывание листа», срабатывающий в ответ на экстремальное воздействие факторов окружающей среды, способствует меньшим колебаниям общей оводненности тканей и расходу воды на транспирацию.

Список использованной литературы

1. Полевой В.В. Физиология растений. – М.: Высшая школа, 1989. – 464 с.
2. Тимергалина Л.Н., Высоцкая Л.Б., Веселов С.Ю., Кудоярова Г.Р. Содержание гормонов, водный обмен и рост листьев растяжением у растений пшеницы при повышении освещенности. // Физиология растений. – Москва, 2007. Т. 54. – № 5. – С. 715-721.
3. Цильке Р.А., Качур О.Т., Садыкова С.А. Изменчивость генетических параметров при диаллельном анализе количественных признаков мягкой пшеницы. Сообщение VI. Масса зерна колоса // Генетика. Т. XVI. – № 7. – Москва, 1979. – С. 1243.

РЕЗЮМЕ

Илк маротаба Сурхондарё вилояти шароитида буғдойнинг тур ичидаги формаларининг ўсиш ва ривожланиш жараёнлари ўсиш муҳитига мосланиши, ҳосилдорлиги метеорологик шароит билан боғлиқликда ўрганилди.

РЕЗЮМЕ

Впервые изучены особенности суточной периодичности ростовых процессов у внутривидовых форм пшеницы и влияние на них факторов внешней среды в связи с их продуктивностью и степенью приспособленности к метеорологическим условиям произрастания Сурхандарьинской области.

RESUME

That is the first report on the characterization of daily periodicity of growth processes and the effect of environmental factors on intraspecific hybrids of wheat in relation with their productivity and adaptation to vegetation conditions.

Рекомендовано к печати проф. Л.Ёзиевым

**ЎЗБЕКИСТОН ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ЖАМИЯТДА ТАРТИБ-
ИНТИЗОМ ЎРНАТИШ БОРАСИДАГИ ФАОЛИЯТИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС
ХУСУСИЯТЛАРИ (1970-йиллар)**

Ерметов А.А. (ЎзМУ)

Таянч сўз ва иборалар: бошқарув, республика, давлат, ташкilot, ҳукумат, тизим, Ички ишлар вазирлиги, милиция, ҳужжат, низом, буйруқ, қонун, ҳуқуқ, жамият, жиноят.

1960-йилларнинг охирида СССР Жамоат тартибини сақлаш вазирлиги Ички ишлар вазирлиги деб қайта номланиб, Ички ишлар вазирлиги ва унинг тасарруфидаги органларнинг фаолиятини юқори даражага кўтариш, бу жараёнда жиноятнинг олдини олиш ишларини янада такомиллаштириш, милиция органларининг кўнгилли халқ дружиналари билан алоқаларини янада кучайтириш, милиция органларига етук мутахассисларни жалб этиш ва бошқа вазифалар юклатилди” [1].

Ички ишлар идоралари фаолияти билан боғлиқ бундай структуравий ва таркибий ўзгаришларнинг амалга оширилишининг асосий сабаби, 1960 йилларнинг охирига келиб, бутуниттифок миқёсида шу жумладан, республикада ҳам турли кўринишдаги жиноятларнинг содир этилиши ҳолатлари кучайиб кетган, тергов жараёнида ҳам бир қатор камчиликлар, узилишлар кузатилиб, жиноятларнинг олдини олиш борасида жиддий муаммолар мавжуд эди.

Масалан, Наманган вилоятида 1968 йилда 1171 та жиноят содир этилган бўлса, 1969 йилда 1327 та, 1970 йилнинг 11 оyi давомида 1423 та жиноий иш рўйхатга олинган [2]. Рақамлар фоиз ҳисобида таҳлил этиладиган бўлса, 1970 йилнинг 11 оyi мобайнида содир этилган жиноий ишлар умумий ҳисобда 21,5 фоизга ошган.

Маълумотларда кўрсатилишича, бу даврда республика миқёсида ёш болалар ва ўсмирлар орасида содир этилган жиноятларнинг сони ҳам (1969–1972 йиллар назарда тутилмоқда) ошиб борган. Масалан, биргина Тошкент вилоятида 1969 йилда ёшлар томонидан – 208 та жиноий иш содир этилган бўлса, 1970 йилда – 263 та, 1971 йилда – 324 та жиноий иш рўйхатга олинган [3].

Республика бўйича ёш болалар ва ўсмирлар орасида жиноятчиликнинг кучайиб кетиши ҳуқуқ-тартибот идоралари ва тегишли давлат ташкilotлари томонидан бир неча марта муҳокама этилганидан сўнг, 1972 йилда 18 июлда Ўзбекистон ССР Олий суди Президиуми, республика Адлия ва Ички ишлар вазирликлари ҳамда прокуратура коллегияси билан ҳамкорликда ўтказилган йиғилишда “Ёшлар орасидаги назоратсизлик ва жиноятчиликнинг ҳолати ҳамда унга қарши курашиш ишларини кучайтириш тўғрисида”ги қарори эълон қилинди [4]. Қарорнинг ижросини таъминлаш жараёнида республиканинг бир қатор вилоятларида ёшлар томонидан ўта оғир жиноятларнинг (қасдан одам ўлдириш, талончилик ва б.) содир этилиши ҳолатлари бирмунча камайди.

Бу ҳолат юзасидан Ўзбекистон ССР прокуратурасига республиканинг турли вилоятларидан топширилган ҳисоботларда кўрсатилишича, хусусан, Тошкент вилоятида 1972 йилда 321 та жиноий иш содир этилган бўлса, 1973 йилда 257 жиноят иши рўйхатга олинган. Хоразм вилояти бўйича 1971 йилда 68 та жиноят рўйхатга олинган бўлса, 1972 йилда бу рақам 46 тага тушган. Самарқанд вилоятида 1971 йилда 184 та жиноят содир этилган бўлса, 1972 йилда 159 тага тушган. Бошқа ҳужжатда келтирилишича, 1970 йил вилоят бўйича энг оғир жиноят – қасдан одам ўлдириш ҳолатлари 92 фоиз очилган бўлса, 1975 йилда 97,5 фоиз жиноят фoш этилган [5]. Фарғона вилоятида 1971 йилда 160 та жиноий иш рўйхатга олинган бўлса, 1972 йилда 129 та жиноий иш қайд этилиб, 149 нафар ўсмирлар устидан жиноий иш қўзғатилган [6].

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бу масала юзасидан олиб борилган амалий ишлар республиканинг айрим вилоятларида ижобий натижа бермади. Масалан, Наманган вилоятида 1972 йилнинг биринчи кварталда 25 та жиноят содир этилиб, 21 та шахс жиноий жавобгарликка тортилган бўлса, 1973 йил шу давр мабойнида 31 та жиноий иш қайд этилиб, 33 та жиноятчи устидан жиноий иш қўзғатилган. Қорақалпоғистон АССРда эса 1971 йилда 110 та жиноят содир этилган бўлса, 1972 йилда бу рақам 125 тани ташкил этган [7].

1973 йил 8 июнда СССР Олий Совети Президиумининг “Совет милициясининг жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши кураш борасидаги асосий ҳуқуқ ва бурчлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қарорда ички ишлар идоралари ходимларининг асосий вазифаси жиноятни фош этишгина эмас, балки “... жиноятларни тезкор бартараф этиш, олдини олиш, уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва профилактик тадбирлар олиб боришдан иборат эканлиги” [8] алоҳида кўрсатилди.

1975 йил 20 февралда СССР Коммунистик Партияси Марказий Комитети томонидан “Социалистик мулкни талон-тарож қилиш ва уни йўқотишга (хўжасизларча фойдаланиш) қарши курашиш чораларини кучайтириш тўғрисида”ги фармони эълон қилинди (шу фармон асосида 1975 йил 4 апрелда Ўзбекистон Коммунистик Партияси Марказий Комитетининг фармойиши қабул қилинди) [9]. Фармоннинг ижросини таъминлаш жараёнида суд ва прокуратура идоралари билан бир қаторда, ички ишлар органлари ходимларига юклатилган вазифалар доираси ҳам янада кенгайтирилди. Бунда бу кўринишдаги жиноятлар сонининг ўсиб бораётганлиги ҳисобга олиниб, давлат мулкнинг ўғирланиши ва талон-тарож қилиниши билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олишга эътибор кучайтирилиши зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Натижада тегишли давлат ташкилотлари томонидан республика миқёсида тезкор тадбирлар уюштирилиб, масалан, 1974 йил ва 1975 йилнинг 9 оyi мобайнида биргина Наманган вилоятида давлат ташкилотларида моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларда ишлаётган – муқаддам судланган 137 та ходим аниқланган (улардан 61 таси шу турдаги жиноят содир этгани учун муқаддам қамалган). 1975 йил 9 оyi давомида вилоят бўйича давлат мулкни талон – тарож қилганлик учун 166 та одам судланган бўлиб, улардан 105 таси озодликдан маҳрум этилган [10].

1975 йил 10 мартда СССР Бош прокуратурасининг “Социалистик мулкни қўриқлаш тўғрисидаги қонунларнинг аниқ бажарилишини таъминлашда прокурор назоратини кучайтириш ҳақида”ги [11] буйруғи эълон қилинди. Буйруқда бу борада иттифоқ миқёсида, хусусан, Ўзбекистон ССРда амалга оширилаётган ишларни яхшилаш, давлат мулкни ўмариш, талон-тарож қилиш, мансабни суиистеъмол қилиш ҳолатлари ва бошқа жиноятларнинг олдини олишда прокуратура ва бошқа ҳуқуқ-тартибот органларининг масъулиятини янада ошириш вазифалари белгилаб берилди.

Ўзбекистон ССР прокуратураси ва ички ишлар идоралари томонидан ҳамкорликда 1976-1977 йилларда “Чорвачилик маҳсулотларини тайёрлаш ҳақидаги” фармоннинг ижро этилиши юзасидан республика миқёсида тафтиш ўтказилганда, “Ўзбекистон қорақўл саноати бошқармаси таркибидаги корхоналардан умумий миқдори 2 млн. 300 минг рублдан ортиқ, Ўзбекистон чорва саноати маҳсулотларини тайёрлаш бирлашмаси ҳузуридаги корхоналардан 420 минг рублга тенг қорамол ва қорақўл қўйларнинг турли кўринишдаги хомашё ва тайёр маҳсулотларининг талон-тарож ёки камомад қилингани” [12] маълум бўлди.

Бу жараёнда олиб борилган тафтиш ва суриштирув ишлари натижасида республика миқёсида давлат ташкилотлари ва корхоналардаги мулкка хўжасизларча муносабат, уни йўқотиш ва ўғирлаш ҳолатлари бўйича 1977 йилда 297 нафар шахс – жиноий жавобгарликка, 150 та шахс – моддий жавобгарликка тортилди, 95 та шахсга нисбатан – интизомий, 175 та шахсга нисбатан – маъмурий чоралар қўрилди, 138 та колхоз, совхоз ва трест раҳбарлари устидан тегишли юқори органларга билдирги ва огоҳлантиришлар берилди [13].

Республикада юзага келган бундай вазият Ўзбекистон ССР Министрлар Советида муҳокама этилганидан сўнг, республика Қишлоқ хўжалиги вазирлигига бу кўринишдаги камчилик ва қонунбузарликларни қисқа фурсатда бартараф этиш вазифаси юклатилди. Шунингдек, республика Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Халқ назорати комитетига давлат ташкилотларини систематик равишда назорат қилиб туриш вазифаси белгиланди. Ушбу ташкилотларнинг доимий назорати ва фаолияти натижасида 1978 йилда республика бўйича қорамолларнинг йўқотилиши ва ўғирланиши каби ҳолатлар 1977 йилга нисбатан 12–15 фоизга камайди ҳамда шу турдаги содир этилган жиноятлар учун (қорамолларнинг йўқотилиши, мансабни суиистемол қилиш, камомад масалалари) – 118 нафар шахс турли муддатга озодликдан маҳрум этилди [14].

Ички ишлар органлари ходимлари зиммасига юклатилган вазифалардан бири бу – паспорт тизимини такомиллаштириш, инсонларнинг яшаш манзили (кўчиш ҳолатлари, доимий ёки вақтинча рўйхатга қўйиш ва рўйхатдан чиқариш), фуқароларнинг чет давлатларга чиқиши, чет элликларнинг давлатга келиши ва кетиши, уларга фуқаролик бериш ва фуқаролиги йўқ шахсларни рўйхатга олиш каби масалаларни ҳал этиш ҳамда бундай ҳаракатларни доимий равишда назорат қилишдан иборат бўлган. Таҳлил этилаётган йилларда, жумладан, 1976 йилдан бошлаб иттифоқ миқёсида фуқароларга янги намунадаги паспорт берилиши йўлга қўйилиб [15], бу жараёнда (1980 йилгача давом этган) ички ишлар идоралари ҳузуридаги паспорт бўлимлари ходимлари томонидан катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Шунингдек, бу даврда паспорт бўлими ходимлари томонидан суд ижро органларига фуқаролик ишлари ва бошқа ҳолатлар бўйича жавобгарларни қидиришда, “Қизиляримой жамияти” вакиллари мурожаати асосида ва умуман бошқа фуқароларга яқинларини қидириб топишда ҳам катта ёрдам кўрсатилди [16].

Ички ишлар идораларига юклатилган вазифалардан яна бири бу “Вазирлик ва маҳкамаларга тегишли хўжалик объектларини кўриқлаш” бўлиб, тадқиқ этилаётган йилларда бу вазифани бажаришда замонавий техникалардан фойдаланиш ишлари жадаллаштирилди. Бу жараёнда Халқ хўжалиги объектлари, давлат идоралари, корхона ва ташкилотлар ҳамда бошқа хўжалик объектлари техник сигнализация воситалари билан жиҳозланди [17]. Хусусан, 1978 йилга келиб, иттифоқ миқёсида 300 мингта Халқ хўжалиги объектларида кўриқлаш хизмати ускуналари воситасида хавфсизликни таъминлаш йўлга қўйилди. Бу пайтда Ўзбекистонда ҳам кўплаб давлат ташкилотлари ва хўжалик объектлари, жумладан, уларнинг 23 фоизда марказий назорат пултилари ўрнатилди (бу даврда бошқа иттифоқдош республикалар, хусусан, Қирғизистон ССРда – 20 фоиз, Озарбайжон ССРда – 14 фоиз, Тожикистон ССРда – 16 фоиз объектлар махсус пултилар билан жиҳозланган эди) [18].

Маълумотлар таҳлили шундан далолат берадики, 1970 йилларнинг охирига келиб республика миқёсида жиноятнинг олдини олиш борасида олиб борилган чора-тадбирлар натижасида бир қатор ижобий натижаларга ҳам эришилган.

Бу масала юзасидан ўша даврда Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазири лавозимида ишлаган Ҳ.Яҳёев қуйидагиларни таъкидлайди: “...Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги ва милиция органлари жиноятчиликка қарши курашда ва жамоат тартибини сақлашда муайян ютуқларга эришди. Ўзбекистонда жиноятнинг умумий даражаси йилдан-йилга камайиб бормоқда, балоғатга етмаганлар томонидан бўлаётган, мастлик натижасида юз бераётган жиноятлар, қонун бузишлар сони изчил қисқариб бормоқда” [19], айниқса, ёшлар орасида содир этилаётган жиноятларни камайтириш юзасидан тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда таълим муассасалари билан комплекс тадбирлар олиб борилмоқда [20].

Шу ўринда маълумот учун таъкидлаш керакки, “...бу пайтга келиб иттифоқ миқёсида қамалган инсонларнинг сони 1950 йилларга қараганда 2,5 бараварга камайдигани (1970 йилларнинг охирилари назарда тутилмоқда)” [21] ўша даврга оид ҳисоботларда келтирилади.

Лекин бундай ҳолат ҳамма жойларга хос бўлмай, архив ҳужжатларида кўрсатилишича, бу пайтда республика миқёсида ички ишлар идоралари фаолияти прокуратура ходимлари томонидан текширилганда айрим ҳудудларда бир қатор камчиликлар ҳам аниқланган. Масалан, 1979 йил давомида ва 1980 йилнинг биринчи ярмида “...Самарқанд вилоятида ичкиликбозлик ва безориликка қарши курашиш ҳамда вояга етмаганлар орасидаги жиноятчиликни олдини олиш борасида тегишли чора-тадбирларлар ўтказилмаганлиги, бу муаммоларни тезкорлик билан бартараф этиш зарурлиги” [22] кўрсатилади.

Хулоса қилиб айтганда, тадқиқ этилаётган йилларнинг бошида ички ишлар идоралари бошқаруви ва структурасида бир қатор ўзгаришлар амалга оширилиб, Ички ишлар вазирлиги ва унинг тасарруфидаги органларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш ишлари жадаллаштирилди.

Таҳлил этилаётган йилларнинг бошида республика бўйича ички ишлар идоралари фаолиятида, хусусан, жиноятларни олдини олиш ва фош этиш борасида ҳам бир қатор камчиликлар кузатилган, жинойи ишларнинг олиб борилишида белгиланган муддатлар бузилган, айрим ишлар суд жараёнида қайта терговга юборилган. Ҳужжатлар таҳлили шундан далолат берадики, бунинг асосий сабаби вилоятларда тергов жараёнидаги узилишлар бўлиб, бу муаммонинг моҳияти прокуратура, ички ишлар идоралари терговчилари ва жиноят қидирув ходимлари ўртасидаги ҳамкорлик талаб даражасида олиб борилмаганлиги билан изоҳланади. Оқибатда, бу жараёнда айрим айбсиз инсонлар бир неча ойлар давомида тергов изоляторларида ушлаб турилиб, уларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилган.

Бу даврда давлат мулкининг ўғирланиши ва талон-тарож қилиниши билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олишга эътибор кучайтирилиб, ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан давлат ташкилотлари, корхона ва муассасаларда республика миқёсида тезкор тадбирлар уюштирилди.

Умуман олганда, таҳлил этилаётган йилларда жамиятда тартиб-интизом ўрнатиш, давлат ва халқ мулкини қўриқлаш, жиноятларнинг олдини олиш ва фош этиш юзасидан қатор ишлар амалга оширилиб, ижобий натижаларга эришилган бўлса-да, 1980 йилларнинг бошларига келиб, жамиятда жиноятларнинг содир этилиши ҳолатлари яна кўпайиб борди.

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар

1. В Центральном Комитете КПСС и Совете Министров СССР // Советская милиция. – № 12, 1968. – С. 3–4.
2. Наманган ВДА, 318-фонд, 1-рўйхат, 73-иш, 1-варақ.
3. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви, 1710-фонд, 13-рўйхат, 640-иш, 12-варақ.
4. ЎзР МДА, 1710-фонд, 13-рўйхат, 640-иш, 36-варақ.
5. Самарқанд ВДА, 799-фонд, 1-рўйхат, 766-иш, 79-варақ.
6. ЎзР МДА, 1710-фонд, 13-рўйхат, 640-иш, 54-варақ.
7. ЎзР МДА, 1710-фонд, 13-рўйхат, 640-иш, 37-49-варақлар.
8. Советская милиция: история и современность (1917-1987). – Москва: Юрид. лит., 1987. – С. 225–226.
9. Наманган ВДА, 318-фонд, 1-рўйхат, 173-иш, 2-варақ.
10. Наманган ВДА, 318-фонд, 1-рўйхат, 173-иш, 3-варақ.
11. Самарқанд ВДА, 799-фонд, 1-рўйхат, 766-иш, 56-58-варақлар.
12. ЎзР МДА, 1710-фонд, 13-рўйхат, 1050-иш, 7-варақ.
13. ЎзР МДА, 1710-фонд, 13-рўйхат, 1050-иш, 8-варақ.
14. ЎзР МДА, 1710-фонд, 13-рўйхат, 1050-иш, 15-варақ.
15. Щелоков Н.А. Наша милиция. // Советская милиция. – №.4, 1976. – С. 6.

16. Советская милиция: история и современность (1917–1987). – Москва: Юрид. лит., 1987. – С.307–308.
17. Ҳ.Яҳёев билан 2013 йил 20 февраль куни ўтказилган суҳбат (аудиоёзув маълумотларидан).
18. Волков А. В ответе за народное имущество: задачи и резервы вневедомственной охраны // Советская милиция, – №.4, 1979. – С. 25.
19. Яҳёев Ҳ. Совет милициясининг шарафли бурчи. // Ўзбекистон коммунисти, № 4., 1977. – Б. 44.
20. Яҳьяев Х. (генерал-лейтенант внутренней службы, министр внутренних дел Узбекской ССР). Задача государственной важности. // Советская милиция, – №.6, 1978. – С. 13-18.
21. Щелоков Н.А. (генерал-армии, Министр Внутренних Дел СССР). Наша милиция // Советская милиция. – №.4, 1976. – С. 5.
22. Самарқанд ВДА, 799-фонд, 1-рўйхат, 909-иш, 99–100-варақлар.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Ўзбекистон ички ишлар органларининг 1970- йиллардаги тарихи, уларнинг жамиятда жиноятчиликка қарши кураш ва жиноятнинг олдини олиш борасидаги фаолияти ёритиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье проанализирована история органов внутренних дел Узбекистана в 70-е годы XX века, а также их борьба с преступностью и деятельность по профилактике правонарушений.

SUMMARU

The article analyzed the history of internal affairs bodies of Uzbekistan in the 1970s, and their activities to combat and prevent crime in society.

Наширға проф. Б.Эшов тавсия этган

“ҲАЁТ ОЛОВИ” ИЧИМЛИГИ ТАРИХИ

Маматова М. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *чай, ча, ҳаёт олови ичимлиги, чай мусобақалари, чай барглари, чай дарахтлари, Халқаро чай куни.*

Манбаларга кўра, бундан беш минг йил аввал Хитой тарихида ажойиб кашфиёт ўйлаб топилиб, бу кашфиёт узоқ йиллар давомида жаҳонда савдо-сотиқ ривожланишига катта таъсир кўрсатади.

Ушбу кашфиёт ҳақидаги маълумотлар қадимги Хитой афсона ва тарихий манбаларида сақланиб қолган. Милoddан аввалги 2737 йилда Хитойда чай кашф этилади. Афсоналарга кўра, бир куни Самовий табиб дея шуҳрат топган император Шен Нанг йўлда чарчайди ва ўзига сув қиздириш учун ўтин ёқади. Дарахтдан сувга бир нечта барглари император қиздираётган сувга тушади. Император уни таътиб кўради. Бу сувнинг таъми озгина аччиқ бўлса-да, аммо ширин бўлиб, у ҳамма сувни ичиб кўяди. Шундан сўнг император ўзи сезмаган ҳолда руҳан тетикликни англайди. Биринчи бор чай шундай қайнатилган эди. Шен Нангни кашфиётидан сўнг хитойликлар чай барглари ўргана бошладилар ва бу ичимлик узоқ вақт давомида дори сифатида, айниқса, захарга қарши восита, кейинчалик тетиклаштирувчи ичимлик сифатида истеъмол қилинди. Шунинг учун ҳам Хитой тилида “чай” ва “тетиклик” сўзларини бир хил иероглиф англатган.

Хитойда чайнинг пайдо бўлиши ҳақида яна бошқа афсоналар ҳам бор. Улардан бирида шундай дейилади: бир деҳқон ҳар доим ташландиқ Гуань Инь (буддавийлик

таълимотида эзгулик маъбудаси) ибодатхонаси ёнидан ўтиб кетарди. У жуда камбағал бўлиб, ибодатхонани қайта тиклашга қурби етмаса ҳам, ичини тозалашга киришади. Дехқон узоқ вақт давомида ибодатхонани тозалайди ва бир куни унинг тушига Гуань Ин киради. Маъбуда унга ибодатхона орқасида бойлик борлигини, уни ўзи билан олиб кетиши мумкинлигини, фақат одамлар билан бўлишиши лозимлигини айтади. Эртаси куни дехқон ибодатхона орқасидан чой новдаларини топиб олиб, уни ўзининг боғига экади. Ундан чой дамлаб ичганда эса унинг ажойиб таъми ва ҳидидан лол бўлади. Чой барглари эса худди темирдек оғир бўлиб, дамланганда дарров пастга чўкарди. Шунинг учун дехқон чойни маъбуда шарафига Те Гуань Инь, яъни темир Гунь Инь деб атади.

Бошқа бир ривоятда айтилишича, Ҳиндистондан Хитойга саёҳатга чиққан будда дини тарғиботчиларидан Бодхидхарма Дамо медитация ибодати вақтида ухлаб қолади ва уйғонгач, у жаҳл билан ўз киприкларини юлиб олиб ерга улоқтиради. Шу киприклар тушган жойдан ажойиб чой дарахти ўсиб чиқади. Дамо ўз издошларига ақлий тетиклик ва хушёрликларини йўқотмасликлари учун ушбу чойдан дамлаб ичиради¹.

Қадимги хитойликлар чойни “ҳаёт олови” деб атаганлар. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Конфуций ҳам ўз ҳаёти давомида чойдан дори сифатида фойдаланган. Унинг тайёрланиш усули ҳам қизиқарли: чой барглари кичкина-кичкина ғишт бўлақларига ўхшатиб пресланган ва қуёшда қуритиб олинган. Кейин ушбу бўлақлар махсус пичоқча ёрдамида кесилиб, идишга солинган ва унга қайнаган сув солинган. Идишга чой билан бирга занжабил, зираворлар, гуруч, сут, лимон ёки апельсиннинг пўчоғи солинган.

Абу Али ибн Синонинг ёзишича, “чой танани тозалайди, руҳни тетиклаштириб, юракка қувват бағишлайди, фикрни бир жойга жамлаб, уйқучанликни қочиради”.

XVIII асрнинг бошларида япон императорининг табиби чойнинг таркибини ўрганиб, “чой ичиш қонни ва кўзнинг шиллик қобигини тозалашини, жигар ва ўт ишини фаоллаштиришини, уйқу ва ҳолсизликни йўқотиб, мушакларни жонлантиришини” аниқлаган².

Хитойда чойнинг етиштирилиши қаттиқ сир тутилган, чой ҳақидаги маълумотларни ошкор этганлар ўлим жазосига тортилган. Хитой императорлари ушбу ажойиб ичимлик ҳақидаги сирни бошқа халқлар билан бўлишишни истамаганлар. Чойнинг аталишида унинг қайси худудда етиштирилгани, тури ва навига қараб юзлаб номлари мавжуд, масалан “шуйсен”, “юньнан”, “тунчи”, “байча”, “чича”, “хауача”. Аммо кўп учрайдигани “ча” номи бўлиб, “ёш барг” маъносини билдиради. Хитойнинг турли худудларида “ча” сўзи турлича “ч’ха”, “цха” деб ҳам аталади.

Биринчи чой ўсимлиги ҳақидаги маълумотлар 5800 йиллик тарихга эга. Чой ҳақидаги биринчи китоб “Ча Цзин” (“Чой қонунлари”) Хитой императорининг ҳомийлигида милоддан аввалги 780 йилда яратилди. Бу машхур асарнинг муаллифи Хитой шоири ва файласуфи Лу Юй бўлиб, у ўз асарида чойнинг навлари, уни тайёрлаш ва ўстириш усуллари, чой ичиш анъанаси ва маросимларини ёритиб берган.

Милоддан аввалги 770 йилда хитойлик тарихчи ва солномачи Чжоу Гун ўзининг “Эрья” асарида биринчи бор чой ҳақида ёзиб қолдирган.

Чой ичишга бўлган ҳозирги анъанавий муносабат узоқ вақт давомида шаклланди. Аввалига чой ўсимлиги диний маросимларда ва тиббиётда қўлланилувчи восита сифатида буддавийлик дини монахлари томонидан Чунь Чо давридан бошлаб (милоддан аввалги 770–476 йй.) фойдаланилган.

Бир неча аср ўтиб, Чунь Чо даврининг охирларидан Ғарбий Хан сулоласи даврига қадар (милоддан аввалги 206 й. – милодий 8 й.) чой баргларини овқатга қўшиб истеъмол қилиш бошланади. Шу даврдан эзилган чой баргларида тайёрланган тўрт бурчак

¹ <http://tepravda.com/istoriya-vozniknoveniya-poyavleniya-chaya>

² Кобзева О.П., Закирова М. Шелковый путь в потоке истории. – Т., 2017. – С. 196.

шаклдаги куйма чойлар пайдо бўлди ва улар бугда киздириб, кукунга айлангач тузли сувда қайнатилган.

222 йилдан бошлаб Хитой зодагонлари шахсий қўлёмаларида чой винони ўрнини босувчи ичимлик сифатида қўлланилгани ҳақида айтиб ўтганлар.

Син сулоласи даврида Хитойда биринчи бор чой сотадиган дўконлар пайдо бўлди ва чой ичиш анъанага кирди.

Чой ичиш аста-секинлик билан бутун Хитой маданиятини эгаллаб олди. III–IV асрларда “ча”, яъни “ёш барг” деган чой номининг пайдо бўлишига сабаб энг яхши чой ёш чой баргларида тайёрланиши билан боғлиқ. “Ча” сўзи IV–V асрларда Хитойда чой ичиш маданияти ва фақат ёш баргдан чой ичимлигини тайёрлаш анъанаси мустаҳкамланди.

IV асрнинг ўрталарида чой ҳақида ҳатто Кио Ро, яъни қадимги Хитой энциклопедиясида ҳам тилга олинади. V асрга қадар чой Хитойда асосан табобатда соғломлаштирувчи восита сифатида қўлланилган¹.

Дунёдаги бошқа мамлакатлар, жумладан, ўзбекларда ҳам чой сўзи хитойликларнинг “ча” сўзидан олинган.

Тан сулоласи (618–906 йиллар) даврида куйма тўртбурчак чой ўрнига кукунли чой кириб келди. Шу даврдан бошлаб чой олий навли миллий ичимлик сифатида қабул қилинади ва хитойлик зодагонлар орасида айниқса кенг тарқалади. Тан сулоласи давридан бошлаб чой савдоси йўлга қўйилади ҳамда Буюк Ипак йўли орқали чой қўшни мамлакатларга сотиш учун олиб кетиладик, Ҳиндистон, Шарқий Туркистон, Ўрта Осиё аҳолиси биринчи бор чой ҳақида худди шу даврдан бошлаб била бошлайдилар.

XII асрдан бошлаб Хитойда Европа рицарларининг ҳарбий мусобақаларига ўхшаган “чой мусобақалари” ўтказила бошланди. Шу даврдан бошлаб чой учун ҳатто солиқлар ҳам жорий қилинади. Хитойнинг юқори табақа вакиллари орасида байрамларда халтачаларга солинган чой совға қилиш урф бўлади. Чунки чой жуда қимматбаҳо совға ҳисобланган. Шунингдек, учрашув ва уйда тушликда чой ичиш бора-бора муҳим маросимга айлана бошлайди.

960–1279 йиллар давомида хитойликлар қуриган чой баргларида кукунли чой тайёрлашни бошладилар. Чой кукунли қайноқ сувга солиниб, кўпик ҳолатига келгунга қадар кўпиртирилган.

XIII–XIV асрларда Хитойга мўғуллар босқини натижасида кукунли чой ичиш маданияти бутунлай йўқолиб кетади. Мўғул босқинчилар чой етиштириладиган далаларни пайҳон қилдилар. Натижада чой шунчалик камёб ичимликка айланган эдики, ҳатто XIII асрда Ҳубилайхон саройида бўлган сайёҳ Марко Поло ҳам уни таътиб кўра олмаган. Шунинг учун ҳам Марко Поло Хитойдан Ғарбга қадар чўзилган савдо йўлини “чой йўли” эмас, балки “ипак йўли” деб атаган.

Хитойда чой ичимлигига бўлган анъанавий муносабат Мин сулоласи (1368–1644 й.й.) даврида шаклланди. Шу даврдан бошлаб чой ичиш учун чой барглари яхлитлигича ишлатила бошланади, чой энди қайнатиб эмас, балки дамладиган бўлди ва чой ичиш маданияти оммалашиб борди.

Кўп йиллар давомида чойни бутасимон ўсимликлар турига киритиб келинар эди. Фақатгина XIX асрга келиб Ҳиндистонда чой дарахтлари топилди. Чойнинг бутасимон ёки дарахтсимон бўлиб ўсиши унинг қайси жойда кўқаришига боғлиқлиги аниқланган. Бунинг сабабаби, худуд қанчалик экваторга яқинлашгани сайин чой дарахти катталашиб боради ва аксинча, қанчалик шимолга силжиган сари кичиклашиб бутасимон бўлиб бораверадики, бу албатта унинг таъмига таъсир этмай қолмайди. Хитой чойи тарихдан

¹ <http://rams-international.ru/chainyi-put/37/>

хам маълумки, ўзининг таъми ва инсон организмга фойдалиги жиҳатдан бошқа чойлардан устун туради.

“Халқаро чой куни” дунёда норасмий байрам сифатида чой ичимлигини етиштириб берадиган мамлакатлар, жумладан, Ҳиндистон, Шри-Ланка, Бангладеш, Непал, Вьетнам, Индонезия, Кения, Малазия, Уганда ва Танзанияда 2004 йил 15 декабрдан буён нишонлаб келинади.

Ҳозирги кунда чой сувдан кейинги машҳур ичимлик тури ҳисобланади. Олимларнинг аниқлашича, дунёда ҳар куни деярли 2 миллиард чашка, сониясига 23 минг чашка чой истеъмол қилинади. Беш минг йил бўлибдики, бу ажойиб ичимлик ҳозирга қадар бизга иссиқлик ва ажойиб таъм бахш этиб келмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Кобзева О.П., Закирова М. Шелковый путь в потоке истории. – Т., 2017. – С. 234.
2. Кобзева О.П., Тухтабеков К.А. Очерки по истории торговли и предпринимательства в Узбекистане. – Т., 2008. – С. 206.
3. <http://rams-international.ru/chainyi-put/37/>
4. <http://tepravda.com/istoriya-vozniknoveniya-poyavleniya-chaya/>

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада чойнинг пайдо бўлиш тарихи, унинг номи ва манбаларда учраши, чой ичиш маданиятининг шаклланиш тарихи ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается история появления чая, его названия и упоминания о нем в источниках, а также история чайной культуры.

SUMMARY

In this article are considered history of the appearance of tea, its name and mentioning in the sources, history of the tea culture.

Наишга проф. Б.Эшов тавсия этган

ЎЗБЕКИСТОН ЛЎЛИЛАРИ ЭТНОТАРИХИЙ ЛАВҲАЛАРДА

Бўриев О., Ҳасанов А. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *лўли, этнотарихий, мазанг, косатарош, товоқтарош, соғутарош, жўғи, Мўлтон, Қорачи, турк лўлилари, Қрим лўлилари, арго.*

Жаҳон, Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон лўлилари этнографияси бўйича маълум даражада илмий тадқиқот ишлари олиб борилган¹.

Шунингдек, Самарқанд шаҳри ва вилояти ҳамда Фарғона водийси лўлилари этнографияси бўйича номзодлик диссертациялари ҳам ҳимоя қилинган. Лўли этносига мансуб элшунос Х.Х.Назаровнинг тадқиқоти ҳукмрон Шўро даври мафқураси таъсирида ёзилган². Ш.Отахоновнинг диссертацияси эса Фарғона водийси лўлилари тарихи ва этнологияси янги манбалар асосида ҳолисона ва теран ўрганилганлиги билан алоҳида ажралиб туради³. Лекин Ўзбекистоннинг бошқа кўпгина йирик минтақалари лўлилари тарихи ва этнографияси бўйича монографик илмий тадқиқотлар ханузгача яратилмаган.

Қуйида жаҳон, Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистонда яшовчи лўлилар этник тарихи ва этномаданияти бўйича баъзи маълумотлар баён этилади.

Ўрта Осиё лўлиларининг айрим гуруҳлари жўғи (ҳиндча) камбағал, қашшоқ, ҳиндистоний, бўлужий деб аталаши ҳам лўлиларнинг асл ватани Ҳиндистон бўлганлигини тасдиқлайди. Айрим маълумотларга кўра, лўлиларнинг дастлабки гуруҳлари милоннинг бошларида, яъни V–VII асрларда ва кейинги даврларда ҳам Шимолий Ҳиндистондан тарқала бошлаган.

Лўлиларнинг айрим гуруҳлари – Ҳиндистон-Белужистон-Афғонистон-Эрон-Кавказ-Туркия-Юнонистон орқали Ғарбга силжиган, иккинчи йўл Ҳиндистон-Эрон-Ўрта Осиё бўлган.

Ўрта Осиё лўлилари (ўзларини муғат, муғ-оташпарасти, туб аҳоли эса уларни жўги, хиндча қашшоқ, мазанг деб атайдилар). Қадимдан Бухоро, Қарши, Косон, Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Қўқон каби шаҳарлар атрофи ва уларга туташ ҳудудларда яшаб келишади. Тошкент шаҳридаги Олмазор туманидаги Ачавод маҳалласида, асосан, лўлилар яшади. Ўзбекистонда лўлилар сонига эътибор берсак, 1918 йилда – 1792 нафар лўли яшаган⁴, 1926 йилда – 3710 нафар, 1959 йилда – 7860 нафар, 1970 йилда – 11362 нафар, 1989 йилда – 16397 нафар, 2000 йилда – 5000 нафар лўлилар истиқомат қилишган⁵.

Ўрта Осиё лўлилари мазкур минтақага кичик-кичик гуруҳлар бўлиб жойлашишган. Уларнинг дастлабки гуруҳлари Амир Темурнинг Ҳиндистонга қилган юришлари даврида асирлар билан қўшилиб келган бўлиши керак. Лўлиларнинг Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаларида яшовчиларини мўлтони дейишади (ҳозирги Покистондаги Мўлтон вилояти). Шунингдек, уларни маҳаллий аҳоли кўпинча жўгилар деб ҳам номлашади.

Ўрта Осиёга лўлиларнинг қачон келишгани мунозаралидир. Элшунос Ш.Отахонов фикрича, улар XI асрда Ҳиндистондан Афғонистон ва Эрон орқали Ўрта Осиёга келишган⁵.

Лўлилар ҳақида энг асосий манбаларга асослансак, кўпчилик олимлар маҳаллий лўлиларнинг Ўрта Осиёга Ҳиндистондан келганлигини эътироф этишади. Жумладан, рус тадқиқотчиси, А.П.Баранников Абулқосим Фирдавсийнинг “Шохнома” достонига асосланиб, асарда Эрон шоҳи Баҳром Гўрга (V аср) Ҳиндистондан тортиқ сифатида 12 минг нафар лўли юборилганлиги ҳақида маълумот берган. Ҳақиқатан ҳам, мазкур асарда Эрон шоҳи Баҳром Гўрга совға қилинган машшоқлар – лўлилар ҳақида афсона мавжуд.

Ривоятларга кўра лўлилар Соҳибқирон Амир Темурнинг Ҳиндистонга юришида Мўлтон (ҳозирги шимоли-ғарбий Покистон)дан олиб келиниб, Самарқанд шаҳрининг маҳ-сус маҳаллаларига жойлаштирилган. Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Қўқон, Қарши, Косон каби шаҳарлар атрофлари ва туташ ҳудудларда кўпинча лўлилар истиқомат қилишган. Шеърят мулкининг султони Алишер Навоий асарларида “Лўливаш” (лўлига ўхшаш, гўзал, шўх), “лўлиқуш” (лўлини ўзига ром қилувчи) каби атамалар мавжуд⁶.

Шоҳ ва шоир Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”сида хинд лўлилари ҳаракатларни юксак маҳорат билан адо этишлари, мураккаб акробатик машқларни ижро қилишлари, халқаларнинг бир нечасини моҳирона айлантиришлари ва бошқа хунарлари баён этилган: “... яна бир бу ким кичик лўли яна бир улўғ лўлининг бошига чиқиб, тик турадур, қўйиғи лўли ул сари-бул сари илдам юриб иш кўрсатганда бу кичикка, ул лўлининг бошининг устида тип-тик тебранмай туруб, ул ҳам ишлар кўрсатадур. Қалин патирлар ҳам келиб раққослик қилдилар”⁷. Шунингдек Абулғозийнинг “Шажараи турк”, Мир Муҳаммад Амин Бухорийнинг “Убайдуллонома” асарларида ҳам маҳаллий лўлилар тилга олинган. Ўзбек ёзувчилари Муҳаммад Салом, Менгзиё Сафаровлар ҳам маҳаллий лўлилар ҳаёти ва турмуши ҳақида ҳам бадиий асарлар яратишган.

Лўлилар ўзбек ва тожик тилларида сўзлашишади, аммо тожик тили уларнинг турмушида асосий ҳисобланади. Ўрта Осиё лўлилари “лавзу муғат” ёки “арабча” деб аталадиган ўзларининг маҳсус сўзлашув тилига ҳам эга, яъни арго (ўзига хос жаргон) ҳам мавжуд. Аммо Тожикистоннинг Душанбе, Ҳисор, Кўлоб, Қўрғонтепа туманларидаги, шунингдек, Бухоро вилояти лўлиларининг баъзилари ўзбек тилида сўзлашишади. Улар, асосан, ислом динининг сунний масхабига эътиқод қилиш билан биргаликда қадимий урф-одатларини анча кучли сақлаганлар.

Юртимизга лўлиларнинг кўчиб келишини уч гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳи – маҳаллий лўлилар (муғати тубжойи) – анча олдин келиб ўрнашишган. Иккинчи гуруҳ – афғон лўлилари (жўги, афғони); учинчи гуруҳ эса хинд лўлилари (муғати хинду) бўлиб, булар анча кейин келишган.

Лўлиларнинг яна бир гуруҳи афғони ёки муғат ковули дейилган. Афғони уч гуруҳга бўлинади: қавол, чистоний, парья. 1920 йилларда Сурхондарё воҳасидаги Сарийосиё ва Юрчи туманларида ҳамда Ҳисор водийсида қоратоғ лўлилари яшашган. Ҳисорда уларнинг катта мазори (хилхонаси) ҳам мавжуд бўлган.

Шунингдек, лўлиларни яна ўз навбатида уч этник гуруҳга бўлиш мумкин: 1) асосан, кўчманчилик қилиб, хайр-садақа йиғиб, кун кўрадиган, фолбинлик, табиблик, заргарлик қилувчи лўлилар (жўги, мўлтони); 2) товоқтарош (оға) ўтроқ ҳаёт кечиришади, хунармандчилик, асосан, ёғочга ишлов бериш билан шуғулланишади. Хусусан, ёғочдан бешик, товоқ, қошиқ, чўмич ясашади (қосатарош) Қадимдан улар ясаган ёғоч товоқларга эҳтиёж катта бўлганлиги сабабли, уларнинг товоқтароши, соғутароши, қосатароши деб аташган; 3) мазанг (аттор), ўтроқ лўлилар (жўгилар), асосан, майда савдогарлик билан, шунингдек, деҳқончилик билан шуғулланишган.

Лўлиларнинг эркаклари от урчитиш, овчилик, темирчилик, металл эритиш, сават, ғалвир сават тўқиш, элак қаби буюмлар ясаш ҳамда айиқ, маймун, илон ўйнатиш билан шуғулланишган. Аёллари эса тиланчилик, фолбинлик қилишган. Лўлилар маҳаллий аҳоли урф-одатларини қабул қилишган.

Ўрта Осиё лўлилари қон-қариндошлик гуруҳи тўп (тўпор)га уюшиб, ҳар бир тўп, тўпорга оқсоқол раҳбарлик қилган. Ўзбек хонликларида лўлилар оқсоқоллари махсус ёрлик билан тасдиқланган ва уларга муҳим вазифалар юклатилган. Оқсоқоллар тўй, дафтатъзия маросимларига, умуман, жамоага раҳбарлик қилишган. Уларга жамоа аъзоларинг ҳаммаси сўзсиз бўйсунган. Ҳар бир оила мустақил хўжалик юритган. Тўп шу оқсоқол номи билан ҳам юритилган. Катта патриархал оиллага эса ота бош бўлган.

Ўрта Осиё лўлилари динга бефарқ қарашиб, номигагина ислом динига эътиқод қилганлар, лекин муллеси умуман бўлмаган. Уларда жин, пари, алвасти, зиён-заҳмат ҳақидаги ибтидоий тасаввурлар жуда кучли. Ўтроқ ҳаёт кечириётган лўлилар ўз атрофидаги маҳаллий халқлар таъсирида уларнинг айрим диний урф-одатларини бажаришган. Лўлиларда қадимдан эндогам (ички) никоҳ ҳукмрон. Маҳаллий аҳоли билан ўзаро никоҳ муносабатлари деярли учрамайди. Ўзбекларда “Жўгига уйлансанг, етти пуштинг қуяди” деган ибора ҳам мавжуд. Тўй маросимида ҳар бир оила бошлиғи ўз идиши (товоғи) билан қозон бошига келиб, хонадон аъзолари сонини айтиб, ош суздирган ва уни ўз рўзғорига олиб кетган. Бир тўйда 10 тагача қозонда ош дамланган, кўплаб қатламалар пиширилган. Тўйда кўпинча кураш уюштирилиб, ғолибларга туя, от, хўкиз, ушоқ мол ҳамда пул берилган.

Лўлилар кийинишда, асосан, маҳаллий аҳолидан ортда қолмасликка ҳаракат қилишган, эркаклари чопон (тўн), этик, телпак, кексалари салла ўраб юришган. Аёллари туб аҳолидек кейинишса-да, лекин рўмол ўрашлари фақат европаликларга хос бўлган, лекин паранжи ёпинишмаган. Лўлиларнинг эркаклари ҳам, аёллари ҳам, қора ва кўк рангларни ёқтиришади. Лўлилар, асосан, чодирлар (ёзги – “чодир гарм” ёки “соябон”, қишки – “чо-дири зимистон”)да яшашган. Пахса уйлари илгари пастаккина бўлиб, усти қапиш билан ёпилган эди.

Кейинги йилларда лўлилар ўртасида санъатга қизиқиш кучайиб, уларнинг қўшиқ дасталари халқ тантаналарида хизмат қилмоқда.

Мазанглар Самарқанд вилоятида яшашган, бу шаҳарга эса XIX аср охирида келишган. XIX асрнинг учинчи чорагида Самарқанд шаҳри яқинидаги икки қишлоқда мазанглар яшаб, деҳқончилик қилишган. Мазанглар Хива, Тошкент, Қўқон шаҳарларида ҳам истиқомат қилишган. XIX аср ўрталарида Наманган туманида 500 нафар мазанг яшаган. Шаҳрисабз шаҳри атрофларида ҳам кўплаб лўлилар жойлашган. XIX аср охирида Самарқанд шаҳри ва атрофида 500 нафар лўли турган. Лўлилар ўзларини тошкентликлар, самарқандликлар, бухороликлар деб ҳам аташган.

Лўлилар асрлар давомида ҳамма ерда муттасил қувғинда ва таъкибда бўлишган ҳамда оч-яланғоч кун кўришган. XX асрнинг 20-йилларида Ўзбекистонда лўлилар ўтроқ

маданий ҳаётга ўта бошлашган, ижтимоий турмушга, фойдали меҳнатга жалб этила бошланган. 1925 йил 23 июнда Россияда Лўлилар Иттифоқи тузилган, уларнинг газета ва журналлари нашр этилган, театри (“Ромэн”) ташкил этилган, улар ҳақида бадиий фильмлар ишланган. 1928 йилда рус алифбоси асосида лўли алифбоси яратилган.

1929 йилда Ўзбекистонда илк бор лўлилар жамоа хўжаликлари тузилган. 1930 йилдан Ўзбекистонда лўлиларнинг 13 та жамоа хўжаликлари ташкил қилинган. 1934 йилда Юқори Чирчиқ туманида 20 та, Шаҳрисабз туманида 40 та, Конимех туманида 20 та лўли хонадони жойлаштирилган. 1937 йил ўртасида 19 та лўли жамоа хўжалиги 324 хонадон кириб, пахтачилик ва поллизчилик билан шуғулланишган. Марғилон атрофларида жамоа хўжаликлари ривожланган эди. Шеробод, Бухоро, Қўқон туманларида хунармандчилик артеллари тузилган. Лўлилар йирик шаҳарлардаги саноат корхоналарига, фарзандлари эса таълим муассасаларига жалб этилган.

Тошкентдаги лўлилар ўйинчоқлар артелида фаолият кўрсатишган, Самарқандда ипакчилик ва конфет фабрикасида, ун заводида, Андижон ва Асакада пахта тозалаш заводида, Тошкентда қишлоқ хўжалиги машиналари заводида ишлашган. Лўлилар ҳайдовчи (тракторчи, шофёр), темирчи, ҳисобчи бўлиб фаолият юритишган. Аста-секин зиёлилари ҳам етишиб чиқиб, 1938 йилда бир неча нафар олий маълумотли мутахассис фаолият кўрсатган.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда Бухоро ва Самарқанд вилояти ҳудудида лўлилар ўтроклашиб, маҳаллий аҳолига қўшилиб кетишган. 1959 йил аҳоли рўйхатида кўра Ўзбекистон шаҳарларида 3000 нафар, 1979 йилда эса 6000 нафар лўли яшаган. Уларнинг 20 фоизи тожик тилини, қолган қисми эса ўзбек тилини она тили деб тан олишган. Шунингдек, лўлиларнинг яширин тили “лавзи муғат” ҳам сақланган.

Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида, Сергели, Қўйлик каби массивларида, Янгийўл шаҳри атрофларида қримлар яшашган (2-жаҳон уруши йилларида Қримдан кўчирилган). 1944 йил майида қрим лўлилари Ўрта Осиёга жойлаштирилган. 1945 йилда эса кўплари яна Европа томонларга кетишган. Ром лўлилари XX асрнинг 80-йиллари охирида яна Ўзбекистонга силжишган, аммо яна кўп ўтмасдан Ғарбга йўл олишди. Тошкент воҳасида турк лўлилари яшайдиган жой Нахаловка деб аталган⁸. 1956 йилда Октябр тўнтаришидан сўнг собиқ Иттифоқ МИК ва ХҚС кўчманчи лўлиларни ўтрок ҳаётга ўтказиш ва меҳнатга жалб этишга кўмаклашиши чора-тадбирлари тўғрисида бир неча қарорлар қабул қилган эди⁹. Сўнгра Олий Совет Президуми томонидан “Дайдилик билан шуғулланаётган лўлиларни меҳнатга жалб этиш ҳақида” махсус қонун тасдиқланди.

Маълумки, Ўзбекистон лўлиларининг узок йиллар “майда миллат” сифатида ҳаёти, турмуши, маданиятига эътибор берилмади. Айниқса Шўролар ҳокимияти даврида уларнинг ҳаёти жуда аянчли эди. Ваҳоланки, улар ҳам “бахтиёр совет халқи” таркибига кирганди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, лўлиларнинг миллий қадриятлари тиклана бошланди, ҳаёти ва турмушида ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Лўлилар ҳозирги даврда турли ширкатлар, муассасалар, ишлаб чиқариш корхоналарида ҳам ишламоқдалар. Лўли болалари умумтаълим мактабларига жалб қилинган. Лўли ёшлари ўрта, махсус ва олий ўқув юртларида таълим олмақдалар, аммо бу кўпчиликни ташкил этмайди. Ўтган чорак асрдан зиёд вақт ичида давлат, ҳукумат микёсида лўлиларга оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжат қабул қилинмади. Ҳаттоки матбуот ва ОАВларда лўлилар ҳаётига бағишланган материаллар берилмади.

Ҳанузгача лўлилар тарихи ва этнографиясини ўрганиш ҳам ёпиқ мавзулигича қолиб келмоқда. Айни вақтда маҳаллий лўлилар ҳаёти ва турмушида анчагина муаммолар бисёр. Ҳозирги даврда лўлилар ҳаётидаги мавжуд камчиликларни тез бартараф этиш, уларнинг турмушини тубдан яхшилаш, яшашлари учун муносиб шароит яратиш, жамоат ишларига фаол иштирокини таъминлаш каби долзарб масалалар ўз ечимини топиши лозим, албатта.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Баранников А.П. Цыгане в СССР. – М., 1931.
2. Троицкая А.Л. Среднеазиатские цыгане // Сов. этногр., 1937, – №4. – С.10–11.
3. Назаров Х.Х. Влияние Октябрьской революции на положение и быт среднеазиатских цыган (на примери цыган, живущих в городе Самарканде и Самаркандской области). Автореф. канд. дисс..... – М., 1970. – С. 24;
4. Атаханов Ш.Т. Цыгане Ферганской долины (Историко-этнологические исследование) Автореф. канд. дисс..... – Т., 2005. – С. 24.
5. Этнический атлас Узбекистана. – С. 244
6. Отахонов Ш.. Кўрсатилган асар. – Б. 3.
7. Отахонов Ш. Кўрсатилган асар. – Б.16
8. Навоий асарлари учун кискача изоҳли луғат. – Т., 1993, – Б. 146.
9. Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. – Т., 2014. – Б. 319.
10. Этнической атлас Узбекистана. – Т., 2002. – С. 245-247.
11. Народы мира. Историко-этнографический очерк. – М., 1988. – С. 502.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Ўзбекистон худудида яшовчи Ўрта Осиё лўлиларининг этник тарихи, жойлашиши ва этномаданияти ёритилган. Шунингдек, маҳаллий лўлиларнинг турмуш шароитини яхшилаш ҳамда уларни жамоатчилик ишларига жалб этиш бўйича баъзи фикрлар ҳам берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются этническая история, расселение и этнокультура среднеазиатских цыган, проживающих в Узбекистане. Даны рекомендации по улучшению быта и привлечению к общественному труду местных цыган (“люли”).

SUMMARY

There is an ethnic history, resettlement and ethno culture of the gypsies of Central Asia living in the territory of Uzbekistan. There is also some recommendations of improving the way of life of public gypsies and attracting them to public work.

ҲОЗИРГИ ЗАМОН ШАРОИТИДА ХАЛҚ ТАБОБАТИГА ЭЪТИБОР

Мўминова Г.Э. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *мустақиллик, халқ тиббиёти, даволаш, давлат, табиб, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташиқилоти, гуруҳ.*

Халқ тиббиёти жаҳон халқларининг миллий қадрияти сифатида бир неча минг йиллардан буён авлоддан авлодга ўтиб яшаб келмоқда. Бу соҳа анъанавий-маиший маданият билан чамбарчас боғлиқликда таркиб топиб, муайян халқнинг тиббиёт соҳадаги билим ва тажрибаларини ўзида мужассамлаштирган.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов маънавий ва маданий мерос ҳақида тўхталиб қуйидаги фикрни билдирган эди: “Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аждоқларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий қадриятларни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди.

Биз маънавий қадриятларни тиклашни миллий ўзликни англашнинг ўсишидан, халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий, табиий жараён деб ҳисоблаймиз”. [1:137] Мустақиллик шароитида халқ тиббиётига ҳам ўтмиш қадриятлари сифатида катта эътибор берилмоқда ва табиблар фаолиятига кенг йўл очилмоқда. Табибларнинг илмий асарлари чоп этилиб, уларнинг даволаш усул ва воситалари замонавий тиббиётга ҳам татбиқ этилмоқда.

Халқ тиббиётининг даволаш усулларининг хилма-хиллиги ва илмий қиммати шундаки, улар ҳукмрон табақа ёки бирор бир шахс томонидан ўйлаб топилмаган, балки ўт-

миш даврларнинг ўзига хос тарихий бурилиш даврида жамият тараққиётининг муайян босқичида табиий зарурият, тажриба ва изланишлар натижаси сифатида шакллланган. Халқ тиббиёти кенг халқ оммасининг анъанавий турмуш тарзи тажрибалари ва қарашлари дунёвий тиббиёт ютуқлари билан уйғунлашиб кетган.

Бутун дунё мамлакатларида анъанавий тиббиёт дунёвий тиббиёт билан ёнма-ён яшашда давом этиб, халқ тиббиёти вакиллари фаолиятига кенг йўл очилган, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти соҳага жиддий эътибор қаратиб, унинг тарғиботи юзасидан қатор чора-тадбирлар олиб борган бир шароитда совет ҳукмронлиги йилларида Ўзбекистонда тиббиётнинг мазкур йўналиши таъқиқланиб, вакиллари фаолияти қувғин ва таъқиқларга учради. Аммо асрлар оша яшаб келган тиббиёт анъаналари ота-боболардан қолган мерос сифатида яшашда давом этди ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ишига ўзининг муносиб улушини қўшиб, йилдан йилга янги маълумотлар, тажрибалар билан бойиб борди ҳамда ҳозирги замон тиббиёти учун қимматли манба бўлиб хизмат қилди.

Халқ тиббиёти, унинг келиб чиқиши, турлари, даволаш усул ва воситалари, намояндалари фаолияти тарихини тиббий, этнографик, тарихий нуқтаи назардан тадқиқ этиш ишлари жаҳон мамлакатлари олимлари томонидан XIX аср ўрталаридаёқ бошлаб юборилган. Ушбу соҳани ўрганиш бўйича илк диссертация Дерпт университети олими В.Ф.Демичга тегишли бўлди. [2:59]

Халқ тиббиёти даволаш усул ва воситалари турли халқларнинг ҳаётий тажрибаси, диний эътиқодлари йиғиндиси сифатида таркиб топганлиги боис турли халқларнинг тиббиёт анъаналари бир-бирига жуда ўхшаш ёки бир хил характерга эгадир. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, халқ тиббиётининг даволаш усулларини икки гуруҳга, яъни диний қарашларга таянган ва эмпирик кузатишларга асосланганлигига қараб фаркланади.

Халқ тиббиёти вакиллари шуғулланаётган машғулотининг келиб чиқиш омиллари, даволаш усул ва воситалари, қай даражада дунёвий билимларга алоқадорлигига, даволаш натижалари, даволовчилар жинси ва бошқа белгиларга қараб таснифлаш мумкин. Анъанавий даволаш усуллари бир сўз билан халқ тиббиёти, деб аталса-да, аммо қайсидир даволовчилар кўринмас кучларга, қайси бирлари мавжуд доривор гиёҳларга, бошқалари эса ота-боболардан қолиб келаётган тажрибаларга, яна қайси бирлари “даволаш” баҳонасида бемор ва унинг оила аъзоларига ҳар хил фириб ва найранглар ишлатиб “дори-дармон” лар қўллашга асосланиб фаолият юритганлар.

Ўрта Осиёда фаолият юритган халқ тиббиёти вакиллари куйидаги гуруҳларга ажратган ҳолда таҳлил этиш мақсадга мувофиқ: а) сеҳр ва афсунга таянган фаолият фолбинлик ва бахшичиликда; б) диний йўналиши эшонлар, муллалар, дуохонлар, парихонлар, азаимхонлар фаолиятида; в) амалий тажрибаларга таянган фаолият синиқчилар, сартарош (жаррох), доялар, табиблар (тауб), “момолар” ҳаракатида намоён бўлади.

XX асрнинг 70–80 йилларида дунёнинг қатор давлатларида, хусусан, Ҳиндистон, Хитой, Вьетнам, Япония, Мексика каби давлатларда халқ тиббиётига қизиқиш ортиб борди. Француз олими Мишель Рузенинг таъкидлашича, ўтган асрнинг 50-йилларида Францияда 38 минг врач бўлса, 40–50 минг фолбинлар ва бошқа даволовчи табиблар бўлган. Маълумотларда таъкидланишича, АҚШда ўша даврда “қўл билан ушлаб кўриб” даволайдиган 30 мингга яқин киши фаолият кўрсатган. АҚШнинг 48 та штатидан фақат тўрттасида улар расмий равишда врачлар деб, тан олинмаган, қолган штатларнинг барчасида улар дипломли врачлар билан тенг ҳуқуқларига эга бўлганлар. [3:13]

Жаҳон халқлари орасида анъанавий тиббиётнинг ўрнининг ортиб бораётганлигини ҳисобга олиб, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) ушбу масалага катта аҳамият бера бошлади. Масалан, 1977 йил Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Бутунжаҳон Ассамблеясининг XXX сессиясида ВНА 30.40 резолюцияси имзоланди. [5. Б.3] Ушбу резолюциясида муайян давлатда халқ тиббиёти тизими “Миллий соғлиқни сақлаш тизимининг назоратида ва ўрнатилган қоидаларга қатъий амал қилган ҳолда фаолият олиб

бориши лозимлиги” таъкидланди. Мазкур резолюция қабул қилиниши билан уни глобал миқёсда амалга оширишга киришилди. Жаҳон миқёсида халқ тиббиётига бўлган эътибор янада кучайтирилиб, давлат ва халқаро миқёсида илмий анжуманлар ўтказилди, илмий журналлар ва турли нашриётлар томонидан мақолалар ҳамда рисоалар чоп эттирилди.

ЖССТнинг қўллаб-қувватлаши билан халқ тиббиётига бўлган муносабат тубдан ўзгартирилиб, халқ маънавий бойлиги сифатидаги аҳамияти оширилди. Халқ тиббиётининг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан фойдаланиладиган даволаш усуллари кенг тарғиб этилди. Чунки халқ тиббиёти анъаналарида муайян географик ҳудуд ва унинг ўсимлик ҳамда ҳайвонот дунёсига хос хусусиятлар мужассамлашган.

1980 йил ЖССТ ташаббуси билан Женевада “Народная медицина: пути содействия и развития ВОЗ” номли рисола нашр этилди. Унда таъкидлашича, халқ тиббиёти касалликларга ташхис қўйиш, жисмоний бузилишни бартараф этиш, руҳий ва ижтимоий барқарорликни таъминлашга хизмат қиладиган барча билим ва амалий тажрибалар йиғиндиси бўлиб, авлоддан авлодга оғзаки ёки ёзма равишда ўтиб келган.[4]

ЖССТ халқ тиббиётининг кўп ҳолларда қоғоз ва ривожланмаган мамлакатларда кенг ёйилиши сабабларини замонавий тиббиёт ва соғлиқни сақлаш ишларини йўлга қўйиш бўйича мазкур давлатларда етарли маблағларнинг мавжуд эмаслиги билан изоҳлайди. [6:85–89]

ЖССТнинг 2002 йил халқ тиббиётига оид стратегияси эълон қилинди. Ушбу ҳужжатни дунёнинг 190 давлати имзолаб, улар халқ тиббиётидан фойдаланиш даражасига қараб урта гуруҳга ажратилади:

биринчи гуруҳ – халқ тиббиётининг даволаш усул ва воситаларини расман тан олинган ва кенг қўллашга рухсат берган давлатлар;

иккинчи гуруҳ – муайян давлатда миллий соғлиқни сақлаш тизимида халқ тиббиёти даволаш усулларида чекланган кўринишда фойдаланиш;

учинчи гуруҳ – бу мамлакатларда халқ тиббиётининг даволаш усуллари расман тан олинмасда, уларни қўллашга тўғридан-тўғри тақиқлаш йўқ.

Ўзбекистон ЖССТнинг ушбу стратегия ҳужжатида 1992 йил аъзо бўлиб, унинг иккинчи гуруҳига киритилган. Республикада замонавий тиббиётнинг даволаш усулларида фойдаланиб даволайдиган хусусий клиникалар ҳам фаолият олиб боради.

Ўзбекистонда 2010 йил Халқ тиббиёти Ассоциациясининг тузилиши, соҳа ишини такомиллаштириш ва ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ассоциация олдида Ўзбекистонда халқ тиббиётини ривожлантиришга ҳисса қўшиш, касалликларни тиббиётнинг анъанавий усуллари билан даволаш ҳамда профилактика ишларини оммалаштириш, соҳани ривожлантириш борасида халқаро лойиҳаларда иштирок этиш, масала юзасидан жамоатчилик фикрини ўрганиш, илмий-тадқиқотларни ташкил этиш, соҳа мутахассислари ўртасида касбий алоқаларни ўрнатиш каби мақсадлар қўйилди. Ассоциация ташаббуси билан 2010 йил февралда Тошкент шаҳрида “Замонавий жамиятда халқ таъбири. Ўрни, аҳамияти, истиқболлари” мавзусидаги халқаро анжуман ўтказилди.

Хуллас, жаҳондаги барча халқларнинг анъанавий тиббиёти турли тарихий даврда ҳукмрон давлат ва мафкура манфаатлардан келиб чиқиб, турлича ҳолатда фаолият юритади. Баъзи тарихий даврларда халқ тиббиёти вакиллари кучли таъкиб этилишига қарамай, ота-боболардан мерос қолган даволаш усул ва воситалардан беморларни даволашда самарали фойдаланиб келганлар.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти халқ тиббиёти масаласига жиддий эътибор қаратиб, унинг тарғиботи юзасидан қатор амалий тадбирлар олиб борди. Шунингдек, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда бу соҳага қизиқиш ва эътибор кучайди. Халқ тиббиётини ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилиб, анъанавий тиббиёт билан шуғулланувчилар уюшмаси тузилди.

Халқ тиббиёти анъаналарини давом эттираётган вакилларни даволаш усуллари, машғулотнинг келиб чиқиш омиллари, қай даражада дунёвий тиббиётга, фанга алоқадорлиги ва бошқа жиҳатларга қараб гуруҳларга ажратилди. Уларни диний қарашларга, амалий мулоҳазаларга асосланганлиги бўйича таснифланди. Ўзбекистонда анъанавий тиббиётнинг табиблик, синиқчилик, доялик, бахшичилик, дуохонлик, фолбинлик каби шакллари мавжуд бўлиб келди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. –137 б.
2. Архангельский Г.В. Историко-медицинский аспект изучения народной медицины. // Советское здравоохранение, – М., 1985. – №12, – С. 59.
3. Каневский Л.О. Медицина ва дин. – Т., 1957, – С.13 .
4. Народная медицина: пути содействия и развития. ВОЗ. – Женева, 1980.
5. Олайвола Акереле. Каким путем пойдет народная медицина? // Здоровье Мира, журнал Всемирной Организации здравоохранения. – М., 1983, – № 6, – С. 3.
6. Янгни-Ангате А. О традиционной медицине. Всемирный форум здравоохранения. – М., 1982, Т. 2. – № 3. – С. 85-89.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада жамиятда халқ тиббиётининг тутган ўрни, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва хорижий давлатларнинг мазкур масалага эътибори, мустақиллик йилларида халқ тиббиётини ривожлантириш юзасидан олиб борилган тадбирлар ва уларнинг натижаларига доир маълумотлар умумлаштирилади.

РЕЗЮМЕ

В статье анализируется роль народной медицины в обществе, внимание Всемирной организации здравоохранения и зарубежных стран к этой проблеме, обобщаются сведения о мерах по ее развитию, предпринятых в годы независимости, и их результаты.

RESUME

Work guard health children are analysed in this article in Uzbekistan, including organization medical institution for children, spreading amongst children different disease at Soviet years, attention not this branches at years of independence.

Наишга доц. О.Бўриев тавсия этган

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАЛАРИ ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Имомов Б. (ҚарМШИ)

Таянч сўз ва иборалар: *ҳамкорлик, муносабат, ташқи сиёсат, интеграция, масъулият, маърифат, демократия, илм-фан, жаҳон маданияти, мустақиллик, дунёқараиш, дин, хавфсизлик, кадрлар тайёрлаш.*

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қўлга киритган кундан бошлаб жаҳондаги нуфузли давлатлар билан ҳамкорлик қилиш йўлидан борди. Шундай давлатлардан бири Туркиядир. Туркия айни вақтда йирик имкониятларга эга ва дунё микёсида катта ҳурмат қозонган давлатлардан бири ҳисобланади. Ўзбек ва турк халқлари дини, тили, тарихи ва маданий жиҳатдан бир-бирига жуда яқин миллатлардир. Унинг замирида халқимизнинг кўп асрлик тарихи, маданияти, анъана ва қадриятлари, эзгу орзу-интилиш ва манфаатлари мужассам этган. Айниқса, сўнгги йиллар давомида кузатилаётган ўзгариш ва жараёнлар, янгича ёндашув ва дадил қадамлар ташқи сиёсатимизда ҳам янги саҳифа очилишига замин яратди. Зеро, бугунги кунда Ўзбекистон олдида хорижий давлатлар ва халқро ташкилотлар билан бевосита алоқалар олиб борувчи муассасалар тизимини

шакллантириш, улар билан сиёсий, иқтисодий, маданий ва дипломатик алоқалар ўрнатиш ҳамда бу алоқаларни ривожлантириб ўзаро ҳамкорлик даражасига кўтариш каби долзарб вазифалар тургани ҳеч кимга сир эмас.

Бу давлатлар қаторида Туркия Республикаси бугунги кунда ўзининг “Турк модели”ни жаҳондаги ривожланган мамлакатлар учун қўлланилган бозор иқтисодиёти Туркия шароитида моҳирона мослаштирилган ўзига хос тараққиёт йўли ҳисобланади [1]. Шунинг учун ҳам Ўзбекистоннинг Туркия Республикаси билан иқтисодий-инвестициявий, маданий-гуманитар алоқалар ўрнатиши бугунги кунда долзарб масалаларидан биридир. Бу каби давлатларимиз ўртасидаги алоқалар Туркия ва Ўзбекистон Президентларининг қатъий қадамлари туфайли икки мамлакат ўртасида яқин ҳамкорлик янада ривожланишида муҳим аҳамият касб этди.

Маълумки, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғоннинг 2016 йил ноябрь ойида Самарқандда ўтган музокаралари давлатларимиз ўртасидаги муносабатларни янги босқичга олиб чиқиш жараёнини бошлаб берди. Ўзбекистон икки томонлама келишувларни амалга ошириш бўйича барча соҳаларни қамраб олган Амалий ҳаракатлар режасини, яъни ўзига хос “йўл харитаси”ни қабул қилди. Бундан кўзланган мақсад, давлатлар ўртасида ўзаро савдо ҳажмини кўпайтириш ва истиқболли инвестиция лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, бу мамлакатлар Президентлари 2017 йил май ойида – Пекинда, 2017 йил сентябрида – Остонада, кейин Нью-Йоркда учрашишгани, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни Туркия Республикасига 2017 йил 25–26 октябрь кунларидаги давлат ташрифи бу икки давлат ўртасида ўзаро муносабатлар янги босқичга ўтганлигини кўрсатиб берди ва бу ташрифда Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев: *“Биз учун яқин дўст ва иқтисодий шерик бўлган Туркия Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олганини ҳеч қачон унутмаймиз,”* деб таъкидлаб ўтди. [2] Зеро, дунё мамлакатлари қаторида Туркия ҳам МДХдаги янги мустақил давлатлар билан, биринчи навбатда, тили, дини ва маданияти яқин бўлган туркий тилли давлатлар билан, хусусан, Ўзбекистон билан жуда яқин сиёсий, иқтисодий, маданий алоқалар боғлади. *Англиянинг “Индепендент” газетаси Туркиянинг Марказий Осиё давлатлари билан алоқаларини тиклаётганларини “Берлин девори”ни қулатилишига қиёслади* [3].

Дарҳақиқат, бутун жаҳон аҳли, айниқса, ОАВ Ўзбекистоннинг бугунги ташқи сиёсатини катта қизиқиш билан кузатиб бормоқда. Бу ҳақда фикр юритганда, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати БМТ Низомида мустаҳкамлаб қўйилган асосий ҳуқуқий тамойилларга ва Конституциямизга, мамлакатимиз ўз зиммасига олган халқаро мажбуриятларга тўлиқ мос ҳолда амалга оширилмоқда. “Биз бундан буён ҳам ташқи сиёсатимизни олиб боришда Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолият концепциясида белгиланган стратегик вазифалар ва устувор йўналишларга таянамиз. Биз ўзимиз танлаган, тинчликпарварликка асосланган, юзага келадиган зиддият ва қарама-қаршиликларни фақат тинч, сиёсий воситалар билан ҳал этишга қаратилган йўлга доимо содиқмиз”. Ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блоklarга қўшилмаслик, бошқа давлатларнинг ҳарбий базалари ва объектларининг Ўзбекистон ҳудудида жойлашувига, ҳарбийларимизнинг чет эллардаги операцияларда иштирок этишига йўл қўймаслик давлатимизнинг қатъий сиёсий позицияси бўлиб қолади. Ташқи сиёсат соҳасидаги барча ҳамкорларимизга нисбатан очиқлик ва хайрихоҳлик руҳида, прагматик сиёсат олиб борамиз”, деб таъкидлайди Президентимиз Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистон ва Туркия Президентларининг давлатлараро расмий учрашувлари, давлат ташрифлари ва юқори даражадаги сиёсий мулоқотлари Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг 1991 йил декабрь ойида Туркияга расмий ташрифи билан бошланди. Кейинчалик 1994 йил июнь, 1997 йил ноябрь ойларида ҳам Туркияга расмий ташрифлари тарихий воқелик бўлди. 1998 йил октябрь ойида Туркия

Республикасининг 75 йиллигига бағишланган тантаналар маросимида ҳам И.А. Каримов иштирок этди. Ўз навбатида, Туркия Бош вазири Т.Чиллер 1995 йил июлида, Туркия Президенти С.Демирел 1996 йил майида Ўзбекистонга расмий ташриф буюрди. Шу йилнинг октябрида Президент С.Демирел Ўзбекистонда ўтказилган туркийзабон давлатлар раҳбарларининг олий даражадаги IV учрашувида ҳамда Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишланган тадбирларда муносиб иштирок этди. Туркия Бош вазири М.Йилмаз 1998 йил апрелида ва Президент С.Демирел 1999 йил май ойида Ўзбекистонга расмий ташриф буюрди. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг Туркия Президенти А.Н.Сезер билан БМТ нинг “Минг йиллик” саммити доирасида 2000 йил сентябридаги учрашуви икки томонлама алоқаларда муҳим аҳамиятга эга бўлди. 2000 йил 16–17 октябрь кунлари Туркия Президенти А.Н.Сезер Ўзбекистонга расмий ташриф буюрди. Мана шу ташрифлар хусусида тўхталадиган бўлсак, 1991 йил 16–19 декабрь кунлари И.А. Каримов бошлиқ Ўзбекистон давлат делегацияси мамлакатимиз мустақиллигини биринчи бўлиб тан олган мамлакат – Туркияда бўлди. Туркия Президенти Турғут Ўзол, бош вазир Сулаймон Демирел ва бошқа раҳбарлар, ишбилармонлар билан амалий учрашувлар, суҳбатлар бўлиб ўтди. Сафар чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Туркия ҳукумати ўртасида давлатлараро муносабатларнинг асослари ва мақсадлари тўғрисида шартнома, консуллик ваколатхоналарини айирбошлаш тўғрисида протоколлар, иқтисодий ва савдо соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим, маданият, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт ва туризм соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битим, транспорт ва коммуникациялар соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим, ахборот айирбошлаш, телевидение ва радио эшиттириш бўйича ҳамкорлик қилиш ҳақида протоколлар ва бошқа ҳуқуқий норматив ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги муносабатлар кейинги йилларда бундан-да кенгайди. Хусусан, 1992 йил 28 апрель куни Ўзбекистонда Туркия элчихонаси, Туркияда Ўзбекистон элчихонаси очилди ва фаолият кўрсатмоқда. Ҳамкорликни янада чуқурлаштиришда Туркия давлати раҳбарлари Турғут Ўзол, Сулаймон Демирел, Тансу Чиллер, Месут Йилмазар, Аҳмет Сезерларнинг Ўзбекистонга расмий ташрифлари чоғида имзоланган ҳужжатлар қатта аҳамиятга эга бўлди. Икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик газлама ва тайёр кийим-кечак ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, қўшма корхоналар қуриш, кадрлар тайёрлаш, туризмни ривожлантириш ва бошқа соҳаларда амалий натижалар бермоқда. Ўзбекистонда Туркия сармоядорлари иштирокида 200 дан ортиқроқ қўшма корхоналар барпо этилди. 1996 йил июнь ойида Ўзбекистон автомобилсозлик корхоналари ассоциацияси – “Ўзавтосаноат” Туркиянинг «КочХолдинг» концерни билан Самарқанд шаҳрида «СамКочавто» ўзбек-турк қўшма корхонасини барпо этиш тўғрисида шартнома туздилар. Тез орада бу қўшма корхона бунёд этилди ва сифими ўртача автобуслар ҳамда 8 тоннагача юк кўтарадиган юк автомобиллар йиғиш йўлга қўйилди. [4] Икки мамлакат ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 1992 йилда 75 млн АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 1998 йилда 275 млн АҚШ долларига кўпайди. Икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг шартнома-ҳуқуқий асосини Ўзбекистон ва Туркия ўртасида 1996 йилда тузилган “Абадий дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида”ги шартнома ҳамда сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, терроризмга ва гиёҳванд моддалар билан ноқонуний савдо қилишга қарши кураш, ҳуқуқий ёрдам, соғлиқни сақлаш, транспорт, туризм, маданият ва бошқа соҳаларда имзоланган 70 дан ортиқ ҳужжатлар ташкил этади [5].

2003 йилда Туркия бош вазири Ражаб Таййип Эрдоғоннинг Ўзбекистонга келиши бу битим ва келушувларни янада кенгайишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Жумладан, халқаро терроризмга қарши кураш соҳасида ҳамкорлик ва дипломатик паспорт эгалари учун визаларни бекор қилиш ҳақида ҳукуматлараро битим тузилди. Ўзаро алоқалар халқаро ташкилотлар доирасида икки давлатнинг парламентлари ва вазирликлари ўртасида ҳам давом этди. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва

химоялаш, икки томонлама солиқ солишга йўл қўймаслик тўғрисидаги битимлар икки давлат учун муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистон Республикаси ва Туркия ўртасида савдо иқтисодий муносабатларда қулай инвестициявий алоқалар ўрнатилдики, 2003 йил якунига кўра, икки мамлакат ўртасида товар айланмаси ўтган йилгига нисбатан 42,2 фоизга ўсди ва 270,8 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Бунда экспорт 129 млн. АҚШ долларини, импорт эса 141,8 млн АҚШ долларини ташкил этди. Экспорт маҳсулотлари: рангли металллар ва улардан тайёрланган буюмлар 42 фоиз; ип-газлама, матолар ва йигирилган ип 38 фоиз; тирикотаж газлама 6,9 фоиз; хизматлар 6,7 фоиз, пахта толаси 1,6 фоиз; мевалар ва ёнғоқлар 1,2 фоиз, нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари 0,7 фоиздан иборатдир. Импорт маҳсулотлари: ер усти транспорти воситалари учун бутловчи ва эҳтиёт қисмлар 26,1 фоиз, техник асбоб-ускуналар 18,4 фоиз, оптик асбоблар ва аппаратлар 5,1 фоиз, электр ускуналари 4,6 фоиз, пластмассалар ва улардан тайёрланган буюмлар 4,4 фоиз ва бошқалар ташкил этади. 2004 йилнинг биринчи чораги якунларига кўра, икки мамлакат ўртасида товар айланмаси 118,2 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Бунда экспорт 66,1 млн АҚШ долларини, импорт эса 52,1 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистон Республикасида Туркия инвесторлари иштирокида 244 та корхона иш юритмоқда, улардан 53таси 100 фоиз Туркия сармоясига тузилган. Турк сармоялари иштирокида ташкил этилган энг йирик корхоналар қуйидагилардир: “Папфен” кўшма корхонаси (йигирилган ип ишлаб чиқариш), “Шарқ-Мир Лтд” кўшма корхонаси (чакана савдо), “Бета Алгоритм” кўшма корхонаси (чай қадоклаш), “Дилек Интерпрайзес” хорижий корхонаси (қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш), “Айлин гıda санайи компани” хорижий корхонаси (озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш), “Демир” хорижий корхонаси (савдо ва хизматлар), “Шарқ Мир ЛТД” кўшма корхонасининг Тошкентдаги саҳни 4500 м² бўлган “Мир” супермаркети халқимизга хизмат қилиб келмоқда [6]. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида 39 та Туркия компанияларининг ваколатхоналари акредитациядан ўтган. Биргина Тошкентда 1993 йилдан буён фаолият юритиб келаётган Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги (ТИКА)нинг саъй-ҳаракатлари юксак баҳога муносиб. Ўтган давр мобайнида мазкур тузилма мамлакатимизда соғлиқни сақлаш, кишлоқ хўжалиги, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, тиббиёт ва таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилишга йўналтирилган лойиҳаларда фаол иштирок этди. 1993–2016 йиллар давомида ушбу мақсадларга ТИКА 23 миллион АҚШ доллари ажратди. Шунингдек, 2002 йилдан бошлаб Ўзбекистон соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари Туркиянинг етакчи шифохоналарида малака ошириш курсларини ўтаб келишаётганини ҳам таъкидлаш лозим. Туркиялик врачлар мамлакатимиз тиббиёт муассасаларида жарроҳлик амалиётларини бажаришмоқда.

Ўзбекистон ва Туркия давлатлари ўртасида маданият соҳасидаги ҳамкорлик ҳақида айтадиган бўлсак, 1993 йил Туркияда Ўзбекистон маданият кунлари ўтказилди ва унда республикамизнинг 60 нафар маданият ва санъат вакиллари иштирок этди. 1994 йил октябрда 48 кишидан иборат туркиялик санъаткорлар гуруҳи «Турк дунёси маданияти ва шодлиги кунлари» доирасида Ўзбекистонга ташриф буюриб, Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида концертлар берди. Ўзбекистон давлат консерваторияси билан Анқарадаги Билкент университети ўртасида малака ошириш, тажриба ва мутахассислар алмашиш, кўшма концертлар ташкил этиш борасида ўзаро ҳамкорлик ўрнатилди. Бугунги кунда Самарқандда ўтказилаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида туркиялик санъат усталари ҳам мунтазам қатнашиб келмоқдалар. Ўзбекистонда «Ўзбекистон–Туркия» дўстлик жамияти бу соҳадаги ишларга самарали ҳисса қўшиб келмоқда. 2017 йил 28 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигида Маданият вазири Бахтиёр Сайфуллаев ҳамда Туркия Ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги “ТИКА”нинг тарих фанлари доктори Али Ихсан Чағлар ўртасида расмий учрашув бўлиб ўтди. Ўзбекистон ва Туркия давлатлари қадимдан ўзининг тарихи, маданияти, санъати, дини, эътиқоди билан бир-бирига яқин бўлиб келган. Учрашувда икки давлат вакиллари давлатлар-

нинг маданият кунларини ўтказиш, маданий мерос объектларини таъмирлаш ишларида ўзаро ёрдам, театр соҳасида гастроль сафарларини жорий этиш, музей ва маданий мерос объектлари (ноёб санъат асари ва экспонатларини таъмирловчи) мутахассисларнинг малакасини ошириш, мастер-класслар ташкил қилиш, икки давлатнинг маданий мерос объектларини ўрганиш, грантлар жалб этиш каби масалаларни муҳокама қилишди.

Ўзбекистонни “Ўзининг ота юрти” деб билган Туркия Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқуллодда ва мухтор элчиси Аҳмет Башар Шен икки давлат ўртасидаги муносабатлар, тарихий алоқалар ва келажак ҳақида ўз фикрини билдирар экан: “Туркиянинг бир қатор етакчи олий таълим муассасасалари Ўзбекистондаги филиалини очиш мақсадида музокараларни олиб бормоқда. Улар орасида тиббиёт ходимларини етиштириб чиқарувчи турк билим юртининг тез орада Ўзбекистондаги филиали очилишига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Туркияда ўқиб турган ўзбек ёшлари айти пайтда кўпчиликни ташкил этади, бундан кейин ҳам уларнинг сони ортиб боришини истаймиз. Хоҳишларимизни рўёбга чиқариш учун махсус ташкилотлар орқали дастурлар қабул қилганмиз. Айтиб ўтилган барча ҳамкорлик масалалари биринчи босқичда, аммо уларни тезроқ илгарилашини режалаштирганмиз. Ҳамкорликни майда босқичдан йирик тизимли шаклга ўтказиш катта ютуғимиз бўлади», деб таъкидлайди элчи.

Шунингдек, туризмни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистонда хунармандлар (оилавий пудрат бўлиб) ишлаб чиқарадиган маҳсулотларни дунёга тарғиб қилиш ва туристларга сотиш, Ўзбекистонда бахши, Қорақалпоғистон Республикасида “жиров” ва Туркия давлатида “Ўзан” деб номланадиган бахшичилик санъат турида ҳамкорлик фестивалларини ташкил этиш ҳамда бошқа маданият йўналишларида ўзаро ҳамкорлик Меморандумини ишлаб чиқиш масаласида таклифлар берилди. Мазкур меморандумни тез орада 2018–2019 йилларга киритилган “Йўл харитаси”га асосан имзолаш каби устувор ва истиқболли масалалар юзасидан фикр алмашилди. Айниқса, Туркиядаги туризм соҳаси юксак ривожланган бўлиб, хусусан, асримиз бошларида бу соҳа 10 миллиард доллар даромад келтирган бўлса, 2014 йилга келиб эса хорижий сайёҳлар томонидан давлат хазинасига 34,3 миллиард доллар маблағ келиб тушган.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Туркия ҳамкорлиги ҳар икки тараф учун ҳам манфаатли, албатта. Зеро, Ўзбекистон бозори, қолаверса, янада эркинлашаётган иқтисодийимиз, асосийси, юртимизда тадбиркорларга яратилган қулай инвестициявий муҳит Туркия учун муҳим бўлса, унинг ривожланган саноати, транспорт коммуникациялари, денгиз йўллари, кишлоқ хўжалиги ва туризм салоҳияти Ўзбекистон учун фойдалидир.

Туркия раҳбари Ражаб Тоййиб Эрдуған ўз ташрифларида Ўзбекистон ҳар томонлама стратегик аҳамиятга эга ҳамкор экани, аҳолиси 32 миллион бўлган Ўзбекистон табиий газ захираси бўйича дунёда еттинчи ўринда, уран захираси бўйича тўртинчи, пахта етиштириш бўйича олтинчи ва унинг экспорти бўйича иккинчи ўринда туришини таъкидлади. Шунга қарамай, икки томонлама иқтисодий муносабатлар кўлами кутилган даражада эмас, 2016 йил якунига кўра, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 1,2 миллиард долларни, жорий йилнинг саккиз ойида эса 900 миллион долларни ташкил қилган. Шунингдек, иқтисодиёт, савдо-сотиқ, саноат, банк-молия, инвестиция, туризм, транспорт-логистика, соғлиқни сақлаш, кадрлар тайёрлаш, муҳофаа ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантиришга доир 20 дан зиёд ҳужжатлар қабул қилинди.

Шунингдек, 2017 йил 26 октябрда Истанбулда ўтказилган икки мамлакат ишбилармон доиралари бизнес форумида йирик энергетика объектлари ва йўл инфратузилмаларини қуриш, тўқимачилик маҳсулотлари, электр жиҳозлари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, озиқ-овқат ва агросаноат тармоғида замонавий саноат ва логистика марказлари ташкил этиш соҳаларида 3,5 миллиард АҚШ доллари ҳажмидаги 30 дан ортик лойиҳа битимлари имзолангани таъкидланди. Бу ташрифлар натижасида яқин йилларда Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажмини 3–4 миллиард долларга етказиш бўйича келишувга эришилгани, бу икки мамлакат ишбилармонлари учун кенг имкониятлар яратилиши Туркиялик ишбилармонлар Президентимиз раҳбарлигида Ўзбекистонда

амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни юқори баҳолаб, валюта бозори эркинлаштирилгани, виза олиш тартиби соддалаштирилгани ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш учун қулайликлар яратганини алоҳида қайд этишди.

Шу ўринда Шавкат Мирзиёевнинг ташрифи жаҳон ва Туркия нашрларида кенг ёритилиб, унга юқори баҳо берилаётганини алоҳида қайд этиш жоиз. Хусусан, «Миллиет» (миллиет.ком.тр) номли турк нашри Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркияга давлат ташрифи тарихий аҳамиятга эга бўлиб, Анқара ва Тошкент ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилишини қайд этган. «Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимини бажаришга қарийб бир йил олдин киришди. Халқаро кузатувчилар хулосасига кўра, Ўзбекистон сўнгги 10 йил давомида Марказий Осиё ҳамда Евроосиёнинг энг жадал ривожланаётган давлатига айланади, аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулоти шиддатли суръатларда ўсади», деди Туркиянинг Каппадокия университети ўқитувчиси, профессор Ҳасан Али Қарасар «Анадўлу» агентлигига берган интервьюсида. Экспертнинг фикрича, икки мамлакатнинг ўзаро ҳамкорлиги ҳозиргача кутилган даражада эмас, лекин давлат раҳбарлари бунга эришиш учун барча имкониятларни ишга солмоқда. Профессор икки мамлакат ўртасида нафақат ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, балки туризм, қишлоқ хўжалиги, тоғ-кон саноати ва авиация соҳаларида ҳам ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган ишлар режаси атрофлича ишлаб чиқилганини қайд этган. «Шунинг учун Шавкат Мирзиёевнинг Туркияга давлат ташрифи катта аҳамият касб этади, дея оламан. Бу ташрифни тарихий деб ҳисоблаймиз, зеро, у ўзаро муносабатларнинг келгуси 5–10 йиллик истиқболларини белгилаб берди», деган Ҳасан Али Қарасар ўз фикрларида.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикасига давлат ташрифи икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликнинг эртанги истиқболларини белгилаб, мамлакатларимиз ўртасида ҳамкорликнинг янги даражага кўтарилишига мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон ўзининг тинчликсевар, ўзаро фойдали ҳамкорликка қаратилган сиёсати ва фаолияти билан бутун дунё эътирофига сазовор бўлиб, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллашига, унинг мавқеи йилдан йилга мустаҳкамланиб тараққий этишига барчамиз бир тану бир жон бўлиб мустақил ватанимиз фаровонлигига муносиб ҳисса қўшишимиз ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Жалолов Ж Бозор иқтисодиёти: Туркия моделининг сири. – Т.: Адолат, 1994. – Б.14.
2. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 390.
3. “Халқ сўзи” газетасининг 1992 йил 1 май сони.
4. “Халқ сўзи” газетасининг 1996 йил 9 май сони.
5. “Халқ сўзи” газетасининг 1996 йил 8, 11 май сони.
6. Туркия Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси жорий архиви. 1992–2004 йил материаллари.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Ўзбекистон ва Туркия муносабатларининг 25 йиллик тараққиётида давлатлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий алоқалари ва давлатлараро муносабатларнинг келажақдаги стратегик режалари ҳақидаги масалалар ёритиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье освещены вопросы развития в течение 25 лет социально-экономических, политических и культурных связей между Узбекистаном и Турцией и стратегические планы на будущее межгосударственные отношения.

RESUME

This article clearly describes socio-economical, political-cultural relationships, as well as, future strategic plans of cross-culture relations between Uzbekistan and Turkey through the 25 years of development.

Нашрга доц. О.Бўриев тавсия этган

СОВЕТ ДАВЛАТИНИНГ МОЛИЯ СИЁСАТИ ВА ПУЛ ИСЛОҲОТЛАРИ ТАРИХШУНОСЛИГИ

Тўхтаева Р.Н. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *Туркистон, Бухоро, Хоразм, молия сиёсати, пул ислоҳотлари, тарихшунослик, совет рубли, совзнак, червонец.*

Мустақиллик шароитида Ўзбекистонда янги ўзгаришлар амалга ошириш жараёнида жамият аъзоларини миллий ғоя руҳида тарбиялаш, баркамол авлодни шакллантиришда тарих фанининг аҳамияти ва роли ортиб бормоқда. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: “Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуг аждодлармиз бор”¹. Кейинги йилларда Ўзбекистон тарихининг кўпгина масалалари ўзининг илмий жиҳатдан ҳолис ва ҳаққоний ечимини топмоқда.

Ватан тарихининг совет даври билан боғлиқ саҳифаларидаги бугунги кун талаблари ва миллий истиқлол ғояси асосида ҳолисона баҳо бериш долзарб вазифаларда бири ҳисобланади. Маълумки совет ҳокимияти ва коммунистик партия ҳукмронлиги йилларида сиёсий яқка ҳукмронлик туфайли турли соҳаларда амалга оширилаётган сиёсат ва белгаланган чора-тадбирлар каттиқ сир тутилиб, ҳақиқий аҳвол кенг халқ оmmasига номаълумлигича қолган. Ўз ўрнида бундай шароитда тарихчи олимларнинг ҳақиқатни ёритиш имконияти йўқ эди. Совет давлати фаолиятидаги сир тутилган жиддий масалалардан бири пул муомаласи ва ислоҳотлари жараёни бўлди.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб, сиёсий-иқтисодий ҳаётда улкан ютуқларга эришаётган бир шароитда унинг молия, пул-кредит соҳасидаги сиёсатини янада юқори даражага кўтариш ва ривожлантириш учун яқин ўтмишдаги пул муомаласи ва унинг йўналишларини аниқлаш, бу борада ўтмиш тажрибаларидан унумли фойдаланиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга молик долзарб вазифалардан бирига айланди.

Муайян давлат пул-кредит тизими мамлакат иқтисодиётини маблағ билан таъминловчи ва иқтисодий ислоҳотларнинг самарасини белгиловчи инфратузилма бўлиб ҳисобланади. Мустақиллик йилларида ушбу соҳага эътибор кучайтирилиб, мамлакатда барқарор пул муомаласини ривожлантириш, миллий валюта қадрини кўтариш ва харид қувватини ошириш тадбирлари долзарб масалалардан бири сифатида кун тартибидан ўрин олди.

Совет даври иқтисодий соҳа тарихи тарихшунослик фанида энг кам ўрганилган йўналишлардан бири ҳисобланади. Жумладан, совет даврида амалга оширилган пул ислоҳотлари ва унинг ўзига хос жиҳатлари, натижалари таҳлилига бағишланган ишлар кўлами ҳам унчалик катта эмас.

Совет ҳукмронлиги даврида ижтимоий-гуманитар соҳа мутахассислари ҳукмрон мафкура талабларидан келиб чиқиб иқтисодий соҳа, хусусан, пул муомаласи ва ислоҳотлари масаласини ўрганишга ҳаракат қилиб, бир қатор илмий мақолалар, рисола ва монографиялар билан бирга илмий тадқиқот ишлари яратилган.

Совет даврида пул муомаласига бағишланган махсус илмий тадқиқот ишлари асосан XX асрнинг 50 йилларидан бошланди. К.А. Диденко, В.И. Матвеев А.Т. Махарадзе, А.К. Погребинскаяларнинг диссертация ишлари шулар жумласидандир². Аммо

¹ Мирзиёев Ш. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Т., 2017. – Б. 482.

² Погребинская К.А. Укрепление советского рубля в послевоенный период. Автореф. дисс... канд. экон. наук. – Самарканд, 1951; Диденко К.А. Денежная реформа в СССР в 1947 г. и ее влияние на дальнейшее развитие народного хозяйства. Автореф. дисс... канд. экон. наук. – М.: МГУ, 1953. Махарадзе А.Т. Денежные реформы в СССР (1922–1924 гг. и 1947 г.) Автореф. дисс... канд. экон. наук. – М.: ИЭАН СССР, 1953. Матвеев В.И. Бюджетные права местных советов депутатов трудящихся в СССР. Автореф. дисс... канд. юрид. наук. – Москва. 1954. – 24 с.

ушбу яратилган ишлар асосан иқтисодчи олимлар томонидан яратилганлиги билан характерланиб, воқеалар ривожига соҳа талаблари нуқтаи-назардан таҳлил этилади. Масалан, А.К. Погребинскаянинг диссертация ишида социалистик жамиятда пулнинг роли ва вазифаси, совет пули ва унинг иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳолати, урушдан кейинги йилларда “рубль” қадрини кўтариш ва мустаҳкамлаш мақсадидаги чора-тадбирлар, уларнинг мазмун-моҳияти ва натижалар, хориж давлатларида пул инфляцияси каби масалалар хусусида фикр юритилади. Аммо ишда пул муомаласининг йўлга қўйилишининг тарихий жиҳатларига умуман эътибор қаратилмайди. Муаллиф 1922–1924 йилларда совет давлатида пул ислохотининг амалга оширилиши совет ҳукмронлиги даврида пул муомаласидаги инқирозий ҳолатлар ҳақида таҳлилий хулосаларни баён қилмайди. Тадқиқотчи “1924 йил мартда пул ислохоти муваффақиятли якунланди ва мустаҳкам пул муомаласи тизимига ўтилганлиги ...”¹ни силлиқ ва юзаки таърифлайди. Муаллиф совет пулига табақалар ўртасидаги “иттифок”, яъни ишчилар ва деҳқонларнинг ўзаро бирлашишини мустаҳкамлашнинг асосий “воситаси” эканлигини таъкидлайди. Аммо ҳақиқий аҳволнинг манзараси тасвирига берилмайди. Шаҳар ва қишлоқларда пул муомаласи турлича бўлиб, ишчи қўлига вақтида ойлик маошлари берилганлиги, бироқ деҳқонлар ўзларининг турли маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини асосан натура, яъни маҳсулот айирбошлаш йўли билан қондириб, муомалада деярли пул бирликлари қўлланилмаганлиги тадқиқотчининг ишида ўз аксини топмайди. Бундан ташқари муаллиф томонидан уруш даври совет пул муомаласи, бутун халқ хўжалигини мудофаа манфаатлари томон йўналтирилиши ва бунда партия ва давлатнинг “улкан ташкилотчилик” ишлари кучли мақталган. Озиқ-овқат ва саноат моллари нархи “ўзгаришсиз” қолганлиги ҳақидаги нотўғри маълумотларни ҳам келтириб ўтади. К.А. Погребинская диссертация ишининг фақат тўртинчи боби Ўзбекистон республикасида совет пулини мустаҳкамлаш масаласига бағишланиб, қолган бобларида бутун совет давлати ва баъзи хориж давлатларида пул муомаласи масаласи ўрганилади. Аммо ушбу бобда асосий эътибор 1947 йил пул ислохотига қаратилиб, фикрлар баёнида тарихийлик тамойилларига умуман амал қилинмайди. Шундай бўлса-да, К.А. Погребинскаянинг диссертация иши пул муомаласига бағишланган Ўзбекистонда бажарилган илк тадқиқотлардан бири сифатида аҳамияти каттадир.

Иқтисодчи олимлар К.А. Диденко ва А.Т. Маҳарадзенинг диссертация ишлари ҳам шу даврда яратилиб, уларда собиқ совет давлати пул ислохотлари жараёнлари таҳлил этилади. Масалан, К.А. Диденко совет давлатида 1947 йилда амалга оширилган пул ислохотлари хусусида тадқиқот олиб борган бўлса, А.Т. Маҳарадзе 1922–1924 йилги пул ислохотини иқтисодий билимлар нуқтаи-назардан ёритиб беради. Аммо уларнинг ишларида ҳам совет даври назарий-методологияси тўла ўз аксини топиб, ҳақиқий воқелик бузиб кўрсатилади.

Совет пул тизими тарихшунослигида И.Б. Айзенбергнинг диссертация иши муҳим ўрин эгаллайди². Муаллиф ўз тадқиқотида асосий эътиборни совет давлати пул монополиясининг моҳияти ва тамойиллари, бозор муносабатларидан социалистик хўжалик бошқарувига ўтилишида пулнинг ўрни, “рубль”нинг харид қуввати ва курси, экспорт ва импорт масалаларига қаратади. Тадқиқотчи совет давлати валюта бозорини тўла эгаллаши учун нималарга эътибор бериши ва қандай чора-тадбирлар қўллаш лозимлиги тўғрисида қатъий таклифларни илгари суради. Масалан, давлатда валюта қонунчилиги асосларига жиддий ўзгаришлар қилиш, олтин асосида совет валюта тизимини мустаҳкамлаш ва бунинг учун муайян олтин захирасини тўплаш, “эркин” валюта бозорида фаол валюта сиёсатини ўрнатиш каби тавсияларни ишлаб чиқади. Муаллиф совет ҳукмронлигининг

¹ Погребинская К.А. Кўрсатилган асар. 3–4-бетлар.

² Айзенберг И.П. Развитие валютной системы Советского Союза. Автореф. дисс. докт... экон. наук. – Москва. 1960.

дастлабки йилларида муомалада бўлган “совзнак” ва “червонецлар” кадри ҳақида муҳим маълумотларни келтириб ўтади.

Ўрта Осиёда турли тарихий даврларда нумизматика ва пул муомаласи Е.А. Давидович тадқиқотларида ҳам ўз аксини топган¹. Муаллиф ўзининг номзодлик диссертациясида Туркистон Автоном Республикаси, Бухоро ва Хоразм Халқ Республикалари давлат бюджети, давлат харажатлари ва даромади масалаларини ўрганади. Туркистонда подшо Россияси ва совет ҳукмронлиги йилларида давлат бюджетидан турли соҳалар учун ажратилган маблағлар таққосий таҳлил этилиб, якуний хулосалар келтириб ўтилади. Шунингдек, диссертация ишида Туркистон давлат бюджети танқислигининг омиллари асослаб берилди. Унинг фикрича, совет ҳукмронлигининг дастлабки йилларида иқтисодий ночорликнинг асосий сабаби ўлкадаги иқтисодий қоқоқлик, солиқ сиёсатининг йўлга қўйилмаганлиги эди. Диссертацияда РСФСР ва Туркистон Республикаларида 1918–1920 йилларда бюджет тақчиллиги фоиз кўрсаткичларида таққосий бериб ўтилади.

Е.А. Давидович тадқиқотининг қимматли жиҳати шундаки, унда Туркистонда “туркбон”ларнинг чиқарилиш тафсилоти, Бухоро ва Хоразм Халқ Республикалари бюджети, Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашининг тузилиши ва Республикалар молиявий соҳасининг интеграция жараёнлари хусусида ҳам маълумотлар келтирилади. Е.А. Давидовичнинг докторлик диссертацияси Ўрта Осиёда турли тарихий даврларда тангашунослик, пул муомаласи масалалари тарихий нуқтаи назардан таҳлил этилган.

Совет пул тизими тарихини ўрганишда М.Пўлатова, Н.Насриддинов, М.К.Водомеровларнинг диссертация ишларини ҳам қайд этиш мумкин². М.Пўлатованинг тадқиқот ишида Туркистонда янги иқтисодий сиёсат (НЭП) ва унинг ўлка иқтисодий ҳаётига таъсири, солиқ сиёсати, товар айланиши каби масалалар қамраб олинади. М.Насриддинов ва И.К.Водомеровларнинг диссертацияларида эса давлат бюджети, ишлаб чиқариш ва пул муомаласи иқтисодчи нуқтаи-назаридан таҳлил этилади.

Хуллас, муайян давлатнинг иқтисодий ислоҳоти ва молиявий аҳволи, хусусан, пул муомаласи турли соҳа мутахассисларининг диққат марказидаги масалаларидан бири ҳисобланиб, турли тарихий даврларда ушбу муаммонинг ёритилиши юзасидан қатор диссертация ишлари ҳимоя қилинган бўлса-да, ҳукмрон мафкура кўрсатмалари таъсирида мавзу ҳолисона ёритилмаган. Шу боисдан бу мавзуда замонавий янги адабиётлар асосида ҳолисона илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳимдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т., 2017. – 482 б..
2. Погребинская К.А. Укрепление советского рубля в послевоенный период. Автореф. дисс... канд. экон. наук. – Самарканд, 1951. – 24 с.
3. Диденко К.А. Денежная реформа в СССР в 1947 г. и ее влияние на дальнейшее развитие народного хозяйства. Автореф. дисс... канд. экон. наук. – М.: Изд. МГУ. 1953. – 24 с.
4. Махарадзе А.Т. Денежные реформы в СССР (1922–1924 гг. и 1947 г.) Автореф. дисс... канд. экон. наук. – М.: ИЭАН СССР, 1953. – 24 с.
5. Матвеев В.И. Бюджетные права местных советов депутатов трудящихся в СССР. Автореф. дисс... канд. юрид. наук. – Москва. 1954. – 24 с.
6. Погребинская К.А. Кўрсатилган асар. –3–4 бетлар.

¹ Давидович Е.А. Государственные бюджеты Туркестанской Автономной Советской Социалистической республики. (1918–1924 гг.) Автореф. дисс... канд. экон. наук. –Москва 1949; Ўша муаллиф. Нумизматические данные по социально-экономической и политической истории Средней Азии X–XVIII вв. Автореф. дисс... докт. ист. наук. – Душанбе–Москва, 1964. – 24 с.

² Пўлатова М., Переход Туркестанской АССР к новой экономической политике. (1921-1922). Автореф. дисс... канд. ист. наук. –Ташкент, 1968; Насриддинов М., Местные бюджеты и их роль хозяйственном и культурном строительстве. Автореф. дисс... канд. экон. наук. –Т., 1975; Водомеров Н.К. Непосредственное общественное социалистическое производство и деньги. Автореф. дисс... канд. экон. наук. –Москва., 1980. – 24 с.

7. Айзенберг И.П. Развитие валютной системы Советского Союза. Автореф. дисс... докт. экон. наук. – Москва. 1960. – 48 с.
8. Давидович Е.А. Государственные бюджеты Туркестанской Автономной Советской Социалистической республики. (1918–1924 гг.) Автореф. дисс... канд. экон. наук. – Москва 1949. – 48 с.
9. Ёша муаллиф, Нумизматические данные по социально-экономической и политической истории Средней Азии X–XVIII вв. Автореф. дисс... докт. ист. наук. Душанбе–Москва, 1964. – 48 с.
10. Пўлатова М., Переход Туркестанской АССР к новой экономической политике. (1921–1922). Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Ташкент, 1968. – 24 с.
11. Насриддинов М., Местные бюджеты и их роль хозяйственном и культурном строительстве. Автореф. дисс... канд. экон. наук. – Т., 1975. – 24 с.
12. Водомеров Н.К. Непосредственное общественное социалистическое производство и деньги. Автореф. дисс... канд. экон. наук. – Москва., 1980. – 24 с.

РЕЗЮМЕ

Мақолада совет давлатининг молия сиёсати ва пул ислохотлари тарихшунослиги ёритилган.


РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматривается историография финансовой политики и денежных реформ советского государства.

SUMMARY

In the historiographies given to article to be considered financial policy and monetary reforms of the Soviet state.

Нашрга доц. О.Бўриев тавсия этган



AXLOQ ILMINING NAZARIY ASOSLARI

Do'smurotov J., Raxmonova G. (QarDU)

Tayanch so'z va iboralar: *axloq, odob, xulq, axloqiy ong, axloqiy tuyg'ular, axloqiy tafakkur, axloqiy madaniyat, kundalik axloqiy ong, nazariy axloqiy ong, axloqiy qadriyatlar, axloqiy urf-odatlar.*

Axloq haqida gap borganda, albatta uning muayyan tuzilmasi, unga asos bo'lgan omillar, unsurlar to'g'risida to'xtalmaslik mumkin emas. Axloq tuzilmasini, odatda, ikki omil – asosdan iborat deb hisoblaydilar.

Bular:

- axloqiy ong: o'z navbatida axloqiy ong darajaga bo'linadi: axloqiy tuyg'ular, kechinmalar (hissiyot) va axloqiy tafakkur;
- axloqiy xatti-harakatlar (amaliyot, axloqiy madaniyat).

Sharq mutafakkirlari birinchisini qalb (dil, ko'ngil), ikkinchisini aql deb ataydilar. Ba'zi mutaxassislar (chunonchi, mashhur rus axloqshunosi A. Titarenko) axloqshunoslik mezoniy tushunchalarini (kategoriyalarini), axloqiy me'yor va tamoyillarni axloq tuzilmasi tarzida taqdim etadilar. Bizning nuqtayi-nazarimizda bu fikr unchalik to'g'ri emas. Chunki mazkur tushunchalar va tamoyillar va me'yorlar ko'proq axloqqa emas, balki uni o'rganadigan fanga – axloqshunoslikka taalluqlidir. Umuman shuni aytish kerakki, ularning sababini mazkur fanning boshqa fanlarga nisbatan alohida xususiyatga egaligidan, ya'ni unda ko'p hollarda ilmiy, nazariy jihatlarining amaliy tomonlar bilan omixtalashib ketganidan qidirish lozim.

Ayni paytda ana shu ikki omilning tuzilmadagi o'rni, to'g'rironi mavqei masalasida ham turli xil qarashlar mavjud. Ba'zi axloqshunoslar axloqiy tafakkurni (aqlni), boshqa bironlar axloqiy hissiyotni (qalbni) o'zini asosiy unsur deb talqin etadilar. Xo'sh, aslida qanday qarash haqiqatga yaqin?

Avvalo, shuni ta'kidlash lozimki, juda ko'p hollarda axloq tuzilmasidagi mazkur ikki omil – unurning birortasiz axloq tushunchasini tasavvur qilib bo'lmaydi. Boshqacha aytganda, axloqni inson ko'z oldida gavdalanitiruvchi axloqiy munosabatlarni his etish yaxlit axloqiy ong, ya'ni axloqiy his-tuyg'ular va axloqiy tafakkur ishtirokisiz yuzaga chiqishi, ya'ni mavjud bo'lishi mumkin emas. Zero, tuzilmadagi bu ikki unsur – omil bir-birisiz kamdan-kam mavjud bo'ladi, doimo bir-birini taqozo qiladi.

Bizning axloqiy hayotimiz, barcha axloqiy tajribalarimiz, axloqiy faoliyatimiz ana shu ikki omil asosida ro'yobga chiqadi. Axloqiy kodekslarimiz, me'yorlarimiz va tamoyillarimiz ularga asoslanadi. Lekin aldov, yolg'on, soxtalik va totalitar zug'um hukmronlik qilgan davrlarda yoki mamlakatlarda axloqiy hissiyot, axloqiy ong, axloqiy munosabatlar qabul etilgan kodekslar, me'yorlar hamda tamoyillarga ko'pincha to'g'ri kelmaydi. Rasmiy axloqiy qonunqoidalar bilan haqiqiy axloqiy intilishlar orasida ma'naviy jarlik paydo bo'ladi. Tilda bu qonunqoidalar ko'klarga ko'tarilgani holda, dilda ich-ichdan ularga qarshilik hukm suradi. Natijada jamiyat uchun fojia bo'lgan axloqiy so'z bilan axloqiy faoliyatning alohida-alohida mavjudligi ro'y beradi.

Inson oliy mavjudot sifatida onga (aql)ga ega. Axloq esa ijtimoiy ongning bir shakli sifatida namoyon bo'ladi. Axloq ijtimoiy ong shakli sifatida ikki darajaga bo'linadi:

1. Kundalik axloqiy ong.
2. Nazariy axloqiy ong.

Kundalik axloqiy ong insonning hayotiy faoliyati, tajribasi davomida ko'rgan voqealari, guvoh bo'lgan jarayonlari, eshitgan gap-so'zlari boshqa odamlar va jamiyat bilan aloqalari orqali yuzaga keladi. Kundalik axloqiy ongda ijtimoiy psixologiya bilan bog'liq axloqning jihatlarini o'z aksini topadi. Inson har qadamda axloqiy tanlov muammosiga duch keladi. Bu

muammo kishida mas'uliyat hissi mavjudligidan dalolat beradi. Mas'uliyatni o'zgarlar va o'z vijdoni oldida javobgarlikni sezmagani kishi xohlagan ishga qo'l urishi mumkin – uni o'z qilmishining oqibati qiziqitirmaydi, u faqat manfaat ustuvorligini tan oladi, xolos. Unday odamni axloqsiz deb ataydilar. Zero, inson yo ezgulikni, yo yovuzlikni tanlashi tufayli nimanidir ixtiyori etadi: axloqiy tanlov – har bir xatti-harakat, har bir qilmishning ibtido nuqtasi.

Nazariy axloqiy ong inson voyaga yetgan sari hayotiy faoliyati davomida olgan bilimlari, o'rgangan ilmiy tajribalari, fan yutuqlaridan foydalanishi natijasida, umuman olganda, o'qib-o'rganishi natijasida yuzaga keladi. Nazariy axloqiy ongda ijtimoiy ideologiya (mafkura) bilan bog'liq axloqning jihatlari ajralib turadi.

Dastlabki axloqiy qonun-qoidalar ana shu tanlovni ro'yobga chiqarishga va yana ham aniqroq aytganda, uni osonroq amalga oshirishga xizmat qilgan. Ilk axloqiy qonun “O'zingga ravo ko'rmagan narsani boshqaga ravo ko'rma” mazmunida dunyoga kelgan. Uning kundalik axloqiy ongdagi ekvivalenti “Pichoqni oldin o'zingga ur, og'rimasa birovga ur”, “O'zingni er bilsang, o'zgani sher bil” kabi maqollarda o'z aksini topgan. “Axloqning oltin qoidasi” deb atalgan ushbu qonun, bizningcha, eng qadimiy axloqiy talablardandir. Zero, xun olish talabi keyinroq paydo bo'lgan va insonning asl mohiyatiga to'g'ri kelmaydigan qoidalardan.

Barcha muqaddas kitoblarda insonni zo'rlik bilan jonsiz qilish mumkin emasligi ta'kidlanadi. Biz ko'rib o'tganimiz, bundan deyarli o'ttiz asr muqaddam tarqala boshlagan zardo'shtiylik dinining muqaddas kitobi “Avesto”dayoq axloqiy qonun-qoidalar ishlab chiqilganining o'zi diqqatga sazovordir. Unda insonni inson tomonidan o'ldirishga emas, balki it, ot kabi hayvonlarni jonsiz qilish, daraxt va o'simliklarni behuda payhon etish qat'iy man qilinadi, inson faqat ezgu o'y, ezgu so'z va ezgu amal bilan yashashi lozimligi ta'kidlanadi. Bibliyada Qobilni o'ldirgan Hobildan Tangri xun olmaydi va uni o'ldirmaslikni talab etadi. Buddha ta'limoti jonlini jonsiz qilishni eng katta gunoh deb biladi. “Injil”da “O'z qavmdoshingni asra va sev”, “Odam o'ldirma” degan da'vatlar asosiy qoidalar sifatida namoyon bo'ladi. “Qur'oni Karim”da esa xun olishdan ko'ra tovon olmoq ma'qulligi aytilgan va musulmonlar o'zaro faqat go'zal munosabatlarni qilishi lozimligi ko'rsatiladi. Demak, dastlabki axloqiy qonun-qoidalar muqaddas kitoblarda o'z aksini topgan zo'ravonlikka zo'ravonlik bilan javob bermaslik tamoyili asosida yaratilgan.

Hozirgacha bo'lgan bizdagi an'anaviy axloqshunoslikda axloqni tarixiy materializm tamoyiliga asoslanib davriylashtirish qabul qilingan quldorlik jamiyati axloqi, feodalizm jamiyati axloqi, burjua axloqi, proletar axloqi va hokozo. Tarixiylik nuqtayi nazarini rad etmagan holda, biz bunday davriylashtirishga ehtiyot bo'lib munosabat qilishni tavsiya etardik. Negaki, u axloq ilmiga sinfiy yondashib, sinfiylikni mutlaqlashtirib, bir tomonlama qat'iy hukm chiqarishga asoslangan. Chunonchi, unda “quldorlik axloqi” degan tushuncha mavjud va u qat'iy ravishda “Qul – rasmana odam emas, jonli narsa” degan tamoyil bilan ish ko'radi. Qadimgi Yunon masalchisi, qul Ezopga xo'jayining munosabati, bekasining uni sevib qolishi yoki Qadimgi Rumoda ba'zi bir ozod etilgan qullarning keyinchalik senatorlardan ham kattaroq obro'ga ega bo'lganini qanday izohlaymiz. Xristian va islom axloqi qarahlarda qullarga nisbatan munosabat tamomila o'zgacha. Yevropaliklar, aniqrog'i, inglizlar Hindistonni bosib olganlaridan keyin uni boshqarishda islom qonunlaridan foydalanish uchun Marg'inoniyning “Al-Hidoya” asarini o'z tillariga o'girib, undagi qonun-qoidalardan hayratga tushgan edilar. Ular hatto islom qullarga Britaniya va Yevropa mamlakatlarida erkin, ammo kambag'al kishilarga berilgan huquqdan ko'ra ko'proq huquq berilishini e'tirof etishga majbur bo'lgan edilar. Buni biz Abdulla Qodiriyning “O'tkan kunlar” dagi Hasanalining Yusufbek Hoji oilasidagi mavqeidan ham bilishimiz mumkin. Xuddi shuningdek, O'rta asrlarda ajdodlarimiz yaratgan durdona pandnomalarda, odatda, amaldorlar va feodallar emas, balki oddiy xalq vakillari ko'p hollarda axloqiy jihatdan ustun qilib tasvirlanadi. Abu Bakr ar-Roziy o'zining “Kambag'allar tabobati” degan nom bilan mashhur bo'lgan kitobida hatto mana bunday deb yozadi: “Qo'li qisqa kishilarning bolalari kambag'al va kamtarona yashayotganliklari tufayli halol fazilat egalari bo'lib yetishishlari

mumkin, zero ularning boshqalarga nisbatan sabr-toqat ko'rsatishlari, tarbiya hamda mashg'ulotlarda qiyinchiliklarga bardosh berishlari oson kechadi".¹

Demak, insoniyat tarixida axloqiy taraqqiyot bo'lgan va u davom etib kelmoqda. To'g'ri, bu davom etish qat'iy tadrijiylikka ega emas. U goho susayish, ba'zan esa biroz ortga chekinish, ba'zan bir qancha muddat qoim turish xususiyatlariga ega. Lekin katta davrlar va tarixiy oraliqlarni olib qaraydigan bo'lsak, axloqiy taraqqiyotning mavjud ekaniga ishonch hosil qilish qiyin emas. Mustabid tuzumlar va shaxslar keltirib chiqargan axloqiy tanazzullarning hammasi qisqa muddatli hamda o'tkinchi hodisalardir. Zero, insonning asosiy mohiyati o'zini va o'z jamiyatini taraqqiy ettirib borish bilan belgilanadi. Axloq esa ana shu taraqqiyotdan hech qachon chetda turmaydi.

E'tibor qilgan bo'lsangiz, axloq butun insoniyat uchun umumiy hodisa sifatida talqin etildi. Zotan, axloq eng avvalo, umuminsoniy an'anaviy hodisa. Asosiy axloqiy qadriyatlar, mush-tarak axloqiy tushunchalar, axloqiy tamoyil va me'yorlar barcha mintaqalar hamda millatlar uchun bir xil ma'no kasb etadi. Chunonchi, muhabbat, ezgulik va yovuzlik, yaxshilik va yomonlik, vijdon, burch, insonparvarlik, odamiylik, baxt, to'g'rilik, rostgo'ylik, saxiylik va baxillik singari fazilat hamda illatlar tom ma'noda umuminsoniy hodisalardir. Zero, o'zbekcha ezgulik yoki yovuzlik, inglizcha vijdon, fransuzcha insonparvarlik, arabcha yolg'on deyish mumkinmi? Albatta, yo'q.

Lekin, ayni paytda, axloqda umuminsoniylik jihatlaridan tashqari, mintaqaviylik va milliylik xususiyatlari ham muhim ahamiyat kasb etadi. Mintaqaviylik va milliylik xususiyatlari axloqning nisbatan kichikroq qamrovga ega bo'lgan ko'rinishlarida – xulqiy xatti-harakatlar, odob va etiketda yaqqol ko'zga tashlanadi. Chunonchi, musulmon mintaqasida dasturxon ustida bosh kiyimsiz o'tirish beodoblik hisoblanadi. Buning odobdan tashqari, gigiyenik ozodalik nuqtayi-nazaridan ham ahamiyati bor: ovqatlanish paytida ro'molsiz ayol yoki do'ppisiz erkak boshidan soch tolasi, qazg'oq, chang, gard taomga yoki dasturxonga tushishi mumkin. Nasroniylar mintaqasida esa aksincha dasturxon ustida bosh kiyimni yechmaslik Xudo in'om etgan taom va dasturxonga hurmatsizlik sanaladi. Yoki amerikalik kishi o'zi kreslodagi o'tirib, oyoqlarini kuldon va ichimlik ashyolari turgan stolchaga chalishtirib tashlab, orom oladi va uning uchun bu tabiiy hol hisoblanadi. O'zbek uchun esa stolga yoki xontaxtaga oyoq qo'yib o'tirish o'ta odobsizlik sanaladi.

G'arb-u Sharq mintaqalari odobida yana bir katta farq borki, bu hozirgi paytda G'arbda huquqning axloqdan, Sharqda esa axloqning huquqdan ustuvorligi masalasi. G'arb yoshlari balog'atga yetgach, ota-onaga teng huquqli fuqarolar sifatida munosabat qiladi, o'zining qarshi fikrini to'ppa-to'g'ri, ota yoki onasining yuziga tik qarab bayon qiladi va buni insoniy huquqlaridan, shaxs erkinligidan foydalanish deb biladi. Sharq yoshlari, masalan yapon yoki o'zbek ota-onaga tik gapirishni, to'g'ridan-to'g'ri qarshi chiqishni an'anaviy axloqiy qoidalarning oyoqosti qilinishi deb tushunadi, padari yoki volidasiga ko'zini yerga tikib, muloyim, o'z fikrini tovush ko'tarmay aytishni, ba'zan esa sukut saqlashni afzal deb biladi, ularga bo'ysunishni burch sifatida olib qaraydi. Afsuski, ba'zi G'arb davlatlarida yoshlar guruhlarining ko'chada ketayotgan keksa avlodni, qariyalarni tutib do'pposlashlari oqibatida yuzaga kelgan yuzlab sud jarayonlari guvohlik bermoqda.

To'g'ri, sharqona etiket, odobiy qonun-qoidalarning an'anaviylik bilan bog'liq, zamonaviy nuqtai-nazaridan ba'zi nuqsonli tomonlari bor. Lekin, shunga qaramay, ularda insoniylik va mehr-oqibat tuyg'ulari mustahkam ildizga ega. G'arbda esa hozirgi paytda bunday fazilatlarini uchratish tobora g'ayritabiiy holatga o'xshab qolayotir. Shu bois endilikda G'arbning huquqiylik tamoyili bilan uyg'unlashtirish zamonaviy jamiyat taraqqiyotida muhim rol o'ynaydi.

Axloq insoniyatning qadriyatlar tizimida ham o'z o'rniga ega. Yuqoridagi fikrlardan kelib chiqqan holda, axloq qadriyatlar tizimida quyidagi ijtimoiy vazifalarni bajarishini aytib o'tish mumkin:

¹ Abu Bakr ar-Roziy. Kambag'allar tabobati. – Dushanbe: Irfon, 1990. – B. 20.

- 1) baholash vazifasi;
- 2) insonlarga ahloqiy maqsad (mo'ljal) berish vazifasi;
- 3) insonlarning o'zaro munosabatlarini tartibga solish vazifasi;
- 4) jamiyat ma'naviyatini muhofaza qilish vazifasi va ho. kazo.

Axloq kishilik jamiyati tarixiy taraqqiyotida vujudga kelib, tarkib topgan, takomillashib kelgan norma va qoidalardan iborat bo'lib, ular kishilarning o'zaro va jamiyatga bo'lgan munosabatlarini tartibga solib boradi. Bu norma va qoidalar kishilardan jamiyat uchun zarur bo'lgan odob va axloqqa ega bo'lishlikni talab qiladi. Shunga muvofiq, biror kishining xulq-atvori va yurish-turishiga odobli yoki odobsiz deb baho berishga imkon beradi. Abdulla Avloniy yozganidek: "... axloq insonlarni yaxshilikka chaqiruvchi, yomonlikdan qaytaruvchi bir ilmdir. Yaxshi xulqlarning yaxshiligini, yomon xulqlarning yomonligini dalil va misollar ila bayon qiladur gon kitobni axloq deydir. Ma'lumki, odob-axloq qoidalari asrlar davomida tarkib topib, takomillashib borgan va har doim kishilarning birgalikda yashash sharoitidan, tabiiy ehtiyojidan, ijtimoiy manfaatlari va hayotiy talablaridan kelib chiqqan. Qolaversa, bu qoidalar muayyan tarixiy davrdagi kishilarning xatti-harakatlarini, yurish-turishi va boshqalarga bo'lgan munosabatlarda namoyon bo'lgan".¹

Turli mamlakatlarda turlicha urf-odat, odob qoidalari borki, ularni bir-biriga taqqos qilgudek bo'linsa, birida odobsiz hisoblangan qoida ikkinchisida odoblilik hisoblanadi. Turli mamlakatlar urf-odatlarini, axloq-odob qoidalari o'rgangan taniqli yozuvchi I. Erenburg quyidagilarni yozadi: "Xitoyda men birinchi marta rasm-rusumlar, urf-odatlar, axloq-odob qoidalari xususida bosh qotirdim. Nega xalqlarning odatlari yevropaliklarni taajjublantiradi? ... Yaponiyada oyoq kiyimini yechmasdan turib uyga kirish mumkin emas, restoranlarda yevropacha kostyum va paypoq kiygan erkaklar polda o'tiradilar... Venalik o'z so'zining mazmunini o'ylab o'tirmasdan "qo'lingizni o'paman" deydi. Varshavalikni xonim bilan tanishtirilganda, u beixtiyor uning qo'lini o'padi. Angliyalik esa biror odamning qilg'idan g'azablanib, "Qadrli ser, siz – tovlamachi" deb yozadi, chunki u xatini "Qadrli ser" deb boshlamasdan iloji yo'q. Muomala shakllari ham turlicha. Ruslar xayrlashib qolayotganlarida kaftlarini oldinga qilib, qo'llarini ilgari va orqaga bir necha marta silkita, italyanlar esa kaftlarini o'zlari tomonga qaratganlarida holda qo'llarini oldinga va orqaga qimirlatadilar. Italyanlarning bunday ishorasi bizningcha xayrlashishni emas, aksincha, "bu yoqqa keling" degan ma'noni anglatadi. Erkak bilan ayolning o'zaro muomalasi ham turli mamlakatlarda turlicha. Yevropada erkak ayolga qo'l beradi, Osiyoning ko'p qismida ayol erkakning oldidan kesib o'tmaydi. Skandinaviya mamlakatlarida his-tuyg'ularini oshkor bildirish ayb sanaladi. Polsha va Fransiyada yoshlar ko'chada bir-birlari bilan o'pishib tursalar ham unchalik uyat hisoblanmaydi. Shuning uchun boshqa xalqlarning urf-odatlarini va rasm-rusumlariga hurmat va ehtiyotkorlik bilan qarash o'z xalqining urf-odati va rasm-rusumlarini hurmat qiladigan har bir kishining tarbiyaliligini bildiradi. Zero, dunyodagi barcha mamlakatlar, millatlar, elatlar uchun odatlar, rasm-rusumlar, odob qoidalari bir-biriga o'xshamaydi. Bu qoidalar tarixan tarkib topgan bo'lib, joy va iqlim, an'ana va sharoit ta'sirida o'zgarib rivojlanib kelgan. Ana shularning hammasini bilib, ularni o'z joyida to'g'ri tushunish ham odoblilik belgisi hisoblanadi. Ma'lumki, har bir xalqning o'ziga xos odob qoidalari mavjud. Ayni vaqtda, mintaqaviy hududni o'z ichiga oladigan bir qator xalqlarning turmush tarzidan, yashash sharoitlaridan kelib chiqadigan odob qoidalari ham bo'ladi. Shu ma'noda o'zbekona yoxud sharqona odob degan iborani ishlatamiz. Ammo har qanday odob qoidalari u yoki bu yo'sinda insondagi xatti-harakatning tartibga solinishi ifodasi bo'lib, odam bolasiga bo'lgan hurmat-e'tiborni bildirar ekan, u umumbashariy qadriyatni ham ifodalaydi.

Umuman olganda, axloq arabcha so'zdan olingan bo'lib, xulq so'zining ko'plik shakli. "Axloq" iborasi ikki xil ma'noga ega: umumiy tushuncha sifatida u fanning tadqiqot obyektini anglatasa, muayyan tushuncha sifatida inson fe'l-atvori va xatti-harakatining eng qamrovli qismini bildiradi.

¹ Abdulla Avloniy. Turkiy guliston yohud ahloq. – Toshkent, 1995. – B. 22.

Axloqni umumiy tushuncha sifatida olib, uni doira shaklida aks ettiradigan bo'lsak, doiraning eng kichik qismini – odob, undan kattaroq qismini – Xulq, eng katta qismini – axloq egallaydi.

Odob – inson haqida yoqimli taassurot uyg'otadigan, lekin jamoa, jamiyat va insoniyat hayotida burilish yasaydigan darajada muhim ahamiyatga ega bo'lmaydigan milliy urf-odatlariga asoslangan chiroyli xatti-harakatlarni o'z ichiga oladi.

Xulq – oila, jamoa, mahalla-ko'y miqyosida ahamiyatli bo'lgan, ammo jamiyat va insoniyat hayotiga sezilarli ta'sir ko'rsatmaydigan yoqimli insoniy xatti-harakatlar majmui.

Axloq – jamiyat, zamon, insoniyat tarixi uchun namuna bo'la oladigan ijobiy xatti-harakatlar yig'indisi, insoniyat kamolot darajasini belgilaydigan ma'naviy hodisa.

Axloq ilmida Aflotun, Arastu, Epikur, Sitseron, Seneka, Avgustin, Forobiy, Ibn Sino, G'azzoliy, Nasafiy, Spinoza, Immanuel Kant, Gegel, Shopengauer, Fayerbax, Nitsche kabi buyuk faylasuflar yaratgan axloq nazariyasiga oid ta'limotlar bilan birgalikda "Patanjali", "Qutadg'u bilig", "Qobusnoma", Sa'diyning "Guliston" va "Bo'ston", Jomiyning "Bahoriston" Navoiyning "Mahbub ul-qulub", Montening "Tajribanoma", Laroshfukoning "Hikmatlar", Gulxaniyning "Zarbulmasal" kabi amaliy axloqqa bag'ishlangan asarlari ham o'z o'rniga ega.

Axloq hamma davrlarda ham yuksak ahamiyat kasb etgan. U fan darajasida o'rganib kelingan. Faqat zulm va zo'rvonlikka va huquqsizlikka asoslangan totalitar tuzumlardagina u yolg'onga bo'ysundirilgan, soxtalashtirilgan hamda shu yo'l bilan ahamiyati pasaytirilgan. Shu o'rinda Respublikamiz Prezidenti Islom Karimovning quyidagi qimmatli fikrlarini keltirib o'tish joizdir: "Aslini olganda axloq-ma'naviyatning o'zagi. Inson axloqi shunchaki salom-alik, xushmuomalalikdan iborat emas, axloq – bu, avvalo, insof, adolat tuyg'usi, imon, halollik degani".¹

Xulosa qilib aytganda, axloq – barcha odamlar uchun birdek taalluqli hisoblangan, shaxs hayotidagi hamma sohalarida o'ziga va o'zgalarga nisbatan qo'yiladigan ma'naviy ijtimoiy talablar hamda ehtiyojlarning munosabatlar shaklidagi ko'rinishidan iborat bo'lgan insonga berilgan ixtiyor erkinligining xatti-harakatlar jarayonida ichki iroda kuchi tomonidan oqilona cheklanishini taqozo etuvchi ma'naviy hodisa.

Shuningdek, atoqli faylasuf Erkin Yusupovning: "Umuman, axloq ijtimoiy munosabatlar zamirida alohida shaxs sifatida mavjud bo'lgan insonlarning o'z-o'zini idora qilish shakllari va me'yori, o'zaro muloqot va munosabatlarda ularga xos bo'lgan ma'naviy kamolot darajasining namoyon bo'lishidir"² degan ta'rifi ham diqqatga sazovordir.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Каримов И. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. –Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 365.
2. Абу Бақр ар-Розий Камбағаллар табобати. – Душанбе: Ирфон. 1990. – Б. 152.
3. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. –Т.: 1995. – Б. 59.
4. Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. – Тошкент: 1998. – Б. 174.

REZYUME

Maqolada axloqning umumiy tuzilmasi va uning nazariy asoslari yoritib berilgan. Axloq ham boshqa ijtimoiy ong shakllari kabi inson xatti-harakatlarida katta ahamiyat kasb etishi misollar bilan ochib berilgan.

SUMMARY

In this article the general structure of discipline and its theoretical basics have been analyzed. Like other social mental types, the discipline plays an important role on human's behaviour. The samples of these are explained in this article.

PEZIOME.

В статье объясняются общая структура дисциплины и ее теоретические основы. На конкретных примерах доказано, что, как и другие виды социального мышления, дисциплина играет важную роль в человеческом поведении.

Nashrga fals. f. d. S.Choriyev tavsiya etgan

¹ Karimov I. Vatan sajdagoh kabi muqaddasdir. – Toshkent: O'zbekiston, 1996. – B. 39.

² Yusupov E. Inson kamolotining ma'naviy asoslari. – Toshkent, 1998. – B. 38.

БЕФАРҚЛИК ВА НОПИСАНДЛИК – ИЖТИМОЙ КОНФОРМИЗМ ОҚИБАТИ

Бекмуродова Г. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *маданият демократлашуви, конформизм, бефарқлик, нописандлик.*

Янги аср арафасида маданият соҳасида содир бўлган туб ўзгаришлар маданиятнинг демократлашуви деб номланган феноменни юзага келтирди. Маданият соҳасига демократия принципларининг кириб келиши турли хулқ-атвор моделлари, артефактлар, кадриятларнинг биргаликда мавжуд бўлиши ва эркин ривожланиши, улардан имкон қадар кенг-роқ аудиториянинг фойдаланиши учун имкон яратди. Бу ҳол ривожланган мамлакатлар фуқароларининг дунёқараши ҳамда хулқ-атворини кескин ўзгартирди. Кишилар жамиятда мавжуд маданият типига, унинг артефактларига мослашувчан бўлиб қолдилар. Мослашувчанлик кайфияти ёки, фалсафий тилда баён қилганда, конформизм (индивид дунёқараши ва хулқ-атворининг жамиятда мавжуд норма ва принципларга мос ва мутаносиб равишда ўзгариши) юзага келди.

Ўтган асрнинг 70-йилларида вужудга кела бошлаган конформистик кайфиятнинг ўзига хос хусусиятлари Эрих Фромм томонидан айниқса эркин ифодалаб берилди. Унинг фикрига кўра, конформизм бугунги кун кишиси хулқ-атворининг, замонавий жамиятдаги фаолиятининг муҳим шаклидир. Ижтимоий конформизмга берилган киши ўзлигини батамом йўқотиб, мавжуд маданият модели таклиф қилаётган шахс типини тугал ўзлаштиради. У ўзгаларга ўхшашга, ўзгалардек яшашга, ўзгалардек фикрлашга одатланади. Фроммнинг фикрига кўра, бундай фаолият уни ёлғизлик ва ташвишлардан халос қилади, бироқ бунинг эвазига ўз “Мен”идан жудо қилади¹.

Конформистик кайфият бутун бошли авлодни бир томондан, бефарқликка, иккинчи томондан эса, нописандликка ўргатди. Ўтган асрнинг 60-йилларидаги авлод рокерлар, хиппилар, панклар ёки битниклар тарзида мавжуд маданият типига норозилик билдиришни одат қилган бўлса, 2000-йилларда шаклланган авлод жамиятдан ажралмасликка, турли маданият типларига бефарқ ва нописанд муносабатда бўлишга одатланди. Ж.Ф. Лиотар таъбири билан айтганда, бугун радиодан регги тинглайдилар, кинотеатрларда вестерн томоша қиладилар, қорин тўйғизгани Макдональдсга борадилар, маҳаллий пазандачиликка асосланган ресторанда тушлик қиладилар, Токиода тайёрланган паришча духини ишлатадилар ва Гонгконгда ретро услубида тикилган кийимларни киядилар².

Турли маданият типларига бефарқлик, уларга нописандлик аста-секинлик билан умуман ижтимоий жараёнларга, ўзгалар турмушига, ҳатто ўз тақдирига ҳам бефарқ муносабатда бўлишни, уларни писанд қилмасликни вужудга келтирди. Қизиғи шундаки, бундай бефарқлик ҳолатлари толерантлик сифатида таърифлана бошланди. Аслида бундай эмас. Маълумки, толерантлик – ўзгача турмуш тарзи, хулқ-атвор, анъана, фикр, ғоя ва эътиқодга сабр-тоқат билан ёндашишни ифодаловчи тушунчадир. Бироқ бундан ғайрининсоний ва миллий маданиятга ёт бўлган турмуш тарзи ёки ғояларга ҳам сабр-тоқат билан муносабатда бўлиш керак, деган хулоса келиб чиқмайди. Масалан, шахснинг бошқалар манфаатларига зид бўлган, ўзгалар нафсониятига тегадиган хатти-ҳаракатларини, миллий маданиятга путур етказадиган фаолиятини сабр-тоқат билан қабул қилиш мумкин эмас. Бундай сабр-тоқат толерантликни эмас, бефарқликни англатади. Бефарқлик

¹ Қаранг: Фромм Э. Бегство от свободы. – М.: АСТ, 2011.

² Қаранг: Костина А.В. Массовая культура как феномен постиндустриального общества.- – М.: Изд. ЛКИ, 2011. – С.111–112.

деганда жамиятда содир бўлаётган воқеаларга, ўзгалар турмушига, хатти-ҳаракатига эътиборсизлик тушунилади.

Ғарбдаги маънавий инқироз, индивидуализмни улуғловчи турмуш тарзи мантикий равишда бефарқ кишилар сонини кўпайтирди. Ўзгаларнинг турмушига аралашмаслик, уларнинг манфаатлари ва мақсадларига эътиборсизлик ғарбона турмуш тарзининг ўзига хос жиҳатларидан бири бўлиб қолди. Бу ҳол Ғарб мамлакатларида турли террористик ҳаракатларнинг кўпайишига, кишилар ўртасидаги муносабатларга путур етишига олиб келаётгани сир эмас.

Ана шундай шароитда дунёқараши шаклланган кинорежиссёрлар, журналистлар, ёзувчилар бефарқлик ғояларини ўз асарларига ҳам олиб кирмоқдалар. Мамлакатимизга Ғарбдан кириб келаётган фильм, кўрсатув, бадий асарларда бефарқликнинг икки кўриниши учрайди. Биринчи кўриниш шахснинг ўзига, ўз турмушига, келажагига бефарқлиги билан боғлиқ. Кўпгина асар ва фильмлардаги бош қаҳрамонни ўз тақдири, соғлиги мутлақо қизиқтирмайди. Шу боисдан у турли авантюристлик тадбирларга ўралашиб қолаверади. Бунинг устига, айнан шундай образ фильм ёки бадий асар муаллифлари томонидан ижобий қаҳрамон сифатида тарғиб қилинади. Масалан, XX аср мобайнида Европа ва АҚШ кинематографияси ва телевидениесида ривож топган вестернларни олайлик. Уларнинг қаҳрамонлари одатда саёқ юрган, ўз ҳаёти ва соғлигини мутлақо қадрламайдиган, ўз тақдирига бефарқ бўлган ковбойлар, авантюристлар, дайдилар бўлади. Бу образларнинг ўз ҳаётига бефарқлиги шу даражадаки, улар бўлар-бўлмас баҳона билан қуролга ёпишаверадилар. Мазкур жанрдаги фильмларнинг тез-тез “Оскар” номинацияси соҳибига айланаётгани эса (масалан, Клинт Иствуд суратга олган ёки иштирок этган вестернлар тўрт бора “Оскар” мукофоти билан тақдирланган) кенг ижодий жамоатчилик ушбу ғояларни маъқуллаётганидан далолат беради.

Бефарқликнинг иккинчи кўриниши бошқалар турмушига, хатти-ҳаракатига эътиборсизликдан иборат. Бундай эътиборсизликни ўнлаб фильм ёки бадий асардан топиш мумкин. Фильм давомида бош қаҳрамон учратган кишиларнинг турмуши на уни қизиқтиради, на режиссёрни. Режиссёр воқеалар ривожини тасвирлар экан, томошабинни нуқул бош қаҳрамонга эргаштиради, холос. Айрим фильмларда бошқаларнинг турмушига, ташвишига аралашмаслик бош қаҳрамоннинг асосий принципларидан бири сифатида эътироф этилади. Масалан, режиссёрлар Луи Летеррье ва Юань Куи томонидан “20th Century Fox” киностудиясида 2002 йилда суратга олинган “Le Transporteur” (“Юк ташувчи”) номли бадий фильмда бош қаҳрамон Френк Мартиннинг асосий қоидаларидан бири бошқаларнинг ишига аралашмаслик, бефарқликдан иборат. У бошқаларга ёрдам қўлини чўзиш зарурияти юзага келганида жаҳди чиқади, асабийлашади, ёрдам учун кетган вақтидан афсусланади.

Нописандликнинг ривожланиб бораётгани ҳам ташвиш туғдиради. Аслида Ғарбдаги нописандлик (цинизм) ғоялари узоқ тарихга эга. Эрамиздан аввалги IV асрда қадимги Юнон файласуфи Антисфен томонидан асос солинган кинизм мактабидаёқ унинг дастлабки элементлари намоён бўлган эди. Киниклар ижтимоий шарт-шароитларни инкор қилишга, дин ва маданият қоидаларидан чекинишга чақирадилар, ҳатто маълумотсизлик ва тарбиясизликни ижобий реаллик сифатида тасаввур қиладилар. XX асрга келиб нописандлик ғоялари айниқса кенг тарқала бошлади. Ғарбда вужудга келаётган ва аудиовизуал воситалар ёрдамида бутун дунёга тарқатилаётган қўшиқлар ва клипларда ахлоқий нормалар ва маданият қадриятларига бўлган намойишкорона нописандлик тарғиб қилинади. Бу қўшиқларнинг муаллифлари нафақат ўз қўшиқлари, ҳатто ўз хатти-ҳаракатларида ҳам нописанд ёндашувни намойиш этадилар. Масалан, Ғарбда бир неча ўн йиллардан буён жамоат жойига ҳатто унитар қопқоғини бўйнига осиб келишдан тап тортмаган Жон Ленноннинг ғайритабiiй қилиқлари йигит ва қизлар учун ўрناق вазифасини ўтамоқда. Гўёки бу қилиқлар даҳоликдан дарак берармиш.

Шоу-бизнес янгиликларини нашр қилиш, унинг вакиллари ҳаёти тафсилотларини маълум қилиш мақсадида ташкил этилган “сарик пресса” мақолалари эса нописандлик ғояларини жозибадор хулқ-атвор намунаси сифатида тақдим қиладилар. Бу мақолалар ва интервьюларда айрим хонанда ва созандаларнинг ахлоқий нормаларга нописанд хатти-ҳаракатлари, маданият қадриятларидан беҳабарлиги сенсация тарзида баён этилади. Интернетда бу каби сенсацияларни тарқатишга мослаштирилган сайтлар сони йил сайин кўпайиб бормоқда.

Бефарқлик ва нописандликни тарғиб қилувчи фильм ва кўрсатувлар, бадиий асарлар ва мақолаларнинг ижтимоий ҳавфи айниқса катта. У жамият аъзолари орасидаги ҳам-жиҳатликка, миллий бирдамликка, ёшлар дунёқарашига салбий таъсир кўрсатади, уларнинг миллий-маданий қадриятлардан ажралиб қолишига сабаб бўлади, ижтимоий тараққиёт суръатларини сусайтиради, ғайриинсоний ҳаракатларнинг илдиз отишига замин яратади. Шу боисдан ушбу ғайриинсоний ғояларнинг мазмунини очиб бериш бугунги кундаги маънавий-маърифий, тарбиявий-мафкуравий, илмий-тадқиқот ишларимизнинг асосий йўналишларидан бирига айланмоғи даркор.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Фромм Э. Бегство от свободы. – М.: АСТ, 2011.
2. Костина А.В. Массовая культура как феномен постиндустриального общества. –М.: Изд. ЛКИ, 2011. – С.111–112.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ижтимоий конформизмнинг юзага келиши сабаблари таҳлил қилинади. Унинг оқибатида жамиятда бефарқлик ва нописандлик ғоялари илдиз отди. Ғарбдан кириб келаётган кўпгина асарлар ва фильмларда ушбу ғоялар кенг тарғиб қилинмоқдаки, бу ҳол ёшлар дунёқарашига салбий таъсир ўтказмоқда. Шу боисдан, муаллифнинг фикрига кўра, ушбу ғайриинсоний ғояларнинг мазмунини очиб бериш бугунги кундаги маънавий-маърифий, тарбиявий-мафкуравий, илмий-тадқиқот ишларимизнинг асосий йўналишларидан бирига айланмоғи даркор.

РЕЗЮМЕ

В статье анализируются причины возникновения социального конформизма. Вследствие этого в современном обществе широко распространились идеи равнодушия и цинизма. Во многих произведениях и фильмах современного Запада пропагандируются именно такие идеи, что негативно влияет на мировоззрение молодежи. Поэтому, как считает автор, одним из основных направлений наших сегодняшних духовно-просветительских, воспитательно-идеологических и научно-исследовательских работ должно стать раскрытие подлинного содержания данных идей.

SUMMARY

This article analysis reasons of appearing social conformism. As a result of which wide spread the ideas of indifference and cynicism in modern community. In many films and writing works of East propagandize these ideas, and its have negative effect on youth's view. Thats why, according to the author's mind, spiritual-enlightening, ideologic-behaving and researches have to be connected with desclosing present form of actual ideas.

Нашрга фалс. ф. д. С.Чориев тавсия этган

AXLOQIY ONG, UNING MAZMUNI VA XUSUSIYATLARI

Sunatov D.H. (O‘zMU)

Tayanch so‘z va iboralar: *axloq, xulq, aql, ong, axloqiy ong, axloqiy munosabatlar, axloqiy bilim, axloqiy faoliyat, axloqiy taraqqiyot, individual axloqiy ong, ijtimoiy axloqiy ong.*

Antik davrlardan boshlab mutafakkirlar axloq, uning tarkibiy qismlaridan axloqiy ong haqida asarlar yozdilar. Ular axloqiy ong va axloqning mohiyatini tushunishga, tushuntirishga harakat qildilar. O‘tgan uzoq tarixiy taraqqiyot davrida axloq quyidagicha talqin qilib kelindi:

- kundalik hayot aqliy tajribasi;
- individning o‘z xulq-atvoridan qoniqishi;
- burchga sadoqat ramzi;
- ijtimoiy stabillik va tartibni saqlash vositasi;
- jamiyatda adolatni qaror toptiruvchi vosita;
- insonlarning o‘zaro hamjihatligini ta’minlovchi vosita;
- vijdon ovozigacha bo‘ysundiruvchi vosita;
- inson hayotining oliy ma’nosini anglash yo‘li.

Har bir inson butun umri davomida o‘zining qadriyatlar tizimini, xulq-atvor, yomonlik va yaxshilik, baxt, adolat va boshqa axloqiy kategoriyalar haqidagi tasavvurlarini takomillashtirib boradi.

Insoniyat tarixida axloqiy taraqqiyot bo‘lgan va u davom etib kelmoqda. Bu davom etish qat’iy tadrijiylikka ega emas. U goho susayish, ba’zan esa biroz ortga chekinish, ba’zan bir qancha muddat turg‘un turish xususiyatlariga egadir. Hazrat Navoiy: “Odobda uning muayyan shartlariga amal qilmoq muhimdir”[3], – degan edilar.

Insondagi ixtiyor erkinligi zaruriyat talabi bilan oqilona, aqlga bo‘ysundirilgan ravishda cheklanadi, ya’ni nisbiylashadi. Aks holda, muayyan bir, bir necha inson yoki guruhning betiyiq, erkin ixtiyori nafaqat boshqa insonlar va guruhlar, balki nabotot, hayvonot olami, butun dunyo uchun fojeaga aylanishi mumkin. Ixtiyor erkinligini bunday cheklashning, aqlga bo‘ysundirishning asosiy vositasi axloqiy ongning yuzaga chiqishidir.

Ixtiyor erkinligi tufayli inson har qadamda axloqiy tanlov muammosiga duch keladi. Bu muammo kishida mas’uliyat hissi mavjudligidan dalolat beradi. Mas’uliyatni, o‘zgaralar va o‘z vijdoni oldida javobgarlikni sezmagani kishi xohlagan ishiga qo‘l urishi mumkin – uni o‘z qilmishining oqibati qiziqitirmaydi, u faqat manfaat ustuvorligini tan oladi, xolos. Unday odamni axloqsiz deb ataydilar. Shu o‘rinda faylasuf Epikurning “Aql-farosatdan mahrum holda baxtli yashagandan, aql-farosat bilan badbaxt bo‘lgan a’loroqdir” [5], – degan fikrini esga olamiz. Zero, inson yo ezgulikni, yo yovuzlikni tanlashi tufayli nimanidir ixtiyor etadi: axloqiy tanlov – har bir xatti-harakat, har bir qilmishning ibtido nuqtasi. Umuman, inson va jamiyat axloqiy hayotida tanlovning ahamiyati beqiyos. Ana shunday tanlov bevosita aqlga bo‘ysundirilishi axloqiy ongni yuzaga chiqaradi.

Fikrlar axloqiy ong tushunchasi haqida borar ekan, dastlab “anglash” atamasiga to‘xtalib o‘tishga to‘g‘ri keladi. Odatda, falsafiy adabiyotlarimizda “anglash” o‘rniga “ong” istilohi qo‘llab kelinadi: ilmiy ong, siyosiy ong, estetik ong va h.k. Bilish bilan bog‘liq tahliliy faoliyatni biz anglash deb ataymiz va shu anglashning darajasiga qarab, kishilar ongning yuksakligi yoki pastligi haqida fikr yuritamiz. Zero, ong insonning o‘ziga o‘xshash yakka yaxlitlik, uning faoliyati – anglash esa har xil va ko‘pqirralidir.

Axloqiy anglashda esa bir inson ongi bitta hodisani o‘nlab, yuzlab rakursda mushohada qilishi va anglashi mumkin. Ongning ana shunday faoliyat turlaridan biri axloqiy anglashdir.[2]

Axloqiy ong – axloqiy talablar, normalar, qoidalarni, adolat haqidagi tasavvurlarni shakllantiradigan qarashlar, g‘oyalar, fikrlar, nazariyalardir. Axloqiy ong – o‘z ichiga axloqiy amaliyot va axloqiy munosabatlarga ta’sir ko‘rsatuvchi bilimlar, qarashlar, hissiyotlar, norma, tamoyillarni qamrab oladi. Shu bilan birga uyat, vijdon azobi, o‘z xatti-harakatidan achinish yoki qoniqish, haqligini anglash kabi axloqiy hissiyotlarini uyg‘otuvchi axloqiy o‘zini-o‘zi anglash va axloqiy o‘zini-o‘zi baholashni ham qamrab oladi. Axloqiy ongda kishilarning jamiyatdagi xulqi, xatti-harakati, yurish-turishi, yaxshi va yomon tomonlari o‘z ifodasini topadi.

Insonning har qanday xatti-harakati ong orqali bajariladi, ammo jamiyat ularni saralab, manfaatdor bo‘lganlarinigina yuzaga chiqaradi. Axloqiy ongning ijtimoiy ahamiyati ham xuddi ana shundadir. Axloqiy ongda voqelik qonunlar sifatida emas, balki insoniy xatti-harakatlarga qo‘yilgan ijtimoiy tartib, talablar, normalar shaklida qayd etiladi. Vaholanki, turizm servis sohasida ham ijtimoiy tartib, talablar, normalar muhim ahamiyat kasb etadi. Aks holda bunday

tartib, qoidalarga rioya etilmas ekan, axloqiy jihatga putur yetkaziladi va iqtisodiy tomonga ham zarar keltiriladi. Shu sababli axloqiy ong bir tomondan jamiyat yoki guruhning talablari, normativlarini ifodalasa, ikkinchi tomondan shu talablarni anglashning individual, shaxsiy shakli va ularni amalda namoyon qilishdir.

Axloqiy ongda normalardan tashqari odatlar, hissiyotlar ham chambarchas bogʻlanib ketadi. Aql hissiyotlarga maʼlum ijtimoiy yoʻnalish beradi, emotsional hissiyotlar esa ongda oʻzining aqliy asosini topadi. Insoniy his-tuygʻularsiz haqiqatni ochish ham mumkin emas. Demak, tuygʻularsiz haqiqiy axloqiy ulugʻvorlik boʻlmaydi ham. Lekin bu ham xulqning doimiy sababchisi boʻla olmaydi.

Axloqiy ongning markaziy elementi sifatida hayot sharoitlari va tarbiya taʼsirida qaror topgan, qatʼiy bilimlar va axloqiy tartib-qoidalarga emotsional munosabatdan iborat boʻlgan ishonch turadi.

Ishonch – xulq normasini subyektiv qabul qilish boʻlib, kishi namuna oladigan axloq tamoyillarining toʻgʻriligi va adolatli ekanligiga amin boʻlishligidir, axloqiy zaruriyatni aqlan tushuntirishdir. Mavlono Rumi: “Ishonch – inson faoliyatining doimiy tashabbuskori...”[4], deb aytgan. Axloqiy ishonch esa shaxsning faol faoliyat yoʻnalishini, maqsadga intilishini, xulqning yashirin motivlarining yuzaga chiqishini ifodalab beradi, hayot pozitsiyasini, yashash maʼnosini belgilaydi. Axloqiy ishonch oʻzida ratsional va emotsional tomonlarni ifodalab, xarakterga turgʻunlik beradi, shaxsning axloqan “zanglamasligi”ga kafolat yaratadi, kishi har qanday qiyin sharoitlarda ham oʻz tamoyillaridan qaytmasligini anglatadi. Bular esa axloqiy ong darajasini koʻrsatadi.

Axloqiy ong aksiologik xususiyatga ham ega, chunki har bir hodisaga muayyan axloqiy norma, tamoyil, anʼana, qadriyat, ideallar nuqtai-nazaridan yondashadi.

Axloqiy ong ijtimoiy taraqqiyot jarayonida kishilarning ijtimoiy hayotlari va ijtimoiy munosabatlarini boshqarish ehtiyoji tufayli ham kelib chiqadi. Bu axloqiy munosabatlarda namoyon boʻladi. Axloqiy munosabatlar esa ijtimoiy munosabatlarning tarkibiy qismi boʻlib, shaxsning jamiyatdagi asosiy axloq meʼyorlarini egallash va oʻzgalar bilan shu asosda munosabatda boʻlishi, oʻzini axloqiy tomondan muntazam takomillashtirib borishi singari jihatlarni oʻz ichiga oladi. Axloqiy munosabatning eng muhim omillaridan biri – muomala odobi. Insonlar bir-biri bilan hamkorlik qilmasdan, oʻzaro tajriba almashmasdan, oʻzaro taʼsir koʻrsatmasdan yashashi mumkin emas. Axloqiy munosabat odobi oʻzgalar qadr-qimmatini, hurmatini joyiga qoʻyishni, anʼanaviy axloqiy-meʼyoriy talablarni bajarishni taqozo etadi. Maʼnoli va ravon soʻzlash, suhbatdoshni tinglay bilish, nutq madaniyati muomalaning muhim jihatlarni tashkil etadi.

Axloqiy munosabatlarni kishilar faoliyatini tartibga soluvchi boshqa usullardan ajratib olish qiyin boʻlganda axloqiy ong yordamga keladi. Oʻz navbatida, axloqiy munosabatlar xulqning axloqiy shart-sharoit va ahamiyati nuqtai-nazaridan olingan koʻrinishlaridan boshqa narsa emas. Axloqiy munosabat normalarini qoʻllab-quvvatlash va ijro etishning ijtimoiy mexanizmi boʻlib, hamisha normalarni shakllantirish, rivojlantirish, saqlash va keyingi avlodlarga qoldirish jarayonlarini mujassamlantirgan boʻladi. Axloqiy normalarning taʼsirchanligi hayotbaxsh kuchining mezoni axloqiy munosabatlarning ifodasidir. Axloq meʼyorlarining oʻz natijalari – axloqiy munosabatlardan tashqari mavjud boʻlganda edi, oʻzining ijtimoiy ahamiyatini yoʻqotgan boʻlar edi. Shunday qilib, axloqning barcha tomonlari bir-birini taqozo etadi va bir-birini belgilaydi.

Ammo axloqning barcha tomonlarining mustahkam boʻlishi ulardagi farqlarni, ziddiyatlarni ham yoʻqqa chiqarmaydi. Masalan, axloqiy munosabatlar axloqiy ong sinovdan oʻtkazgan xulq normalarining amaliyotda mustahkamlanish shakli boʻlib, mavjud hodisa tariqasida namoyon boʻladi. Axloqiy ong esa faqatgina mavjud axloqiy hodisalarnigina emas, balki lozim boʻlgan hodisalarni ham ifodalaydi. Xuddi shu sababli, ular bir-biriga mos kelmaydi, ziddiyatli boʻladi. Ziddiyatlar, ayniqsa, ijtimoiy bir tuzumdan ikkinchisiga oʻtish davrida keskin tus olishi mumkin.

Demak, axloqning elementlari sifatida axloqiy ong va axloqiy munosabatlar bir-biri bilan chirmashib ketadi.

Axloqiy ong voqelikni in'ikos ettirar ekan, boshqa ijtimoiy ong shakllari singari haqiqiy yoki aksincha bo'lishi mumkin. Uning ham haqiqatligi mezoni ijtimoiy tajriba hisoblanadi. Shu bilan birga axloqiy ongning o'ziga xos xususiyatlari ham mavjud.

1. Axloqiy ong boshqa ijtimoiy ong shakllariga nisbatan kishilarning kundalik hayotidagi xulq-atvoriga faolroq ta'sir ko'rsatadi. Axloqiy qarashlar, prinsiplar, ideallar inson faoliyatiga bevosita singib ketgan bo'lib, xatti-harakatga undovchi motivlar hisoblanadi.

2. Fandan farqli ravishda, axloqiy ong insonga kundalik ong, ijtimoiy-ruhiy darajasida ta'sir ko'rsatadi. Faqat yuqori darajada axloqiy ong ilmiy bilim xususiyatlariga ega bo'lsa, axloqiy qarashlar va ideallar nazariy bilimlarga aylanadi.

3. Axloqiy ong, axloqiy bilimlar majburiy (imperativ) xarakterga ega.

Axloqiy ong ikki ajralmas qismdan iborat:

1) individual axloqiy ong;

2) ijtimoiy axloqiy ong.

Individual axloqiy ong tarkibiga: his-tuyg'u, fikr-mulohazasi kiradi.

Ijtimoiy axloqiy ong tarkibiga: jamiyat tomonidan ishlab chiqilib, hayotga tatbiq etiladign axloqiy kodekslar, kategoriyalar, normalar, tamoyillar, g'oyalar va h.k.lar kiradi.

Axloqiy ijtimoiy ong, ong shakllaridan biri sifatida jamiyat hayotida muhim o'rin egallaydi va boshqa ijtimoiy ong shakllari bilan uzviy aloqadorlikda rivojlanib boradi. Masalan, axloq bilan din aloqadorligi masalasida shuni aytish mumkinki, mohiyatan din inson hayotining aloqadorligini taqozo qiladi. Shu bois diniy-shar'iy tamoyillar va me'yorlar, hadisi sharifdagi o'gitlar axloq-odob qoidalari bilan chambarchas bog'liq. Chunonchi, inson eng oliy qadriyat sifatida qat'iy muhofaza etiladi. Din insonni axloqiylashtirishning vositasi sifatida ish ko'radi. Demak, diniy taqvo bilan axloqiy talabning ildizi bir xil.

Axloq muayyan jamiyatdagi huquqiy qonun-qoidalar, tamoyil, me'yorlar, urf-odatlar negizida vujudga keladi. Axloq san'at bilan ham bog'liq bo'lib, shaxsda axloqiy ideallarni shakllantirishga xizmat qiladi. Axloq fan bilan ham bog'liq. Axloq, ayniqsa, ijtimoiy fanlar bilan bog'liq. Ilmiy qarashlar, nazariyalar insonni yuksak axloq egasi, donishmand va halol inson bo'lishga chaqiradi. Lekin ayrim nazariyalar ham borki, "Mal'tus nazariyasi" (XIX asrda paydo bo'lgan) urushlar olib borish g'oyasini ilgari suradi. (Go'yo odamlarning ko'payishi arifmetik va geometrik progressiya asosida yuz berib, noz-ne'matlarning hududiy yetishmovchiligining oldini olish uchun qirg'inbarot urushlar zarurligi g'oyasini ilgari suradi). Mal'tus bu o'rinda urushni targ'ib qilish bilan axloqsizlikning eng yuksak ko'rinishini namoyon etmoqda.

Shunday ekan, axloqiy ongning o'ziga xos va ayni paytda eng muhim elementi shaxsning axloqiy sifatlaridir. Ular ijobiy va salbiy axloqiy sifatlariga bo'linadi.

Ijobiy axloq sifatleri:

1) kamtarlik;

2) mehnatsevarlik;

3) xushmuomalalik;

4) rahimdillik;

5) oliyjanoblik;

6) rostgo'ylik.

Salbiy axloq sifatleri:

1) xoinlik;

2) yolg'onchilik;

3) hasadgo'ylik;

4) irodasizlik;

5) munofiqlik.

kabilarga bo‘linadi. Ijobiy axloqiy sifatlar shaxsning buyuk boyligi hisoblansa, salbiy sifatlar esa uning nuqsonlari hisoblanadi. Hamma davrlarda ham axloqiy sifatlar muayyan mafkuraning umumiy yo‘nalishi bilan belgilangan.

Shunday qilib, axloqiy ong – ijtimoiy ong shakllaridan biri sifatida, jamiyat tomonidan tan olingan va rioya qilinishi zarur bo‘lgan xulq-atvor qoidalari, mezonlaridir. Shuningdek, u o‘zida ijtimoiy hayot amaliyotida shakllangan me‘yorlarni, odob qoidalarini, odat – an‘analarni, axloqiy hissiyot, tuyg‘u va ishonchni, shaxs va ma‘lum ijtimoiy guruh uchun tipiklashgan sifatlarni, g‘oyalarni ifodalaydi va kishilarni kundalik faoliyatida, ularning xulqi va amaliy hayotida namoyon bo‘ladi. Axloqiy ong juda serqirra tushuncha bo‘lib, axloqiy bilish va axloqiy tarbiya natijasida shakllanib boradi. Prezidentimiz bugungi kunda “... axloqiy tarbiya... ga e‘tibor qaratish har qachongidan ham muhimdir”, [1] – deb ta‘kidlagan edilar. Bu esa axloqiy tarbiyani, adolat to‘g‘risidagi tasavvurlarni shakllantiradigan nazariyalar va qarashlar yig‘indisi bo‘lgan axloqiy ongni mohiyatan izohlaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga murojaatnomasi. “Xalq so‘zi” gazetasining 2017-yil 23-dekabr soni.
2. Abdulla Sher. Axloqshunoslik. Darslik. – Toshkent: O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyati, 2010-yil. – 220-b.
3. Alisher Navoiy. Xamsa (Hayrat ul-abror). – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2014. – B. 33.
4. Jaloliddin Rumiy. Ichindagi ichindadir. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2013. – B. 9.
5. 100 Mumtoz faylasuf. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2013. – B. 124.

REZYUME

Mazkur maqolada axloqiy ong tushunchasining mazmun-mohiyati, jamiyatdagi o‘rni va xususiyatlari atroflicha tahlil qilingan.

РЕЗЮМЕ

В данной статье анализируется сущность и содержание понятия “нравственное сознание”, его особенности и роль в обществе.

SUMMARY

In this article it is thoroughly analyzed about the main point of the nation of moral consciousness, its place in society and peculiarities.

Nashrga fals. f. d. S.Choriyev tavsiya etgan

ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА ОИЛАНИНГ ЎРНИ

Ахмедова Д.С. (ҚарДУ)

Таянич сўз ва иборалар: *Ватан, таълим-тарбия, одоб-ахлоқ, ота-она, оила, бурч, вазифа.*

Давлатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий тарбия ва бошқа соҳалардаги ислохотларнинг тақдири, юртимизнинг буюк келажагини барпо этиш фуқароларнинг, айниқса, ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий тарбияланганлик даражасига, юксак онглилиги, ижтимоий фаоллигига боғлиқдир. Шунингдек, мамлакатнинг эртанги куни, тинч ва обод бўлиши ҳам оила аталмиш кичик жамиятда ўсиб-унаётган фарзандларимизга боғлиқ. Фарзандларимиз онгида элу юртга, она-Ватанга бўлган муҳаббат туйғулари, уларнинг ота-онага ҳурмат, қариндош-уруғига, кексаларга, атроф-муҳитга ва табиатга бўлган муносабатлари дастлаб оилада шаклланади. Маълумки, инсон тарбиясида энг биринчи ва энг муҳим ижтимоий назорат институти бу – оиладир. Фарзанд тарбиясида баркамол авлодни шакллантиришда соғлом оила муҳитининг ўрни каттадир.

Зеро, бола туғилган кунидан бошлаб оила муҳитида яшайди. Оилага хос анъаналар, қадриятлар, урф-одатлар бола зуваласини шакллантиради. Энг муҳими, фарзандлар оила-

вий ҳаёт мактаби орқали жамият талабларини англайди, ҳис этади. Бинобарин, шахс сифатида шакллангунга қадар лозим бўлган барча таълим-тарбия ҳам оила муҳитида берилади. Оила, одоб-ахлоқ ва таълим-тарбияга эътибор қон-қониимизга сингиб кетган бурчларимиздандир. Оилада фарзанд тарбиялаётган ота-она ҳар бир ҳаракати, юриш-туриши, одоб-ахлоқи, муомаласи, бошқалар билан ўзаро муносабатида яхши фазилатларни намоян эта билиши керак. Маълумки, бола табиатан тақлидчан ва кузатувчан бўлади. Шунинг учун атрофдагилар ўз одатлари билан баъзан ўзлари сезмаган ҳолда уларга таъсир қилдилар. Бизга маълумки, оиладаги кўпол муносабатлар, кўп ёлғон гапириш, ёқимсиз хатти-ҳаракатлар фарзанд тарбиясига салбий таъсир қилибгина қолмай, оилада носоғлом муҳитни ҳам келтириб чиқаради.

Оиладаги носоғлом муҳитда тарбияланаётган боладан “маънавий касал” инсонлар шаклланади. Улар эса жамият маънавиятига салбий таъсир кўрсатади. Шу боис бола тарбиясида ота-она ўз муомаласи билан муҳим ўрин эгаллайди. Маълумки, ота-она томонидан оилада сингириб бориладиган одоб-ахлоқ қоидалари ижтимоий фойдали меҳнат, таълим олиш, бўш вақтларида турли хил тўғарақларга қатнашиш ёшларнинг келгуси ҳаётларида ижтимоий ҳуқуқий муносабатларнинг фаол субъектига айланишларида муҳим аҳамиятга эга.

Ёшларда маънавийни шакллантириш эса энг муҳим ва мураккаб вазифалардан биридир. Оилада ота-она ўз фарзандларига ўзларининг касб-корига садоқат, яшаб турган заминига меҳр-муҳаббат, хулқ-атвори, бир-бирига бўлган ўзаро ҳурмати, жамият ва давлат олдидаги бурчларини қанчалик адо этишлари билан фарзандларига ибрат мактаби бўлишларини унутмасликлари лозим. Шунингдек, оилада ёшларни маънавий шакллантиришда баркамол шахс сифатида вояга етказишда ота-она ҳар томонлама билимдон, маънавий, сиёсий ва ҳуқуқий билимларга эга устоз бўлиши лозим. Чунки оилада бола ўз маънавий оламини яратади, яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги энг содда тушунчаларни шакллантиради, атрофида содир бўладиган воқеа-ҳодисаларга ижобий ёки салбий фикрларини билдира бошлайди. Айни пайтда ота-она ўзининг билимдонлиги билан тўғри ва аниқ йўл кўрсатиши, ижобий фикрлашни тўғри йўлга қўйиш, яхши ёмонга ижобий ёки салбий муносабат билдиришларини фақат ва фақат тарбия орқали амалга оширадилар. Инсон ҳаёти давомида бирор шахсни ўзига ўрнак деб билади, бундан инсон у каби ҳаёт кечиришни, у эришган ютуқлар каби муваффақиятларга эришишни, юксак чўққиларга чиқишни мақсад қилиб қўяди. Бугун жамиятнинг ёш аъзолари ўз ҳаётлари учун бошқа маданият вакилларининг фикрлаш ва ҳаёт тарзини ўрнак қилиб олишлари кўп муаммоларни келтириб чиқариши мумкин эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, оилада ота-оналар “оммавий маданият” таъсирига берилиб кетиши оқибати ёшларнинг тарбиясига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Ҳозирги кунда ғаразли мақсадларни амалга ошириш учун зимдан олиб борилаётган фитналар баъзи миллатларнинг ўзлигини йўқотишига қаратилганини сезиш қийин эмас. Бунда эътибор ҳудудларни эгаллаш эмас, балки инсон онгини эгаллашга йўналтирилгандир. Жумладан, И.А.Каримов бу ҳақида шундай деган эди, “коммунистик мафкура ва унинг ахлоқ нормаларидан воз кечилганидан сўнг жамиятда пайдо бўлган ғоявий бўшлиқдан фойдаланиб четдан биз учун мутлақо ёт бўлган маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган “оммавий маданият” ёпирилиб кириб келиши мумкинлигини унутмаслик керак”¹. Зеро, “оммавий маданият” деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, шунингдек, бошқа халқларнинг бир неча минг йиллик анъана ва қадриятлари турмуш тарзининг маънавий негизларига беписанд қараш, уларни кўпоришига қаратилган хатарли таҳдидлар барчани ташвишга солмай қўймайди. Шу ўринда алоҳи-

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 117 б.

да таъкидлаш жоизки, бу борада ҳар бир ота-она ўз фарзандларининг қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни шакллантириши ва кучайтириши лозим. Акс ҳолда, ўзликни йўқотиш, бебаҳо қадриятлардан воз кечиш кишини тараққиётдан ажратиб, уни тобе, мустақил фикри йўқ манкуртга айлантириб қўяди. Албатта, бола тарбияси ўта мураккаб ва масъулиятлидир. Бу эса ҳар бир ота-онадан ўз устида мунтазам ишлашни, болалар тарбиясига оид барча маълумотлардан бохабар бўлиб боришни талаб этади. Ёшлар тарбияси бу шунчаки тажриба, оддий кўрсатма ва билимлар жамланмаси эмас, балки ўз ичига диний-ахлоқий билимлар, тиббиёт, этика, психология, педагогика каби соҳаларга оид билимларни ҳам камраб оладиган мураккаб жараёндир. Жамият тараққий этиб боргани сари ҳар томонлама етук инсонни шакллантириш талаблари ортиб бораётганлиги, бу эса оилада болага эстетик, ахлоқий тарбия бериш сифати ва кўламини ошириш талабини қўяётганлиги, бугунги кунда оилавий тарбиянинг қийинлашувига сабаб бўлмоқда. Таълим-тарбия, одоб-ахлоқ болалиқдан берилгани маъқул. Бу борада албатта оила маъсулдир. Болаларни интизомга ўргатиш оила мустақкамлигига асос бўлади. Фарзанд тарбияси жараёнида бола ҳуқуқларининг камситилмаслиги талаб этилади. Оилавий тарбия ижтимоий тарбияга нисбатан болаларнинг руҳий оламига, ҳиссиёт ва туйғуларига чуқур таъсир кўрсатади. Ота-боболаримиз азалдан ўғил-қизларнинг гўзал хулқли, одобли бўлишига катта аҳамият берганликлари айни ҳақиқатдир. Фарзанд тарбия қилганда одатда ўғил болалар тарбияси билан кўпроқ ота, қиз бола тарбияси билан эса она шуғулланади. Оилада отанинг болаларига лоқайд бўлиши хунук оқибатларга сабаб бўлади. Лоқайдлик ёмон иллат бўлиб, у бола тарбиясининг бузилишига кенг йўл очиб беради. Ота сусткашлик қилиб, бурчини адо этмагани ва манфаатли илм ҳамда яхши амални ўргатмагани оқибатида у ўз фарзандидан зарур ижобий хислатларни шакллантира ололмагани каби фарзанд ҳам отасининг яхши тарбиясидан маҳрум бўлиб ўсади. Фарзанд ўсмирлик даврида оқ-қорани ажрата олгани сабабли, бу даврда бир оз талабчанлик ва интизомни талаб этади. Бу даврда фарзанд тўғри йўлга солинса, тарбияли дўстларга ҳамроҳ қилинса, унинг яхши инсон бўлиши учун муҳим қадам қўйилади. Одатда оналар ўз болаларининг хато ва камчиликларини отасидан яширишга ҳаракат қиладилар. Айтсам уришади, боламга қаттиқ тегади деб, йўл қўйган хатолари, қўл урган ёмон ишларини отага айтмайдилар. Оқибатда бола ўз вақтида танбеҳ олмагандан кейин бора-бора каттароқ жиноятларни ҳам кўрқмасдан содир этиши мумкин. Шунингдек, меҳр-муҳаббат беришда ҳам меъёрни сақлай билиш керак. Боланинг барча айтганларини қилиш, барча тўғри-нотўғри хатти-ҳаракатларни маъқуллаш ёки индамаслик фарзанднинг умуман тарбиясиз бўлиб ўсишига олиб келади. Ортиқча талтайтириб эркалаш болани ҳар жиҳатдан сустлаштириб қўяди, меҳр кўрсатиш эса уни янада фаол бўлишга ундайди. Эрка ўсган бола фақатгина шахсий манфаатларини кўзлайдиган, масъулиятсиз бўлиб вояга етади. Шунинг учун фарзанднинг баркамол инсон бўлиб етишида онанинг хизмати жуда зарур ва муҳимдир. Чунки болалиқ чоғида фарзанднинг қалби ўта юмшоқ ва таъсирга берилувчан бўлади. Шу боис диний таълимотларда ҳам болаларни меҳр билан эркалаш, фарзанднинг болалиқ даврини хурсанд ўтказишга алоҳида эътибор қаратилади. Тарбияда энг муҳим восита бу меҳр ва ширинсўзликдир. Бу икки восита бир бўлиб, болани шакллантиради. Шу жумладан, таълимни ҳам ғазаб ва жазолаш билан амалга оширмаган маъқул. Зеро, зўрлаб берилган таълим бола хотирасидан тезда ўчиб кетади. Оқибатда унинг шу соҳага нисбатан қизиқиши сўниши мумкин. Бундан кўринадики, таълимнинг аввали ҳам яхши тарбиядан бошланади. Шунингдек, бугунги кунда ёшлар тарбиясидаги ижтимоий муаммолардан бири бу – уяли телефонлардаги тажовузликлар ҳамда ижтимоий тармоқлар тўрнининг тобора авж олаётганлигидир. Ушбу замонавий коммуникация воситалари муҳим алоқа воситалари бўлиши билан бирга баъзи маънавияти тўлиқ шаклланмаган ёшларга салбий таъсир кўрсатмоқда. Ижтимоий тармоқ таъсирига тушиб қолган ёшларга ота-оналар ва ўқув муассасалари ҳамкорликда алоқа воситаларидан фойдаланиш маданиятини шакл-

лантириши лозим. Тарбиядан ташқарида бўладиган ҳар қандай салбий таъсир бу – энг катта хатардир. Чунки фарзандга оилада бу борадаги эркинликка йўл қўйилмагач, у ўз қизиқиш ва рағбатларини қондирадиган сабабларни ташқаридан излай бошлайди. Шунинг учун ота-она фарзандининг ташқи ҳаётига ҳам катта эътибор қаратиши талаб этилади. Яъни, улар фарзанди мактаб ёки коллеждан кейин қаерга бориши, нима билан шуғулланишини назорат қилиши лозим. Фарзандга билим олиш учун шароит яратиш ҳам ота-онанинг вазифасидир. Пайгамбаримиз (с.а.в.): “Илм олиш ҳар бир мусулмон ва муслима учун фарздир”, деб марҳамат қилганларида, ўғил ва қиз фарзандларимизга илм олиш учун баробар шароитни таъминлаш кераклигини назарда тутганлар. Демак, ёш авлод етук ва комил шахс бўлиб вояга етиши учун яна бир муҳим омил уларнинг ҳаёт тарзига айланиши зарур бўлиб, у ҳам бўлса “китобхонлик”дир. Бу борада мамлакатимиз президенти Ш. М. Мирзиёев томонидан имзоланган “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш”¹ тўғрисидаги ПҚ-3271 қарори айни муддао бўлди. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мустақкам маънавий иммунитетли, ўзининг фикрларини раво айта оладиган, юқори марраларга эришувчан ёшларни тарбиялаш учун ота-она, оила муҳити жуда катта аҳамият касб этади. Ҳеч кимга сир эмас, инсоннинг қалби ва онгини эгаллаш, айниқса, ёшларнинг маънавий дунёсини захарлашга қаратилган турли хавф-хатарлар ҳам кучайиб бораётган бугунги кунда ўзининг кимлигини, қандай бебаҳо мерос ворислари эканини теран англаб, она юртга муҳаббат ва садоқат ҳисси билан яшайдиган, имон-этиқоди мустақкам ёшларгина муқаддас заминимизни ёт ва бегона таъсирлардан сақлашга, Ватанимизни ҳар томонлама раванқ топтиришга қодир бўлади. Ёшларимизга шундай тарбия берайликки, улар ўз ота-боболарига, ўз тарихи, Ватани, она тилига, миллати, динига ва анъаналарига содиқ бўлиб камол топишсин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2015. – 32 б.
2. Каримов И.А. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – б.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 208 б.
4. Алиқориев Н.С. Умумий социология. – Т., 1999. – 394 б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада буюк мутафаккирларимизнинг таълим-тарбия, одоб-ахлоқ ҳақидаги қарашларининг оилада ёшларни тарбиялашдаги роли очиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье анализируются высказывания великих мыслителей о роли образования и нравственности в совершенствовании воспитания молодежи в семье.

SUMMARY

The article analyzes the great thinkers about the role of education and morality in improving the education of youth in the family.

Наишга фалс. ф. д. С.Чориев тавсия этган

ИБН СИНО МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ЁШЛАР ТАРБИЯСИДАГИ ЎРНИ

Садикова Р.И. (ТТЕСТ)

Таянч сўз ва иборалар: *тана ва руҳ саломатлиги, ахлоқий фазилятлар: инсонпарварлик, ҳамжиҳатлик, ростгўйлик, самимият, комиллик, оила тарбияси.*

¹ “Халқ сўзи” газетасининг 2017 йил 13 январь сони.

Аждодлар маънавий меросини, уларнинг тарихий маданиятга қўшган ҳиссасини ўрганиш, улар илгари сурган маърифатпарварлик ғояларини илмий асосда талқин этиш ва таълим-тарбия соҳасида кенг фойдаланиш ёш авлодни миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Чунки улар ижодида маълум бир даврнинг ютуғи, замонанинг, катта бир гуруҳнинг орзу-интилишлари, мақсад-муддаолари мужассамлашган маърифатпарварлик ғоялар ўз ифодасини топган бўлади.

Ибн Сино илмий маданият хазинасига улкан ҳисса қўша олган шундай сиймолардан бири эди. У инсоннинг ҳам моддий, ҳам маънавий саломатлиги, инсон танаси ва руҳининг софлиги, инсоний қобилиятларнинг чексиз ривож, одамларнинг маърифатли, ўзаро иноқ, меҳрибон бўлиши, маънавий ва илмий равақ йўлида бирлашув ҳақидаги ажойиб инсонпарварлик ғояларини илгари сурган. Аллома дунёда юз бераётган адолатсизлик, норозилик ва тенгсизликни кўрар экан, ўзича мушоҳада қилади, аммо унинг сабабини тополмай ҳайронлик дарёсига шўнғиб, оламни тушуна олмагани, дунё фалсафаси билан боши қотганини бир рубойида шундай ёзади: «Эҳ, кошки эди, мен ўзимнинг кимлигимни, оламда нима учун тентираб юрганимни билсам эди. Агар келажагим хайрли бўлса эди, майли, тинчгина, бемалол тирикчилигимни қилаверардим. Борди-ю, агар ундай бўлмаса юз-кўз билан йиғлардим» [1]. Воқеликни маънавий ўзлаштириш инсонга хослигини Ибн Сино алоҳида таъкидлаган эди. Унинг фикрича, Аллоҳ инсонга шундай куч-қувват ато этганки, шу туфайли у эзгуликни ёмонликдан, интеллектуал етуклик, камолот ёлғон-яшиқ, гумроҳликдан фарқ қилади. Инсон ақлли мавжудот бўлгани учун табиатда алоҳида мавқени эгаллайди ва бошқа мавжудотлардан ажралиб туради. Ибн Синонинг бу фалсафий мулоҳазаси бугун ҳам ўз қийматини йўқотмаган. Бугунги кунда инсониятга дахлдор бўлган глобал муаммоларни ҳал қилишда одамлардан умуминсоний ахлоқ тамойилларига амал қилиш, ошкоралик, ҳамжихатлик, ақл-идроқини эзгу ишларга йўналтиришни тақозо этади. Чунки глобал муаммоларга тўғри ёндашув тараққиётни тезлаштиради, тинч-тотувлик ва ижтимоий барқарорликни таъминлайди. Бунга эришиш эса дунёга янгича қараган, янгича тафаккур қилишни маънавий-ахлоқий кадриятлар ва фалсафий меросга ҳолисона тарихийлик ва диалектика нуқтаи назардан ёндашишни талаб этади.

Буюк алломаларимиз таъкидлаганларидек, инсондаги комиллик, энг аввало, унинг фикр, тафаккур ва амалий фаолияти билан боғлиқдир. Инсонни ўз-ўзини билиши, англаши, бошқалар олдигаги масъулият ва мажбуриятни ҳис қилиши унинг тарбияси билан боғлиқдир. Инсоннинг жисмоний соғлом, ақл-заковатли бўлиши ҳам таълим-тарбия билан белгиланади.

Ибн Сино ҳақиқий инсонпарвар мутафаккир сифатида инсон аҳлининг ҳар томонлама ривожланишига, табиат сирлари ва ҳақиқатни билиши мумкинлигига ишонган. Шунинг учун ҳам мутафаккир одамлар орасидаги адоват ўчоғини қуритишга чақиради. Инсонлар бир-бири билан софдил, самимий бўлса, бир ёқадан бош чиқарса, ҳар қандай мушкулликлар осонлашади. Ҳар қандай қийинчилик ҳал бўлишга ва ҳақиқат сирларини очиш мумкинлигига қаттиқ ишонган. У одамларни илм йўлидаги қийинчиликлардан чўчимасликка, дадил, собитқадам бўлишга ундайди. «Одамларнинг ботири, – дейди Ибн Сино, – келажакдаги ишдан, мушкулотдан қўрқмайди. Камолот ҳосил қилишдан бош тортган киши одамларнинг энг қўрқоғидир» [2]. Ибн Сино ўз ижодида диний ақидаларга жоҳиллиги ҳаддан ошиб, ўзини олим, тоат-ибодатдан нари ўтмайдиган ва кимки билим ва санъат, фан ва маърифат билан шуғулланса қоралайдиган, уни худосиз, даҳрийликда айблайдиган диний мутаассибларга қарши муросасиз қураш олиб боради. Улар устидан истехзо билан кулиб сатрлар ёзади:

*Бо ни ду се нодон Ки чунин медонанд,
Аз хамқ, ки донайи жаҳон ононанд,
Ҳар бош Ки ин жамоат аз фарти харий
Ҳар Ки у нахараст, кофираш меҳонанд* [3].

Мазмуни: Жоҳиллиги ва аҳмоқлиги туфайли ўзини дунёда доно деб биладиган бу икки-уч нодонлар билан муносабатда бўлганинда, сен ўзингни эшак деб ҳисобла, чунки дунёда яшаётган ҳар бир киши ўзини эшак, деб ҳисобламаса, эшаклиги ҳаддидан ошиб кетган бу гуруҳ уни кофирга чиқаради.

Нақл қилишларича, донишманд Абу Али ибн Сино ҳузурига ёш ота-она кечагина туғилган фарзандларини олиб келиб, ундан болани қандай тарбия қилиш кераклиги ҳақида сўрашибди. Шунда донишманд: «Тарбияда тўққиз ой кечикибсизлар», деган экан. Ушбу ривоятда бола тарбияси қанча эрта бошланса, шунча яхши, деган фикр мужассам. Шу билан бирга бола ҳалол пайдо қилиниб, она қорнида ҳам ҳалолликдан озикланишига, муносиб парваришланишига ишора бор. Ибн Сино фарзандларнинг намунали хулқ эгалари бўлиб етишишлари учун одамларни бир-бирлари билан дўст-иноқ бўлиб яшашга, инсонларни пастликка элтадиган адоват ўчоғини қуритишга, биродарона аҳил, ҳамжиҳат турмуш кечиришга чақиради: «Эй биродарлар! Бир-бирингиз билан самимий дўст бўлинглар. Ҳар бирингиз ўз биродарингиз учун холис дилингиздаги пардаларни очиб ташланглар». Бир шеърда у жоҳилларни дунёда ҳеч нарсани кўра олмайдиган кўр билан тенг қилади:

*Кўрларга қўйи равшан эмас-ку,
Жоҳилга тўғри йўл пинҳон, шунингдек [4].*

Ибн Сино оила тарбияси масалалари бўйича махсус «Тадбир ал-манозил» номли асарини ёзган. Асарнинг «Муқоёса дар ахлоқ» бобида ота-оналар ва тарбиячиларга қуйидагича маслаҳатлар берилган: «Ота-она болаларни тарбиялашда уларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишлари керак. Айниқса, боланинг хулқидаги камчиликларини унинг шахсиятига тегмасдан бартараф этишлари лозим». Асарнинг «Насиҳат йўли» бобида ота-оналарнинг вазифалари ифодаланиб, бу вазифаларни бажариш учун ота ва онада қандай фазилатлар бўлиши кераклиги кўрсатилган: «... тарбиянинг бири болага яхши от қўйиш, унга илму адаб ўргатиш, барчани ҳурмат қилишга ўргатиш, касб-корли қилиш» ва ҳоказо. Шарқ донишмандлигида: «боланг етти ёшга етгунча унинг айтганини қил, чунки бу давр боланинг айтганини қилдирадиган подшолик даври, етти ёшдан ўн саккизгача тарбияда унга талабчан бўл, айтганингни қилдир, токи улар меҳнатга қўникма ҳосил қилишсин. Ўн саккиздан кейин эса уни ўзинг билан тенг кўр, худди ўз дўстингдек муносабатда бўл», деган панду насихат ҳам ўзининг ҳаётий асосга эгаллиги билан ажралиб туради.

Ибн Сино «Тадбир ал-манозил» асарида оналар фазилати ҳақида ҳам фикр юритган: «Хотин киши билимли бўлсин. У динга ишонсин. Уятчан, шарму ҳаёли, иболи, табиатан жасур, ўз эрини қаттиқ севадиган, туғиш ва бола тарбияси ҳақида ўйлайдиган бўлиши, эзма бўлмаслиги ва ўз эрига бўйсунуши, тўғри, камтар, фаросатли бўлиши керак». Ибн Сино болага нима яхши-ю, нима ёмон эканлиги ҳақидаги фикр тинимсиз сингдириб борилиши лозимлиги ҳақида шундай дейди:

*Ёмон ё яхшилик қилгай ҳар киши
Шу ёмон, яхшини топмоқдир иши.*

Халқимизда «Сут билан кирган, жон билан чиқади» деган нақл бор. Агар бола танашига, онгига она сути билан меҳр-мурувват, гўзаллик, одамларга яхшилик қилиш, фазилатлари жойлаштирилса, бола хулқида ижобий натижаларга эришилади. Золимлик, зўравонлик, қўполлик уруғлари сочилса-чи? Илм маърифатдан маҳрумлик, қолоқлик, маданиятсизлик, нодонлик, зулмат намоён бўлади. Бу «жаҳолат» деб номланади. Ибн Сино бу ҳақда шундай дейди: «Модомики, менинг дўстим душманим билан кўп ўтирган экан, энди мен уни ҳеч дўст деб билмайман. Жаҳолатга қарши фақат маърифат билан курашиш лозим.

Ибн Синонинг бир қатор асарларида инсонларнинг озодлиги, устувор юксак инсоний фазилатлари ва уларнинг ҳаётда ҳукмрон даражада бўлиши рамзий-мажозий талқинларда тарғиб қилинади. Чунончи, “Рисолат ат-тайр” асарида Абу Али ибн Сино

овчилар домига тушиб қафасда бўлган қушнинг тутқунликдан қутулган озод қушлар ёрдамида озод бўлиши, уларнинг оёқларида ҳали тузоқ қолдиқларнинг осилиб туриши учишга, нажот топишга тўсқинлик қилмаслиги ва шу билан бирга тинчгина ҳаёт кечиринишга ҳам имкон бермаслиги қушларнинг озод ва фаровон ҳаёт сари интилиши, баркамол сифатлар мезонини ўзида мужассамлаштирувчи қушлар билан учрашуви тўғрисидаги тафсилотлар бугунги кун билан таққослаганда муҳим ижтимоий моҳият касб этади. Ҳозирги даврда мустамлакачилик, қарамлик тутқунидан қутулган мустақилликка эришган жамият ҳам бирданига унинг асоратларидан, мутелик кайфиятидан қутулмайди, балки янги тузум, ҳаёт тарзига ўтиш учун маълум бир ўтиш даврини ўз бошидан кечиради. Бу даврда нафақат жамият ҳаёти янгиланади, балки инсоннинг комиллик даражаси юксалади, унда янги ахлоқий сифатлар шаклланади.

Ибн Сино адабий асарларида ҳам инсонпарварлик, ростгўйлик, меҳр-муҳаббат, бир-бировини ҳурмат қилиш, дўстлик каби бир қатор масалаларга кенг ўрин берилган. Ибн Сино шеърларида ёшларга оталарча насиҳат қилади, ҳар бир ишда мулоҳаза билан фикр юритишни, ўзига дўст, сирдош танлашда эҳтиёт бўлишни уқтиради:

«Сирингни барчага айтишдан эҳтиёт бўл. Чунки мулоҳазакор деган сўз эҳтиёткор бўлиш дегандан бошқа нарса эмас. Агар сирингни сақласанг, у сени асирингдир, агар ошқора бўлса, сен сирингни асири бўлиб қоласан» [5]. Бошқа бир ерда Ибн Сино кишиларни огоҳлантириб, илмсиз, диний ақида билан ўралиб қолган кишиларга унинг фикрларини айтавермасликни уқтиради:

«Э оғайним, сен ушбуни билиб ол! Мен бу «Ишоратлар»да сенга ҳақиқат қаймоқларини сузиб бердим: латиф сўзларга ҳикмат луқмаларини қўйиб, ошатдим. Сен энди уларни билиб олиб, унинг қадрига етмайдиган, ўзи нодон, фанда билим ва укувсиз, укувга ўрганмаган, биринчи кўришдаёқ сен билан жонажон дўстдек қалин бўлиб кетадиган, лекин ўзи маърифатдан маҳрум бўлган, кимки файласуфман деса, уни адашганлар қаторига қўшадиганлар, бахиллардан сақлан».

Ибн Сино табибгина бўлиб қолмасдан, ўз даврининг буюк мутафаккири, кейинги асрлар фани, маданияти, адабиётига салмоқли таъсир кўрсата олган буюк сиймо эди. Унинг аниқ фан соҳаларидаги асарлари, фалсафа ва адабиёт бобидаги катта хизматлари ҳақли равишда уни жаҳон фани ва маданиятининг ажойиб бир намояндаси дейишга ҳуқуқ беради.

Хулоса қилиб айтганда, буюк аждодимиз бўлмиш Абу Али ибн Сино этикасининг муҳим жиҳатлари ханузгача ўз мазмун ва моҳияти билан ёшларни намунали одоб ва ахлоқ руҳида тарбиялаш борасида хизмат қилиб келмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абу Али ибн Сино. Фалсафий киссалар. – Тошкент, 1977. – 350 б.
2. Абу Али ибн Сино. Китоб-ал-ишорат. – Тошкент, – 113 б.
3. Девони ибн Сино. – Тошкент, 1957. – 121 б.
4. Ирисов А. Абу Али ибн Сино – Тошкент: Фан, 1980. – 294 б.
5. Маҳмудов М. Комил инсон – аждодлар орзуси. – Т.: Ёзувчи, 2002. – 256 б.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада улуг аллома Ибн Синонинг халқимиз маънавий-маданий меросига қўшган хиссаси ва унинг аҳамияти ҳақида сўз юритилади.

РЕЗЮМЕ

В данной статье излагаются различные аспекты учения Ибн Сины и его вклад духовно-культурной наследие в нашего народа.

SUMMARY

Scientifically investigated this article manoeuvres of Ибн Сины and deposit her spiritually cultural heritage of ourpeople and her role in education of young people

Нашрга фалс. ф. д. С.Чориев тавсия этган

ТЕРМИНЛАР МАЪНОВИЙ КЎЛАМИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Валиев Т. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *термин, вариантдошлик, полисемантик, семантик, лексик бирликлар, моносемантик, лексемалар, полифункционал, омоним терминлар, сема, семема.*

Маълумки, тил таълимида терминларнинг бир маънолилиги, ўз-ўзидан, монофункционаллик ҳақидаги қарашлар устуворликка эга [1]. Буни икки маънода тушуниш мумкин: 1) термин умуман фақат бир маъноли бўлади; 2) термин муайян бир соҳада бир маънода қўлланади. “Лингвистический энциклопедический словарь”да қуйдагиларни ўқиймиз: “К особенностям термина относятся: 1) системность; 2) наличие дефиниции (для большинство терминов); 3) тенденция к моносемичности в пределах своего терминологического поля, т.е. терминологии данной науки, дисциплины или научной школы (поэтому такие термины, как “функция” в математике, физиологии и лингвистике, принята называть межотраслевыми омонимами); 4) отсутствии экспрессии; 5) стилистическая нейтральность.” Манбада терминнинг асосан ўзи қўлланилган соҳада бир маъноликка интилиши ҳақидаги фикр унинг муҳим белгиларидан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Маълумки, терминларнинг асосий хусусиятлари ҳақида гап кетганда, агар улар тўлақонли терминологик моҳият, шакл ва вазифага эга бўлса, аввало, марказий семантик белги, хосса сифатида “бир маънолик” эътиборга олинади. Термин, энг муҳими, кўп ҳолларда, субъектив ижод маҳсули бўлганлиги учун, қолаверса, фан, техника, умуман, махсус соҳаларга доир ахборотнинг аниқлигини таъминлаши лозим бўлганлиги сабабли ифодаланмиш билан ифодаловчининг симметрик муносабатдош бўлиши лозим ва табиий. Аммо кўпгина манбаларда терминнинг семантик структураси ҳақида гап кетганда полисемия, полифункционаллик, лексик-семантик вариантдошлик масалаларига доир фикрлар ҳам билдирилганлигининг кўплаб гувоҳи бўлиш мумкин. Уларда терминларнинг маънолари кўпайиб кетаётганлиги, унга барҳам бериш кераклиги ҳақида ҳам гапирилади [2]. Бугунги кунда терминларнинг кўп маънолилиги кўп учрайдиган ҳодиса. Унга айрим мисоллар келтирамиз: **АБЗАЦ** (*нем.* Abzatz<absetzen – сурмоқ, нари сурмоқ). 1. *айн.* Хат боши. 2. Матннинг бир хат бошидан кейинги хат бошигача **бўлган** қисми: *икки абзацни ташлаб ўқимоқ.* **АСОС МАЪНО 1.** Бирор маънонинг юзага келишида асос бўлиб хизмат қиладиган маъно. Мас, *ўйин* сўзининг «кўнгил очиш, дам олиш мақсадидаги эркин (эрмак) ҳаракат» маъноси *ўйинга тушмоқ, футбол ўйини* бирикмаларидаги маъносининг келиб чиқишига асос бўлган маънодир. *Қиёс.* Ҳосила маъно. **2.** Ясама сўзнинг асосига (сўз ясалиш асосига) оид маъно. Мас, *терим* сўзининг *тер, теримчи* сўзининг *терим* қисмига оид маъно.

Ҳар бир фаннинг, унинг маълум бир бўлимининг ўрганиш объекти ва предмети, мақсад ҳамда вазифалари ҳақида сўз кетганда, соҳа ёки бўлим номи (масалан, морфология, синтаксис, зоология ва ҳ.) нинг муайян бир соҳани ва шу соҳа ўрганувчи ҳодисани англатиши айтилади. Масалан, “Синтаксис” термини икки хил маънода қўлланилади: 1) тилнинг синтактик қурилиши маъносида; 2) тилнинг синтактик қурилишини ўрганадиган грамматиканинг бир қисми маъносида”. Адабиётшунослик луғатларида ҳам айрим терминларнинг бирдан ортиқ маънода қўлланиши айтилади. Масалан, *сарказм, киноя, поэзия, пародия* каби [3].

Муаммо шундаки, таълимий адабиётларда терминларнинг бир маънолиги бот-бот уқтирилади-ю, лекин амалиётда терминологик полисемия ҳодисасига жуда кўп дуч келамиз. Айниқса, терминологик полисемия ҳодисаси барча терминологик системалардаги феълдан ҳосил бўлган термин-отлар билан асос феъллар орасидаги семантик муносабатларда

бу якқол кўзга ташланади. Бунга изоҳли луғатдан айрим мисоллар келтирамиз: “**АЙИР-МОҚ 1** Бутунни бўлмоқ, таркибий қисмларга бўлмоқ, бўлакламоқ. *Тухум саригини оқидан айирмоқ. 9 мат.* Айириш амалини бажармоқ, бир сондан иккинчи сонни олмоқ, ажратмоқ. *Ўттиздан ўн беини айирмоқ.*” “**АЙЛАНА 1** от Теварак, атроф. [*Жамила ўз-ўзига:*] *Мени бу темир қафасга солдилар, ихтиёримни ўзимдан олдилар. Айланамда қанча пойлоқчи, қанча қоровуллар бор. Ҳамза, Бой ила хизматчи. 2 от геом.* Ҳамма нуқталари марказдан баравар узокликда бўлган ёпиқ эгри чизик. *Айлананинг узунлиги. Айлана чизмоқ. 3 сфт.* Доиравий, тўгарак, ғилдирак шаклидаги. *Айлана йўл. Айлана клуб деворлари турли шиорлар ёзилган қизил сатинлар билан зийнатланган.* А. Қодирий, “Обид кетмон [4].”

Келтирилган мисолларда сўзнинг бир маъноси умумистеъмол маъно бўлса, иккинчи маъноси терминологик маънодир.

Куйидаги мисолларда эса сўзнинг бирдан ортиқ маъноси турли соҳаларга оид терминологик маънолар бўлиб, улар ҳам луғатда кўп маънолилиқ тамойили асосида жойлаштирилган: **Айириш белгиси 1 мат.** бир сонни иккинчи сондан олиниси кераклигини кўрсатадиган ишора; минус (–) белгиси; **2 тли.** айириш белгиси (ъ) номи. (ЎТИЛ 1). *Морфология* терминининг “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” даги талқини кузатилса, унинг икки тушунчани англатишига амин бўлишимиз мумкин:

“**МОРФОЛОГИЯ** (юн. *morphe* – шакл ва... *логия*) (тилшуносликда) – 1) тилнинг морфологик қурилиши; 2) сўз шакллари ҳақидаги таълимот. Биринчи маъносида объектни англатса, иккинчи маъносида тилшуносликнинг шу объектни ўрганувчи бўлимини билдиради...”

МОРФОЛОГИЯ (биологияда) – одам, ҳайвонлар ва ўсимликлар организмнинг индивидуал ва тарихий ривожланиш жараёнида тузилиши ҳамда шаклини ўрганадиган фан (қ. *Ҳайвонлар морфологияси, Ўсимликлар морфологияси* [5].” Аммо тушунча ва сўз муносабати ҳақидаги куйидаги фикр ҳодисанинг полисемияга мойиллигига ишора қилади: “значение слова определяется не только соответствием его тому понятию, которое выражается с помощью этого слова (напр., движение, развитие, язык, общество, закон и т. д.); оно зависит от свойств той части речи, той грамматической категории, к которой принадлежит слово [6].”

Албатта, биз бундаги изоҳнинг икки хиллигига эътибор қилмасдан, тилшунослик атамаси сифатидаги *морфология* терминининг икки маънода қўлланишига эътибор қаратишни лозим топамиз. Мазкур термин “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да куйидагича изоҳланган: “**МОРФОЛОГИЯ** [юн. *morphe* – шакл + *logos* – таълимот] **1** Одам, ҳайвонлар ва ўсимликлар организмнинг шакли ва тузилишини ўрганадиган фанлар мажмуи. *Экспериментал морфология. Одам морфологияси. Ўсимлик поясининг морфологияси. Бактерия морфологияси. 2 тли.* Тил тизимининг бир сўз доирасида грамматик маъноларни ифодалаш воситаларини қамраб олувчи қисми. **3 тли.** Грамматиканинг сўз тузилиши (таркиби)ни, сўз доирасида грамматик маъноларнинг ифодаланишини, сўз ўзгартирувчи шаклларни, шунингдек, сўзларнинг сўз туркумлари бўйича гуруҳланишини ўрганувчи бўлими; сўз шакллари ҳақидаги таълимот. *Ўзбек тили морфологияси. Феъл морфологияси.*” (ЎТИЛ, 5, 2 жилд).

Демак, ЎТИЛ *морфология* лексемасини полисемантик термин сифатида изоҳлаб, **1**-маъносини биологик, **2**-, **3**-маъноларни эса лингвистик маъно сифатида қайд қилади. Фикримизни мустаҳкамлаш учун терминнинг С.И.Ожегов томонидан тузилган “Толковый словарь русского языка” луғатида берилишига ҳам эътибор қаратдик: “**МОРФОЛОГИЯ**, -и, ж. (спец.). **1.** В названиях некоторых естественных наук: строение, форма. *М. человека. М. животных. М. растений. М. почвы.* **2.** Раздел грамматики – наука о частях речи, об их категориях и о формах слов. **3.** Принадлежащая языку система частей речи, их

категорий и форм слов. *Описание морфологии русского языка. II прил. морфологический, -ая, -ое* [7].

Кўринадики, ЎТИЛда ҳам, рус тили изоҳли луғатларида ҳам морфология термини кўп маъноли термин сифатида қаралади. Баъзи ҳолларда терминларнинг ўз соҳасидан ташқарида кўчма маъноларда қўлланилиши ҳам қайсидир даражада терминларнинг кўп маънолигига ишора қилгандек бўлади. Қуйидаги бирикмаларда терминларнинг қўлланиш хусусиятларига эътибор қаратинг ва бирикмадаги маъно билан терминологик маънони қиёсланг: *тарих* (фан) – *касаллик тарихи*; *геометрик* (фанга оид) – *геометрик баҳор*; *география* (фан) – *лингвистик география*, *эпидемия географияси*. Бу ҳолатни тилшунос А.И.Смирницкий шундай изоҳлаган эди: “... совокупная семантика в случае его (слова) многозначности представляется ... как бы расщепленной в ее основной, собственно лексической части на отдельные, более или менее аналогичные, как бы параллельно расположенные доли или слои. Так, например, в слове *словарь* мы обнаруживаем расщепленность основной лексической части его семантики на два специфических для него индивидуальных значения: а) “словарный состав, лексика”; б) “книга, содержащая определенный контингент слов” [8].

Айтилганлардан маълум бўладики, терминларнинг маъновий структураси, анъанавий талқинлардагидан фарқли равишда, ўта мураккаблиги билан характерланади. Шу боисдан терминлар талқинига бағишланган ишларда илгари сурилган ғоялар, баён этилган фикрлар билан лексикографик манбалардаги терминларнинг изоҳлари орасида зиддиятлар борлиги кўзга ташланади.

Кузатиш ва таҳлиллар шунини кўрсатадики:

биринчидан, терминларда кўп маънолилик ҳодисаси кўплаб учрайди;

иккинчидан, полисемантик терминлар семантикасидаги мустақил семемалар бир соҳага ҳам, кўплаб соҳаларга ҳам тааллуқли бўлиши мумкин;

учинчидан, умумистеъмол полисемантик сўзлар маъноларидан бири терминологик характер касб этган бўлиши мумкин;

тўртинчидан, бир соҳада қўлланивчи полисемантик терминнинг маънолари орасида семантик алоқанинг зичлиги кузатилади;

бешинчидан, ҳар бир маъноси билан ҳар хил соҳада қўлланивчи полисемантик терминларнинг маънолари орасида муайян сусайишлар мавжуд.

Бу қуйидаги умумлашма фикрларга олиб келади;

1. Умумистеъмол лексик бирликлар каби терминлар ҳам моносемантик, полисемантик бўлиши мумкин.

2. Терминларнинг полисемантиклиги билан полисемантик умумистеъмол лексемалар маъноларидан бирининг терминологик эканлигини чалкаштирмаслик лозим.

3. Полисемантик терминлар маъноларининг алоқаларига кўра полисемантик, полфункционал ва омоним терминларга ажралади.

4. Полисемантик терминлар бирдан ортиқ семемаларга эга бўлиб, улар ўзаро боғланган бу семемалари билан фақат бир соҳада қўлланади: *грамматика*, *экология*, *ҳуқуқ* каби.

5. Полифункционал терминлар полисемантиклик хусусияти сусайган, бироқ омонимлик даражасига етмаган кўп маъноли терминлар бўлиб, улар алоҳида маънолари билан турли соҳаларда қўлланади: *морфология 1* (биол.), *морфология 2* (тилш), *тур*, *қўшма*, *содда*, *сув* каби.

6. Омоним терминлар маънолари орасидаги алоқа узилган ёки шаклан ўхшаш бўлган терминлардир: *айириши белгиси I* (тилш.), *айириши белгиси II* (мат.).

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, терминларда полисемия, полифункционаллик ва омонимия ҳодисалари кўп учрайди. Терминлар тизимига ушбу лингвистик ҳодисалар кўзгуси орқали муносабатда бўлиш терминшунослик учун қимматли маълумотлар беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Лингвистический энциклопедический словарь / Гл. ред. В.Н.Ярцева. – М.: Сов. энциклопедия, 1990. – 685 с.
2. Богданова Н.В. Попытка классификации типов внутриязыковой интерференции // Речь города. – Омск, 1995. Ч. I. – С. 4–8.
3. Содиков А., Абдуазизов А., Ирискулов М. Тилшуносликка кириш. –Тошкент: Ўқитувчи, 1981. – 226 б.
4. Қуроноф Д., Мамажоноф З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. –Тошкент: Академнашр, 2010. – 400 б.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 5-жилд. – Б. 258.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 5-жилд.– Б. 396.
7. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси 6-том. – 225 б.
8. Богданова Н.В. Попытка классификации типов внутриязыковой интерференции // Речь города. Омск, 1995. Ч. I. – С. 4-8.
9. Ожегов С.И. Толковый словарь русского языка. – М. С. 211.

РЕЗЮМЕ

Мақолада терминлар маъновий кўламининг қиёсий таҳлили моносемантик ва полисемантик талқинда баён этилган. Шунингдек, кўпмаъноли терминлар полисемантик, ярим вазифадош ҳамда омоним сингари турларга ажратилган ҳолда таснифланган.

РЕЗЮМЕ

В статье на примерах показано разделение терминов как лексических единиц на моносемантические и полисемантические. В свою очередь, многозначные термины подразделяются на полисемантические, полифункциональные и омонимичные.

RESUME

The division of terms as lexical unit into monosemantic and polysemantic in examples is shown in the article. In its turn terms are divided into polysemantic, polyfunctional and polyhomonical ones.

Нашрга проф. Б.Менглиев тавсия этган

ДАРАЖА ТУШУНЧАСИНИ ИФОДАЛОВЧИ ФУНКЦИОНАЛ-СЕМАНТИК МАЙДОН ЯДРОСИНИНГ ЛИСОНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Элмурадова Л. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *даража функционал-семантик майдон, белги даражаси, морфологик шакл, функционал-семантик майдон, ядроси, субстанция, синтактик-семантик табиат, грамматик иллюзия.*

Ўзбек тилининг сержиллолиги, бойлиги шунда кўринадики, нутқимизда халқимизга хос хусусиятлар, яъни меҳр-оқибат, одамийлик, ўзгаларга ҳурмат бошқа кўпдан-кўп инсоний фазилатлар яққол намоён бўлади. Бундан кўриниб турибдики, ўзбек тили улкан меросимиздир. Бундай улуғ мероснинг бир қисмини тилимизнинг функционал-семантик майдони ташкил қилади.

Ўзбек тилидаги **-роқ** шакли функционал-семантик майдоннинг бош воситаси (ядро-си) бўлиб, у белги даражасини турли кўриниш ва даражаларда ифодалаш учун хосланган ва изчил ва узлуксиз қўлланишга эга. Шу боисдан олимлар ундаги белгининг турли даражасини (оз, ўрта, кўп) аниқ қиёс асосида ифодалашидан келиб чиққан ҳолда кўп ҳолларда грамматик категория марказига қўядилар¹.

Маълумки, **-роқ** шакли белги даражасини ифодаловчи восита сифатида икки кўри-нишда воқеланади. Биринчи ҳолда шакл яққа ҳолда қўлланса, иккинчи ҳолда мураккаб

¹ Сайфуллаева Р., Менглиев Б. в. б. Ҳозирги ўзбек адабий тили: Ўқув қўлланма. – Тошкент, 2007. – 380 б.

морфологик шаклнинг таркибий қисми сифатида иштирок этади. Функционал-семантик майдон ядроси сифатида биз **-роқ** шаклининг биринчи ҳолатини таҳлилга тортамыз.

-роқ шакли грамматик маъно ифодаловчи восита сифатида хусусий грамматик маъноларнинг абстракт умумлашмаси бўлган умумий грамматик маънога эга бўлиб, унда ўзбек тили субстанциал морфологиясининг умумийлик-хусусийлик диалектикаси мукамал равишда намоён бўлганлигига амин бўламыз.

-роқ шаклининг нутқий маънолари асосидаги умумий грамматик маъносини тиклаш учун унинг нутқий қуршовларига мурожаат қиламыз. Мисолларга мурожаат қилайлик:

1. *Бобур элчиликка муносиброқ одам топа олмай, ҳижрий 937 йилда Хўжа Хусайни Московия подшоҳига аталган мактуб ва совға-саломлар билан Аградан жўнатиб юборди.*(П. Қодиров, Авлодлар доवони.) 2. *Чиллак ўйинининг шафқатсизроқ бир қоидаси бор: ютқазган бола зувлаб нафаси етмай қолса, бир оёқда ҳаккалайди.* (Ў. Ҳошимов, Дунёнинг ишлари.)

1-мисолда *муносиброқ* сифати *-роқ* шаклида келган бўлиб, сўзнинг имплицит бирикувчиси ундан сўзшаклидир. Бунда эталон ёки қиёс икки хил кўринишга эга бўлиш мумкин. Шу боисдан гап музминини икки хил талқин қилиш мумкин: *Бобур элчиликка муносиброқ одам топа олмай* (Бобур бир муносиб кишини элчиликка мўлжаллаган, лекин ундан янада афзалроғини топа олмаган) – *Бобур элчиликка муносиброқ одам топа олмай* (Элчиликнинг белгиланган талаблари номзодни танлаш мезони бўлиб хизмат қилади. Шунга кўра, мезонга мос одам муносиб, унга тўла жавоб бермайдиган одам муносиброқ бўлади). Маълум бўладигани, гапдаги муносиброқ сўзи белги даражасини кўрсатаётганлиги тайин бўлса-да, унинг шартли “эталон”га муносабати аниқ бўлмай қолаётир. Қиёс объекти шахс бўлганда, сифатдаги белгининг ортиқ ёки камлиги белгиланмаган, қиёс объекти элчилик “эталон”и бўлганда белгининг камлиги ифодаланади. ҳар икки ҳолатда ҳам муносиброқ сифати *маъқул* сифатига маънодош бўлади. Маъқул сифатида мазкур “эталон”дан қуйи ва юқори ҳолатлар ҳам мужассамлашгандир.

Демак, бунда *-роқ* шаклининг белгиланмаган “ортиқ-камлик” семасини воқелантирувчи омил синтактик-семантик табиатга эга. Бу шаклнинг синтактик табиатга эгалигидан далолат беради. Синтактиклиги шундан иборатки, *муносиброқ* сўзининг синтактик кенгайтирувчиси *-роқ* шаклининг маъносини реаллаштиради, унинг “камлик-кўплик” белгиси шу кенгайтирувчининг луғавий маъноси, қайси луғавий-мавзувий ёки маъновий гуруҳга кириши билан белгиланади. Бу синтактик кенгайтирувчи қиёсни, семантик кенгайтирувчи даражани белгилаётганлигидан далолат беради.

Луғавий маъносидан кучли (интенсив) белги даражаси уқилганда **-роқ** шакли «**белгиланган қиёсий камлик**» хусусий грамматик маъносини юзага чиқаради: *Чиллак ўйинининг шафқатсизроқ бир қоидаси бор: ютқазган бола зувлаб нафаси етмай қолса, бир оёқда ҳаккалайди.* (Ў.Ҳошимов, Дунёнинг ишлари.) *Шафқатсиз* сўзи **ўйин** сўзи билан мантиқий боғланганлиги туфайли ҳам бунда прагматик омил устуворлашганлиги кузатилади. Чунки *қаттиқроқ* белгиланмаган бадийлик семаси асосида масала моҳиятини тўлароқ акс эттириши мумкин эди.

Матндан келиб чиққан ҳолда қиёс эталони нисбий, турли кўринишда бўлиши мумкин. Масалан, *Тўпориқроқ фаол «қути», деди. Илгорроқ фаол «ойна», деди. Ўқимишлироқ фаол «дилбузар», деди.* (Т.Мурод. Бу дунёда ўлиб бўлмади.) гапида *тўпориқроқ, илгорроқ, ўқимишлироқ* сифатларининг белги даражаси бир-бирига нисбатан олинган. *Илгорроқ* сўзидаги белги учун нисбий эталон *илгорроқ* сўзи ифодалаган белги бўлса, *ўқимишлироқ* сўзи ифодлайдиган маъно *илгор* сўзига нисбатан белгиланган. Демак, контекстуал муҳит *-роқ* шаклининг «нисбий «эталон»га нисбатан белгиланган қиёсий «ортиқ»лик белги даражаси» хусусий грамматик маъносини ажратиш имконини беради. Бунда маънонинг «белгиланган қиёсий «ортиқлик» белги даражаси» унсури **-роқ** шакли субстанциясига дахлдор бўлса, «нисбий эталон» узви қуршов маҳсулидир.

Энг сўзи. Энг сўзи манбаларда даража ифодаловчи лексема сифатида эътироф этилади. Хусусан, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” да у лексик бирлик сифатида қаралиб, қуйидагича тавсифланади: “**Энг** сифатларда орттирма даража ҳосил қилувчи сўз (баъзан сифатдан бошқа сўз туркумлари ёки отлашган сифатлар билан ҳам келиши мумкин.) *Энг яхши. Энг зўр. Энг олдин. Бозорнинг энг қайноқ жойи. Энг ками. Энг кўпи. Энг муҳими. – Халқ кўзида бу – энг қора, энг мудҳиш, энг золим маҳкама эди. Ойбек, Қутлуғ қон. Бу ишда Қурбон отага биринчи бўлиб қўл бермоқчи бўлган одамларнинг энг биринчиси Абдусаммадқори эди. А.Қаҳҳор, Қўшчинор*”¹.

Ёзувчи П.Қодировнинг “Авлодлар довони” асарини кузатиш натижаларига кўра айтиш мумкинки, унда **энг** сўзи даража маъносини ифодаловчи восита сифатида белги ёки ҳаракат билдирувчи сўзлар олдида 174 марта қўлланган ва унинг барчасида грамматик маъно ифодаловчи восита сифатида юзага чиққан. Шундан 4 таси сифатдош билан (*энг ишонган* – 31-, 270-, 346-, 356-, 407- бетлар, *энг таъриф кетган* – 334-бет, *энг озғирйдиган* – 433-бет, *энг қизиб турган* – 44-бет), қолган ҳолатларда (170 мисол) белги билдирувчи сўзлар (сифат ва равиш) билан қўлланган. Бундан маълум бўладики, **энг** сўзи асосан белги даражаси маъносини ифодалайди ва бу хусусияти уни белги даражаси микромайдони ядроси сифатида қарашга асос бўлади.

Энг сўзи А.Хометова тадқиқотида орттирма даража ифодаловчи восита сифатида тавсифланган. “Туркий тиллардаги сифатларда орттирма даража **энг** сўзи ва келишикли қурилма билан ифодаланади; кучайтирма даража эса кучайтирувчи сўзлар (*энг* дан ташқари), интенсив шакллар ва айрим иккинчи даражали усуллар билан ифодаланади”².

Таҳлилга тортилган тадқиқотлар ва тўпланган далиллар билан **энг** сўзининг хусусий маънолари асосида умумий грамматик маъносини ва оппозитив муносабатларини аниқлашга ҳаракат қиламиз.

Белги билдирувчи сўзлар билан келганда **энг** сўзи асосан даража маъносини ифодалайди. Бунда даража маъносига ҳар доим қиёс маъноси ҳамроҳ маъно сифатида қатнашади. Бу қуйидаги ҳолларда яққол кўзга ташланади. 1. *Чорчаманларда мамлакатнинг энг ноёб гуллари муаттар ҳид таратиб очилиб турибди.* (П.Қодиров, Авлодлар довони.) 2. *Мазкур рисола қўлга олувчилар орасида ҳаётнинг энг мураккаб муаммоларига ҳам жавоб топишга қодир донишманд биродарларимиз борлигини ҳозирдан сезиб турибмиз.* (Т.Малик, Жиноятнинг узун йўли.) Эътибор берилса, барча мисолда воқеланган хусусий грамматик маъноларда қиёсланувчи нисбий «эталон» имплицит тарзда воқеланаётганлигига амин бўламиз. Мисолларда **энг** сўздан олдин қаратқич келишигидаги сўз ва ундан кейин эгалик шаклидаги сўз қатнашаётганлиги қиёсланувчи нисбий «эталон» мавжуддек тасаввур уйғотади. Бироқ бу грамматик иллюзия бўлиб, қаратқич келишигидаги сўз қиёсланувчи «эталон» эмас, балки ўзга ҳодиса инъикосидир. Чунки масалан, *овоз тарқатишининг энг афзал жойи* бирикувида эгалик шакли қиёс ҳодисаси учун эмас, балки қарашликни ифодалаш учун қўлланмоқда. Қиёс ифодаланиши учун эгалик шаклидаги сўз даража шаклидаги белги билдирувчи сўзга қўшилиши ва бунда отлашиш кузатилмаслиги лозим: *жойнинг энг афзали* каби. Буни қуйидаги *Ҳумоюн Ҳамида бонуга атрофда бор йигитларнинг энг кўҳлиги ва бахтлиси бўлиб кўринди.* (П.Қодиров, Авлодлар довони.) мисолида кузатиш мумкин.

Мисоллардан маълум бўладики, **энг** сўзининг биринчи хусусий маънолари гуруҳини «белгининг ортиқ даражасини ифодаланмаган нисбий эталонга қиёсий ифодалаш» тарзида белгилаш мумкин. Берилган мисолларда қиёс асосидаги белгининг ортиқчалиги ифодаланган бўлиб, бунда **энг** сўзини *жуда* сўзи билан алмаштириб кўриш амалиёти унда

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т. 2. – М.: Русский язык, 1981. –446 б.

² Хаметова А. Превосходная и преувеличительная степени имён прилагательных в тюркских языках (на материалах современных узбекского, уйгурского, казахского и туркменского языков): Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1969. – 26 с.

даража маъносига ҳамроҳ бўлган «қиёс» компонентидан жуда бўлишга олиб келишини кўрсатади.

Демак, ушбу ўринда *энг* сўзи жуда сўзи билан семантик таркибида даража учун муҳим бўлган «қиёс» семаси устуворлиги учун маънодошлик муносабатида бўла олмайди.

Иккинчи тур хусусий грамматик маъноларда белгининг ортиқлик даражаси ифодаланса-да, қиёс ифодаланмаётгандек туюлади. Мисоллар: 1. *Энг биринчи* галда улар шўхрат шўхсупасидан тушиб, эътиборсиз олганларида руҳан қийналадилар. (Т.Малик, Жиноятнинг узун йўли.) 2. *Уни тўйда энг ҳайрон қолдирган* нарса шу эдики, давлат бошлиғи бўлган Мирзо Ҳумоюн ўша кунни тўйхонанинг баланд жойига қўйилган ҳашаматли шўхсупада Хонзода бегимни ўз ёнига ўтқазиб, уни подшога тенглаштириб эъзозлади. (П.Қодиров, Авлодлар довони).

Энг сўзининг даража маъносини ифодалашда у шаклантирётган даража билдирувчи сўзнинг луғавий маъноси муҳим роль ўйнайди¹. Масалан, *биринчи* сўзи мантиқанундан кейинги сонлардан муқаррар олдин туради ва бунда уни даражаловчи ва қиёсловчи восита билан қўллашга эҳтиёж йўқ.

Демак, даража тушунчасини ифодаловчи функционал-семантик майдон ядросини *-роқ* морфологик шакли воқелантиради, *энг* сўзининг айрим семалари, хусусан, қиёс маъносини ифодалаш, бу майдон ядросига яқин келса-да, белги-даражага умумий муносабатни воқелантириши бу бирликка айнан мос келмаслигини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ҳозирги ўзбек адабий тили : Ўқув қўлланма / Сайфуллаева Р. , Менглиев Б. ва бошқалар. – Тошкент, 2007. – 380 б.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т. 2. – М.: Русский язык, 1981. – 446 б.
3. Хаметова А. Превосходная и преувеличительная степени имён прилагательных в тюркских языках (на материалах современных узбекского, уйгурского, казахского и туркменского языков): Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1969. – 26 с.
4. Базаров О. Ўзбек тилида даражаланиш: Филол. фан. док. дисс... автореф. – Тошкент, 1997. – 48 б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада даража функционал семантик майдон ва унинг ташкил этувчи бирликлар ҳақидаги фикрлар баён этилган ҳамда бу майдон ядросининг воқеланиш омиллари далиллар орқали очиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье исследуется функционально-семантическое поле степени, описание ведется посредством доказательств, раскрывающих реализацию единиц, составляющих анализируемое поле.

SUMMARY

The article investigates the functional-semantic field of a degree, the description is conducted by means of evidence that reveals the realization of the units making up the analyzed field.

Нашрга проф. Б.Менглиев тавсия этган

Қийин СЎЗИНИНГ ЭТИМОЛОГИК ТАЛҚИНИ ХУСУСИДА

Жумаев Т. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *фонологик зиддият, дастлабки чўзиқлик, кейинги чўзиқлик, фонема, унли фонема, диереза, фонетик ҳодиса, чўзиқ-қисқалик.*

Ҳозирги ўзбек тилида *қийин* сўзи фаол, эскирмаган, услубга хосланиш жиҳатидан бетараф ҳисобланади: замонавий тилшунослик нуқтаи назаридан сифат бўлиб, тарихий жиҳатдан ясамалиги кўриниб турибди; сўз таркибига кўра диахроник таҳлил этилса, *қий-*

¹ Базаров О. Ўзбек тилида даражаланиш: Филология фанлари д-ри ... дисс... автореф. – Тошкент, 1997. – 48 б.

“қиймоқ” + *-ин* сифат ясовчи қўшимчага ажратиш мумкин, яъни, *очин-тўқин, қишин-ёзин* жуфт ҳосилаларининг ясовчиси сингари.

Бу сўзнинг изоҳини проф. Ш.Раҳматуллаев куйидагича таснифлайди:

ҚИЙИН «осонлик билан бажариб бўлмайдиган, кўп меҳнат, куч, маблағ, вақт талаб қиладиган». Бу топширигингизни бажариш ж у д а қийин. ДС нинг 442-бетида қыйыт сўзига берилган изоҳдан (мн.ч. на -т от *қыйын*) маълум бўладики, қадимги туркий тилда «машаққат», «қийинчилик» маъносини англатган *қын* оти мавжуд бўлган, *қыйын* сўзи ана шу *қын* отига «бирлик» маъносини ифодаловчи *-(ы)н* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (ДС, 441: қыйын «наказание, кара; мучение, пытка»); кейинчалик ўзбек тилида ы унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: *қын* + *ын* = *қыйын* > *қийин*. Маъно тараққиёти натижасида бу от кейинчалик сифатга кўчган [4:284].

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да бу лексик бирликнинг таснифи куйидагича келтирилади:

ҚИЙИН 1 Қийинчилик билан амалга ошадиган, кўп куч, меҳнат ва ш.к. талаб қиладиган; сермашаққат, машаққатли; *зид. осон. Қийин ши. Қийин масала. Қийин вазифа.* Санъат турларининг ичида энг қийини – *рассомчилик.* Ф.Мусаёнов. Ҳиммат.

2 Оғирчилик, қийинчилик билан боғлиқ бўлган; оғир, мушкул. *Қийин шароит. Қийин аҳвол. Қараб ўтирсак – уят бўлади, халқ қийин кунимизда асқотмади, дейди.* М.Исмоилий. Фарғона т.о. Мусофирчилик қийин, бола-чақани соғинади киши. Ойбек. Танланган асарлар.

3 Кесим вф. Маҳол, амримаҳол. *Қоронгида ким эканини билиш қийин. Касалнинг келиши осон, кетиши қийин.* Мақол. *У замонда, ўғлим, бизга ўхшаган одамларнинг тўрт танга орттириши қийин эди.* А.Қаҳҳор. Қўшчинор чироқлари.

4 кам қўлл. айнан **қийинчилик.** *Қизники қийин билан битар, Ўғилники ўйин билан битар.* Мақол. [3:282].

Бу сўзнинг *қы:н* варианты турк тилининг шеваларида, ўзбек тилининг Урганч шева-сида ҳам истеъмол этилади. Қўринадик, сўзнинг чўзиқ унлили шакли ўғиз тилларида ҳозирги пайтда ҳам мавжуд. Ўзбек тилида эса унлиларнинг чўзиқ-қисқалиги фонологик қимматга эга эмас. Унлилардаги фонологик қиймат араб ва форс тиллари учунгина хос.

“Араб ва форс тилларида унлилар икки хил – *қисқа* ва *чўзиқ* бўлади. Бу тиллардаги чўзиқ-қисқаликнинг фарқи мустақил фонологик фарқ бўлиб, бундай унлилар аслида фонемаларни ташкил этади. Лекин бу тилларда унлиларнинг қаттиқ-юмшоқлиги фарқланмайди; улар оралик бўлади¹”.

Эски ўзбек тилида *й* ва *+и* зиддияти мавжуд эди, лекин бундай зиддият турли тиллар доирасида қаралганда юзага чиққан, яъни: *қйил* (5:734) – гап, сўз; *қыл* – қилмоқ; – *тир* – кесимлик қўшимчаси; *тйр* – тийр, ўк; *мил* (5: II, 304) – ўлчов бирлиги, мили; *мйл* (5: II, 304) – I. сурмачўп; 2. сих.

Маҳмуд Кошғарий унлиларнинг чўзиқ-қисқалиги ҳақида шундай ёзади: «Унлиларни чўзиқ ёки қисқартириб талаффуз қилиш сўзга зарар бермайди»² Демак, XI аср адабий тилида чўзиқ унлилар бўлмаган, лекин айрим сўзларни чўзиқ унли билан талаффуз этиш ўша давр шеваларида мавжуд эди; унлиларнинг чўзиқ-қисқалиги фонологик вазифани ўтамаган. Эский туркий тилда *й* ва *и* зиддияти фонологик бўлмаганлиги учун чўзиқ-қисқалик алоҳида фонемаларни эмас, балки фонеманинг кўринишларини фарқлаган.

Бу ҳолат ҳозирги давргача етиб келган, айрим туркий тилларнинг шеваларида *қын*, масалан, озарбайжон³, туркман, гагауз, қорақалпоқ, қўмиқ⁴, қирғиз, қозоқ, нуғай, бошқирд, олтой тилларида;⁵ айрим туркий тилларда ва уларнинг шеваларида *қыйын* ёки *қийин* тар-

¹ Неъматов Ҳ. Ўзбек тилининг тарихий фонетикаси. – Тошкент; Ўқитувчи, 1992. – Б. 76.

² Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. I т. – Б. 385.

³ Исламов М. Азербайжан дилинин Нуха диалекти. Бакии, 1968, – Б. 241.

⁴ Мохир М.В. Кумыкско-русский словарь. “Сборник материалов для описания местностей и племен Кавказа”, вып. XVII. Тифлис, 1893.

⁵ Бакаков Н.А. Диалект кумандинцев (куманди-кижи). Грамматический очерк, тексты, переводы и словарь. – М., 1972. – С. 74.

зида, масалан, кумик, уйгур, туркман тилларида; *қы:н*, *қыйн* шакллари туркман тилининг айрим шеваларида, балқар тилида ҳозиргача мавжуд.

В.В.Радлов бу сўзнинг *қын* кўриниши туркий тилларнинг деярли барчасида қўлланишини ҳам қайд этган,¹ Л.Будагов эса бу шаклни турк, татар, қирғиз, тобол турклари тилларида қўлланишини кўрсатади.² Ж.Зенкер ҳам шу кўриниш ҳақидаги фикрларни қайд қилиб ўтган эди.³

Маҳмуд Кошғарий “Девону луғотит турк” асарида ҳам *қийин* сўзининг таснифи ҳақида ўз фикрларини баён қилган.⁴ Бу ҳақда К.Броккельман,⁵ Ҳоутсманн, А.Заячковский, П.М.Мелиоранский,⁶ Неметларнинг⁷ ҳам илмий ишларида⁸ атрофлича фикр юритилади.

Қийин сўзи худди замонавий ўзбек тилида қўлланаётганидек эски турк тили ёзма обидаларида истемол этилган. Бу ҳақда “Аттуҳфа”да,⁹ Қутбнинг “Хусрав ва Ширин” асарида¹⁰ маълумотлар беради.

Шунингдек, *қийин* сўзининг фонетик вариантлари татар тилида *қыны*, турк тилининг айрим шеваларида *gini*¹¹, хакас тилининг айрим шеваларида *хын*,¹² қизил шеvasида *х, ён*,¹³ чуваш тилининг айрим шеваларида *ёнё*, айрим шеваларида эса *анá* тарзида қўлланади.

Бу сўзнинг луғавий маъносини М.В.Мохир кўмик тилида “меҳнат” эканлигини кўрсатади [3], Л.Будагов [6] туркман тилида “қийин”, “қийинчилик” Ҳ.Вамбери турк, туркман тилларида “мураккаб” маъноларда қўлланишини,¹⁴ Г.Кулманов кумик, қирғиз, қозоқ, қорақалпоқ, нўғай, бошқирд ва ўзбек тилларида “қийин” маъносида, В.В.Радлов “ўнғайсиз” маъноларини ифодалашини қайд қилади.

Демак, бу сўзнинг чўзиқ унлили ҳамда қисқа унлили шакллари туркий тилларда қўлланиши намоён бўлмоқда. Унлиларнинг бу хилдаги хусусиятлари тилларнинг табиати билан боғлиқ. Туркий тилларда чўзиқликнинг икки тури истемолда бўлган:

1. Туркий сўзлардаги унлиларда дастлабки чўзиқлик.

2. Туркий сўзларда кейинги чўзиқлик.

Ўзбек тилига арабча ва форсча сўзлар кириб кела бошлаши билан бу сўзларда чўзиқ ва қисқа унлиларнинг маъно фарқлаш вазифаси ҳам пайдо бўлди: *адам* – одам; *адам* – йўқлик; *карāмат* – каромат, *карāмāt* – кароматлар, *адаб* – адаб, *āдāб* – одоблар каби.

Туркий тилларда *дастлабки чўзиқлик* жуда қадимдан – ёзма ёдгорликлари бизгача етиб келмаган даврларда мавжуд бўлганлигини туркийшунос олимлар қайд этишади. Боботил даврида барча унлиларнинг чўзиқ ва қисқа турлари мавжуд бўлган бўлиши мумкин. Айрим туркий тилларда (туркман ва ёқут адабий тилларида, шунингдек, айрим ўзбек шеваларида) шу дастлабки чўзиқлик ва унинг қолдиқлари сақланиб қолган. Маҳмуд Кошғарий ҳам чўзиқ ва қисқа унлиларни фарқлаган, шунинг учун чўзиқ *а* унлили сўзларни икки алиф билан келтирган: *ا* (МК, 1,109) – оз; *آ* (МК, 1,108) – оч.

¹ Радлов В.В. II. Опыт словаря тюркских наречий, I–IV., 1893–1911). – С. 724–725.

² Будагов Л. Сравнительный словарь турецко-татарских наречий, т. II. СПб., 1871. – 65.

³ Zenker J.Th. Dictionnaire Turk-Arabe-Persan, t. II. Leipzig. 1866. – Pp. 730.

⁴ Древнетюркский словарь. – М., 1971. – С. 444.

⁵ Brockelmann C. Mitteltürkischer Wortschatz nach Mahmud al-Kasgaris Dīvān Lugāt at-Turk. Budapest-Leipzig, 1928. – P. 316.

⁶ Мелиоранский П.М. Заимствование восточные слова в русской письменности домонгольского периода. Т. X. – СПб. 1905. – С. 108.

⁷ Németh J. Die Rätsel des Codex Cumanicus – ZDMG, Bd 67. Heft IV, 1913. – P. 182.

⁸ Houtsma M.Th. Ein türkisch-arabisches Glossar. Leiden, 1894. – P. 93.

⁹ Ettuhfet-üz-zekiyye fil-lügat-it-türkiyye. Çeviren Besim Atalay. Istanbul, 1945. – P. 145.

¹⁰ Zayaczkowski A. Najstarsza wersja turecka Husrav u Šīrīn Qutba. Т. III. Slovinik. Warszawa, 1961. – P. 145.

¹¹ Далектологическая картотека “Турецкого лингвистического общества» (Türk Dil Kurumu). – С. 251.

¹² Инжижекова А.И. Сагайский диалект хакасского языка. Канд. дисс... (рукопись) – М., 1948. – 157.

¹³ Joki A.J. Wöterverzeichnis der Kyzyl-Sprache. Helsinki, 1953. – С. 11.

¹⁴ Vámbéry H. Čagataiche Sprachstudien enthaltend grammtikalachen Umriss., Chrestomatie und Wörtbuch der Čagataichen Sprache. Leipzig, 1867.

Алишер Навоий эски ўзбек тилининг фонетик имкониятлари, шеър тузиш ва қофиялашдаги қулайликлари ҳақида тўхталиб, бу тилдаги унлиларнинг қисқа ҳам, чўзик ҳам талаффуз этилиши шеърят учун қулай эканини таъкидлайди: *бағыр* сўзини *қадир* ва *таъхир* сўзлари билан қофиялаш ҳам мумкинлигини айтади¹ Демак, туркий *бағыр* сўзи *қадир* – «қодир» сўзи билан қофияланиши учун *бағир* (адабий тилда боғир), *таъхир* сўзи билан қофияланиши учун *багир* (адабий тилда *багийр*) сифатида талаффуз этилган. Шу сабабли Алишер Навоий *бағыр* сўзи қофия талабига кўра икки хил талаффуз қилинганлиги ҳақида гувоҳлик беради.²

Шундай қилиб, бундай аниқ ва мўтабар тарихий далиллар берган маълумотларга таянадиган бўлсак, туркий сўзларда чўзик-қисқалик фонологик вазифа бажармаган ва унлининг бу хусусияти вазн ва қофия билан юзага келган, дейиш имконини беради. Бу эса эски туркий тилда ҳам, ҳозирги туркий тилларда ҳам унлиларнинг чўзик ва қисқалиги фонологик жиҳатдан фарқланмаган, шунинг учун туркий тилларда дастлабки чўзиклик сақланмаган деган умумий хулоса чиқаришимиз мумкин .

Кейинги чўзиклик эса айрим туркий тилларда бўлганидек, ўзбек тилида бундай чўзиклик сўзнинг ўрта ва охирида *з, э, й, ҳ* товушларининг тушиб қолиши натижасида ҳосил бўлган. Буни Алишер Навоий ҳам *биз* (олмош) *ва би:з* (бигиз), *қин* (қин, пичоқнинг қини) *ва қи:н* (қийин) сўзларини қиёслаш билан изоҳлаб беради.³ Кейинги чўзиклик туркий тиллар ва уларнинг шеваларининг барчасида кенг тарқалган ва фонетик ҳодисаларнинг *диереза* турига киради.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида *қийин* сўзининг фонетик вариантлари ишлатилмайди, шеваларда сақланиб қолган қолдиқлари эса қадимдан туркий тилларда мавжуд бўлган фонетик чўзикликнинг унсурлари ҳисобланади, деган хулоса чиқаришга ҳақлимиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Неъматов Ҳ. Ўзбек тилининг тарихий фонетикаси. – Тошкент; Ўқитувчи, 1992. – 92 б.
2. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. I т. – 598 б.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 595 б.
4. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. I т. –Тошкент: Университет, 2000. –576 б.
5. Навоий асарларининг изоҳли луғати. Э.Фозилов таҳрири остида нашр қилинган. 4-том. –Тошкент, 1983. – 484 б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада *қийин* сўзининг тарихий тараққиёти, туркий тилларда қўлланадиган вариантлари ҳамда семантик ранг-баранглиги ҳақидаги фикрлар баён этилган.

РЕЗЮМЕ

В статье приводятся размышления об историческом развитии слова "трудный", о вариантах данного слова, использующихся в тюркских языках, и их семантическом разнообразии.

SUMMARY

The article contains reflections on the historical development of the word "difficult", on the variants of the given word used in the Turkic languages, and their semantic diversity.

¹ Алишер Навоий. Муҳокаматул-луғатайн. – Тошкент, 1948. – Б. 114.

² Неъматов Ҳ. Ўша асар. 67-бет.

³ Алишер Навоий. Муҳокаматул-луғатайн. – Тошкент, 1948. – Б. 151.

СТЕФАН ЦВАЙГ – ЛИРИК НОВЕЛЛА УСТАСИ

Қувонова Ш.О. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва тушунчалар: *новелла, маҳорат, иқтидор, руҳият, ички руҳий кечинмалари эрк, руҳий-бадиий тасвир, драматизм, ижод, услуб, фалсафа.*

Ўзига хос жозибали иқтидор соҳиби, машҳур ёзувчи Стефан Цвайг ўзбек ўқувчиларининг меҳр-муҳаббатини XX асрнинг 20 йилларидаёқ қозонишга улгурган ижодкордир.

Стефан Цвайг 1881 йилнинг 28 ноябрида Венада тўқимачилик фабрикаси эгаси Мартин Цвайг хонадонидан иккинчи ўғил фарзанд сифатида таваллуд топди. Келиб чиқishi яҳудий бўлган Цвайглар сулоласи ўша пайтдаги бой-бадавлат буржуа намояндаларидан бўлган. Шунга қарамай, ака-ука Алфред ва Стефанлар бахтли, беташвиш болаликни бошдан кечирганлар, деб айтиб бўлмайди, чунки уларнинг ота-оналари фарзандларига жамоавий бурчларидан ортиб ғамхўрлик қилиш имконига эга эмас эдилар. Халқ мактаби ва гимназияда таҳсил кўрган Стефан 1900 йилда Вена университетидан фалсафа ва адабиётшунослиқдан сабоқлар ола бошлади. У жуда эрта новелла ва ҳикоялар ёзишга, маҳорат билан таржималар қилишга киришган. Унинг илк шеърлар китоби 1901 йилда Берлинда чоп этилди. Икки йил ўтгач “Эвалд севгиси” номли дастлабки новеллалар мажмуаси босилиб чиқди.

26 ёшга етганида ёзувчи Венада ўз бошпанасига эга бўлади. 1912 йили тақдир Стефан Цвайгни Фридерике фон Винтернетс билан учраштиради. 4 йил ўтгач, улар биргаликда Залцбургга кўчиб ўтадилар. Ўша йилнинг ўзидаёқ у Залцбургда бир уй сотиб олади. Стефан Цвайг Фридерике билан никоҳдан ўтгач, Залцбургда истиқомат қила бошлайдилар. Ўта жаҳонгашта адаблиги унинг таржимаи ҳолидан маълум. У ўзининг Европа бўйлаб саёҳати давомида Э. Верхарн, Р. Ролланд, Верлайне, Родин, кейинчалик Фрейд ва Тоскани каби йирик ижодкорлар билан танишади. Улар билан қайта ва қайта суҳбатлар қуради. Бу суҳбатлардан рағбат олган адиб Испания, Шотландия, Ҳиндистонга, Хитой сарҳадларига, Африка, Шимолий Америка, Куба каби мамлакатларга саёҳат қилади. Бу сафарлардан кейин адиб саёҳатномалар ёзмади, лекин турли минтақа одамларини ўрганди. Бу одамлар унинг новеллаларида тасвирланди. Унинг саёҳатлари Европа ва жаҳон манзараларини қиёсий планда кўриш имконини ва айни замонда унинг новеллалари қандай асосга қурилганини кўрсатишга хизмат қилади.

1933 йилда национал социалистлар томонидан ёқилган гулханда Цвайг китоблари ҳам куйиб кул бўлди. Залцбургдаги хонадони тинтув қилинган, у ватанини бутунлай тарк этади ва Лондонда узоқ вақт қолиб кетди. 1937 йилда Фридерике билан ажрашган адиб икки йил ўтгач, котибаси Лотте Алтманнга уйланади. Гитлернинг Полша, Дания, Норвегия, Голландия, Белгия ва Францияни забт этиши уни ташвишга солади ва у Европани тарк этишга мажбур бўлади. 1940 йил Стефан Цвайг рафиқаси билан Бразилиянинг Петрополис шаҳрида қўним топадилар.

Асарлари немис тили заминида босилиши ман этилганлиги уни ташвишга солди. Ҳукуматни ўша пайтда тутиб турганлардан ҳеч қандай одамийликка умид боғлаб бўлмаслиги боис Стефан Цвайг ва рафиқаси Лотте хоним биргаликда ҳаётдан кетишга қарор қилишади. 1942 йил 22 февралда адиб ўз жонига қасд қилади. Унинг дўстлари, мухлислари Стефан Цвайг нега бундай ўлимни хоҳлаганини тушунишга интидилар, аммо сабабини топа олмадилар. Томас Манн ҳамкасби Стефан Цвайгнинг ўлиmidан беш кун кейин шундай деб ёзган эди:

“Унинг жаҳоний шухрати эътирофга муҳтож эмас. Шу нарса фожеалики, беқиёс иқтидор соҳиби бўлган буюк инсон қалбининг исёнкор кучи оғир даврнинг босими туфайли парчаланиб кетди. Мени кўп ҳолларда лол қолдирадиган нарса ундаги Худо

берган истеъдод, тарихий давр ва психологик санъаткорона образлар жонлилигини таъминлай олишдаги қобилиятидир”.

Ўзлигига, ўзининг илгариги даврига қайтиши иложсиз деб билиб ўлимни афзал кўрган изтиробли инсонпарвар Стефан Цвайг гитлерчилар туфайли жаҳон ўз эркинлиги ва тараққиётидан маҳрум бўлганлигига кўзи етди. Адибнинг деярли барча асарларида ўлим мавзуси бор: қаҳрамонлари ўз истаклари, хоҳишлари йўлида ўлимга ё тик борадилар, ёки ўз истак ва хоҳишларига етмай, ўзини-ўзи ўлдиради. Ўлим мавзуси адиб ҳаёлини мудом банд этган. Унинг 1942 йили ўзини-ўзи ўлдиришида нафақат ҳаётий идеалини барбод бўлгани, шу билан бирга, узоқ йиллар давомида ўлим ҳақидаги ҳаёлий-бадий изланишларининг ҳам таъсири бор. Тўғри, ҳаёт билан ўлим ўртасидаги қурашда одам руҳияти, ички кечинмалари ва ўқувчини таназзулга келтирадиган ўй-фикрлари кенг намоён бўлади. Ҳеч бир ижодкор ушбу мавзуни четлаб ўтган эмас, С.Цвайгдек унга кўп мурожаат қилган ҳам эмас.

Шоир, ёзувчи, таржимон, адабий танқидчи, публицист сифатида XX аср жаҳон адабиётининг етакчи вакилларида бири, дея эътироф этилган адиб Стефан Цвайг томонидан яратилган асарлар бугунги кун ўқувчилари учун ҳам ўта жозибали ва мафтункор саналади. Тасаввур, тафаккур, идрок, ирода, ақл, заковат сингари асл инсоний хислатларнинг уста мусаввири бўлган ёзувчининг асарларидаги асосий мавзу инсон ва унинг ички олами бўлиб, ўқувчи улардаги садоқат, меҳр, муҳаббат, эътибор, эҳтирос, иштиёқ, изтироб каби туйғуларнинг ёрқин ранглирига мафтун бўлиб қолади. Ундаги инсон образи, инсон ички олами, руҳияти, изтироблари, табиат ва жамият ҳаёти билан ҳамоханг тарзда моҳирона тасвирланганини кузатиш мумкин.

Цвайг қолдирган адабий мерослар ичида унинг ҳикоялари ва новеллалари алоҳида ўрин тутди. Унинг асарлари ўтган асрнинг ўрталаридаёқ дунёнинг бир неча ўнлаб илғор тилларига таржима қилинган ва ҳозир ҳам севиб ўқилади. Улардаги образлар, бадий тасвирларнинг чуқур фалсафийлиги, инсон руҳиятининг оддий кўз илғай олмайдиган жиҳатлари усталик билан очиб берилганлиги, рамзий образлар, иборалар ва бадий бўёқларнинг моҳирона қўлланилгани билан ажралиб туради. Новелла ва ҳикоялар дастлабки мисраларданок ўқувчини ўзига маҳлиё қилиб кўяди ва бу қизиқиш асар охиригача бир сонияга ҳам чалғимади.

С. Цвайг қаҳрамонлари ўзларининг истакларига, хоҳишларига ва ички руҳий кечинмаларига банди кишилар. Улар ушбу майллари ва кечинмаларидан маъно, бахт топиш учун ҳамма нарсадан: эркидан, элидан, ҳамиятидан иккиланмай ўз ҳаётидан кечишга тайёр. Ҳатто буюк кашфиётларга интилган қаҳрамонлари ҳам шахсий истаклари ва кечинмалари доирасидан ташқарига чиқа олмайдилар. Тўғри, бой руҳий-бадий тасвир, қаҳрамонлар чеккан андуҳлар, драматизмга тўла тўқнашув ва фожеали ечимлар ёзувчи ижодига хос ушбу танг ёндашувни босиб кетади, аммо шахсий кечинмалар ижтимоий ҳаётдан айрича кечади. Унинг аёл қалби нозик кечинмаларини, руҳий оламини санъаткорона тасвирланган энг ёрқин асарлари учун муштарак бўла оладиган “Куйган кўнгил фарёди” новелласида ҳикоя қилинишича, икки қизалоқ буржуазия ҳаётида одатий бўлиб қолган ўта сийқа саргузаштнинг гувоҳи бўладилар. Уларнинг бойвачча томонидан таққирланган, алданган тарбиячиси ўзини-ўзи ўлдиради. Оиладаги катталар бу воқеани болалардан пинҳон тутишга уринадилар. Аммо самимий гўдаклар оиладаги бадбахт қиз тақдирига лоқайд қарай олмайдилар. Одатий буржуа ахлоқи билан тўқнашув болалар қалбини ларзага солади. “Ваҳима” новелласи С. Цвайг ижодида реалистик тенденциялар яққол намоён бўлган асарлардандир. Айни замонда, мазкур новелла ёзувчи реализмининг ҳақиқий кўламини кўрсатиш билан характерлидир.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаш ўринлики, С. Цвайг ўз новеллалари учун фавқуллодда ҳодисалар қидирмайди. Ёзувчи атайлаб оддий, ҳаттоки одатий воқеаларни танлайди. Бу ёзувчи ҳикоя қилиш услубининг ўзига хослиги бўлиб, бир қарашда, ўқувчи диққа-

тини тортмайди. Лекин Цвайг новеллаларининг сюжет таранглиги воқеалар динамикаси билан эмас, балки қаҳрамонлар қалбини нозик англаш билан, уларнинг руҳий ҳолатларининг у ёки бу лаҳзадаги аниқ таҳлили билан белгиланади. Масалан, адибнинг “Ваҳима”, “Бир аёл ҳаётдан йигирма тўрт соат” ва бошқа новеллалари асосан психологик конфликтни ифодалаш замирига қурилган бўлиб, уларда ташқи ҳодиса асосий воқеаларнинг кучайиб бориши ва ривожланиши учун баҳона ёки туртки вазифасини ўтайди. Цвайг новеллаларида изгироблар, қарама-қарши ва ўзгарувчан туйғулар ифодаси саҳнавий аниқликдаги ранг-баранг диалоглар билан кучайтирилади. Ёзувчининг “Ваҳима” новелласида оилали аёл қалбида яна бир бор уйғонган ишқнинг изтироби ва лаззатини тотиш майли, агар тажрибали ва эҳтиёткор эри бўлмаганида, қандай фожеаларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида ҳикоя қилинади.

Стефан Цвайг асарлари сирли ва қаҳрамонлар андуҳларига жо ҳаёт фалсафасидир. Унда севиш ва нафратланиш, ғолиб ва мағлуб яшаш, улуғланиш ва таҳқирланиш боислари яширинган. Синчков китобхон ундан ўзига зарур ҳикमतлар топа олади. Унинг асарларига бўлган қизиқишнинг йилдан йилга ортиб бораётганлиги адабиётга ёзувчининг муносиб улуш қўша олганлигидан далолатдир. Стефан Цвайгнинг «Мураббия», «Номалум аёл мактуби», «Бир аёл ҳаётдан йигирма тўрт соат» новеллалари Ш. Толипов, «Ваҳима», «Учинчи кабутар ҳақида афсона», «Эгизак қизлар ривояти» новеллалари Маҳкам Маҳмудов, «Куйган кўнгил фарёди» новелласи Ўткир Ҳошимов, «Аёл ҳаётдан йигирма тўрт соат», «Ёндирувчи тилсимот», «Шахмат новелласи», «Амок» каби новеллалари Ботир Раҳмонов томонидан таржима қилинган.

Стефан Цвайг асарларининг таржималарини кузатиб, ҳикояларда тасвир этилган давр, муаллифнинг ижодий таржимаи ҳоли, унинг услубидаги ўзига хос индивидуал, тийран кузатишларни талаб қиладиган хусусиятлар пухта ўрганилганлигига қаноат ҳосил қиламиз. «Ваҳима» новелласида Ирена хонимни доимо таъқиб этадиган муттаҳам аёл тили русча нусхада бошқа персонажлар тилидан айтарли фарқ қилмайди. Таржимага ижодий эҳтирос билан ёндашган М. Маҳмудов характер моҳиятидан келиб чиқиб, тилимиз имкониятларидан унумли фойдаланган. Таржимоннинг шеваларга хос бўлган табиий, жонли продуктив лексикага мурожаати ўқувчи кўз ўнгида эсда қоларли образ яратишни таъминлаган. Баъзан таржимачилик тажрибасида ўгирилаётган асарни «ўз китобхонларига мослаштириш» тенденциялари учраб туради. Бу, шубҳасиз, асарнинг миллий ўзига хослигини йўқотишга олиб келади. С. Цвайг таржимонлари бу йўлдан бормайдилар, немис турмуш тарзи ва уларга хос бўлган реалаяларни шундайлигича етказишга ҳаракат қиладилар, қаҳрамонларни оригиналда тасвирланган ҳаётдан ажратмайдилар. Ўрни келганда, китобхонга мавҳум тушунчаларга таржимон изоҳлари берилганлиги айни муддао бўлган.

Стефан Цвайг новеллалари таржималарида айри қусурлар ҳам кўзга ташланади. Таржимонлар баъзан образли фикрлашни меъёридан ошириб, «қурбонлик», «мажнунона эҳтирос», «аския», «ошиғи олчи», «хизр назар қилган» каби халқимиз ҳаёти билан бевоқиф боғлиқ сўз ва ибораларни «карниздан тушган гувала», «қўлини юзига тортиб чўқинмоқ», «ҳис-туйғулар гаммаси», «ландшафтдаги нур ва соялар сингари» каби жумлаларни ўринсиз равишда ишлатиб юборганлар. Стефан Цвайг новеллаларида айрим персонажлар исмларида «хен» аффикси тез-тез учраб туради. Бу аффикс немис тилида кичрайтириш, эркалаш маъноларини беради. Табиийки, русча таржимада бунга ишора бўлмаганидан ўзбекчада ҳам ўзгаришсиз берилган. Натижада муаллифнинг қаҳрамон исмига юкланган маъно оттенкаси мавҳумлигича қолган.

Бундай жузъий камчиликларга қарамай, Стефан Цвайг новеллаларининг ўзбек тилида пайдо бўлиши унинг ихлосманд мухлислари доирасини кенгайтиришга арзирли ҳисса бўлиб қўшилди.

XX асрда жаҳон адабиётининг насрий йўналиши ҳам шунчалар мукамаллик кашф этдики, унда ёзувчи ўз ҳикоясига гўё уста ҳайкалтарош сингари ишлов беради. Барча

буюк уста ижодкорларнинг асарлари каби Цвайг ҳикояларида ҳам ҳар бир жумла моҳирлик билан сайқалланган бўлиб, у ёзувчи айтмоқчи бўлган фикрни чуқурроқ англашга ва маънавий озуқа бўлиб тафаккурга қуйилиб қолишига хизмат қилади. Шу билан бирга, ёзувчининг тили ва баён қилиш усулида воқеалар, ҳиссий кечинмалар, бадиий тасвирлар ўзига хос мураккаб адабий тизим асосида ифода этилганлиги кўриниб туради. Бир қарашда жўнгина бўлиб кўринган тасвирлар ёрдамида у ўқувчини олис-олис хаёллар оламига етаклаб олиб кетади ва ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатларини англашга, инсон тақдири ҳақида ўйлашга ундайди. Цвайг асарларини ўқий туриб, киши ўзини беихтиёр инсон руҳияти деб аталмиш сирли ва мафтункор бир оламга, ундаги ранг-баранг туйғулар дунёсига саёҳат қилаётгандай сезади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов Ш. Немис адабиёти тарихи. –Тошкент: Мумтоз сўз, 2010. –130 б.
2. Есенбоев З., Жўраев Т. Таржима санъати. –Тошкент: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978. – 265 б.
3. Шарипов Ж. Бадиий таржималар ва моҳир таржимонлар. –Тошкент: Фан, 1972. –205 б.
4. Kesten S. A., Tannenzapf M. S. Geschichte der deutschen Literatur. –Taschkent: O‘qituvchi, 1969. – 234 s.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Стефан Цвайг ижоди ҳақида гап боради. Стефан Цвайгнинг ўзбек тилига таржима қилинган новеллалари таҳлил этилган ва адиб маҳорати очиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье идет речь о творчестве Стефана Цвейга, а также проанализированы новеллы Стефана Цвейга, переведенные на узбекский язык. Новеллы Стефана Цвейга, еще не переведенные на узбекский язык, ждут своего переводчика.

SUMMARY

Stefan Sweig’s creative career was given in the following article. Uzbek translation of the author was analired. Not translated novels have been waiting for the translators.

Наишга доц. Ғ.Хўжаев тавсия этган

OMONIMLAR VA POLISEMANTIK SO‘ZLARNI FARQLASH MEZONLARI

Hamroyeva M. (QarDU)

Tayanch so‘z va iboralar: *omonimiya, polisemiya, omonim, ko‘pma’noli so‘z, metafora, monosillabik so‘z, leksema, fonema, orfografiya, sintaksema, aktiv sintaksema, obyekt sintaksema, lokativ sintaksema, predikativ sintaksema, atributiv sintaksema.*

Zamonaviy ingliz tilidagi omonimlar va polisemantik so‘zlarni farqlashda nafaqat til o‘rganuvchilar, balki ingliz tili sohiblari ham bir qator qiyinchiliklarga duch keladilar, shu bois omonimiya va polisemiya hodisalarini o‘rganish masalasi ingliz tilshunosligida hozirgi kunga qadar o‘z dolzarbligini yo‘qotmagan. Chunki qiyoslanayotgan ushbu birliklarning har ikkalasi matn tarkibida alohida so‘z birikmasi yoki so‘zlar yig‘indisi bo‘lib kela oladi. Shuningdek, ularning har ikkisi bir xil talaffuz va bir xil orfografik, ya’ni harfiy ifoda xarakteriga ega. Bunda, ularning kichik farqli xususiyati sifatida *omonim* tor ma’nodagi tushuncha, *polisemiya* esa keng ma’nodagi tushuncha ekanini ta’kidlashimiz mumkin. Bunga qo‘shimcha qilib, omonimlar va polisemantik so‘zlar nafaqat o‘zining grammatik tabiati, balki vazifasi hamda tub ma’nosi bilan bir-biridan farq qilishini ham aytib o‘tish joiz.

Tilshunos olim I.V.Arnold ta’rifiga ko‘ra, “Omonimlar deb bir xil talaffuz etiluvchi, bir xil yoziluvchi va hijjalab aytganda ham bir xillikni tashkil qiluvchi, faqat kelib chiqishi va

ma'no jihatidan bir-biridan farqlanuvchi, turli xil kelishiklarda turlanuvchi so'zlarga aytiladi".¹ Bu ikki tushuncha o'rtasida bir qator tafovutlar bo'lishiga qaramay, ularning formal-semantik strukturasi chalg'ituvchi xarakter mujassam. Omonimiya hodisasi va omonimik birliklar barcha tillarda mavjud bo'lsa-da, I.V.Arnoldning ta'kidlashicha, "ingliz tilidagi omonimlarning o'ziga xos farqli xususiyati shundan iboratki, ular son jihatidan ko'pchilikni tashkil etadi va monosillabik xarakterga ega".

Ingliz tilida aksariyat omonimlarni shaklan birlashtiruvchi jihatlar bu – ulardagi leksik yoki fonetik asosning bir xilligidir. Boshqacha qilib aytganda, erkin formalarning turli o'zaklarda predominantlik xususiyatiga ega bo'lishidan iborat. Shuni aniqki, polisemantik so'zlarga nisbatan omonimlar o'rtasida grammatik nomutanosiblik ko'proq kuzatiladi. Ularning har ikkisi so'z oxiridagi fleksiyalar va boshqa morfologik jarayonlar ta'siriga uchramagan holda bir xillikni tashkil etadi.²

Omonim va polisemantik so'zlarni bir-biridan farqlash uchun quyidagi jihatlarni e'tiborga olish lozim:

1) Polisemantik so'zlar bir leksik turkumga mansub bo'lib, uning ma'nolari o'xshashlikni tashkil etadi va mazkur ma'nolar o'rtasida bog'lanish bo'lishi tabiiy hol. Omonimlar esa, bir xil fonologik va orfografik o'xshashlikdan tashqari, birdan ortiq morfologik formaga ham ega deb ayta olamiz;

2) Polisemantik so'zlar tarixan bir so'zga borib taqaladi, omonimlarning etimologiyasi esa turli xil so'z turkumlarga mansubligi bilan xarakterlanadi (polisemiyadan o'sib chiqqan omonimlar alohida masala);

3) Polisemiya va omonimiya tushunchalarini bir-biridan ajratishning eng samarali usuli bu ularning yadrosini bilish. Omonimlar bir xil yadro va o'zakka, polisemantik so'zlar esa turli xil yadro va o'zakka ega bo'ladi;

4) Polisemantik so'zlarning bir xil ma'no bera oladigan sinonimlari va aks ma'noli antonimlari ko'pchilikni tashkil etadi. Antonimlarning bir xilligi polisemiyaning, har xilligi esa omonimiyani tashkil etadi;

5) Omonimlarning ma'nosi ko'p, binobarin omonimik qatordagi har bir so'z lug'atlarda alohida ma'nolari bilan ko'rsatiladi, polisemantik so'zlar esa bitta umumiy ma'noga borib taqaladi;

6) Polisemantik so'zlar ma'nolari bir-biri bilan uzviy bog'langan bo'lib, ular metaforik – ko'chma semalarga ega. Omonimlarda esa so'zlarning ma'nolari bir-biridan butunlay farq qiladi;

7) Omonimlarning kontekst tarkibidagi lug'aviy ma'nolari turli xilligi bilan farqlansa, polisemantik so'zlarda ularning lug'aviy ma'nolari bir-biriga o'xshash bo'ladi;

8) Aksariyat lug'atlarda ko'pma'noli bosh so'z beriladi va arab raqamlari bilan uning barcha metaforik, stilistik, dialektal va boshqa ma'nolari keltiriladi, omonim so'zlarning esa har biri rim raqami bilan beriladi va lug'at maqolasida ularning barcha ma'nolari o'z ifodasini topadi.

Bu ikki atamaning yana boshqa bir farqini quyidagi jadvalda ko'rishimiz mumkin. Unda omonimlar va polisemantik so'zlarning etimologik bir-biriga bog'liq bo'lmagan holatlarini ko'rib tahlil qilamiz.

Xususiyati	Polisemantik so'z	Omonim
Mavjudligi	So'z qatlami	So'z qatlami
Strukturasi	Yagona forma	O'xshash forma
Orfografiya	Hijjalab yozganda farq qilmaydi	Hijjalab yozganda farq qilishi mumkin
Aytilishi	Talaffuzda farq qilmaydi	Talaffuzda farqlanadi
Semantik farqi	Kontekstga ko'ra	Ma'no va etimologiyasiga ko'ra
Kontekst	Muhim rol o'ynaydi	Rol o'ynamasligi mumkin

¹ Арнольд И. В. Лексикология современного английского языка. – Москва, 1973. – С. 164.

² O'sha manba. – B. 169.

Yuqoridagi fikrlarimiz isbotini quyidagi misollar tahlilida ko‘rib chiqamiz.

1. I always *eat my words* when somebody gives me a speech during a special occasion. ¹
2. Let’s *eat* a fresh sandwich.²
3. The river *had eaten* away the banks.³
4. Could I just pick your café about good places to *eat* around here? ⁴

Misollardan ko‘rinib turibdiki, *eat* so‘zi barcha gapda *yemoq* yoki *yutib yubormoq*, *o‘pirmoq*, *yutmoq* ma’nolarini ifodalayadi. Birinchi va uchinchi gapda *eat* so‘zi metaforik ma’noga ega bo‘lganligi uchun biz uni polisemantik so‘z deb ayta olamiz.

Birinchi gapning o‘zbek tilidagi tarjimasini quyidagicha bo‘ladi: Menga maxsus tadbirlarda so‘z berilganda doim so‘zimni *yeb yuboraman* (*yutib yuboraman* ma’nosida).

Ikkinchi gapda *eat* so‘zi o‘z ma’nosida, *yemoq* ma’nosida kelgan. Biz uni o‘zbek tiliga quyidagicha tarjima qilamiz: Keling, yangi tayyorlangan sendvich *yeymiz*.

Uchinchi gapning o‘zbek tilidagi shakli quyidagicha: Daryo suvi qirg‘oqdagi tekisliklarni *yemirib* yubordi. Bu gapda daryo qirg‘og‘ining tekis shakli buzilganligi nazarda tutilmida.

To‘rtinchi gapning o‘zbek tilidagi tarjimasini biroz o‘zgacha bo‘ladi: Shu yerda biror nima *yeyish* uchun kafeingizni tanlasam bo‘ladimi? Bu gapda *to eat* so‘zi *ovqatlanmoq*, *yemak totmoq* ma’nosida kelgan.

Yuqoridagi har to‘rtala gapda *to eat* fe’li o‘zining barcha ma’no qirralarini namoyon qilmoqda va ushbu ma’nolar o‘rtasidagi uzviylik yaqqol ko‘zga tashlanadi. Garchi gaplarning o‘zbekcha tarjimasida *to eat* fe’li turlicha so‘zlar bilan berilgan bo‘lsa-da, ingliz tilida mazkur polisemantik fe’lning asl semasi saqlanib qolgan.

Ko‘pchilik til sohiblari ingliz tilida eng ko‘p ishlatiladigan dull so‘zini omonim so‘zlar bilan chalkashtiradilar. Ammo biz uning polisemantik so‘z ekanini quyidagi tarjimalardan bilib olishimiz mumkin.

Dull [dʌl] – *sust*

Dull [dʌl] – *o‘tmas*

Dull [dʌl] – *zerikarli*

Dull [dʌl] – *xira*

Dull [dʌl] – *ahmoq*

Fikrimizning isboti sifatida ushbu polisemantik so‘zning gapdagi holatini ko‘rib chiqamiz.

Masalan,

1. Catherine is a dull pupil in her class.[1,63]
2. This is a dull knife. [3,192]
3. Today the weather in London is dull. [5]
4. This is a very dull book. [3,192]
5. Her speech is dull. [2,47]
6. The film was dull. [6,79]
7. It was dull to have brought him here. [7]
8. It is deadly dull here. [7]

Yuqoridagi gaplarda dull so‘zining polisemantik so‘z ekanini isbotlashimiz uchun uning gapdagi holatlarini tahlil qilib ko‘ramiz.

Birinchi gapda *dull* so‘zi sifat so‘z turkumi bo‘lib, u atributiv sintaksema vazifasida kelgan. Ushbu gapning o‘zbek tilidagi tarjimasini quyidagicha bo‘ladi: Katerina sinfining sust o‘quvchisi.

¹ <http://www.google.vocabulary.com>

² Bygrave J. New Total English student’s book. – Pearson Education Limited, 2012. – P. 38.

³ Hornby A.S. Oxford Students Dictionary of Current English. – Oxford University Press, 1984. – P.195.

⁴ Mann M., Knowles S.T. Destination C1&C2 Grammar & Vocabulary. – Macmillan Publishers Limited, 2008. – P. 17.

Ikkinchi gapda ham *dull* soʻzi sifat soʻz turkumiga xos boʻgani uchun u atributiv sintaksema vazifasida kelgan. Biroq uning oʻzbek tilidagi tarjimasi boshqacharoq boʻladi: Bu oʻtmas pichoq.

Uchinchi gapda ham *dull* soʻzi sifat soʻz turkumiga xos va u gapda aktiv sintaksema boʻlib kelgan. Ushbu gapning oʻzbek tiliga tarjimasi quyidagicha boʻladi: Londonda bugun havo bulutli (boʻgʻiq).

Toʻrtinchi gapda ham *dull* soʻzi sifat soʻz turkumiga xos boʻlgani sababli u yana atributiv sintaksema boʻlib kelgan, lekin u oʻzbek tiliga boshqacharoq tarjimani beradi: Bu judayam zerikarli kitob.

Beshinchi gapda *dull* soʻzi sifat soʻz turkumiga xos boʻlib, u gapda predikativ sintaksema boʻlib kelgan, garchi u ham yuqoridagi tarjimani bersa ham: Uning nutqi zerikarli.

Oltinchi gapda ham *dull* soʻzi predikativ sintaksema boʻlib kelgan. Uning oʻzbek tilidagi tarjimasi quyidagicha boʻladi: Film zerikarli (sust) edi.

Yettinchi gapda *dull* soʻzi ot soʻz turkumi boʻlib, u gapda obyekt sintaksema boʻlib kelgan. Shuning uchun ushbu gapning oʻzbek tilidagi tarjimasi boshqalaridan farqli boʻladi. Masalan, Uni u yerga olib borish ahmoqlik edi.

Sakkizinchi gapda *dull* soʻzi sifat soʻz turkumiga xos boʻlib, u gapda atributiv sintaksema boʻlib kelgan. Uning oʻzbek tilidagi tarjimasi quyidagicha boʻladi:

Bu yer oʻlguday *zerikarli*.

Yuqoridagi misollarimizdan koʻrinib turibdiki, *eat* va *dull* soʻzlari polisemantik yaʼni koʻpmaʼnoli soʻzlardir. Garchi ular gapda turli xil tarjimalarni berishgan va tarjimalari biroz oʻzgargan boʻlishiga qaramasdan ulardagi asl maʼno yaʼni sema saqlanib qolgan. Omonimlarda esa soʻzning shakl va talaffuzi bir xil boʻlishiga qaramasdan maʼno oʻz kuchini yoʻqotadi. Shuning uchun ham biz *to eat* va *dull* kabi soʻzlarni omonimlar toifasiga kirita olmaymiz.

Maʼlumki, omonimlar shaklan va talaffuz jihatidan bir xil boʻlgan, lekin turlicha maʼnolarni ifodalaydigan soʻzlardir. Bunga misol qilib ingliz tilida eng koʻp qoʻllaniladigan *bank* omonim soʻzining gaplardagi vazifasini tahlil qilib koʻramiz. Masalan:

1. A river flows between its *banks*.¹
2. In Britain *banks* open at 8:30 a.m.²
3. The sun went down behind a *bank* of clouds³
4. The snow has *banked* up.
5. He *banks* half of his salary every month.⁴
6. I am *banking* on your help.

Birinchi gapda *bank* ot soʻz turkumi boʻlib, u gapda lokativ sintansema vazifasida kelgan, demak bu soʻzning pul maʼnosiga mutlaqo bogʻliq joyi yoʻq. Ushbu gapning oʻzbek tiliga tarjimasi quyidagicha: Daryo *qoʻltiqqa* borib quyiladi.

Ikkinchi gapdagi *bank* omonimi ham ot soʻz turkumiga mansub boʻlib, u gapda aktiv sintaksema vazifasini bajargan. Ushbu gapning oʻzbek tiliga tarjimasi quyidagicha: Britaniyada *banklar* ertlabgi soat 8:30da ochiladi.

Uchinchi gapda ham *bank* ot soʻz turkumiga va u gapda obyekt sintaksema vazifasida kelgan. Biroq oʻzbek tilida ushbu *bank* soʻzi toʻplam, uyum maʼnolarini beradi: Quyosh bulutlar *uyumi* ortiga botdi.

Toʻrtinchi gapda *bank* omonimi feʼl soʻz turkumiga mansub boʻlib, u gapda *up* predlogi bilan shakllangan holda predikativ sintaksema vazifasini bajargan. Uning oʻzbek tilidagi tarjimasi quyidagicha boʻladi: Qorning yogʻishi *sekinlashdi*.

¹ Bygrave J. New Total English student's book. – Pearson Education Limited, 2012. – P. 84.

² Murphy R. Essential Grammar in Use. – Oxford University Press, 2000. – P.16.

³ Hornby A.S. Oxford Students Dictionary of Current English. – Oxford University Press, 1984. – P. 44.

⁴ Клементьева Т., Монк Б. Happy English. – М.: Просвещение, 1992, – P. 51.

Beshinchi gapda ham *bank* omonimi fe'l so'z turkumiga xos. U present simple ya'ni hozirgi zamon shaklini olib, gapda predikativ sintaksema bo'lib kelgan. Bu gapning o'zbek tiliga tarjimasini quyidagicha bo'ladi: U har oy maoshining yarmini *yig'ib boryapdi*.

Oltinchi gapda *bank* omonim so'zi yana fe'l so'z turkumiga xos bo'lib, u *on* predlogi bilan birgalikda yana predikativ sintaksema vazifasini bajargan. Ushbu gapni o'zbek tiliga quyidagicha tarjima qilish mumkin: Men sening yordamingga *tayanaman*.

Omonimlar haqida professor Bo'ronov quyidagicha ta'rif bergan: "Homonyms proper are words identical in pronunciation and spelling but different in meaning."¹ (Haqiqiy omonimlar yozilishda va talaffuzda bir xillikni tashkil etuvchi, lekin tur xil ma'nolarni ifodalovchi so'zlar). Professorning fikriga dalil sifatida ingliz tilida ko'p qo'llanuvchi *right* so'zini tahlil qilib ko'ramiz:

1. Know the difference between *right* and *wrong*. [3, 552]
2. In Great Britain traffic keeps to the left not the *right* side of the road. [3, 553]
3. Put it *right* in the middle. [3, 552]
4. Pensions should be given as of *right*. [5]
5. He set the boy to *rights* and showed him where his duty lay. [5]
6. He will always find the *right* thing to say. [5]

Birinchi gapda *right* so'zi ot so'z turkumiga xos bo'lib, u gapda obyekt sintaksema vazifasida kelgan. Ushbu gapning o'zbek tilidagi tarjimasini quyidagicha bo'ladi: *O'ng* bilan chapning farqiga borishni bilgin.

Ikkinchi gapda *right* so'zi sifat so'z turkumiga xos bo'lib, u gapda atributiv sintaksema vazifasida kelgan. Ushbu gapning o'zbek tiliga tarjimasini quyidagicha bo'ladi: Buyuk Britaniyada yo'l-transport qatnovi yo'ning *o'ng tomonida* emas chap tomonida bo'ladi.

Uchinchi gapda *right* so'zi hol so'z turkumi bo'lib, u o'zbek tiliga *naq* deb tarjima qilinadi. Lekin gapda uni alohida so'z turkumi qilib ololmaymiz biz uni *in the middle* bilan birgalikda olamiz va uni lokativ sintaksema deb ayta olamiz.

To'rtinchi gapda *right* omonim so'zi ot so'z turkumiga xos bo'lib, u gapda obyekt sintaksema bo'lib kelgan. Ushbu gapning o'zbek tilidagi tarjimasini quyidagicha bo'ladi: Pensiya *haq* sifatida berilishi kerak.

Beshinchi gapda *right* so'zi ot so'z turkumiga xos bo'lib, u gapda obyekt sintaksema bo'lib kelgan. Ushbu gapning tarjimasini quyidagicha bo'ladi: U bolaning xatolariga aniqlik kiritdi va unga haqiqiy *burch-vazifalarini* ko'rsatib qo'ydi.

Oltinchi gapda *right* so'zi sifat so'z turkumiga xos bo'lgani uchun u gapda atributiv sintaksema bo'lib kelgan. Ushbu gapning o'zbek tiliga tarjimasini quyidagicha bo'ladi: U har doim aytishga *to'g'ri* gapni topadi.

Yuqoridagi keltirilgan misollardimizdan ko'rinib turibdiki, omonimlar turli xil so'z turkumlariga kiradi va ma'nolari ham turlicha bo'ladi. Polisemantik so'zlar esa bir so'z turkumga kirganligi uchun ularning ma'nolari ham bir xil, ba'zan bir-biriga yaqin bo'ladi.

Xullas, omonimiya va polisemiya so'zlarning talaffuz jihatdan bir xilligi bo'lib, bu hodisalar turli sabablar asosida sodir bo'ladi. Omonimlarning va polisemantik so'zlarning ma'nolarini kontekstdan kelib chiqib aniqlaymiz. Birdan ortiq so'zning bir xil talaffuz etilishi salbiy hodisa emas. Aksincha, ushbu hodisa tilning boyligi, jarangdorligi va ohangdorligini ta'minlaydi. Polisemantik so'zlarni va omonimlarni ingliz tilidagi gaplarda to'g'ri va o'rinli qo'llash uchun har bir leksik birlikning ma'noviy xususiyatlaridan to'liq xabardor bo'lish talab etiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Bygrave J. New Total English student's book. – Pearson Education Limited, 2012. – Pp. 38–84.
2. Murphy R. Essential Grammar in Use. – Oxford University Press. 2000, – P. 16.
3. Hornby A.S. Oxford Students Dictionary of Current English. – Oxford University Press, 1984. – Pp. 44–195.

¹ Buranov J, Mo'minov A. Practical course in English lexicology. – Tashkent, 1990.

4. Клементьева Т., Монк Б. Happy English, – М.: Просвещение, 1992. – P. 51.
5. <http://www.google.vocabulary.com>
6. Mann M., Knowles S.T. Destination C1&C2 Grammar & Vocabulary. – Macmillan Publishers Limited, 2008. – P. 17.
7. <http://www.thesaurus.com>

RESUME

In this article on the basis of clear examples it is explained the norms of differentiation of homonyms and poly semantic words, and the difference between these units. Different features between these comparative units are analyzed with the point of view of structural-semantic, phonetic-syntactic and functional aspects.


REZUME

Maqolada omonimlar va polisemantik soʻzlarni farqlash mezonlari, ular oʻrtasidagi asosiy tafovutlar misollar yordamida bayon qilingan. Qiyoslanayotgan ushbu ikki birlik orasidagi farqli xususiyatlar struktur-semantik, fonetik-orfografik hamda funksional jihatdan tahlil qilingan.

РЕЗЮМЕ

В статье на основе ярких примеров объясняются нормы дифференциации омонимов и полисемантических слов, разница между данными единицами. Отличительные особенности между этими сравниваемыми единицами анализируются с точки зрения структурно-семантического, фонетико-синтаксического и функционального аспектов.

Nashrga prof. B.Mengliyev tavsiya etgan



**ТАРБИЯВИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР – ЎҚУВЧИЛАРДА
ҚАДРИЯТЛИ МУНОСАБАТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АСОСИ**

Оллоқулова Ф. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва тушунчалар: *қадрият, муносабат, маънавий, маърифий, тарбиявий, синф, мактаб.*

Умуминсоний, умуммиллий ва миллий қадриятларимизга асосланиб жамиятни янгилаш, тарихимиз, маънавий меъросимизни тиклаш, тарбия масалаларини ҳал этишга жиддий киришилганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Айни дамдаги ривожланиш босқичимиз оила, маҳалла ва таълим тизими олдида зарурат юзасидан жуда катта талаблар қўймоқда. Чунки нутилиётган қадриятларимизни тиклаш, миллатимизга хос ва мос мафқурани яратиш ҳамда ёшларимизни қадриятларимиз, бошқача айтганимизда, қадриятли муносабатлар руҳида тарбиялаш замон талабига айланди. Айниқса, бу шароитда мактаб маънавий-маърифий тадбирлари орқали бошланғич синф ўқувчилари онги ва руҳиятида теварак-атроф, жамият, давлат, олам, борлиқни ташкил этувчи ва унинг мазмунига айланган барча нарса ва ҳодисаларга нисбатан қадриятли муносабатларни шакллантириш энг муҳим ҳамда самарали йўллардан биридир.

Бошланғич синф ўқувчиларида қадриятли муносабатларни шакллантириш учун нафақат таълим-тарбия жараёнида, балки тарбиявий, маънавий-маърифий ишлар, хусусан, синфдан ва мактабдан ташқари ташкил этиладиган маънавий-маърифий тадбирларда муҳим натижаларга эришиш мумкин. Синфдан ташқари ишлар шахсдаги ижтимоий фаоллик, ижтимоий онг ҳамда ахлоқий одатларни таркиб топтиришнинг энг муҳим омилдир.

Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий тадбирларнинг самарадорлигини ошириш, аввало, комил инсонни шакллантиришнинг энг замонавий ва қулай йўналишларини топиб жорий этишга боғлиқ. Тарбиявий тадбирларни давр талабига жавоб берадиган ҳолга келтириш учун тарбиянинг асоси бўлган барча ғоялар қайтадан кўриб чиқилиши, асосий эътибор бола шахсига қаратилиши, йиллар давомида тўпланган ижобий тажрибадан унумли фойдаланиш зарурлигини тақозо этади ва таълим муассасаларида олиб борилаётган тарбиянинг асосий ва бош мақсадидир.

Шунинг учун ҳам синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар шахс камолоти босқичларини белгилаб олишга қаратилганлиги билан тавсифлидир. Мавжуд муаммони ижобий ҳал этиш учун эса мазкур тарбиявий ишлар тизими олдида бир қанча вазифалар қўйилади. Жумладан, ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат-эҳтиром шаклланишнинг анъанага айланганлиги, тарбияланаётган бола шахсини энг олий қадрият деб тан олиш ва уларнинг ўзига хос бетакрорликларини ҳурмат қилиш. Ушбу вазифаларни ҳал этган мактабдан ва синфдан ташқари ишлар тизими болалар характер хусусиятида, онги ва қалбида қадриятли муносабатларни қарор топтиришга катта кўмак беради. Чунки синфдан ва мактабдан ташқари ташкил қилинган ишлар ўқувчилар ҳаётидаги тарбиявий фаолиятни тўлдиради. Уларни дунёқарашини тўғри шаклланишига, ахлоқий камол топишига кўмаклашади. Назарий билимларни амалиёт, ишлаб чиқариш билан чамбарчас боғланишига замин яратади.

Синфдан ташқари ишлар, хусусан, тадбирлар ўқувчиларнинг мақсадли фаолиятини ташкил этишга қаратилган бўлиб, уларни ижтимоий ҳаётга тайёрлайди. Ўқувчилар дарс фаолиятининг давоми сифатида маънавий-маърифий ишларда қатнашадилар, суҳбат-мунозараларда иштирок этадилар, тадбирларни ташкиллаштиришга кўмаклашадилар ва иштирок этадилар, томоша қилишади, тинглашади, бу орқали эса билимлари янада мус-

таҳкамланади, маънавий дунёқараши кенгаяди. Буларни ташкиллаштиришдан асосий мақсад уларни кадриятлар руҳида тарбиялашдир.

Синфдан ташқари ишлар таълимий ва тарбиявий аҳамият касб этиб, уларни ташкил этиш, уюштиришда ўқитувчи-педагог олдида бир қанча педагогик талаблар қўяди:

- аниқ мақсад ва режа асосида тузилган бўлиши;
- ўқувчиларнинг ёши ва руҳиятига мос бўлиши;
- дарсда олинган билимларни мустаҳкамлаши;

– ташкил этилаётган тадбирлар орқали ташаббускорлик, жамоатчилик, уюшқоқлик, жонкуярлик, ўзаро ҳурмат, кўмаклашиш каби ижтимоий-ахлоқий сифатлар шаклланиши.

Бошланғич синфларда маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш педагогдан чуқур билим ва малакани талаб этади:

- уюштирилаётган тадбир юзасида тўлиқ маълумотга эга бўлиш;
- тадбир ўтказилишидан кўзланган мақсадни англаш ва олдиндан натижани ташхислаш;
- тадбирни режалаштириш;
- тадбир юзасидан синф жамоасига тушунча бериш.
- тадбирни ўтказиш бўйича уларнинг фикрларини инобатга олиш;
- тадбирда синф жамоасини имкон қадар тўла тартибда иштирокини таъминлаш;
- ўқувчиларнинг имконияти даражасида ишларни тақсимлаш;
- тадбирни амалга ошириш;
- тадбир натижаларини синф жамоаси билан таҳлил қилиш ва баҳолаш;
- ўқувчиларни синф ва мактаб жамоаси олдида рағбатлантириш.

Тадбирларни ташкил этиш ва уни ўтказиш жараёнида ўқувчиларни жамоа бўлиб ишлаш, ҳамфикрлик, жамоатчилик, ташаббускорлик, ижодкорлик, ишбилармонлик сифатлари шаклланади. Тадбирлар ўзлаштириши паст, дарсларда фаол бўлмаган ўқувчиларни уюшқоқликка, ҳаракатчанликка ундайди, уларда жонкуярлик, ўзлигини англаш, ”мен”ини шакллантиради.

Ўқув йили мобайнида уюштирилаётган экскурсиялар, меҳрибонлик уйи, ногиронлар уйи, касалманд кишилар ҳолидан хабар олиш, кекса авлод вакиллари, таниқли машҳур шахслар билан учрашувларни ташкил этиш ҳам кадриятли муносабатларни шакллантирувчи воситалардандир.

Тажрибалардан шу нарса маълумки, кўриш орқали бола онгида 70 фоиз ахборот мустаҳкам сақланиб қолади. Бугун ўқувчиларга назарий дарслар билан бир қаторда кўргазмали, амалий дарслар кенг қўламда ташкил этилмоқда ва экскурсия дарслари айнан шу тур дарслар сирасидандир. Сўлим табиат манзаралари, буюк қадамжо ва зиёратгоҳлар, тарихий обида ва музейларга уюштирилган экскурсия дарслари назарий олинган билимларни онда қайта жонлантириб мустаҳкамланишига ёрдам беради. Чунки ўқувчилар экскурсия ҳақида эшитишлариданок, улар руҳиятида кўтаринкилик кайфияти намоён бўлади. Тезроқ боришга, томоша қилишга ошиқадилар. Экскурсиялар орқали ўқувчиларда дарс жараёнида ҳосил бўлган зеркиш, толиқиш аломатлари бартараф этилади. Бу ёшда болаларда теварак-атроф, табиатга қизиқиши юқори бўлади. Бунда ўқитувчининг тасвирий воситаларга бой жонли ҳикояси кузатилаётган, ўрганилаётган объект ҳақида батафсил маълумот олишга, уларнинг онгига ва қалбига таъсир қилиб, объектга нисбатан кадриятли муносабат уйғонишига хизмат қилади. Масалан, мактаб жойлашган ҳудуддан унча узоқ бўлмаган бирор тарихий қадамжони олайлик. Унга экскурсия уюштиришдан олдин ўқувчилар огоҳлантирилади, у ерга боришдан мақсад нима эканлиги айтилади. Бундан ташқари зиёрат қилиш одоблари, яъни тартибли бўлиш, гапирганда паст овозда шовқин қилмасдан гапириш, атрофдагиларга ҳалақит бермаслик, ҳар бир билдирилаётган фикрларни диққат билан тинглаш, қилиниши лозим бўлган расм-русм, урф-одатларни рисоладагидек бажариш ва бошқалар. Кўриниб турибдики, биргина экскурсияга тайёргарликнинг ўзиёқ бола онгида муқаддас жойга борилаётгани, унинг учун алоҳида тайёргарлик

зарурлиги сингади. Экскурсия давомида эса ушбу обидаларнинг қачон ва ким томонидан қурилганлиги, бугунги кунга етиб келгунча бўлган ҳолати ва бугунги ҳолати ўқувчида уни асраб-авайлашга, муқаддаслаштиришга туртки беради ва қадриятли муносабат шаклланади. Бу оламда қадриятли муносабат, ниманидир асраб-авайлашга, муқаддас санашга, эъзозлашга ҳаракат бор экан, демак қадриятлар барҳаёт.

Шунингдек, бошлангич синф ўқувчиларини қадриятли муносабатлар руҳида тарбиялашнинг яна бир муҳим ва самарали воситаларидан бири бу – ногиронлар, боқувчисини йўқотган, қаровчиси бўлмаган қариялар, жамиятнинг ёрдамга муҳтож қатлами билан уюштирилаётган суҳбатлардир. Халқимизда бир мақол бор “Бирни кўриб фикр қил, кўпни кўриб зикр қил”. Суҳбат давомида ўқувчиларда меҳр-оқибат, раҳм-шафқат, раҳмдиллик, қуюнчаклик, қадр-қиммат ҳақида тасаввурга эга бўлиш, шукроналик, инсонпарварлик туйғулари шаклланади, атроф-оламга, инсонларга ўзгача кўз билан қарай бошлайди. Мавжуд нарсаларни борида қадрлашга, асраб-авайлашга, оиласи, маҳалладошлари, ўртоқларига меҳр-оқибатли бўлишга ҳаракат қилади.

Хулоса ўрнида шунини айтишимиз жоизки, маънавий-маърифий ишлар бўладими, синфдан ва мактабдан ташқари ишлар бўладими, уларни ташкил этиш ва ўтказишдан асосий мақсад, кенг дунёқараш, мустаҳкам эътиқод, миллийлиги, ўзлигига содиқ, қатъиятли, ўтмиш маънавий, маданий меросига содиқ ҳур фикрли ёшларни камол топтиришдир. Маънавий-маърифий ишлар ёшларнинг нафақат маънавий дунёқарашини, қолаверса, жамият, ҳаёт ҳақидаги тушунчаларини, ҳаётини позициясини англаш ва унинг равнақи йўлида тинмай ҳаракат қилишга ундайди. Зотан, бугунги кун талаби мустаҳкам эътиқод ва аниқ ҳаётини позицияга эга, Ватан, Юрт тақдирига бефарқ бўлмаган ёшларни тарбиялаш ва унинг тараққиёти йўлига хизмат қилишга сафарбар этишдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Шодиев Р.Д., Оллоқулова Ф.У., Раҳматуллаева З.А. Таълим-тарбия жараёнида қадриятли муносабатларни шакллантиришнинг ёндашув ва тамойиллари // ҚарДУ хабарлари. 2017. – №1, – Б. 132–135.

2. Шодиев Р.Д. Умуммиллий қадриятлар: узлуксиз таълимдаги назарий тавсифи, методик тизими, ёш авлод тарбиясидаги ўрни. – Қарши: Насаф, 2017. – 176 б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада тарбиявий, маънавий-маърифий ишлар ўқувчиларда қадриятли муносабатларни шакллантиришнинг самарали воситаси эканлиги ҳақида фикр юритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье идет речь о том, что духовно-просветительская и воспитательная работа является эффективным средством формирования у учащихся ценностных отношений.

SUMMARY

In the stae is conducted is that spiritual and educational, educational work are an effective means of forming students ' values and attitudes.

Наширға пед. ф. д. Р.Шодиев тавсия этган

АБУ АЛИ ИБН СИНО ВА МУСИҚАШУНОСЛИК

Қурбонова М. Ш. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: гармоник боғланиш, электрофизиологик, нейропсихологик, психоэмоционал, композиция, нерв импульслари, резонанс.

Маълумки, Шарқда Абу Али ибн Сино, Ғарбда Авиценна номи билан машҳур бўлган комусий олим, дунё маданияти ва илмларининг шаклланиши ҳамда ривожланишида ўзининг алоҳида ўрнига эга. Унинг ёзиб қолдирган 450 дан ошиқ ўлмас асарларидан

тахминан 250 таси бизгача етиб келган бўлиб, уларда фалсафа, табиатшунослик, тиббиёт, математика, муסיқа, физика, астрономия, кимё, адабиёт, тилшунослик, этика, эстетика фанлари ҳақида муҳим фикрлар битилган ва янгиликлар киритилган.

Абу Али ибн Синонинг муסיқа илми бўйича олиб борган тадқиқотлари ва улардан чиқарган хулосалари фандаги ушбу йўналишнинг нафақат Ўрта Осиё ёки Шарқда, шу билан бир қаторда унинг кейинги асрларда бутун дунё бўйлаб муסיқанинг барқ уриб ривожланишига улкан ҳисса қўшди. Олимнинг бу борада олиб борган ишлари ўзининг тиниқлиги, илмийлиги, мантиқан тўғри қўйилганлиги ҳамда муаллифнинг ушбу соҳани чуқур билганлиги билан ажралиб туради. Аллома муסיқани дастлаб математика таркибига киритади, кейинчалик эса уни товушлар, товушларнинг бир-бири билан боғланган муносабатини ҳамда улардан ташкил қилинадиган мажмуа асарларини ўрганадиган фан, деб изоҳлайди. Олим юнонистонлик Пифагор, Аристотель ва Птоломейлар ҳамда ўзидан олдин ижод қилган Яқин ва Ўрта Шарқлик ал Форобий каби буюк мутафаккирларнинг муסיқа ҳақидаги таълимотларини чуқур ўрганиб, муסיқий назарияда ўзига хос оригинал услуб яратди. Бу ўринда унинг табиатшунослик, фалсафа, математика ва физикани чуқур билиши қўл келган, албатта. Абу Али ибн Синонинг муסיқа соҳасидаги дастлабки буюк хизмати шундан иборатки, у шу соҳадаги ўзидан олдин яратилган ғояларга шунчаки, сусткашлик билан амал қилмасдан, балки улардаги мавжуд хатоларни кўрсатди ва тузатишга журъат қилди. Хусусан, у Пифагор яратган муסיқа билан фазовий жисмларнинг ўзаро ҳаракати орасида гармоник боғланиш мавжудлиги тўғрисидаги ғоянинг нотўғрилигини илк бор исботлади. Энг муҳими, у муסיқанинг юзага келишини илмий асослади, унга нафақат математика, балки психология, физиология, этика, социология йўналишлари нуктаи назаридан қараш кераклигини эътироф этди. Олим ўз асарларида муסיқанинг келиб чиқишидаги ҳар хил афсонавий ҳамда уйдирма ғояларнинг илмий асоссиз эканлигини мантиқий, назарий ва амалий жиҳатдан тушунтириб берди, муסיқани фақат физикавий қонуниятларга таяниб тўғри тушуниш мумкин, деб эътироф этди.

У ўз ғоялари билан биринчи бўлиб, нафақат Шарқда, балки Европада ҳам жаҳоншумул муסיқавий асарлар яратилишига илмий асос солди. Унингча, бир вақтда янграган иккита товуш бир-бирига мос келгандагина куй бойитилишини исботлади. Абу Али ибн Сино муסיқа ва нутқдаги ритмларнинг ўзаро мос ҳолда бирга боғланиши нутқ интонациясининг муҳимлигида алоҳида аҳамият касб этиши ҳақида ҳам доно фикрлар билдиради. Олимнинг биринчилар қаторида муסיқавий асбоблар ҳақидаги илмга асос солиши кейинчалик ушбу соҳанинг Европада янада ривожланишига муҳим туртки бўлди. У ўша вақтда мавжуд бўлган барча муסיқа асбобларини илк бор классификациялайди ва уларнинг тузилиши ва қўлланилиш хусусиятларини моҳирона изоҳлаб беради. Олимнинг бу борадаги ишлари муסיқа ҳақидаги фанда илк бор илмий асосланган чолғушунослик йўналишини яратди.

Муסיқанинг асаб тизими орқали инсонга бўлган кучли эмоционал таъсиротини ҳар томонлама чуқур тушунган ибн Сино унинг таълим-тарбия ва кўпгина хасталиклардан астойдил даволанишдаги эстетик хусусиятларига алоҳида эътибор билан қарайди. Айтиш жоизки, ҳар хил муסיқанинг кишига турлича руҳий таъсир этиши даставвал ундаги физикавий параметрларнинг инсон асаб тизимида ўзига хос трансформацияланишни буюк аллома мантиқан тасаввур қилади. Ушбу механизмнинг ҳақиқатан ҳам айтилган кетма-кетлик асосида содир бўлиши кейинги олиб борилган кўпгина электрофизиологик, нейропсихологик тадқиқотларда ўз исботини топди. Олим турли баландликдаги, ингичка-йўғонликдаги муסיқавий оҳангларнинг кишини ҳар хил психоэмоционал ҳолатларга олиб келишини илмий асослаб берган. Унинг таърифлашича, кучли юқори товуш ва оҳанглар ғазаб, нафрат, жаҳл уйғотса, паст товушлари киши кайфиятини юмшатади ва итоаткорликка чорлайди. Олим таъкидлаганидек, бундай паст товушли ёқимли куй ва оҳангларни доимий суръатда эшитиб туриш кишини олижанобликка ундайди. Ибн Синонинг эъти-

роф этишича гармоник композицияга хос ҳолда бир-бирига боғланган мусиқа кишида куч ғайрат ва шижоат уйғотади ва кучсизлантиради. Шу ўринда ҳарбий машқлар пайтида қўлланиладиган куй, оҳанг ва қўшиқларда айтилган фикрларнинг ўз исботини топганлигини яққол кўриш мумкин. Азалдан маълумки, қўшинларнинг ҳужумга ўтиши кучли ва баланд овоз чиқарувчи мусиқа садолари билан бошланган. Энг муҳими шундаки, бунда янграйдиган куйлар маълум ритмларни ўзларида акс эттириб, улар асосан юрак ишлаши, қон айланиши, нафас олиш ритмларини тана мускулларининг оёқ, қўл қисқариши ва бўшашишига мослаштириб, уйғунлаштирилган ҳолда амалга оширилган. Бундай уйғунлашув бажариладиган саъй-ҳаракатларни мақсадга мувофиқ ҳолда рўй беришида ҳал қилувчи рол ўйнайди. Бутун тана янграётган куй ритмига мос ҳаракат қилади, кишида кутилмаганда пайдо бўладиган қандайдир ғайрат, шижоат, қўрқмаслик каби ҳолатлар юзага келади. Хусусан, Иккинчи Жаҳон урушининг солномаларида қайд қилинишича, ўз она-Ватанини босқинчи ёвдан ҳимоя қилишга отланган жангчилар мана шундай мусиқа садоларидан руҳланган ҳолда муҳим муваффақиятларга эришганлиги ҳақида кўпгина тарихий воқеалар гувоҳлик беради.

Ибн Сино ёқимли мусиқага қатор касалликлардан даволовчи, киши руҳини кўтарувчи яхши фазилатлар эгаси бўлишида муҳим восита деб қараган. Гап шундаки, мусиқа билан юрак қон томирлари, асаб тизимининг фаолият кўрсатишида (юрак уриши, қон босими, маълум вақт оралиғида тарқаладиган нерв импульслари ва бошқалар) маълум ритмик боғланишлар бор. Шунинг учун ҳам мусиқа ритмлари юрак уришини тезлаштириши, секинлаштириши, маромини ўзгартириши, марказий нерв тизимида кузатиладиган қўзғалиш ва тормозланиш жараёнлари, уларнинг бир-бирига тез ёки секин алмашинувига фаол таъсир қилади. Агар ёқимли мумтоз куйлар юқорида баён қилинган физиологик ҳаёт кўрсаткичларини бир-бирига ритмик нуқтаи назаридан уйғунлаштириб, кайфиятни яхшиласа, киши ором олади, ҳузур қилади. Ушбу ҳолда мусиқадаги ритм юрак уриш ва нерв импульслари ритмига мос тушади. Кўп ҳолларда юрак уриш мароми бузилганида (аритмия) мумтоз куйлар уни қайта жойига келтириши, қон босимининг меъёрлашувига олиб келади. Гармоник композициялашмаган юқори частотани ташкил этувчи куй ва қўшиқлар эса (масалан, айрим рок мусиқалари ва джазлар) бунинг акси бўлиб, кишини беҳузур қилади, кўнглини айнитади, боши оғрийди, қон босимини кўтаради ва ҳоказо.

Мусиқа таъсирида организмда ёқимли ва ёқимсиз ҳис-туйғуларнинг пайдо бўлиши айнан мана шу кўриб ўтилган механизм асосида рўй беради. Жаҳон мусиқасидаги Моцарт, Бетховен, Чайковский ва бошқаларнинг асарларида ҳамда ўзбек мумтоз куйларининг организмга ижобий таъсир этишининг сирлари айнан мана шу юқорида кўриб ўтилган мутаносибликда ётади. Тирикликни таъминлайдиган барча ички аъзолар функционал фаолиятида кузатиладиган маълум бир ритмик уйғунлашув организмда тўлқин ҳаракатларда содир бўладиган резонансга ўхшаш ҳолатни юзага келтириши мумкин. Мусиқанинг тирик организмга таъсирини тушунишда бу нарса муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда мусиқатерапия воситасида юзлаб, минглаб беморлар муваффақиятли даволанмоқда. Улар орасида асаб, юрак қон томирлари, эндокрин безлар, овқат ҳазм қилиш ва бошқа тизимлари хасталикларига мубтало бўлиб ўзгача йўллар билан ижобий натижаларга эриша олмаганлари айнан шу усул орқали шифо топмоқда.

Шундай қилиб, юнонистонлик олимлар илк бор бошлаб берган мусиқа ҳақидаги илмларни тўлик ўрганиб, уни янги поғоналарга кўтарган ватандошимиз Абу Али ибн Сино Шарқ ва Ғарб мусиқашунослигининг шаклланишига ҳамда ривожланишига беқиёс ҳисса қўшган буюк олим, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Серебряков Б. С. Трактат Ибн Сины (Авиценны) о любви. – Тбилиси, 1976.
2. Селье Г. Стресс без дистресса (пер. с англ). – М.: Прогресс, 1979.
3. Вартамян И. А. Звук-Слух-Мозг. – Л.: Наука, 1981.

4. Иваницкий А.М., Стрелец В.В., Корсаков И.А. Информационные процессы мозга и психическая деятельность. – М., 1984.
5. Иванов В.В. Заметки по исторической семиотике музыки. – М.: Музыка, 1988.
6. Котова М. Целительный звук. Наука и жизнь. 1990, – № 6.
7. Сенкевич В.А. Воздействие объёмного акустического поля на человека – психологический аспект. – Тольятти, 1992.
8. Ильичёв В.Д. Природный и техногенный шум-возможность экологических сопоставлений по уровню. Изв. РАН. Сер. биол. 1995, – № 3.
9. Апчел В.Я., Цыган В.Н. Стресс и стрессоустойчивость человека. – СПб, 1999.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Абу Али ибн Синонинг Шарқ ва Ғарб мусикашунослигининг шаклланишига ҳамда ривожланишига қўшган бекиёс ҳиссаси ҳақида илмий фикрлар билдирилган.

РЕЗЮМЕ

В статье приводятся данные относительно заслуги Авиценны в развитии музыковедения, как на Востоке так и на Западе. Он впервые классифицировал восточные музыкальные инструменты по их строению и звучанию, обосновал влияние музыки на организм человека, состояние нервной, сердечно-сосудистой и других систем, в зависимости музыкальных ритмов.

SUMMARY

The article provides data regarding the merits of Avicenna in the development of musicology, both in the East and the West. He first classified the Eastern musical instruments on their structure and pronunciation. To substantiate the effect of music on the human body nervous cardiovascular and other systems, according to musical rhythms.

Наируга пед.ф.д. Р.Шодиев тасия этган

СИНТАКСИЧЕСКИЙ СОПОСТАВИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ИМЕН ПРИЛАГАТЕЛЬНЫХ УЗБЕКСКОГО И РУССКОГО ЯЗЫКОВ

Базарова Н.Ш. (КарГУ)

Ключевые слова: *имя прилагательное, сопоставительный анализ, качественное прилагательное, согласование, примыкание, склонение прилагательных, грамматические формы, синтаксическая роль.*

О богатстве русского и узбекского языков сказано и написано многое. И все же не перестаешь удивляться, сколь велики их выразительные возможности, сколь многообразны здесь оттенки, насколько тонки между ними грани.

Квалифицированный научный сопоставительный анализ грамматических единиц типологически разных языков помогает глубже понять многие грамматические явления и факты в каждом из них. Анализ и освещение многих вопросов образования и функционирования имени прилагательного имеет прямое отношение и к образованию и функционированию других частей речи в сопоставляемых языках.

В обоих сопоставляемых языках основные разряды, группы прилагательных совпадают, в этих двух языках есть и качественные и относительные прилагательные. Притяжательные имена прилагательные русского языка имеют свои специфические аффиксы, но в узбекском языке нет притяжательных прилагательных.

В русском языке имя прилагательное – определение связывается с именем существительным – определяемым словом способом согласования, в узбекском же языке – только способом примыкания.

В русском языке имеются несогласованные определения, которые выражаются различными частями речи, в том числе и именами прилагательными в формах сравнительной степени: *командовал отрядом бойцов партизан постарше.*

В узбекском же языке несогласованных определений не бывает, и если даже были, невозможно было бы их использовать после определяемого слова, потому что тогда был бы нарушен установленный твердый порядок расположения слов в словосочетаниях «определение – определяемое».

Краткие имена прилагательные в роли определения в русском языке в настоящее время не встречаются, но, видимо, когда-то употреблялись. В произведениях устного народного творчества и в разговорной речи иногда, очень редко, встречаются краткие имена прилагательные и в настоящее время, например, вместо «правильное слово» говорят «право слово». В сказках употребляется выражение «чисто поле» вместо «чистое поле».

И в узбекском, и в русском языках основные разряды, группы имен прилагательных совпадают, в обоих языках имеются и качественные имена прилагательные и относительные имена прилагательные. Качественные имена прилагательные обозначают постоянный признак предмета, который может быть выражен в большей или меньшей степени сарик гул – «желтый цветок», сарғиш гул «желтоватый цветок» – сап-сарик гул «очень желтый цветок».

Относительные имена прилагательные выражают признак предмета, который является по отношению этого предмета к другому предмету. Это не самостоятельное качество предмета, а качество, зависимое от другого предмета. Относительное имя прилагательное выражает признак предмета, который является постоянным, неизменным, который не может проявляться в нем в большей или меньшей степени: сибирлик киз «сибирская девушка», ёзги ёмғир «летний дождь».

В русском языке относительные имена прилагательные имеют особую группу, которая называется притяжательными именами прилагательными. Они обозначают принадлежность одного предмета другому предмету, при этом оба предмета могут находиться вместе неразрывными частями единого общего предмета.

Притяжательные имена прилагательные имеют свои специфические аффиксы: -ов, -ев, -ин, -инн, -ий, -ья, -ье: отцово дело, папин портфель, заячий хвост.

В узбекском языке притяжательных имен прилагательных нет. Значение принадлежности одного предмета другому передается изафетной конструкцией имен существительных: мамин костюм – «онамнинг костюмлари», сапожников инструмент – «этикчининг асоби».

Недостаточная степень имен прилагательных в узбекском языке обозначает качество предмета, которое в сравнении с его основным, определяющим качеством выражено слабее, качество, которое недостаточно, чтобы определить этот предмет в прежней, положительной степени. Недостаточная степень имен прилагательных имеет свои специфические аффиксы: ингичка «тонкий» – ингичкароқ (ингичка+роқ) «тоненький», яшил «зеленый» – яшилкоқ (яшил+роқ) «зеленоватый».

В русском языке нет недостаточной степени имен прилагательных, хотя показывается, что предмет может не обладать полностью тем качеством, что выражено положительной степенью имени прилагательного. Они образуются посредством аффикса -оват-, -еват-: горький - горьковатый, серый - сероватый.

Имена прилагательные такого типа, поскольку они показывают уменьшительное качество по отношению к тому, что обозначено производящей основой имени прилагательного, т.е. выражают некоторое сравнение, относятся к сравнительной степени.

В русском языке выделяется сравнительная степень имен прилагательных, которая образуется аффиксальным способом и имеет широкое применение, в узбекском же языке её вообще нет. Однако отсутствие сравнительной степени имени прилагательного в узбекском языке не означает, что невозможно сравнивать предметы по их качеству. Возможно, только синтаксическим способом. Имя существительное, которое обозначает сравниваемый предмет, ставится в именительном падеже, а существительное, которое

обозначает предмет, с которым сравнивается, ставится в исходном падеже: олтин кумушдан киммат – «золото дороже серебра». Для усиления значения сравнения часто употребляется союзное слово нисбатан «чем»: организм учун нокка нисбатан олма фойдали – «для организма яблоко полезнее груши».

Прилагательные в обоих языках – это слова, которые обозначают признаки предметов: красный карандаш – кизил калам, большой дом – катта уй, но не совпадают их морфологические показатели. В этих примерах имена прилагательные русского языка имеют в исходной форме т.е. в именительном падеже единственного числа морфологические показатели определенной категории, так например, в данных примерах окончания -ый, -ой, выражают грамматические значения мужского рода, единственного числа, именительного падежа. В узбекском языке такие морфемы отсутствуют.

В узбекском языке имена прилагательные вообще не склоняются, во всех падежах они сохраняют свою единую специфическую грамматическую форму. В русском же языке имена прилагательные склоняются, имеют свои падежные формы, соответствующие грамматическим формам определяемых ими имен существительных.

В узбекском языке прилагательные не согласуются с определяемыми словами, не зависят от числа и падежа определяемого слова. Поэтому они лишь примыкают к определяемым словам, сохраняя во всех падежах ед. и мн. числа свою исходную форму (чиройли гул, чиройли киз, чиройли гуллар.). В русском же языке имена прилагательные всегда стоят в том числе, роде, падеже, в котором стоят определяемые ими имена существительные: красивый цветок, красивая кофта, красивые цветы.

В узбекском языке при склонении словосочетания «имя прилагательное – имя существительное», если имя существительное во множественном числе, падежные вопросы тоже ставятся во множественном числе, в русском же языке – только в единственном числе, например, янги уйларда – нималарда? в новых домах – в чем?

В узбекском языке при склонении словосочетания «имя прилагательное – имя существительное» в единственном и во множественном числе в винительном падеже имя существительное имеет две грамматические формы: если речь идет о предмете определенном, известном, одна из форм грамматически совпадает с формой родительного падежа, если же речь идет о неопределенном, неизвестном предмете, – совпадает с формой именительного падежа: бир сумка сотиб олдим – «купил одну сумку» – слово «сумка» в форме именительного падежа, потому что сумка неизвестная, ана у сумкани олиб келдим – «принес ту сумку» – слово сумкани – грамматическая форма родительного падежа, потому что речь идет об известной сумке.

В русском языке в единственном числе в винительном падеже имя существительное вместе с именем прилагательным имеют только одну грамматическую форму, совпадающую формально с формой именительного падежа, только во множественном числе в винительном падеже имя существительное вместе с именем прилагательным могут иметь две грамматические формы, одна из которых совпадает с формой родительного падежа, другая – с формой именительного падежа, но возможность употребления этих двух форм не связана с определенностью и неопределенностью предметов, а просто является грамматической спецификой языка.

В этой статье мы квалифицированно определили синтаксическую роль имени прилагательного узбекского языка; описали и объяснили особенности имени прилагательного узбекского и русского языков, выступающего в роли определения и главных членов предложения, а также рассмотрели сходства и различия имен прилагательных русского и узбекского языков. Такой сопоставительный анализ двух неродственных языков помогает обогащать словарный запас обучающихся, улучшает качества создаваемых ими самостоятельных высказываний как на русском, так и на родном языке. Сопоставление языков

повышает интерес к изучению языка, активизирует познавательную деятельность учащихся, способствует овладению нормами русского и родного языков.

Литература

1. Амиралиев К.А. Семантико-грамматическая функция частиц тюркских языков (на материале каракалпакского, узбекского и казахского языков). автореферат кандидатской диссертации. – Алма-Ата. – 1980.
2. Баскаков Н.А. Введение в изучение тюркских языков. Москва, 1969.
3. Виноградов В.В. Русский язык (Грамматическое учение о слове). – М.: Высшая школа, 1972. – 614 с.
4. Сафаев А.С. Грамматические разряды русских имен существительных. – Ташкент, 1985. – 168 с.
5. Серебrenников Б.А., Гаджиева Н.З., Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков. – М.: Наука, 1986. – 302 с.
6. Якубова Х.Я., Андриянова В.И. Русский язык: Учебник для 7 кл. сред. шк. с узб. яз. обучения. – Т.: Укитувчи, 1994. – 304 с.

РЕЗЮМЕ

В статье говорится о синтаксических отношениях имен прилагательных русского и узбекского языков. Дается квалифицированный научный сопоставительный анализ грамматических единиц типологически разных языков, глубже рассматриваются многие грамматические явления и факты в каждом из них.

РЕЗЮМЕ

Бу мақолада рус ва ўзбек тилидаги сифатларнинг синтактик муносабатлари ҳақида фикр юритилди. Типологик жиҳатдан ҳар хил бўлган тилларнинг грамматик бирликларига малакавий илмий қиёсий таҳлил берилган, уларнинг кўпгина грамматик жиҳатлари ва баъзи бир фактлар чуқурроқ кўриб чиқилган.

SUMMARY

In this article has been said, about syntactical, relations of adjectives in Russian and Uzbek languages. It is given qualified scientific-comparative analysis of grammatical unit of typological various languages, deeply considered many grammatical phenomenes and arguments in them.

Рекомендовано к печати д.п.н. Р.Шадиевым

ЎҚУВЧИ ЁШЛАРНИ МЕХНАТГА ВА КАСБГА ТАЙЁРЛАШНИНГ УЗЛУКСИЗЛИГИ ВА ИЗЧИЛЛИГИ

Ишмуродова Г.И. (ҚарМий), Мирзаева Г.М (ТДПУ)

Таянч сўз ва иборалар: ҳуқуқий-меъёрий асос, дидактик асос, фалсафий асос, элементар касбий таълим, сервис хизмати.

Мустақил Ўзбекистонимизда ўқувчи ёшларни келгуси ижтимоий ҳаётга тайёрлаш ва бирор бир касбни эгаллашлари орқали ўз моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришларини ҳисобга олиб таълим тизимида янги, миллий ёндашувлар ишлаб чиқилмоқда. Бу борада умумий ўрта таълим мактабларида технология таълими (меҳнат таълими) ва касб танлашга йўналтириш дарсларида касбгача тайёргарликнинг олиб борилиши ҳамда касбнинг мураккаблик даражасига қараб 1-йиллик ва 2-йиллик махсус ўқув курсларнинг ташкил этилиши ҳамда касб-хунар коллежларидаги касбий таълимнинг амалга оширилиши жараёнидаги барча ташкилий жиҳатлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таълим-тарбия соҳасида олиб борилаётган ишлар ҳақида таъкидлаганларидек: “Фарзандларимизни мустақил фикрли, замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаган, соғлом ҳаётини позицияга эга, чинакам ватанпарвар инсонлар сифатида тарбиялаш биз учун ҳеч қачон ўзининг долзарблигини йўқотмайдиган масала ҳисобланади”.

Ўқувчи ёшларни касбий тайёргарлик даражаларини узлуксиз ва изчилликда олиб борилишини таъминлашни тўғри йўлга қўйиш муҳимлиги ҳисобга олиниб «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасида таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принципларида умумий ўрта, шунингдек, ўрта махсус касб-хунар таълимининг мажбурийлиги белгилаб қўйилди. Замоनावий таълим тизими ўқувчи ёшларни касб-хунар эгаллашларини ҳар қачонгидек долзарб муаммо сифатида қараб умумий ўрта таълим мактабларида махсус дастурлар асосида олиб борилиши ва ўқитилишини муҳим омил сифатида эътиборга олади. Бундан кўриниб турибдики, мутахассислар тайёрлаш ҳамда таълим-тарбия тизими жамиятда олиб борилаётган ислохотлар, янгилиниш жараёни талаблари билан боғланади.

Бу талаблар асосида ўқувчи ёшларни ҳаётга, меҳнатга ва касбий фаолиятга тайёрлашнинг бир қанча асослари вужудга келади. Булардан энг аҳамиятлилари ижтимоий, фалсафий, методологик, педагогик, дидактик, психологик, физиологик, гигиеник, мафкураравий, ҳуқуқий-меъёрий, иқтисодий, тарихий, назарий, амалий ва бошқа асослар ҳисобланади. Улар билан қисқача танишиб чиқамиз.

Ўқувчи ёшларни ҳаётга, меҳнатга ва касбга тайёрлашнинг ижтимоий асоси ҳар бир шахс, жамият ва давлатнинг юқори малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжларидан келиб чиқади ва шу эҳтиёжларни қондиришнинг мақсад ва талабларини, уларни тайёрлаш тизимининг узвийлиги ва изчиллиги ҳамда шакллари белгилайди. У шахснинг, жамиятнинг ва давлатнинг ривожланишида асосий омиллардан ҳисобланади.

Ўқувчи ёшларни ҳаётга, меҳнатга ва касбга тайёрлашнинг фалсафий асоси унинг мақсадлари ҳамда ташкилий шакл ва усулларининг фалсафий жиҳатдан турли йўналишда бўлишини таъминлашга хизмат қилади. Фалсафий оқимлар ва йўналишларнинг ҳар бири ўқувчи ёшларни меҳнатга ва касбга тайёрлаш масалаларига ўзига хос ёндашади. Шу сабабдан касбий тайёрликнинг фалсафий йўналиши унинг тўғри ёки нотўғрилигини, жамиятнинг маълум мақсадларига мувофиқ ёки зидлигини кўрсатади. Бу ўқувчи ёшларни ҳаётга, меҳнатга ва касбга тайёрлаш масалаларини баҳо беришда асосий кўрсаткичлардан ҳисобланади.

Ўқувчи ёшларни ҳаётга, меҳнатга ва касбга тайёрлашнинг методологик асоси уни амалга оширишда қандай методларга асосланилишини белгилайди. Инсонларнинг оламини ҳамда ўзларини билишлари турли тарихий даврларда турлича асосларга эга бўлган ва улар ўзига хос методларни келтириб чиқарган. Ҳозир олам ва унинг хусусиятлари ҳақида ҳолис маълумотлар олиш, ҳаққоний билимлар ҳосил қилиш касбий тайёрликнинг методологик асоси ҳисобланади. Методологик асоснинг илмий жиҳатдан тўғри бўлиши ўқувчи ёшларни ҳаётга, меҳнатга ва касбга тайёрлаш учун зарурий шартдир.

Ўқувчи ёшларни ҳаётга, меҳнатга ва касбга тайёрлашнинг дидактик асоси унинг таълим-тарбия қоида ва тамойилларига мувофиқлигини белгилайди. Дидактик талаблар таълим-тарбиявий, касбий тайёргарлик вазифаларнинг назарий жиҳатдан тўғри бажарилишини таъминлайди. Ўқувчи ёшларни ҳаётга, меҳнатга ва касбга тайёрлашнинг дидактик жиҳатдан тўғри бўлиши унинг юқори самарадорлигининг зарурий шarti ҳисобланади. Бунинг учун замоनावий дидактиканинг илмий хулосаларидан ижодий фойдаланиш талаб қилинади.

Ўқувчи ёшларни ҳаётга, меҳнатга ва касбга тайёрлашнинг педагогик асоси замоनावий педагогика фанининг илмий хулосаларидан келиб чиқади. Бунда ўқувчи ёшларни ҳаётга, меҳнатга ва касбга тайёрлашнинг умумий таркибий тузилиши, мазмуни, шакли, усуллари, воситалари, педагогик жараённинг ташкил қилиниши, олиб борилиши, унинг диагностикаси, мониторинги, ўқув-мавзу режалар ва шу кабиларнинг илмий жиҳатдан тўғри бўлиши таъминланади. Ўқувчи ёшларни ҳаётга, меҳнатга ва касбга тайёрлашда ҳозирги педагогика фани катта ўрин эгаллаб бормоқда.

Ўқувчи ёшларни ҳаётга, меҳнатга ва касбга тайёрлашнинг психологик асоси психология фанининг илмий хулосалари ва тавсиялари билан белгиланади. Улардан таълим-

тарбия жараёнида тўғри фойдаланиш орқалигина кутилган натижага эришиш мумкин. Шу сабабли ўқувчиларни касбий тайёрлашда психология қонунларини тўлиқ ҳисобга олиши талаб қилинади. Бу масалаларни ўрганиш билан касбий психология фани шуғулланади.

Ўқувчи ёшларни ҳаётга, меҳнатга ва касбга тайёрлашнинг физиологик асоси ўқувчиларнинг турли ёшдаги физиологик хусусиятларини ҳисобга олишдан иборат. Бунда ўғил ва қиз болалар физиологиясидаги фарқлар алоҳида ҳисобга олиниши лозим. Ўқувчи ёшларни ҳаётга, меҳнатга ва касбга тайёрлаш жараёнида физиологик талабларни ҳисобга олиш соғлом авлодни вояга етказишнинг зарурий шarti ҳисобланади.

Ўқувчи ёшларни ҳаётга, меҳнатга ва касбга тайёрлашнинг гигиеник асоси таълим-тарбия жараёнида саломатликни сақлаш талабларига риоя қилишдан иборат. Бунда турли зарарли ва ортиқча таъсирларни бартараф қилиш, ўқув устахона, лаборатория хоналари, ўқув цехларининг шароити: ёритилганлик, ҳарорат, шовқин, иситиш ва совитиш тизимининг талаб даражаси, ҳавонинг тозалиги, ўқувчининг ва ўқитувчининг иш ўрни, жиҳозлар, ўқув юкламаларнинг меъёрлари, дидактик воситаларнинг қулайлиги, сифати ва шу кабилар тиббиёт, физиология, эргономика, экология талабларига, инсонпарварлик ва халқпарварлик ғояларига мувофиқ бўлган илмий асосларда белгилаб борилди. Бу масалаларни ўрганиш билан мактаб гигиенаси фани шуғулланади.

Ўқувчи ёшларни ҳаётга, меҳнатга ва касбга тайёрлашнинг мафқуравий асоси унинг миллий истиқлол ғояси ва мафқураси тамойилларини ўзида мужассам этиши ва уларни амалга оширишга йўналтирилган бўлишдан иборат. Бунда баркамол инсонни шакллантиришда мафқуравий тарбиянинг фидойи, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан бошқаларга ибрат бўладиган, билимли, маърифатли, ижтимоий фаол мутахассисни вояга етказиш каби масалалар ҳал қилинади.

Ўқувчи ёшларни ҳаётга, меҳнатга ва касбга тайёрлашнинг ҳуқуқий-меъёрий асоси таълим-тарбия жараёнини ташкил қилиш ва амалга оширишга доир қонуний ва меъёрий ҳужжатлар билан белгиланади. Булар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, „Таълим тўғрисида“ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Давлат таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг таълим-тарбия соҳасига тегишли Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Халқ таълими вазирлигининг қарор ва буйруқлари, улар асосида тайёрланиб, ўрнатилган тартибда тасдиқланган низомлар, уставлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ҳисобланади.

Ўқувчи ёшларни ҳаётга, меҳнатга ва касбга тайёрлаш жараёни иштирокчилари: ўқитувчилар, медицина ходимлари, физиологлар, психолог ва ота-оналар ушбу ҳуқуқий-меъёрий асосларни тегишли даражада билишлари ва амалга ошириб боришлари лозим.

Ўқувчи ёшларни ҳаётга, меҳнатга ва касбга тайёрлашнинг иқтисодий асосида иқтисодий таъминот масалалари ҳал қилиб борилади. Касбий тайёргарликнинг етарли бўлиши учун иқтисодий асосининг мустаҳкам бўлиши яъни моддий-техника базасининг етарли эканлиги зарурий шарт ҳисобланади.

Ўқувчи ёшларни ҳаётга, меҳнатга ва касбга тайёрлашнинг тарихий асоси касб-хунарга ўргатиш масалаларини турли тарихий даврларда амалга оширишдаги тизимлар, устоз-шогирд тизими ва уларнинг мазмуни касбий тайёрликнинг келиб чиқиши учун замин ҳисобланади. Ҳозирги ўқувчи ёшларни ҳаётга, меҳнатга ва касбга тайёрлашнинг турли даврларида бошланган ишлар, олиб борилган таҳлиллар, чиқарилган хулосалар, мутафаккирлар билдирган фикр-мулоҳазаларнинг ривожлантирилиши асосида пайдо бўлиб, такомиллашиб бормоқда.

Ўқувчи ёшларни ҳаётга, меҳнатга ва касбга тайёрлашнинг тарихий асоси унинг ўзига хос илдиэлари ташкил қилишини ҳисобга олган ҳолда уларни билиш ва чуқур ўрганиш келгуси ривожланиш йўлларини белгилашда муҳим аҳамиятга эга.

Юқорида айтилган ва бошқа асослар умумлаштирилса, ўқувчи ёшларни ҳаётга, меҳнатга ва касбга тайёрлашнинг ўз назарий ва амалий асослари келиб чиқади. Улар алоҳида мақсад, вазифалари, мазмуни, шакл, усул, воситаларига мувофиқ белгиланади.

Ушбу асосларнинг ижроси сифатида, республикада касб-хунар таълими беришнинг маълум изчиллиги ва узвийлиги ишлаб чиқилганки, ўқувчи ёшларни меҳнатга ва касбга тайёрлаш асосан қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

- элементар таълим;
- ўрта махсус, касб-хунар таълими;
- олий касб-хунар таълими;

–олий таълимдан кейинги кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизими босқичларида амалга оширилади ва махсус белгиланган ҳужжат билан тасдиқланади.

Маълумки, элементар касбий таълим бериш босқичи умумий ўрта таълим мактабларида асосан икки йўналишда: Умумтаълим предметларини ўқитиш жараёнида (фан асосларидан сабоқ беришда) ва Технология таълими (меҳнат таълими) дарсларида амалга оширилади. Бунда ҳар бир фаннинг таълим мазмуни танланаётган вақтда албатта ўқувчиларнинг келгуси ҳаётга тайёрлаш учун меҳнат ва касбий тайёргарлигига оид ўқув материаллари киритилади.

Жумладан, умумий ўрта таълим мактабларида Технология таълими “Технология ва дизайн”, “Сервис” ва “Қишлоқ хўжалик асослари” йўналишларида ўқитилиб, 5–7-синфларда 68 соатдан (ҳафтасига 2 соатдан), 8–9-синфда 34 соатдан (ҳафтасига 1 соатдан) ўқитилади ва бу даврда меҳнат таълими ва касб-хунарга ўргатиш бўйича дастлабки элементар билимлар берилади.

Технология таълими бўйича узвийлаштирилган ўқув дастурининг мазмунига эътибор берсак, “Технология ва дизайн” йўналиши қуйидагича тузилган: Металлга ишлов бериш технологияси; Маҳсулот ишлаб чиқариш технологияси; Ёғочга ишлов бериш технологияси; Электротехника ишлари, Уй-рўзғор буюмларини таъмирлаш; “Сервис хизмати” йўналишининг тузилиши: Пазандчилик асослари; Таомлар тайёрлаш технологияси; Газламага ишлов бериш технологияси; Буюмларни таъмирлаш технологияси; “Қишлоқ хўжалик асослари” йўналишининг тузилиши: Ўсимликшунослик; Қишлоқ хўжалик асбоб-ускунаси ва ундан фойдаланиш; Қишлоқ хўжалик машиналари; Чорвачилик асослари; Электротехника ишлари, Уй-рўзғор буюмларини таъмирлаш каби боблардан иборат. Ушбу мазмундан кўриниб турибдики, ўқувчилар технология таълими дарсларида касбий тайёргарликнинг меҳнат топшириқларини бажаришда режалаштириш, технологик жиҳозлар ва асбоб-ускуналар билан танишиш, меҳнатни илмий ташкил қилинишига оид билимлар билан танишадилар ва амалий жиҳатдан ўзларини меҳнатнинг у ёки бу йўналишида синаб кўрадилар. Ўқувчиларни меҳнатга ва касбга тайёргарлигини амалий жиҳатдан олиб боришда Технология таълими ўқитувчиларидан ихтисосликка оид чуқур билим ва педагогик ҳамда касбий маҳорат талаб этилади. Акс ҳолда, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Натижада ўқувчи ёшларни келгуси ҳаётга, меҳнатга ва касбга тайёрлашдек энг муҳим вазифа бажарилишида юзаки қараш вужудга келади, ўқувчилар касб-хунар коллежлари турини танлашда иккиланиб, бир қарорга келолмай қолишади. Албатта, бу ўринда мактаб врачлари, физиолог ва психолог, синф раҳбарининг ўрни ҳам аҳамиятлидир, лекин технология таълими ўқитувчиси амалий тайёргарликни шакллантиришга маъсумдир ва бу жараёни ўтказилишига жиддий қараши лозим.

Шунингдек, бошланғич (элементар) касб-хунар таълими умумий ўрта таълим мактабларида, қисқа муддатли махсус ўқув курсларида маълум тор ихтисосликни эгаллашга имкон беради.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими касб-хунар коллежларида амалга оширилади. Касб-хунар таълими тизимининг ўзига хос хусусиятларидан бири – касб-хунар коллежларининг ишлаб чиқариш корхоналари билан узвий алоқада бўлишидир. Касб-хунар

коллежлари учун базавий бўлган бу корхоналар амалий машғулотларни, ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётларини ҳамда лаборатория дарсларини ўтказиш учун керакли жиҳозлар, асбоб-ускуналар ажратади, корхона ер майдонидан ўқув цехларини ташкил қилишга яқиндан ёрдам беради.

Ўзбекистонда Меҳнат таълими ва касбга тайёрлаш ишларини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари мактабда технология таълимининг ўқув дастурини йўналишлар бўйича такомиллаштиришга қаратилган бўлса, касб-ҳунар тизимида долзарб, амалий, қизиқарли, ўқувчиларнинг ижодий имконияти ва қобилиятини очувчи, шунингдек, иш билан таъминлаш имконини берувчи дастурлар ижобий баҳоланмоқда. Шунинг учун ҳам бугун кўпроқ автомобилларни таъмирлаш; фермерлик ва боғдорчилик; хизмат кўрсатиш; хавфсизлик хизматлари; ижтимоий таъминот хизматлари; соғлиқни сақлаш хизматлари; самарали дори-дармонлар ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалигида татбиқ этиладиган ирсий муҳандислик, завод ва фабрикаларни автоматлаштириш; компьютерлар, хусусан, супер-компьютерлар ва сунъий интеллектли ЭХМлар, электроника; электрон асбобларнинг турли-туман қисмларни такомиллаштириш, шунингдек, кимё саноатида қўлланиладиган ўта нозик қопламалардан фойдаланишни йўлга қўйиш ва бошқа соҳалар билан боғлиқ касб-ҳунарлар ўта муҳимдир.

Шундай қилиб, республикамызда ўқувчи ёшларни ҳаётга, меҳнатга ва касбга тайёрлаш ишларини талаб даражасида ташкил қилиш малакали мутахассисларни етиштириб чиқаришга сабаб бўлади ва мустақил Ўзбекистонимизнинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашига имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.: Шарқ, 1997. – 64 б.
2. Мирзиёев Ш. О. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамыз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 257 б.
3. Xolliev I., Xusanov J. Kasb-hunar ta'limi: texnologiya, ma'naviyat, mahorat. – T., 2003. – 237 b.

РЕЗЮМЕ

Мақолада умумий ўрта таълим тизимида ўқувчи ёшларни меҳнатга ва касбга тайёрлашнинг илмий-назарий асослари, узлуксизлиги ва изчиллиги ва амалий аҳамияти баён этилган.

РЕЗЮМЕ

В этой статье приводятся научно-теоретические основы, практическая значимость преемственности и последовательности трудовой и профессиональной подготовки учащихся общеобразовательных школ.

SUMMARY

This article outlines the scientific and theoretical foundations, continuity, consistency and practical significance of the education of young people in labor and vocational education in the general education system.

Наишга п.ф.д. Р.Шодиев тавсия этган

**МАЪМУРИЙ БОШҚАРУВ ХОДИМЛАРИ МЕХНАТИНИ ИЛМИЙ АСОСДА
ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

Ёзиев Э. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *меҳнат жамоаси, бошқарув, замонавий раҳбар, ходим, иш ўрни, меҳнат қобилияти, меъёр, рағбатлантириш, ижодий гоёя, мустақил тафаккур, касб, малака ошириш.*

Мустақилликдан сўнг Ўзбекистон Республикасининг сиёсий мақоми ўзгариб, мамлакат учун ўзига хос тараққиёт ва ривожланиш йўли танланди. Жамиятни бошқаришда кадрларга бўлган эскича ёндашув тамойиллари, маъмурий бошқарув усуллари янги жамият қуриш талабларига жавоб бермай қолди. Бугунги кунда замон талабларига тўла жавоб бера оладиган, илғор гоёялар асосида қуролланган, ҳар томонлама баркамол, изланувчан, тадбиркор, салоҳиятли ва фидоий раҳбарларгина ҳаёт билан ҳамқадам юриб, бозор иқтисодиёти муҳитига тўлиқ мослаша олмақдалар. Шу боисдан ҳам, мамлакатимизда малакали раҳбар кадрлар тайёрлаш, улар меҳнатининг фойдалилиги, самарадорлиги ва махсулдорлигини ошириш, раҳбарлар меҳнатини илмий асосда ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор билан қаралмоқда.

Бошқарув тизимининг моҳиятига чуқурроқ кириб борсак, унинг ниҳоятда турли-туман синоатларга бойлигини кўрамиз. Шунинг учун ҳам бугунги тараққиёт замонавий раҳбардан ўзида юксак ақл-фаросат, кўп куч-ғайрат, изланиш ва топқирликни намоён қилишини, ўз устида тинмай ишлаши, тадбиркорлик ва ишбилармонлик сифатларига эга бўлишни талаб қилмоқда. Замонавий раҳбарнинг жамоани самарали бошқариш учун янги технологиялар устида фикр юритиши, муайян лойиҳалар ва проекцияларни ишлаб чиқиши, фан-техника ютуқлари ва хўжалик юритишнинг замонавий усулларини чуқур ўрганиши, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг илғор, яна ҳам мукамал усуллари яратиш борасида актив ижодий изланишлар олиб бориши, бошқарув меҳнати самарадорлигини ошириш учун хорижий мамлакатлар тажрибаларидан унумли фойдаланиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Маъмурий бошқарув раҳбарлари меҳнатини ташкил этиш мураккаб ва кўп қиррали жараён ҳисобланади. Бугунги кунда ҳар бир раҳбар учун энг муҳим масала иш вақтидан оқилона фойдаланиш ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳозирги мураккаб даврда ҳар бир раҳбар меҳнатини оқилона ташкил этиш, уларнинг самарали ва унумдор ишлашлари учун қулай иш ўринларини ташкил этиш, меҳнат шароитларини яхшилаш ва меъёрлаштириш, соғлигини сақлаш масалалари долзарб вазифага айланди. Чунки қулай омиллар меҳнат унумдорлигининг ортишига ва инсон саломатлигининг сақланишига ёрдам берса, ноқулай омиллар эса унинг соғлиғи ёмонлашувига, ишда тез толиқишига ва меҳнат қобилиятининг пасайишига олиб келади. Меҳнат шароитининг оғир бўлиши, ходимларда зўриқиш ва толиқиш даражасининг баланд бўлиши меҳнат самарасига бевосита таъсир кўрсатмай қолмайди. Демак, ҳар бир меҳнат жамоасида раҳбар ва ходимларнинг меҳнатини ташкил этиш жараёни етарли даражада пухта ўйланган бўлиши ҳамда маълум тамойиллар асосида ташкил қилиниши заруратдир.

Раҳбарнинг меҳнатини ташкил этишга нисбатан қўйиладиган аниқ талабларни белгилаш вақтида уни илмий асосда такомиллаштиришнинг асосий вазифалари ҳамда тамойилларидан келиб чиқиш зарур. Мазкур жараёнда раҳбар меҳнатини илмий асосда ташкил этиш техникавий, ташкилий ва иқтисодий тадбирларнинг шундай комплексини лойиҳалаш ҳамда амалга оширишни кўзда тутадиги, бу тадбирлар асосини қуйидаги йўналишлар ташкил этиши керак:

а) ваколатларни тақсимлаш ва кооперациялашнинг оқилона шакллари ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш: кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, вазифаларни тақсимлаш, мажбуриятларни бирлаштириш, шунингдек, рационализаторлик ва ихтирочиликни кенг йўлга қўйиш;

б) раҳбарнинг иш ўринларини ташкил этиш ва уларга хизмат қилишни янада яхшилаш: оқилона режалаштириш, замонавий техник воситалар билан қуролланиш, сифатли ва кафолатланган хизматлар;

в) раҳбарлар меҳнатини ташкил этиш соҳасидаги илғор тажрибалардан фойдаланиш: ўз шахсий ишини тўғри режалаштириш, меҳнатнинг илғор усуллари ва методларини ўрганиш ва танлаш, бошқарув ишида унинг энг қулай ва замонавий усулларида фойдаланиш;

г) раҳбарнинг меҳнат шароитини яхшилаш: маънавий-ахлоқий муҳит, меҳнат муҳофазаси, психофизиологик шароит, меҳнат гигиенаси, эстетик шароит (ранг, жиҳоз, майин мусиқа ва бошқалар);

д) маъмурий бошқарувда ахборотлар таъминотини яхшилаш: ахборот тизимларининг манбалари ва уларни қайта ишлаш, автоматлаштирилган ахборот тизимларининг самарадорлигини ошириш, маъмурий бошқарувда ахборот тизимларининг замонавий турларини олиб кириш, кутубхона хизматини яхшилаш, ташкилотда ахборот айирбошлашни такомиллаштириш;

е) раҳбар кадрлар меҳнатини рағбатлантириш ва нормалаштиришни янада такомиллаштириш: меҳнатни ташкил этишда амалдаги қонунларга суяниш, мавжуд қонунларнинг илмий асосланганлиги, ҳаққонийлиги ва сифатини таъминлаш, норматив ҳужжатларни замонавийлаштириш, қарорларнинг долзарблиги ва оперативлигини (тезкорлиги) ошириш, моддий ва маънавий рағбатлантириш усуллари замонавийлаштириш ва улардан тенг нисбатда фойдаланиш, меҳнатга қараб ҳақ тўлашнинг энг илғор тажрибаларини жорий этиш ва бошқалар;

ж) кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш: маъмурий бошқарувда кадрлар сиёсатини тўғри амалга ошириш, раҳбар кадрлар тайёрлаш тизимининг узлуксизлигини таъминлаш, кадрлар захирасини тайёрлаш, таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш, ўз ақлий ва жисмоний захираларини рўёбга чиқариш, ўзини ўзи камол топтиришга эришиш;

з) раҳбар ходимларда ўз меҳнатига нисбатан онгли ва ижодий муносабатда бўлишни тарбиялаш: меҳнат интизомига қаттиқ риоя қилиш, кишилар меҳнатининг фойдалилиги, самарадорлиги ва маҳсулдорлигига эришиш, корхонада илмий тадқиқотга кенг йўл очиш, тадқиқот ишларига иқтидорли кишиларни жалб этиш, муайян лойиҳалар ва проекцияларни режалаштириш, амалга ошириш ва ишлаб чиқариш жараёнига жорий этиш, жамоатчилик ишларига фаол иштирок этишни тарбиялаш [3].

Маъмурий бошқарув раҳбари ва ходимлари меҳнатини илмий асосда ташкил этишнинг муҳим йўналишларидан бири уларнинг иш ўринларини ташкил этишни такомиллаштиришдир. Шу ўринда корхона раҳбарининг иш куни тартибида йиғилишлар ўтказиш, ходимларини турли масалалар бўйича қабул қилиш сингари вазифалардан иборат бўлганлиги учун ҳам унинг иш ўрнини ташкил этишга алоҳида эътибор бериш талаб қилинади. Иш ўрнининг ишлаб чиқариш участкаси, цехга нисбатан жойлашиши, унинг ўрни, жиҳозланиши ва иш шароити раҳбарнинг меҳнатини ташкил қилиш ва унинг самарадорлигига жиддий таъсир этади. Шунинг учун ҳам раҳбарнинг иш ўрнини ташкил этиш меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш талабларига тўлиқ жавоб бериши, унумли меҳнат қилиш учун энг яхши ва қулай шароит вужудга келтириш учун имконият туғдириши зарур.

Маълумотларга қараганда, раҳбарнинг иш ўрнини ташкил этишда қуйидаги асосий талабларга риоя этиш керак:

- а) раҳбарнинг иш ўрни ишлаб чиқаришдан алоҳида бинода ёки маълум масофада жойлашгани маъқулроқ;
- б) раҳбарнинг иш ўрнида зарур жиҳозлар, техник воситалар мавжуд бўлиши лозим;
- в) иш хонасидаги барча жиҳозлар, техник воситалар ва бошқа меҳнат буюмлари фойдаланиш учун қулай жойлаштирилиши керак;
- г) иш ўринларини замонавий қурилмалар, буюм ва жиҳозлар билан узлуксиз таъминлаб туриш лозим;
- д) иш ўрни раҳбарнинг меҳнатини енгиллаштирадиган мосламалар билан таъминланиши керак [1].

Корхона раҳбари ва ходимлари меҳнат самарадорлигини ошириш учун уларга иш жойида қулай бўлган санитария-гигиена шароитлари ва жамоадаги соғлом ижтимоий-руҳий муҳитни яратиш берилган муҳим аҳамиятга эга. Меҳнат шароитини яхшилаш вазифаси бевосита цехларда, участкаларда ва иш ўринларида фан-техника тараққиётининг энг янги ютуқларидан фойдаланиш негизда ҳал қилинади. Меҳнат шароити деганда, одамнинг иш лаёқати ва соғлиғига таъсир этувчи ишлаб чиқариш муҳитидаги омилларнинг йиғиндиси тушунилишини назарда тутиб, корхона ва ташкилотларда меҳнат шароитини яхшилаш юзасидан тадбирларни лойиҳалаш ва ишлаб чиқишда қуйидаги вазифаларни ҳал қилишга эътиборни қаратиш зарур:

- ижтимоий-иқтисодий вазифалар: миллий иқтисодиётда инсон ва моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва унинг сифатини ошириш; меҳнатнинг мазмуни, унинг ижодийлигини, кишиларнинг маънавий камол топишини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий муҳофазасини ташкил этиш (турли имтиёзлар, компенсациялар);

- психофизиологик вазифалар: ишчи-ходимлар ва турли бўғин раҳбарлари соғлиғини муҳофаза этиш, меҳнат шароитларини белгиланган стандарт ва меъёрларга мослигини таъминлаш, меҳнат қилиш жараёнида жисмоний энергия сарфини меъёрлаш, раҳбар ва ходимнинг иш қобилиятини сақлаб қолиш, меҳнатнинг жозибadorлиги ва мазмундорлигини таъминлаш, унинг маданиятини ошириб бориш;

- қулай микроклимат (ҳаво ҳарорати, унинг намлиги ва ҳаво босими)ни таъмин этувчи санитария-гигиена шароити яратиш, шовқин, вибрация (тебраниш), ультра товуш; ҳаво муҳитининг турлича тарзда ифлосланиши, ионловчи, инфрақизил ва ультрабинафша нурларнинг ҳамда бошқа зарарли омилларнинг одамга зарарли таъсирини йўқотиш, хоналар ва бошқа иш жойларини қулай тарзда ёритиш. Кишини муҳофаза қиладиган тегишли чоралар кўрилмаса, мана шу омилларнинг ҳар бири ёки бир нечтаси бирга саломатликка зиён етказди;

- меҳнат қилиш ва дам олишнинг илмий жиҳатдан асосланган, оқилона режимларини жорий қилиш. Бунда толиқишнинг олдини олиш воситаси сифатида дам олишни иш билан оқилона тарзда алмашлаб туриш, иш ва дам олиш режимларини ишлаб чиқишда меҳнат шароитининг одам организмга таъсирини, унинг иш лаёқатини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш зарур;

- иш жойларида, ишлаб чиқариш бўлинмаларида, цехларда ходимларда ижобий ҳис-туйғуларни шакллантиришга ёрдам берувчи эстетик шароит (интерьернинг меъморий-конструкторлик бадиий жиҳатдан безатилиши, асбоб-ускуналар, жиҳозлар, ишлаб чиқариш кийимларининг безатилиши, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари, майин мусиқа ва бошқалар) яратиш;

- меҳнат жамоасида ўзаро муносабатларни тавсифловчи ва ходимда тегишли психологик кўтаринкиликни вужудга келтирувчи ижтимоий-психологик шарт-шароитни яратиш ва бошқалар.

Демак, корхонада меҳнат шароитларини яхшилашда раҳбар ва ходимлар меҳнатини енгиллаштириш бўйича тадбирларни амалга ошириш, шахс хавфсизлиги, саломатлиги ва

меҳнат қилиш қобилиятини ҳимоялаш, психофизиологик талабларни ҳисобга олган ҳолда меҳнат жараёнларини ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, раҳбар кадрлар корхонага самара келтирувчи муҳим омил ҳисобланиб, уларнинг самарали меҳнат қилиши жамоага қўплаб муваффақиятлар келтиради. Бу борада корхона раҳбари меҳнатини ташкил этиш ва унинг самарадорлиги масалаларини улар бошчилик қилаётган ишлаб чиқариш жамоасида меҳнатни илмий асосда ташкил этишни жорий қилиш масалалари билан ўзаро боғланган ҳолда олиб қарамоқ керак. Тажриба шуни кўрсатадики, агар ҳар бир бўғин раҳбари қобилияти ва лаёқатига мос равишда иш билан таъминланса, унинг меҳнати миқдори ва сифатига қараб рағбатлантириб борилса, ундан фойдаланишда рақобат, талаб ва таклиф инobatга олинса, меҳнати учун қулай бўлган шароит, фаол дам олиш тартиби ўрнатилса, у ҳар томонлама фойдали ва самарали меҳнат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ахмедходжаев Х.Т., Казаков О.С., Ахмедов Р.М. Меҳнатни илмий ташкил этиш. – Т.: 2010. – 234 с.

2. Ёзиев Э. Социально-психологический портрет современного руководителя Республики Узбекистан // Мир образования – образование в мире. – М., 2013. – № 4. – Б. 87–94.

3. Скибицкая Л.И. Организация труда менеджера. – М.: Центр учебной литературы, 2009. – 334 с.

РЕЗЮМЕ

Мақолада раҳбар меҳнатини илмий асосда ташкил этишнинг психологик хусусиятлари ўрганилган ва улардан бошқарув фаолиятини ташкил этишда фойдаланиш зарурлиги кўрсатилган.

РЕЗЮМЕ

Данная статья посвящена изучению психологических особенностей организации труда руководителя на научной основе и обосновывается необходимость их учета при организации управленческой деятельности.

SUMMARY

Given article is dedicated to study to psychological particularities scientific organization labour of the leader and take into account their particularities in management activity.

Наширға проф. А.Жабборов тавсия этган

КАЗУСЛИ ВАЗИЯТЛАРДА СПОРТЧИЛАРНИНГ ЭМОЦИОНАЛ ҲОЛАТИНИ ПСИХОКОРРЕКЦИЯЛАШ

Файзиев З. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *спорт, спортчи, эмоционал ҳолат, казусли вазият, копинг стратегияси, стресс, стрессор.*

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган дастлабки кунларданок олиб борилаётган чуқур ислохотлар таркибида ёш авлодни ҳар томонлама ақлий, ахлоқий ва жисмоний жиҳатдан ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, баркамол инсон тарбиясида жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни муҳимлиги эътироф этилган ҳолда ҳукуратимиз томонидан муҳим қарор ва қонунлар қабул қилинаётганлиги айни ҳақиқатдир. Бу ҳақда мамлакатимизнинг Биринчи Президенти И.А.Каримов “Келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол насли тарбиялаб этиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиздир,¹” деб таъкидлаган эдилар.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан қабул қилинган “Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбири тўғрисида”ги фармон (2017 йил 17 феврал) ҳам ёш авлодни ҳар томонлама

¹ Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. – Т., 2008, 4-бет

баркамол ва жисмонан бақувват қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Унда спорт соҳасида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида халқимизнинг улкан интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш, барқарор ривожланган, жисмонан бақувват ва маънан етук шахслар жамиятини барпо этиш, спорт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Дарҳақиқат, спорт психологиясида спортчиларнинг психологик тайёргарлиги ва психик ҳолатларини бошқариш мавзуси жуда долзарб ҳисобланади. Мазкур муаммо билан спорт психологияси соҳасида А.Ц.Пуни, Е.П.Ильин, А.В.Алексеев, Ю.Я.Киселев, Г.Д.Горбунов, И.П.Волков, А.Н. Николаев, П.А.Рудик, А.В.Родионов, Л.К.Серова, Ю.Л.Ханин, В.Ф.Сопов ва бошқалар шуғулланган. Бироқ соҳа олимлари томонидан амалга оширилган илмий тадқиқотларда спортчиларнинг стартолни вазиятлари, экстремал ёки казусли вазиятларда бошқарилиши кўзланган оптимал жанговар ҳолати модели масалалари етарлича ишлаб чиқилмаган.

Мазкур ёндашув шахснинг казусли вазиятлар билан ўзаро таъсири тузилмаси ҳамда характерини тадқиқ этиш ва ифодалаб бериш, спортчиларда экстремал ҳолатларни юзага келтирувчи муҳитнинг конкрет омиллари ва инсон организми функционал тизимидаги заиф бўғин ҳамда унинг ҳаётини таъминловчи психологик механизмларни аниқлаш имкониятини беради. Бу спортда казусли вазиятларни енгишга ўргатиш тизимини қуриш учун асос бўлади. Бундан ташқари, спорт психологиясида спортда казусли ва экстремал вазиятларни енгиш концепциясини қуришга, казусли вазиятлар енгиш принципларини аниқлашга, спортдаги турли казусли вазиятларни енгиш малакаларини шакллантиришга ўргатувчи дастурларни ишлаб чиқишга ҳақиқий эҳтиёж туғилди. Спортчиларни казусли ёки экстремал вазиятларни енгишга тайёрлаш инсонни, умуман, қийинчиликларни енгиш, хусусан, фавқулодда вазиятларни енгиш борасидаги алоҳида тайёргарликни таъминлаб беради.

Спорт мусобақаларининг стрессли вазиятларида кўпинча нимадандир хавотирланаётган, кўрқаётган спортчиларни кўришимиз мумкин. Бевовталаниш ва хавфни ҳис қилиш тенденциясини ўрганиш кўп йиллар мобайнида психологик тадқиқотлар предмети бўлиб келган. З.Фрейд фикрича, инсон сурункали стресс таъсирига тушганида ва ўзига нисбатан хавфни ҳис қилганида ундаги “мен” (эго) кучли намоён бўладиган хавотир билан тўлади. Баъзи психоаналитиклар ҳаддан зиёд кўнгил хираликни олдиндан сезишни ифодалаш учун “хавотир”, “хавотирланиш” терминини қўллайдилар. Хавотирланиш ҳолат сифатида қаралганда одатда вазиятга кўра хавотирланиш ёки фақат махсус вазиятлардагина бевовталанишни ҳис қилиш тушунилади. Бундан ташқари, баъзиларда фақатгина фавқулодда ва махсус вазиятлардагина хавотирланишни ҳис қилишга мойиллик бор, масалан, спортчиларда мавсум сўнгидаги жуда муҳим ўйинда қатнашиш. Одатда, ўйинчи аҳамиятсизроқ учрашувлар олдиндан хавотирланишни ҳис қилмайди.

Замонавий психологияда енгувчи хулқ-атвор (копинг) стрессли вазиятни бартараф этишга йўналтирилган анланган рационал хулқ-атвор сифатида қаралади. У икки омилга – субъект шахси ва реал вазиятга боғлиқ бўлади ҳамда шахс фаолиятининг хулқ-атвор, эмоционал ва билиш даражаларида намоён бўлади. Енгишнинг асосий функциялари – инсон ички ва ташқи мукамаллигини таъминлаш ва қўллаб-қувватлашдир. Бунинг учун вазиятни ва уни самарали енгиш усуллариини англаш, шунингдек, уларни хулқ-атворда ўз вақтида қўллаш билиш жуда муҳимдир. Копинг психологик хавф-хатар вазиятини бартараф этишга, яъни муҳит талаблари билан бу шароитларни қониктирувчи ресурслар ўртасидаги балансни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган бўлади.

Копинг шартли стресс – инсон ҳолати, номаъқул таъсиротларга жавоб сифатида юзага келадиган физиологик, психологик ва хулқ-атвор даражасидаги носпецифик реакциядир. Копингнинг психологик аҳамияти шундаки, инсонни вазиятлар талабларига самарали мослаштириш учун, уни эгаллашга имкон бериш учун, бу талабларни заиф-

лаштириш ёки юмшатиш, улардан қочиш ёки уларга қўникишга ҳаракат қилиш ва шу тариқа вазиятнинг стрессли таъсирини аста-секин йўқотиш мумкин. Копинг-хулқ иккита функцияни бажаради: муаммода, шахс ва муҳит ўртасидаги стрессли бузилишда диққатни тўплаш ҳамда эмоционал дистрессни бошқаришга йўналтирилган эмоцияларда эътиборни жамлаш. Шундай қилиб, копингнинг асосий вазифаси – инсон муваффақиятини, жисмоний ва руҳий саломатлиги ҳамда ижтимоий муносабатларини таъминлаш ва қўллаб-қувватлашдир.

Спорт психологиясида казусли ва стрессли вазиятларда ўзини ўзи сақлашнинг бир қанча усуллари ўрганилган. Жумладан, Л.И.Анциферова томонидан таклиф этилган сифатий конструктивликка асосланган стратегияда вазиятни позитив ўзгартириш имконияти ҳақида қарор қабул қилинади ва субъект уни муаммо сифатида шакллантиради: у тугал ва оралиқ мақсадларни белгилаб олади, мақсадга эришиш усулларини аниқлайди, ҳал қилиш режасини тузади, баъзида “когнитив репетиция”ни ҳам қўллайди. Конструктив ўзгартирувчи стратегия амалий ҳаракатларни қўллашни шарт эмас, деб ҳисоблайди, уларнинг ўрнини вербал реакция формалари эгаллаши мумкин. Ресурс ва захиралар деярли йўқотилган вазиятларда онгнинг мазмуний-маъновий ва энергетик-динамик соҳаларида қайта қуриш юз беради. Инсон психик ўзини бошқаришнинг янги тизимини шакллантиришга ҳаракат қилади. Ўзгартирувчи стратегиялар орасида қуйидагилар ажратиб кўрсатилади: “пастга қараб таққослаш”, бунда одам ўзини ундан ҳам баттарроқ ҳолатдаги одамлар билан солиштиради; “юқорига қаратилган таққослаш”, бунда одам ўзининг бошқа соҳалардаги муваффақиятларини эсга олади, “антиципацияловчи енгиш” эҳтимолли кийин синовларга психологик тайёр туриш имконини беради.

Л.И.Анциферова мослашув усули ҳақида ҳам тўхталиб, мазкур усул турига позитив (ижобий) фикр юритишни киритади. Ушбу усул қўлланилганда спортчиларда номаъқул ва маънавий оғир кечинмалардан ижобий томонларни топишга ҳаракат қилиш кузатилади. Мослашиш усулларига ролли хулқ ҳам киради, бунда одам ўзига маълум ролни қабул қилади ва унга мос равишда ўзини тутати. Одам ўзини бу роль билан идентификация қилмайди, барча муваффақиятсизликларни ўзига эмас, танлаган персонажга деб билади. Мазкур техника оғир кечинмаларни конструктив енгишга ёрдам беради.

Казусли ва стрессли вазиятларда ўзини ўзи сақлашнинг ёрдамчи усуллари ҳам таклиф қилинади. Бундай усулларга эмоционал бузилишлар билан курашиш техникалари киради. Масалан, кийин вазиятдан қочиш фақат амалий эмас, психологик бўлиши ҳам мумкин. Кетиб қоладиган, қочадиган субъектлар – бу жуда кўп муваффақиятсизликка учраган ва ҳафсаласи пир бўлган индивидлардир. Бундай шахслар етарлича қобилиятли бўлсалар-да, улар юқори кўтарилишдан ва фойдали таклифлардан қочадилар. Барча шубҳали вазиятлардан қочиш уларнинг шахслилик хусусиятига айланади. Шунини таъкидлаш жоизки, баъзи ҳолатларда қочиш ҳаётнинг ҳақли ва конструктив стратегияси ҳам бўлиб қолади. Бироқ шундай ҳолатлар ҳам бўладики, инсон муаммони амалий ўзгартира олмайди ҳам, хавф-хатар ва муваффақиятсизлик манбаидан қочиб ҳам қололмайди. Бундай вазиятларда индивид эмоцияларга йўналтирилган стратегияларга эътибор қаратади, яъни ўзидаги салбий эмоциялар ва оғриқли ҳиссиётлар билан психологик курашиш стратегиясини танлайди.

Шундай экан, спорт психологиясида казусли вазиятларда спортчининг ана шу вазиятга мослашуви йўллари излаб топишнинг ўзи, бизнингча, етарли бўлиб қолмай, казусли вазиятларда эмоционал ҳолатни бошқариш ва мазкур вазиятларни енгиш усулларини ўргатиш ҳам ўта муҳим муаммолардан бири ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Спорт – соғлом авлодни тарбиялашнинг муҳим омили // Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати. <http://www.press-service.uz>.

2. Вяткин Б.А. Управление психическим стрессом в спортивных соревнованиях // Физкультура и спорт. –М. 1981. – С. 47–77, 96–111.

3. Голденко Г.А. Индивидуальные программы технико-тактической подготовки футболистов высокой квалификации с учётом особенностей соревновательной деятельности: Автореф. дис. ... канд. пед. наук. – М., 1984. – 21с.

РЕЗЮМЕ

Мақолада казусли вазиятларда спортчилар эмоционал ҳолати ўзгаришларини психокоррекциялаш усуллари ёритилган.


РЕЗЮМЕ

В статье исследуются приёмы психокоррекция эмоциональных положений спортсменов в казусных ситуациях.

SUMMARY

The article investigates the methods of psychocorrection of emotional positions of athletes in casus situations.

Наширға проф. А.Жабборов тавсия этган



ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАРНИНГ
ХУДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Бердикулова М.Т. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: аҳоли, демографик жараён, туғилиш, ўлим, табиий кўпайиш, ижтимоий-иқтисодий омил, коэффициент, промилле, меҳнат ресурслари.

Аҳоли – туғилиш ва ўлим жараёни натижасида мавжуд бўлган авлодлар алмашишуви йиғиндиси. Инсон мавжудлигини таъминловчи барча демографик жараёнлар унинг ҳаётидаги муайян даврида, яъни маълум ёшида рўй беради. Демографик жараёнларга туғилиш, ўлим, никоҳ, ажралиш ва оила киради. Демографик тадқиқотларда туғилиш алоҳида, аҳоли такрор барпо бўлишининг демографик замини сифатида ўрганилади, унга таъсир этувчи барча ижтимоий-иқтисодий ва табиий омиллар таҳлил этилади. Ўлим авлодларни ҳаётдан кўз юмиш жараёнини ифодалайди ва қатор омиллар (эндоген, экзоген) таъсирида содир бўлади. Республикаимизнинг минтақа ва вилоятларида аҳоли кўпайишининг асосини туғилиш ташкил этади [2].

Ўзбекистон аҳоли сони бўйича дунё миқёсида ўртача демографик салоҳиятга эга бўлган давлат ҳисобланади. Аҳолиси 1 январь 2018 йил маълумотларига биноан 32,6 млн. кишини ташкил этади. Бу борада у МДХ мамлакатлари орасида Россия ва Украинадан кейинги учинчи ва Марказий Осиё давлатлари орасида эса биринчи ўринни эгаллайди. Ўзбекистонда демографик жараёнларнинг ўзгариб бориши табиий, иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий омиллар туфайли юз бермоқда. Мамлакатда 2001–2017 йиллар давомида аҳоли ўсиш суръатининг пасайиши янада интенсивлашган. Бу йилларда аҳоли сони мутолқ ўсишда давом этган бўлса-да, унинг суръатлари янада пасайиб борган. Республиканинг 5 та вилоятига (Самарқанд, Фарғона, Тошкент, Қашқадарё ва Андижон) жами аҳолининг деярли 40 фоизи тўғри келади. Сўнги 10 йил мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Сирдарё, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри аҳолисининг ўсиши мамлакат ўртача даражасидан паст бўлган ва уларнинг жами республика аҳолисидаги улуши қисқарган. Аҳолининг нисбатан жадал ўсиши Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд каби вилоятларда кузатилади. Натижада бу ҳудудларнинг демографик салоҳияти янада кўтарилган [1].

Мамлакатда аҳоли табиий ҳаракатининг ҳудудий хусусиятларига кўра Қашқадарё вилояти ўзига хос хусусиятга эга. Вилоят Ўзбекистон Республикаси таркибида дастлаб 1943 йил 20 январда ташкил этилган, 1960–1964 йиллар оралиғида у Сурхондарё вилояти билан қўшилган ва 1964 йил 7 февралда қайта тикланган. Вилоят майдони 28,6 минг кв. км бўлиб, мамлакат ҳудудининг 6,4 фоизини эгаллайди. Аҳоли сонига кўра Самарқанд (3583,9 минг киши) ва Фарғона (3505,3 минг киши) вилоятларидан кейин учинчи ўринда туради (01.01.2017).

Маълумки, Ўзбекистонда 1897, 1926, 1939, 1959, 1970, 1979, 1989 йилларда аҳоли рўйхати ўтказилган. 1926 йилгача ўтказилган аҳоли рўйхатида Қашқадарё вилояти аҳолиси тўғрисида маълумот йўқ. Чунки Бухоро амирлиги таркибидаги вилоятларда, шу жумладан, Қашқадарё вилоятида ҳам аҳоли рўйхати ўтказилмаган. Амирлик тасарруфидаги Қашқадарё воҳасида XIX аср ўрталарида Қарши, Китоб, Шахрисабз, Яккабоғ, Чирокчи, Ғузур бекликларида жами 500 минг киши яшаган. XX аср бошларида бекликлар вилоятлар деб аталган [3].


1926 йилда ўтказилган аҳоли рўйхати маълумотларига кўра, вилоят аҳолиси 343,5 минг кишини ташкил этган. 1926–1939 йиллар мобайнида вилоятда аҳолининг умумий сони 118,1 минг кишига кўпайган. 1939–1959 йилларда эса вилоят аҳолиси 48,4 минг кишига кўпайди. Аҳоли кўпайишининг бу йилларда пасайиши уруш йилларидаги туғилишнинг камайиши ва урушнинг оқибатлари билан боғлиқ. 1959 йилда ўтказилган аҳоли рўй-

хати маълумотларига кўра, вилоят аҳолиси 508,0 минг кишига етди. Аҳоли рўйхати маълумотларига кўра, 1979 йилда 1118,7 минг, 1989 йилда 1596,2 минг кишига етди.

2017 йил 1 январ ҳолатида вилоят аҳолиси 3089,4 минг кишини ташкил этди, бу миқдор мамлакат аҳолисининг 9 фоизидан ортиғига тенгдир. Вилоятда 1326,6 минг киши, яъни умумий аҳолининг 42,9 фоизи шаҳарларда, 1762,8 минг киши, аҳолининг 57,1 фоизи қишлоқларда яшайди. Вилоятда туғилиш кўрсаткичи ҳар минг кишига 25,5 ‰, ўлим 4,1 ‰, табиий кўпайиш 21,4 ‰ ни ташкил этмоқда. Вилоятда аҳолининг туғилиш кўрсаткичлари энг кам бўлган Қарши шаҳрида – 20,1 ‰; қишлоқ туманлари – Муборакда 23,3 ‰ дан 29,8 ‰ гача (энг кўп Чироқчи тумани) ўзгариб боради.

1-расм

Қашқадарё вилоятида демографик жараёнлар (ҳар минг кишига)



Изоҳ: Далиллар Қашқадарё вилоят Статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Табиий кўпайиш кўрсаткичлари энг юқори: Чироқчи, Яккабоғ, Қамаш ва Дехқонобод туманларида кузатилса, нисбатан кам табиий кўпайиш Қарши шаҳри, Қарши ва Муборак туманларида кузатилмоқда (2-расм).

Аҳоли табиий ҳаракати кўрсаткичлари шаҳар ва қишлоқ жойларда фарқ қилади: қишлоқ жойларда туғилиш шаҳарлардаги нисбатан бироз юқори бўлиши, қишлоқларда аёлларнинг моддий ишлаб чиқаришда ва номоддий хизмат соҳаларида кам бандлиги, қўл меҳнати кўп талаб қилинадиган қишлоқ хўжалигида ишчи кучига бўлган эҳтиёж ва бошқа сабабларга боғлиқ. Шаҳар аҳолиси таркибида эса турли миллат вакилларининг борлиги, аёлларнинг ижтимоий ҳаётда фаоллиги каби сабаблар туғилишнинг бироз паст бўлишига олиб келади.

2-расм

Қашқадарё вилояти туманларида табиий кўпайиш миқдори (ҳар минг кишига)



Изоҳ: Далиллар Қашқадарё вилоят Статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Демографик жараёнлар таркибида ўлим ҳолати аҳоли табиий кўпайишига таъсир кўрсатувчи муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Аҳоли ўлими биологик ва ижтимоий жараён-

дир. Ўлим жараёни маълум аҳоли гуруҳларида, авлодларда, давлатларда, жамият тараққиёти босқичларида ижтимоий-иқтисодий шароитларга боғлиқ ҳолда, инсон ҳаётининг турли даврларида содир бўлади. Ўлим миқдорига аҳолининг ёш ва жинсий таркиби бевоқиф таъсир кўрсатади. Аҳоли таркибида қариялар салмоғининг кўплиги ўлимнинг кўтарилишига олиб келади. Қашқадарё вилоят Статистика бошқармаси маълумотларига кўра, вилоятда ўлим коэффициенти 1996 йилда 5,2 %, 1997 йилда 4,6 %, 2003 йилда эса 4,1 %, 2004 йилда 4,0 %, бу кўрсаткич шаҳарларда 5,0 %, қишлоқларда 5,3 % ни ташкил этган. 2013 йилда 3,8 % дан 2016 йилда 4,1 % га етган. Аҳоли гуруҳидаги ўлим жараёнини ўрганишда гўдақлар, яъни бир ёшгача (0–12 ой) бўлганлар ўлими ҳам аҳамиятлидир. Чунки кўп ҳолларда гўдақлар ўлими бироз кўпроқ бўлиб, аҳоли ўлими умумий коэффициентининг юқори бўлишига сабаб бўлади. Гўдақлар ўлими ҳар 1000 та тирик туғилган болаларга нисбатан, шу ёшда ўлган гўдақларнинг сонини билдиради.

Аҳоли ўлим даражасини ўрганишда оналар ўлими кўрсаткичлари ҳам таҳлил қилинади. Оналар ўлими туғилиш даражаси юқори давлатларда кўпроқ кузатилади. Оналар ўлими вилоятда 2016 йилда жами 13 нафар бўлиб, Яққабўғ туманида – 3, Қарши шаҳри ва Муборакда – 2, Шаҳрисабз, Ғузор, Косон, Миришкор ва Чирокчи туманларида 1 нафардан кузатилади. 5 ёшгача бўлган болалар ўлими 758 нафар бўлиб, шундан 584 нафари гўдақлар ўлимини ташкил этади. Энг катта кўрсаткичлар – Чирокчи, Косон ва Шаҳрисабз туманларида (мос равишда – 70; 63; 50) кузатилган.

Аҳолининг ёши ва жинсий таркибини ўрганиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга. Аҳолида аёллар ва эркаклар салмоғининг тенглиги, яъни мутаносиблиги демографик жараёнларга кирувчи никоҳ ва оила, яъни аҳолининг никоҳга киришига ва оилалар ташкил бўлишида қулай вазият яратади. Вилоятда ёш болалар ва ўсмирлар салмоғининг анча юқори бўлиши меҳнат ресурслари сонининг муттасил ошиб боришини таъминламоқда. Қашқадарё туғилиш коэффициенти юқори бўлган вилоятлар қаторида эканлиги унинг шаҳар ва қишлоқ туманларида етарлича меҳнат ресурслари мавжудлигини таъминламоқда. 2016 йилда вилоят меҳнат ресурслари 1758,9 минг киши бўлиб, шундан 1180,9 минг киши иқтисодий фаол аҳоли ҳисобланади. Меҳнат ресурслари вилоят жами аҳолисининг 56,8 фоизини ташкил этади. Иқтисодий фаол аҳоли эса жами меҳнат ресурсларининг 67,1 фоизини ташкил этади. 64843 киши ишсиз ва ишлашга эҳтиёжи бўлиб, булар жами иқтисодий фаол аҳолининг 5,4 фоизини ташкил қилади. Бу эса вилоятда ишсизлик даражаси 5,4 фоизга тенг эканлигини кўрсатади. Дунё бўйича ишсизликнинг табиий даражаси 6 фоиз бўлиши маъқул ҳисобланади. Агар бу миқдордан ошиб кетса, давлатда ишсизликнинг ортиб кетганлигини ифодалайди.

Вилоят аҳолисида ёшларнинг кўп бўлиши ҳамда жинслар нисбатининг тенглашиши аҳолининг табиий кўпайиш коэффициентининг юқори бўлишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Солиев А. Ўзбекистон географияси. – Т., 2014. – Б. 23–24.
2. Бўриева М. Демография асослари. – Т., 2001. – 35 б.
3. Муаллифлар жамоаси. Қашқадарё вилояти географияси. – Қарши, 1994. – 98 б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Қашқадарё вилояти демографик жараёнлари таркибида туғилиш, ўлим ва табиий кўпайиш хусусиятлари ўрганилган. Вилоятда демографик жараёнларнинг ўзгариб бориши туманлар миқёсида ҳам атрофлича таҳлил қилинган.

РЕЗЮМЕ

В статье изучены особенности естественного прироста, рождаемости и смертности населения Кашкадарьинской области. Проведен подробный анализ демографической ситуации в административных районах области.

SUMMARY

This article presented the study of the properties of natural increase of the population of Kashkadarya region to rate of mortality and fertility. Also presented an analysis of the demographic situation on the districts of the region for the present time.

Наширға доц. С. Абдуллаев тавсия этган

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

ТУРЛИ ЭКИШ МЕЪЁРЛАРИДА АНҒИЗДА ЎСТИРИЛГАН МАККАЖЎХОРИНИНГ ДОН ҲОСИЛДОРЛИГИ

Убайдуллаев Ш.Р., Жабборов Ф.Б. (ҚарМШИ)

Таянч сўз ва иборалар: маккажўхори, такрорий экин, экиш меъёри, ўсимликларнинг ўсиши, сўталар ҳосил бўлиши, 1000 дон дон вазни, дон ҳосилдорлиги, қулай экиш меъёри

Кириш

Ўзбекистоннинг табиий иқлим шароити қишлоқ хўжалиги экинларини турли мақсадлар учун етиштириб, улардан юқори ҳосил олиш имкониятини беради. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш ва етиштиришга мамлакатимиз эҳтиёжларидан келиб чиқиб эътибор берилди бошланди. Айниқса, аҳолини дон ва дон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш мақсадида ғўза экин майдонлари қисқартирилиб, бу экиннинг яққаҳокимлигига барҳам берилди. Ғўзадан бўшаган майдонларнинг асосий қисмига кузги дон экинлари экила бошланди.

Кузги дон экинларининг ҳосили йиғиб олинган, бу майдонлар асосий экин экилгунга қадар бўш қолиши ҳамда республикамиз ҳудудининг иқлим шароити шу даврда такрорий экинлар экиб, қўшимча ҳосил олиш имконини беради. Шу табиий шароит имкониятларидан оқилона фойдаланиш мақсадида такрорий ва оралик экинларни анғизда етиштириш бўйича қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилиб, уларнинг ечимлари ишлаб чиқаришга тавсия этилган (1,2,3,4,5).

Республикамиз жанубий ҳудудларининг табиий иқлим шароити суғориладиган майдонлардан бир йилда 2–3 марта ҳосил етиштириш имконини беради. Айниқса, кузги дон экинларидан бўшаган ерларда такрорий экин сифатида дон, ем-хашак, сабзавот экинларининг тезпишар навларини етиштириш яхши натижа бериши мумкин. Шунинг учун ҳам Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқларининг кузги буғдойдан бўшаган суғориладиган майдонларида маккажўхорини дон учун етиштиришда экиш меъёрининг дон ҳосилдорлигига таъсири ўрганилди.

Тажрибанинг мақсади, вазифалари ва услубиёти

Ўзбекистон жанубининг суғориладиган оч тусли бўз тупроқли кузги буғдойдан бўшаган ерларида такрорий анғиз экин сифатида етиштирилган маккажўхорининг дон ҳосилдорлигига турли экиш меъёрларининг таъсирини аниқлашдан иборат.

Бу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар бажарилди:

- турли экиш меъёрларини маккажўхори ўсимликларининг ўсишига таъсирини ўрганиш;
- турли экиш меъёрларида ўстирилган маккажўхори ўсимликлари тупида ҳосил бўладиган сўталар сонини аниқлаш;
- турли экиш меъёрларида етиштирилган маккажўхори 1000 та дон вазнини ўрганиш;
- анғизда ўстирилган маккажўхори дон ҳосилдорлигига экиш меъёрларининг таъсирини аниқлаш.

Тажрибаларни ўтказиш учун кузги буғдойдан бўшаган майдонлар суғорилди, сўнгра тупроқ етилиши билан гектарига 5 тонна ҳисобидан чириган гўн солиниб, ер 28–30 см чуқурликда шудгор қилинди, изма-из бороналаб, мола бостирилди. Маккажўхори экин учун тайёрланган майдонларда экиш 22 июнь куни амалга оширилди.

Экин билан бир вақтда гектарига 15 кг азот ва 10 кг фосфор ҳисобидан минерал ўғит берилди. Экинларни биринчи озиклантириш ўсимлик 3–4 барг чиқарганда гектарига 70 кг азот, 30 кг фосфор, иккинчи озиклантириш эса ўсимликлар рўвак чиқариш олдидан гектарига 70 кг азот ва 25 кг фосфор бериб амалга оширилди.

Экиш учун тозалиги 99,5 фоиз, унувчанлиги 90 фоиз бўлган, сараланган уруғлар танлаб олинди. Маккажўхори уруғи экилгач гектарига 800 м³ ҳисобида, ўсув даврида гектарига 600 м³ ҳисобида 4 марта, жами бўлиб 5 марта суғорилди.

Барча вариантларда маккажўхори қатор ораларига ишлов бериш (культивация) биринчи озиклантириш билан, яъни ўсимлик 3–4 барг чиқарганда, иккинчи культивация ўсимлик бўйи 80 см атрофида бўлганда иккинчи озиклантириш билан бирга ўтказилди.

Дала тажрибаларини олиб боришда Б.А.Доспехов (6) тавсия қилган услублардан фойдаланилди ва маккажўхорини экишнинг куйидаги меъёрлари синаб кўрилди:

I вариант – гектарига 10 килограмм;

II вариант – гектарига 15 килограмм;

III вариант – гектарига 20 килограмм;

IV вариант – гектарига 25 килограмм.

Тажрибаларда ҳар бир вариант бўйича қайтариқлар сони 4 та, жами майдончалар сони 16 тани ташкил этди. Ҳар бир майдонча юзаси 28 м² бўлиб, жами 448 м² майдонга тажриба қўйилди.

Маккажўхори ер устки қисмининг ўсишини аниқлаш учун ҳар бир қайтариқда 25 тадан, жами бир вариантда 150 та ўсимликнинг бўйи ўлчанди.

1000 та дон вазнини аниқлаш учун яхши аралаштирилган маккажўхори донидан қаторасига 2 марта 500 донадан намуналар санаб олинди ва тарозида тортилди. Намуналар орасидаги фарқ 3 фоиздан ошганда учинчи 500 талик намуна олиниб тортилди ва вазни орасидаги фарқ 3 фоиздан кам бўлган намуналар кўрсаткичлари кўшилиб, 1000 та дон вазни аниқланди (7).

Маккажўхори дон ҳосилдорлигини аниқлаш учун ҳар бир қайтариқда 10 м² майдондаги ўсимликлар тўла пишиш фазасида ер юзасидан 7–8 см юқоридан ўриб қурилди. Сўнгра сўтаси ажратилиб, дони тозаланди ва тарозида тортилиб, ҳосил кўрсаткичлари аниқланди.

Олинган маълумотлар статистик математика усулидан фойдаланиб қайта ишланди (8).

Тажриба натижалари ва таҳлили

Турли экин меъёрларида такрорий экин сифатида ўстирилган маккажўхори ўсимликларининг ўсиши майсалар шаклланишидан бошлаб донининг пишишигача бўлган давр ораллиғида ўрганиб борилди. Кузатишлар натижасида олинган маълумотлар 1-жадвалда келтирилган.

Ўсув даврининг бошларида маккажўхори ўсимлиги нисбатан секин ўсганлиги туфайли унинг бўйи баландлиги дастлабки кузатишларда анча паст бўлди. Бу кўрсаткич 8 июлда экиш меъёри 10 га/кг бўлганда 3,8 см, 15 га/кг да – 4,1 см, 20 га/кг да – 4,0 см ва 25 га/кг да – 4,2 см ни ташкил этди. 29 июлда ўтказилган ўлчашларда эса мос равишда ўсимликлар бўйи баландлиги 22,2; 25,6; 28,4 ва 29,3 см га тенг эканлиги аниқланди.

1-жадв.

Анғизда ўстирилган маккажўхорининг ўсишига экиш меъёрларининг таъсири

Экиш меъёрлари, га/кг	Маккажўхори ўсимликларининг бўйи баландлиги, см				
	08.07.	29.07.	18.08.	22.09.	06.10.
10	3,8 ± 0,2	22,2 ± 1,2	61,3 ± 5,6	169,7 ± 12,1	226,5 ± 11,2
15	4,1 ± 0,3	25,6 ± 1,5	65,9 ± 6,3	179,2 ± 9,7	238,4 ± 13,8
20	4,0 ± 0,4	28,4 ± 1,6	72,1 ± 4,9	186,3 ± 13,6	244,5 ± 12,9
25	4,2 ± 0,3	29,3 ± 1,1	74,2 ± 4,1	192,4 ± 11,5	251,4 ± 10,7

Ўсимликларнинг рўвакилаш фазасига ўта бошлаши даврида (18.08) маккажўхорининг ўсиши тезлашиб, гектарига 10 кг уруғ сарфлаб ўстирилган I вариантда унинг бўйи баландлиги 61,3 см га, гектарига 15 кг уруғ экилган II вариантда 65,9 см га, экиш меъёри

15 га/кг бўлганда (III вариант) 72,1 см га ва экиш меъёри 20 га/кг бўлганда (IV вариант) эса 74,2 см га етди. Шу даврда маккажўхори жадал ўсиши туфайли бир ойдан ортиқроқ муддатдан ўтгач маккажўхори бўйи баландлиги экиш меъёри гектарига 10 кг бўлган вариантда 169,7 см ни, экиш меъёри яна 5 кг га кўпайтирилганда 179,2 см ни, гектарига 20 килограмм учун сарфланган учинчи вариантда 186,3 см ни ва тўртинчи – гектарига 25 килограмм уруғ сарфланган вариантда 192,4 см ни ташкил этди (1-жадвал). Бу ўсимлик бўйи баландлиги ҳосил пишиш олдидан биринчи (гектарига 10 кг) вариантда 226,5 см га, иккинчи вариантда (гектарига 15 кг) 238,4 см га, учинчи вариантда (гектарига 20 кг) 244,5 см га ва тўртинчи (гектарига 25 кг) вариантда эса 251,4 см га тенг бўлди (1-жадвал).

Шундай қилиб, анғизда дон учун ўстирилган маккажўхорининг бўйи баландлиги экиш меъёрининг ошиб бориши билан ортиб бориши кузатилди.

Экиш меъёрлари экинларнинг кўчат қалинлигига ўз таъсирини кўрсатиши кўплаб тажрибаларда тасдиқланган. Кўчат қалинлиги эса ўз навбатида ҳосил органларининг шаклланишига сезиларли таъсир этади. Шундан келиб чиққан ҳолда экиш меъёрларининг анғизда ўстирилган маккажўхори ўсимлиги тупида сўталар ҳосил бўлишига таъсирини аниқлаш бўйича кузатишлар олиб борилди.

Гектарига 10 килограммдан уруғ сарфлаб маккажўхори ўстирилган майдонларда кўчат қалинлиги гектарига 32300 тупни ташкил этди. Ана шу ўсимликларининг 90,06 фоизи ёки 29090 тупида биттадан сўта шаклланди. Бу вариантда 2 тадан сўта ҳосил қилган маккажўхори туплари сони 2960 тани ёки 9,16 фоизга тенг бўлди. Шу экиш меъёрида кўчатларнинг 250 тупида ёки жами кўчатлар сонининг 0,78 фоизида сўталар шаклланмаганлиги кузатилди. Ўртача сўталар сони 1,08 тани ташкил этди (2-жадвал).

Экиш меъёри 15 га/кг бўлган иккинчи вариантда кўчат қалинлиги 47960 га/дона бўлган ҳолда 1 тадан сўта шаклланган ўсимликлар сони 43484 донани ёки 90,67 фоизни ташкил этди. 2 тадан сўта ҳосил қилган ўсимликлар сони бу вариантда 3780 донага ёки 7,88 фоизга тенг бўлди. Биринчи вариантга нисбатан 2 тадан сўта ҳосил қилган ўсимликлар сони камайиши билан умуман сўта шаклланмаган ўсимликлар сони ҳам ортди ва 696 донани ёки 1,45 фоизни ташкил этди. Ҳар бир ўсимлик тупида ҳосил бўладиган сўталарнинг ўртача сонининг, жуда кам миқдорда бўлса-да, камайиши кузатилди.

Экиш меъёри гектарига 20 кг бўлган учинчи вариантда ўсимликларнинг кўчат қалинлиги 64870 тупга тенг бўлди. Бу вариантда 1 тадан сўта ҳосил қилган ўсимликлар сони 58629 донага ёки 90,38 фоизга етди, 5026 та ёки 7,75 фоиз ўсимликларда эса икки-тадан сўта ҳосил бўлди ва сўта шаклланмаган ўсимликлар сони 1215 тупни (1,87 фоиз) ташкил этди.

Экин меъёри яна 5 килограммга оширилган IV вариантда (25 га/кг) умумий кўчатларнинг (81650 туп) 88,79 фоизда ёки 72493 тупида бир донадан сўта шаклланди. 2 тадан сўта ҳосил қилган ўсимликлар бу вариантда аввалгиларга нисбатан 2 баровардан ортиқроққа камайиб кетди ва 3047 донага ёки 3,73 фоизга тенг бўлди. Шу билан бирга бу вариантда сўта шаклланмаган ўсимликлар сони ҳам бир неча бароварга кўпайди ва 6110 донани ёки 7,48 фоизни ташкил этди. Бу эса ўз навбатида бир тупда ҳосил бўлган сўталар ўртача сонини камайиб (бир тупда ўртача 0,96 дона) кетишига олиб келди.

Шундай қилиб, ўтказилган кузатишларда экиш меъёрлари маккажўхори ўсимлиги тупида сўталар ҳосил бўлишига сезиларли таъсир кўрсатиши аниқланди. Экиш меъёрлари нисбатан кам бўлган ва шунга мос равишда кўчат қалинлиги юқори бўлмаган вариантларда ўсимлик тупларида сўталар шаклланиши яхши боради. Аммо экиш меъёрининг ошиб бориши билан 2 тадан сўта ҳосил қилувчи ўсимликлар сони умумий кўчат қалинлигига нисбатан камайиб кетади. Шу билан бирга сўта ҳосил қилмайдиган ўсимликлар сони ҳам кўпайиб боради. Шунга қарамадан ҳар бир туп ўсимликда ҳосил бўладиган сўталарнинг ўрта сони экиш меъёри гектарига 10, 15, 20 кг бўлган вариантларда нисбатан бир хил бўлгани (1,08; 1,06; 1,06 дона) ҳолда, экиш меъёри гектарига 25 килограмм

бўлган вариантда бу кўрсаткичнинг кескин камайиб (0,96 дона) кетиши кузатилади. Буни, аввало, кўчат қалинлигининг ошиши ҳисобига озик моддалар, намлик ва ёруғлик учун маккажўхори ўсимликлари орасида рақобатнинг кучайиши билан изоҳлаш мумкин. Ҳосил органлари ҳосил бўлишининг камайиши эса ўз навбатида экиш меъёрининг оширилишига қарамасдан маккажўхори дон ҳосилдорлигининг камайиб кетишига олиб келади. Шунинг учун ҳам тажриба ўтказилган шароитда анғизда ўстирилган маккажўхори тупларида ҳосил органларининг шаклланиши учун қулай шароит яратиш мақсадида экиш меъёрини гектарига 20 килограммдан ошириш мақсадга мувофиқ эмас.

2-жадв.

Турли экиш меъёрларида ўстирилган маккажўхори ўсимликлари тупида ҳосил бўлган сўталар сони

Экиш меъёрлари, га/кг	Кўчат қалинлиги		1 тадан сўта ҳосил қилган ўсимликлар		2 тадан сўта ҳосил қилган ўсимликлар		Сўта ҳосил қилмаган ўсимликлар		Ўртача ҳосил бўлган сўталар сони
	гектари-га дона	фоизи	сони	фоизи	сони	фоизи	сони	фоизи	
10	32300	100,0	29090,0	90,06	2960,0	9,16	250,0	0,78	1,08
15	47960	100,0	43484,0	90,67	3780,0	7,88	696,0	1,45	1,06
20	64870	100,0	58629,0	90,38	5026,0	7,75	1215,0	1,87	1,06
25	81650	100,0	72493,0	88,79	3047,0	3,73	6110,0	7,48	0,96

Турли экиш меъёрлари билан анғизда дон учун етиштирилган маккажўхори 1000 та донининг вазнига оид маълумотлар 3-жадвалда келтирилган. Бу экин кичик экиш меъёрида экилган I вариантда ўсимликларнинг озик моддалар ва сув учун рақобати кучли бўлмаслиги ҳамда кўчат қалинлигининг кичиклиги туфайли маккажўхори сўталарида ҳосил бўлган донлар нисбатан яхши ривожланади ва йирикроқ бўлиб етилади. Натижада бу вариантда маккажўхори 1000 та донининг вазни ўрганилган бошқа вариантларга нисбатан юқори бўлади ва 261,3 граммни ташкил этади (3-жадвал).

II вариантда ҳам ўсимликларнинг озик моддалар, сув, ёруғлик ва бошқа омиллар билан яхши таъминланганлиги натижасида 1000 та доннинг вазни нисбатан юқорилигича қолади ва 257,5 граммга тенг бўлади. Кўчат қалинлиги дастлабки вариантдагига нисбатан 2 баробар ошган III вариантда бу кўрсаткич 254,9 грамм бўлиши кузатилади. Лекин экиш меъёри энг юқори бўлган IV вариантда кўчат қалинлигининг ошиб кетиши ва ўсимликларнинг зарур экологик омиллар билан таъминланишининг ёмонлашиши оқибатида 1000 та дон вазнининг кескин камайиши кузатилади ва 245,7 граммни ташкил қилади (3-жадвал).

Демак, маккажўхорини анғизда гектарига 20 кг дан уруғ сарфлаб ўстириш ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши учун қулай шароит яратилишини ва бу экин 1000 та дони вазнининг юқори бўлишини таъминлайди.

Турли экиш меъёрларида кузги буғдойдан кейин ўстирилган маккажўхорининг дон ҳосилдорлиги бўйича энг паст кўрсаткич экиш меъёри энг кичик бўлган дастлабки вариантда кузатилди. Экиш меъёри 10 га/кг бўлган бу вариантда такрорий экин сифатида ўстирилган маккажўхоридан 38,0 центнердан дон ҳосили олинди. Бу ҳолатни, аввало, маккажўхори кўчат қалинлигининг камлиги билан изоҳлаш мумкин. Экиш меъёри гектарига 15 килограмм бўлганда кўчат қалинлигининг ошиши ҳисобига гектаридан 43,9 центнер ёки биринчи вариантдагига нисбатан 5,9 центнер кўп дон ҳосили йиғиб олинди. Экиш меъёри яна 5 килограммга оширилган учинчи вариантда эса дон ҳосилдорлиги энг юқори бўлиб, гектарига 56,1 центнерни ташкил этди. Экиш меъёри гектарига 20 килограмм бўлган ушбу вариантда такрорий экин сифатида ўстирилган маккажўхори ўсимликлари нисбатан яхши ўсиб ривожланди, олинган кўчат қалинлиги эса уларни озик моддалар ва намлик билан нисбатан бир текисда етарли миқдорда таъминланишига имкон яратди, ёруғлик режими ҳам нисбатан қулай бўлди. Ушбу ҳолат ўз навбатида макка-

жўхори ўсимликларида ҳосил органларининг нисбатан яхши ва етарли миқдорда шаклланиши имконини берди. Бу вариантда биринчи вариантдагига (гектарига 10 кг) нисбатан гектарига 18,1 центнер кўп дон ҳосили етиштирилди. Экиш меъёри гектарига 25 килограмм бўлган IV вариантда бу экиннинг дон ҳосилдорлиги 51,6 га/ц ни ташкил этди ва бу кўрсаткич энг кўп дон ҳосили олинган учинчи вариантдагига (экиш меъёри 20 га/кг) нисбатан 4,5 центнерга камайиб кетди.

Шундай қилиб, маккажўхорини анғизда ўстиришда тажриба ўтказилган шароит учун гектарига 20 килограмм хўжалик яроқлиги 100 фоиз бўлган уруғ экиш мақсадга мувофиқ бўлиб, шу экиш меъёри билан маккажўхори ўстирилган далалардан нисбатан юқори ва сифатли (гектаридан 56,1 центнер) дон ҳосили олишга эришиш мумкин.

3-жадв.

**Турли экиш меъёрларида анғизда ўстирилган маккажўхорининг
1000 дона дон вазни ва дон ҳосилдорлиги**

Экиш меъёрлари, га/кг	1000 дона дон вазни, г	Ўртача дон ҳосилдорлиги/, га/ц
10	261,3 ± 9,36	38,0
15	257,5 ± 10,15	43,9
20	254,9 ± 11,31	56,1
25	245,7 ± 9,58	51,6

ЭКФ_{0,95}=0,42 га/ц

P=0,89 фоиз

Хулоса

1. Анғизда такрорий экин сифатида дон учун ўстирилган маккажўхори ўсишига экиш меъёрлари катта таъсир кўрсатади. Экиш меъёри кичик бўлган дастлабки вариантларда ўсимликлар бўйига қараб нисбатан секин ўсади. Кўчат қалинлиги юқори бўлган III ва IV вариантларда ўсимликлар бўйи баландроқ бўлиб ривожланади.

2. Экиш меъёрлари маккажўхори ўсимликларида сўта шаклланиш жараёнига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Экиш меъёри нисбатан кичик бўлган I вариантда бу кўрсаткич юқори бўлади. Экиш меъёри 15 ва 20 га/кг бўлган вариантларда ҳам бу кўрсаткич дастлабки вариантдагига яқинлигича қолади. Лекин экиш меъёри энг юқори бўлганда эса (IV вариант) сўта ҳосил бўлган ўсимликлар сонининг камайиши ва сўта ҳосил бўлмаганларининг кўпайиши ҳисобига маккажўхори тупларида ўртача сўта ҳосил бўлиш кўрсаткичи сезиларли даражада камайиб кетади.

3. Турли экиш меъёрларида анғизда ўстирилган маккажўхори 1000 дона донининг вазни ҳам турлича бўлади. Бу кўрсаткич экиш меъёри 10 га/кг бўлганда энг юқори бўлиб, экиш меъёри 15 ва 20 га/кг га етказилганда сезиларли даражада камаяди. Лекин экин меъёрининг яна оширилиши (25 га/кг) 1000 дона дон вазнининг кескин пасайишига олиб келади.

4. Кузги буғдойдан бўшаган суғориладиган ерларда маккажўхорини гектарига 20 кг дан уруғ сарфлаб ўстириш юқори ва сифатли дон ҳосили олишни таъминлайди (56,1 га/ц). Экиш меъёрининг бу кўрсаткичдан кам ёки кўп бўлиши дон ҳосилини камайтириб юборади.

5. Ўзбекистон жанубининг суғориладиган ерларида кузги буғдойдан кейин такрорий экин сифатида маккажўхорининг тезпишар навларини гектарига 20 кг дан юқори сифатли уруғ экиб ўстириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдукаримов Д.Т., Горелов Е.П., Ботиров Х.Ф. Озуқа етиштириш. – Самарқанд, 1995. – 221 б.
2. Маъмуров А., Ёрматова Д. Энг яхши такрорий экин // Ўзбекистон кишлоқ хўжалиги, 2007, – №6. – Б. 17.

3. Азимов Б., Аббосов А., Ҳақимов Р. Қандай такрорий экинларни эккан маъкул // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 2009, – №6. – Б. 4–5.
4. Шукуров Ё. Такрорий экинларни экиш ердан унумли фойдаланишга хизмат қилади // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 2010, – №5. – Б.13.
5. Тулепов С., Массино А. Такрорий маккажўхори – сифатли озуқа манбаи // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 2011, – №7. – Б. 8.
6. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. – М.: Колос, 1985. – 316 с.
7. Орипов Р.О., Халилов Н.Х., Худойназарова Р., Панжиев А., Убайдуллаев Ш.Р. Ўсимлик-шунослик фанидан лаборатория машғулоти учун услубий кўрсатма ва топшириқлар. – Самарканд, 1994. – 37 бет.
8. Зайцев Г.Н. Математическая статистика в экспериментальной ботанике. – М.: Наука, 1984. – 424 с.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Ўзбекистон жанубининг суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароитида кузги бугдойдан бўшаган майдонларда ўстирилган маккажўхорининг ўсиши, ўсимлик тупларида сўта ҳосил бўлиши, 1000 дона дон вази ва дон ҳосилдорлигига экиш меъёрларининг таъсирини ўрганиш натижалари келтирилган. Тажриба ўтказилган шароитда маккажўхорини анғизда гектарига 20 кг уруғ сарфлаб экиш бу экиндан юқори дон ҳосили олиш имконини бериши аниқланган.

РЕЗЮМЕ

В статье приведены результаты изучения влияния норм посева на рост, формирование початков растений, массы 1000 шт. и продуктивность зёрен кукурузы, выращенной после озимой пшеницы в орошаемых светлых сероземах южного Узбекистана. Определена целесообразность выращивания кукурузы в этих условиях при норме высева семян 20 кг/га, что способствует получению наиболее высоких урожаев зерна.

SUMMARY

The article outlines the results according to the study of the effect of the corn growth cultivated on the fields released from the winter wheat grass soils in the southern regions of southern Uzbekistan, sowing in the herbage, sowing weight of 1,000 grains and sowing capacity. In experimental conditions, the sowing of 20 kg of seeds per hectare of maize yielded a high yield of grain.

Наширға проф. Л.Ўзиев тавсия этган

ЛАЛМИКОР БЎЗ ТУПРОҚЛАРДАН САМАРАЛИ Фойдаланиш омиллари

**Муратқасимов А.С., Юсупов Х., Умурзаков А. (ДДЭ ИТИ),
Гафурова Л.А. (ЎЗМУ)**

Таянч сўз ва иборалар: лалмикор ерлар, типик бўз тупроқ, ҳосилдорлик, намлик, алмашлар экиш, органик ва маъданли ўғитлар, илдиз орқали озиқлантириш, тупроққа ишлов бериш, агро-технологиялар, гумус, қўшимча ҳосил, самарадорлик.

Кириш. Дунё бўйича иқлимнинг глобал ўзгариши таъсирида кўплаб суғорилмайдиган қурғоқчил минтақаларда жойлашган давлатлар каби Ўзбекистоннинг ҳам ўзига хос тупроқ ва об-ҳаво шароитларида қишлоқ хўжалик экинларидан барқарор ҳосил етиштириш ҳисобига лалмикор ерларда истиқомат қилаётган аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда ҳозирги кунда ҳайдаладиган 751,4 минг га майдонлардан илмий асосда фойдаланиш давр талаби бўлиб қолмоқда [3].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Фармони билан 2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси қабул қилинди.

Ушбу дастурдаги учинчи устувор йўналишнинг 3.3-бандида (қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш) белгилаб берилганидек, мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришда лалмикор ерлардан қўшимча резерв ҳисобида самарали фойдаланишнинг долзарблиги кўрсатиб ўтилди.

Юқорида белгиланган долзарб масалаларни ҳал этишда лалмикор ерларда бошоқли дон экинларини етиштиришга тавсия этилган агротехнологик ишланмаларни такомиллаштириш, янги фан ютуқларини кенг жорий этиш 2015–2017 йилларга мўлжалланган ҚХА–9–054–2015-сонли амалий лойиҳа доирасида бажарилаётган тадқиқотларнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Лалмикор ерларнинг ёғингарчилик билан ярим таъминланган (280–360 мм) қир-адирлик минтақасида олиб борилаётган стационар тажрибаларига кўра 60 йил давомида сурункасига ғалла экиладиган ва тупроққа плуглар билан 20–22 см чуқурликда интенсив ишлов берилиши ҳамда органик ва маъданли ўғитлар берилмайдиган вариантларда тупроқдаги органик моддалар (гумус) миқдори 1,2–1,3 фоиз дан 0,58–0,65 фоиз га (0–20 см) камайиши кузатилмоқда [2,5,7].

Барча лалмикор минтақаларида (текислик, қир-адирлик, тоғолди ва тоғли) деҳқончилик маданияти ҳамда тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, экологик соф қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг асосий ҳал қилувчи омилларидан бири алмашлаб экишнинг фермер-деҳқон хўжаликлари учун мос қисқа ротацияли (2,3,4 далали) схемаларини жорий этишдир. Бу алмашлаб экиш схемаларида тоза шудгор муҳим аҳамият касб этади [6].

Тадқиқот объекти ва услубияти. Бошоқли дон экинларини лалмикор ерларда етиштиришда тоза шудгор остига берилган органик ва маъданли ўғитлар, тупроқдаги намликни тўшлайдиган (абсорбция қиладиган) полимер абсорбент ҳамда биологик фаол моддалар ўрганилиб, тупроқдаги намлик ва минерал озиқлантириш режимига, кузги буғдойнинг ўсиши, ривожланиши ҳамда ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш вазифалари белгиланди.

Тажриба даласи тупроқлари ўртача кумоқли, сув ва шамол эрозиясига ўртача чалинган типик бўз тупроқ бўлиб, уларнинг ҳайдов қатламида (0–20 см) 0,55–0,88 фоиз гумус, умумий азот 0,18–0,20 фоиз, фосфор 0,16–0,18 фоиз ва 1,6–1,8 фоиз ялпи калий бўлиб, тупроқ муҳити (рН) 7,9–8,0 ни ташкил этади [8].

Тажрибада юмшоқ буғдой “Бахмал–97” навини етиштириш бўйича бажарилган барча агротехнологик тадбирлар ДДЭИТИ Ғаллаорол ИТС томонидан ишлаб чиқилган агротавсиялар асосида бажарилди [4].

Дала тажрибаларида фенологик кузатишлар, ўсимликлар туп сони, ҳўл ва қурук биомасса тўплаш динамикаси, тупроқдаги намлик, озуқа моддаларнинг буғдойнинг ўсув даврларида миқдорларини таҳлил қилиш ва бошқа олинган экспериментал натижалар Б.А.Доспехов “Методика полевого опыта” (1985) услуби асосида дисперсион таҳлилдан ўтказилди [1].

Тадқиқот натижалари. Кўп йиллик ёғингарчилик миқдори 362,0 мм ни ташкил этган ҳолда тадқиқотлар олиб борилган 2014–2015 ва 2015–2016 қишлоқ хўжалик йилларида бу кўрсаткич тегишлича 362,3 ва 400,6 мм, йиллик ўртача кўп йиллик ҳаво ҳарорати 11,6 °С, йиллар бўйича 10,4–11,2 °С, ўртача кўп йиллик ҳаво нисбий намлиги 50 фоиз, тегишлича йилларда 70–73 фоиз бўлганлиги кузатилди. 2015 йил май ойида ёғингарчилик миқдори ўртача кўп йилликка нисбатан 13,3 мм га кам, ҳаво ҳароратининг эса ўртача +20,7°С ни ташкил этиб кўп йиллик ўртача ҳаво ҳароратига нисбатан +8,3°С га иссиқ келди. 2016 йил май ойида аксинча ёғингарчилик миқдори кўп йилликка нисбатан 31,7 мм кўп бўлганлиги натижасида бошоқли дон экинларининг сариқ занг касаллиги билан

кучли зарарланиши ва ҳаво ҳароратининг 3-ўн кунликда кескин кўтарилиши натижасида ҳосилдорликка салбий таъсири кузатилди.

Дала тажрибада вариантлар сони 9 та, уч қайтариқда такрорланди. Тажриба бўлакчалар (делянкалар) ҳажми 200 м² (20 x 10 м). Тажрибаларда органик ва маъданли (фосфорли, калийли) ўғитлар ҳамда абсорбентлар тоза шудгорни кўтариш олдидан (апрелнинг иккинчи ярми) плуг остига берилди. Июл ойида бегона ўтларга қарши плоскорез билан 14–16 см чуқурликда тупроққа ишлов берилди. Кузги буғдой экиш олдидан борона билан тупроққа юза ишлов берилди ва юмшоқ буғдойнинг “Бахмал–97” нави гектарига 2,5 млн унувчан уруғ ҳисобида экилди.

Тоза шудгорда тупроқ намлиги динамикасини ўрганиш мақсадида намуналар 0–160 см қатламигача олинди.

2015 йил 29 май куни тупроқнинг ҳайдов қатламида (0–20 см) намлик миқдори вариантлар бўйича 11,2–13,8 фоизни, 0–160 см қатламдаги намлик захираси эса ўртача 2936,0–3177,3 м³/га ни ташкил этди. Ёз ойларида келиб ёғингарчиликнинг кам бўлиши, ҳаво ҳароратининг кескин кўтарилиши натижасида тупроқнинг барча қатламларидаги намлик захирасининг сезиларли даражада камайиши кузатилди.

Кузги бошоқли дон экинларини экиш даврига келиб (25.10.2015 йил) тупроқнинг ҳайдов қатламдаги намлик миқдорининг 4,3–5,4 фоизгача (105,8–133,1 м³/га), 0–160 см қатламида жами намлик захирасининг ўртача 5,8–8,32 фоизгача (1209,0–1636,2 м³/га) камайиши қайд этилди.

Тажриба вариантларидаги намлик тартиботи ўрганилганда, унинг назорат вариантыдаги намлик миқдори ҳайдов қатламида 5,2–13,4 фоиз (133,1–309,9 м³/га), тупроқнинг қуйи қатламларидаги (120–160 см) 5,7–13,6 фоиз ни (310,1–775,4 м³/га) ташкил этган бўлса, бу кўрсаткичлар тоза шудгор остига 40 кг/га фосфорли ва калийли ўғитлар ҳамда 20 ва 40 кг гидрогел полимер абсорбенти берилган вариантларда тупроқнинг ҳайдов қатламларида 13,6–13,8 фоизни (331,8–336,8 м³/га), 0–160 см қатламдаги жами намлик миқдори 14,2–14,5 фоиз (3058,5–3099,7 м³/га) ташкил этди (29.05.2015 йил).

Кузги буғдой уруғини экиш даврига келиб (25.10.2015 йил) гидрогел абсорбенти берилган вариантлардаги тупроқнинг 0–160 см қатламдаги намлик захираси тажрибанинг назорат вариантыга нисбатан 145,0 м³/га кўп тўпланиши қайд этилди.

Шуни таъкидлаш зарурки, тоза шудгорни кўтариш олдидан плуг остига 40 кг/га фосфорли ва калийли ўғитлар ва 10 т/га маҳаллий ўғит берилган вариантда тупроқнинг 0–160 см қатламидаги намлик захираси бошқа вариантларга нисбатан кўплиги аниқланди. Бу вариантдаги тупроқнинг қуйи қатламларидаги (0–160 см) намлик миқдори мавсум давомида 8,5–15,2 фоизни (455,6–833,0 м³/га), 0–160 см қатламда эса 8,2–15,0 фоизни (1620,1–3177,3 м³/га) ташкил этди.

Олиб борилган таҳлилларнинг кўрсатишича, тоза шудгорни кўтаришдан бошлаб то кузги ғалла экишгача бўлган даврда тупроқдан физик буғланган намлик миқдори вариантлар бўйича 6,6–8,4 фоизни ёки 1317,0–1720,5 м³/га ни ташкил этди. Физик буғланиш ҳисобига тоза шудгордан йўқотилган намлик миқдори унинг бошланғич миқдорига нисбатан 48,1–56,8 фоиз ни ташкил этди.

Хулоса қилиб айтганда, лалмикор майдонларда атмосфера ёғингарчиликлар натижасида тоза шудгорда тўпланган табиий намликнинг ярмидан кўпи буғланиш орқали йўқотилиши маълум бўлди.

2015 йилнинг октябр ойида ёғингарчилик миқдори кўп йиллик ўртача меъёрдан 53,1 мм кўп бўлиши натижасида тупроқнинг ҳайдов (0–20 см) қатламидаги намлик экишни сифатли қилиб ўтказишга имкон берди. “Бахмал–97” кузги буғдой уруғи ноябр ҳамда кишининг илиқ кунларида тўлиқ униб чиқди.

Кузги буғдой уруғини экиш олдидан (1.11.2015 йил) тажриба вариантларидаги тупроқнинг ҳайдов қатламидаги намлик миқдори 9,7–11,2 фоиз ни, 0–160 см қатламдаги

намлик захираси 7,6–9,6 фоиз ни ёки гектарига 2075,6–2346,2 м³/га ни ташкил этди. Тоза шудгорни кўтариш олдида (29.05.2015 йил) Р₄₀К₄₀ фонида 40 кг/га “Гидрогел” абсорбенти ҳамда 10 т/га гўнг берилган вариантларда тупроқнинг 0–160 см қатламидаги ялли намлик миқдори ўртача 9,2–9,6 фоиз ни ёки 2304,6–2346,6 м³/га ни ташкил этди.

Бу кўрсаткичлар ўғитлар ва абсорбентлар берилмаган назорат вариантыда 8,7 фоиз ни (1813,4 м³/га) ташкил этди. Бу вариантларда тўпланган намлик миқдори назоратга нисбатан 0,5–1,2фоиз ёки 491,2–532,8 м³/га кўпроқни ташкил этди.

Кузги буғдой вегетациясининг найчалаш босқичига келиб (23.04.2016 йил), ёғингарчиликнинг кўп йиллик меъёрига нисбатан 21,6 мм кўп бўлиши сабабли, тупроқнинг 0–20 см қатламидаги намлик миқдори вариантлар бўйича 15,1–18,5 фоиз ни, қуйи қатламларида 0–100 см қатламда 10,5–11,3 фоиз (2276,9–2460,7 м³/га) ни, 120–160 см да эса 5,8–8,0 фоиз (315,2–428,8 м³/га) ни ташкил этди.

“Бахмал-97” кузги буғдой навининг бошоқлаш босқичидан бошлаб (6.05.2016 йил) тажрибанинг барча вариантларидаги намлик миқдори сезиларли даражада пасая бошлади ва тўлиқ пишиш даврига келиб тупроқнинг 0–20 см қатламида 3,9–6,8 фоиз гача, 0–160 см қатламидаги намлик миқдори 6,4–7,5 фоиз ни ёки 1353,1–1604,8 м³/га ни ташкил этди. Вегетациянинг охирига келиб тупроқнинг 0–160 см қатламида сақланиб қолган қолдик намлик назорат вариантыда 6,8 фоиз ни (1451,0 м³/га), маъданли ўғитлар, полимер абсорбент ва 10 т/га гўнг берилган вариантларда эса бу кўрсаткич 7,5 фоиз ни (1604,8 м³/га) ташкил этди.

Бу босқичда тупроқнинг 0–160 см қатламидаги намлик захираси полимер абсорбенти ва гўнг берилган вариантларда назорат ва бошқа вариантларга нисбатан энг юқори кўрсаткичларни ташкил этди.

2015 йилда тупроқдаги намлик тартиботини ўрганиш натижаларига асосан тоза шудгордан сўнг экилган “Бахмал-97” кузги буғдой нави вегетацияси давомида 40 кг/га фосфорли ва калийли ўғитлар абсорбентлар ҳамда 10 т/га берилган вариантларда тупроқ намлигининг ўғит берилмаган назорат вариантга нисбатан ўртача 136–172,4 м³/га кўпроқ нам тўпланиши аниқланди.

Дала тажрибада ўсимликлар туп сони униб чиқиш даврида назорат вариантыда ўртача 203 дона/м² ни, Р₄₀К₄₀ фонида тоза шудгор остига берилган 10 т/га гўнг таъсирида назоратга нисбатан 25,4 дона/м² гача ошганлиги қайд этилди.

Дала тажрибанинг назорат, яъни ўғитлар ва абсорбентлар берилмаган вариантыда олинган ўртача дон ҳосилдорлиги гектарига 9,8 ц ни ташкил этди. Тоза шудгор остига 40 кг/га дан фосфорли ва калийли ўғитлар берилган, кузги буғдойнинг баҳорги вегетацияси бошланган пайтида (туплаш) 40 кг/га ҳисобида карбамид азотли ўғит билан озиклантирилганда назоратга нисбатан олинган кўшимча ҳосилдорлик гектарига 3,9 центнерни ёки 139,7 фоиз ни ташкил этди.

Тоза шудгор остига фосфорли, калийли ўғитлар билан бир пайтда “Гидрогел” ва “Aquasorb” абсорбентларининг 20 кг/га ҳисобида берилган ва эрта баҳорда соф ҳолда 40 кг азотли ўғит билан озиклантирилган вариантларда назоратга нисбатан олинган кўшимча дон ҳосилдорлиги гектарига 3,9–5,1 центнер (139,7–152 фоиз) оширишга имкон берди. Лалмикор майдонларда тупроқ унумдорлигини оширишда, унинг кимёвий ва сув физик хусусиятларини яхшилашда органик ўғитлар қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Жорий йилда олиб борилган тажриба натижаларига кўра, 10 т/га гўнг ҳисобига олинган кўшимча ҳосилдорликнинг 6,3 ц/га га ошиши қайд этилди. Бу кўрсаткич назоратга нисбатан 164,3 фоиз ни ташкил этади.

Кузги буғдойни бошоқлаш пайтида Биоазот биологик фаол препарати билан гектарига 1л ҳисобида барг орқали озиклантирилганда кўшимча равишда 4,2 ц, “Биозот” ва “Микроўстиргич” препаратлари 1,5 л/га ҳисобида пуркалган вариантларда дон ҳосилдорлиги назорат вариантыга нисбатан 5,1 ц ошганлиги аниқланди.

Хулоса. Шуни таъкидлаш лозимки, жорий йилда баҳор ойларининг кўп йиллик ўртача меъёрга нисбатан анча серёғин ва иссиқ келиши, ҳаво намлигининг юқори бўлиши кузги буғдойнинг занг ва бошқа касалликлар билан кучли даражада зарарланиши кузатилди. Бу эса ўз навбатида тоза шудгор остига берилган маъданли ўғитлар самарадорлигининг пасайишига олиб келди.

Лалмикор майдонларда бошоқли дон экинларини ғалла-шудгор алмашлаб экиш тизимида етиштиришда ҳар уч йилда бир маротаба гектарига 10 т маҳаллий ўғит қўллаш, буғдойга ҳар йили соф ҳолда $P_{40}K_{40}N_{40}$ бериш билан бирга намлик тўпловчи “Гидрогел” ва “Aquasorb” абсорбентларини (20 кг/га) тоза шудгор остига солиш ҳисобига ўсимликларнинг ўсув даврларида тупроқдаги табиий намлик ва озуқа моддалардан самарали ўзлаштиришига имкон яратилиб, фермер хўжаликларининг ердан олинадиган соф даромадларининг оширилишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. – Москва. 1985. – С. 350.
2. Лавронов Г.А. Богарное земледелия в Узбекистане. – Т.: Мехнат, 1975. – С. 455.
3. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида Миллий ҳисобот. – Тошкент, 2012. – Б. 10.
4. Эшмирзаев Қ., Юсупов Х. Ғалладан мўл ҳосил етиштириш омиллари (агротавсиялар). – Тошкент: Мехнат, 1995. – Б. 66.
5. Юнусов М. Агрохимические свойства типичных богарных сероземов и пищевой режим пшеницы по различным предшественникам. Дисс... с. х. наук. – Галляарал, 1973. – 120 с.
6. Юсупов Х., Ғайбуллаев С. Лалмикор ерларда дехқончилик мўл ва экологик тоза маҳсулот етиштириш омили // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 2014. № 2. – Б. 4.
7. Юсупов Х., Абдухалиқова Б., Ҳайдаров Б. Ғалла-шудгор алмашлаб экиш тизимида тупроқдаги гумус миқдорининг ўзгариши. “Ўзбекистонда ғаллачиликнинг яратилган илмий асослари” халқаро илмий-амалий конференцияси тўплами. – Жиззах, 2013. – Б. 255–257.
8. Юсупов Х., Умурзаков А., Муратқасимов А. Типик лалмикор бўз тупроқлар шароитида буғдойни барг орқали озиклантириш самарадорлиги. “Атроф-муҳит ўзгариши шароитида ер ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланиш масалалари” мавзусидаги илмий-амалий семинар. – Тошкент, 2016. – Б. 350–353.

РЕЗЮМЕ

Республикамизнинг ёгингарчилик билан ярим таъминланган лалмикор майдонларда тупроқ унумдорлигини сақлаш, тоза шудгордан сўнг иккинчи йил экилган бошоқли дон экинларини озиклантириш, тупроқдаги намликдан тежамли фойдаланишда органик ва минерал ўғитлар, абсорбентлар ҳамда биологик фаол моддаларнинг самарадорлигини ўрганиш юзасидан тадқиқот натижалари баён этилади.

РЕЗЮМЕ

В статье излагаются результаты исследований по изучению эффективности органических и минеральных удобрений, абсорбентов а также биологически активных веществ для сохранения плодородия почвы богарных полей республики с частичным обеспечением влагой, подкормки колосовых зерновых культур после новой пашни, экономичного использования почвенной влажности.

SUMMARY

The results of studies on the study of the effectiveness of organic and mineral fertilizers, absorbents and biologically active substances, while preserving the fertility of the soil of the country's rainfed fields with partial provision of moisture, feeding of grain crops after new arable land, economical use of soil moisture.

Наишга доц. М. Ҳакимова тавсия этган

ТОҒ ТУПРОҚЛАРИ АСОСИЙ ХОССАЛАРИНИНГ УНИФИКАЦИЯ ҚИЛИНГАН МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИ УЧУН АТРИБУТЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Джалилова Г.Т. (ЎЗМУ)

Таянч сўз ва иборалар: маълумотлар базаси, ахборот, мониторинг, тупроқ, тоғ ҳудуди, ГИС технологияси.

Тупроқ ресурсларини таҳлил қилишда янги ёндашувдаги тадқиқотлардан бири бу замонавий геоахборот технологияларни жорий қилиш бўлиб, бу тупроқ ресурс маълумотларини сақлаш, инвентаризация қилиш ва илмий – амалий жиҳатдан таҳлил қилишда жуда катта имкониятлар яратади. Бир вақтнинг ўзида охириги 20 йил ичида илмий тадқиқотлар бажарилиш жараёнига жадаллик билан географик ахборотлар тизими кириб келиши тупроқшуносликда илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш учун жуда яхши негиз шаклланди [9].

Шу билан бир қаторда шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, информатизация тупроқшуносликда тадқиқотлар олиб бориш учун анча қулайликлар яратмоқда. Сабаби анънавий усулларда олиб бориладиган тадқиқот ишларида тадқиқотчилар томонидан дала, лаборатория-таҳлилий ва камерал маълумотлар тўплаш, уларга ишлов бериш жуда кўп вақт талаб қилар ва тўпланган маълумотлар эса жуда кўп ҳажмдаги маълумотларни ташкил қилар эди. Замонавий технологияларни қўллаган ҳолда маълумотлар тўплаш, уларга ишлов бериш эса тадқиқотчилар учун анча енгилликлар, яъни ўрганилаётган объектнинг ҳар бир параметр ва кўрсаткичлари учун комплекс моделларини яратиш, уларни ягона информация ва бошқарув тизимига киритиш имкониятини яратди [5]. Айни вақтгача тупроқшуносликда бир қатор фойдаланилиши қулай бўлган маълумотлар базаси яратилган. Масалан “Ерларни тематик хариталаш учун тупроқ ресурслари маълумотлар базаси” [7], «Тупроқлар классификацияларининг автоматлаштирилган тизимлари» [8], “Ты-ва Республикаси тупроқ ва ўсимлик дунёси”[4], “Бошқирдистон тупроқлари” [3] ва ҳоказолар. Бироқ, таъкидлашимиз лозимки, республикамиз тоғ ҳудудлари тупроқларининг хосса-хусусиятларини ўз ичига олган маълумотлар базаси яратилмаган. Шу сабабли ҳозирги вақтда тупроқ ва тупроқ қоплами ҳақидаги маълумотлар манбаларидан фойдалана олиш имкониятига эга, истеъмолчи талабини қондира оладиган реал ва замонавий талабларга жавоб берувчи маълумотлар базасини яратиш жараёнига ўтиш айни муддао бўлар эди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда яратилган “Тоғ тупроқларининг асосий хоссаларининг унификация қилинган маълумотлар базаси” республикамизнинг турли тоғ тизмалари тупроқлари тўғрисидаги барча маълумотларни ўз ичига мужассамлаштирган. Ушбу маълумотлар базасини яратишдан мақсад, бизга маълумки, тоғ тупроқлари ҳар томонлама ўрганилган бўлиб, турли мақсадлар билан қисман хариталаш ишлари ҳам олиб борилган. Лекин катта ҳажмдаги маълумотлар мавжудлигига қарамай, улар ҳеч қандай тизимга солинмаган. Шу сабабли тадқиқот ишларни енгиллаштириш мақсадида маълумотлар махсус компьютер дастурлари асосида мақсадга кўра умумлаштирилди [2].

Ахборот – предметнинг хусусиятларидан бири бўлиб, ҳодиса, объектив фаолият жараёни ҳисобланади, инсон томонидан автоматлаштирилган бошқарув тизими орқали яратилади ва атроф-муҳитга бўлаётган таъсир ва унинг ички ҳолатларини ўзига қабул қилиш қобилиятларида акс эттирилади, шу билан бир қаторда маълумотларни тўплаш ва етказиб бериш имкониятига эга.

Маълумот эса бу атрибут ахборот ҳисобланиб, фактлар, тушунчалар, инструкцияларни англатади, асосан, шартли, жўнатиш, юбориш учун қулай кўринишда бўлиб, инсон томонидан ёки автоматик воситалар ёрдамида ишлов бериш ва интерпретация қилиш им-


кониға эға. Маълумотлар икки элемент кўринишида бўлиши мумкин: ахборот тавсифини (характери) кўрсатиб берувчи: масалан, гумус миқдори ва ахборот миқдорий тавсифини кўрсатиб берувчи: масалан, гумус миқдори 3–4 фоиз. Ўлчов бирлиги – бу ахборотларни тури, хосса-хусусиятларига кўра таснифланади. Хосса-хусусиятларига, келиб чиқишига, боғлиқлигига, алоқадорлигига кўра маълумотлар мажмуаси маълумотлар базасини ташкил қилади. Маълумотлар базаси бу – тартибланган маълумотларни сақловчи ва қайта ишловчи ахборот модели ҳисобланади. Соддароқ қилиб айтганда, бир хил турдаги ахборотларни ўзида сақловчи ва берилган сўровлар орқали уларни тақдим этувчи модель [10].

Тупроқшуносликда яратилган кўпгина тематик маълумотлар базаси географик ахборот технологиялари (ГАТ) учун атрибут база ҳисобланиб, улар асосида ГАТ да яратилган хариталар жуда кенг амалий ва назарий интерпретация қилиш имкониятларини яратади. [5]. Маълумотлар базаси бир вақтнинг ўзида маълумотларни қайта ишловчи ва қидирувчи тизими ҳам ҳисобланади. ГАТда маълумотлар базаси истеъмолчи учун ин-формацион хизмат ҳисобланади. Тупроқшуносликда маълумотлар базаси шакллантиришда қуйидагиларга: маълумотлар бир-бирига қарама-қарши бўлмаслигига, киритилган маълумотларга янгидан ишлов бериш имконияти бўлишига ва маълумотлар блокларини умумий параметр, кўрсаткичлари бўлишига аҳамият бериш лозим. Маълумотлар базаси катта ҳажмдаги маълумотлар сақлаш учун ихчамлиги, ахборотларга ишлов беришда оперативлик хусусиятига эгаллиги, ҳаққоний маълумотларни ўз ичига олиши, бир вақтнинг ўзида сўров ва натижа олиш билан биргаликда қоғозбозлик ишларини камайтириш, иш кучини камроқ сарф бўлиш ва вақт тежаш имкониятларини яратади [3].

“Тоғ тупроқларининг асосий хоссаларининг унификация қилинган маълумотлар базаси” ўз ичига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган Чотқол, Туркистон ва Нурота тоғ тизмалари тупроқлари тўғрисидаги маълумотларни жамлаган бўлиб, маълумотлар базаси Microsoft Office таркибига кирувчи Microsoft Access дастурида шакллантирилган. Ундан ташқари бу дастур алоҳида ўрнатишни талаб этмаслиги билан ҳам қулайдир. Дастурни ишга тушириш учун Microsoft Office таркибидаги Microsoft Access пиктограммаси устига сичқонча босилганда, амалий дастур ишга тушади ва экранда Access ойнаси пайдо бўлади (1-расм).

1-расм.

Экрандаги Access ойнасининг кўриниши



Маълумотлар базасидаги объект ва маълумот турлари қуйидагилардан иборат: Жадваллар (Таблицы) – Маълумотлар базасининг маълумотлар сақлайдиган асосий объекти. Сўров (Запросы) – Маълумотлар базасидаги маълумотларни тартиблаш, бирор керакли


маълумотни кидириб топиш каби вазифаларни бажаради. Кўриниш (Формы) – Маълумотлар базасига жадваллардаги маълумотларни киритишда қулайлик ёки жорий маълумотлар базасидаги маълумотлар устида фойдаланувчи учун қулай бўлган турли-туман шаклдаги кўриниш (форма)лар яратади.

Ушбу маълумотлар базасининг функционал имкониятлари шундан иборатки, у арид тоғ тупроқ ҳосил бўлиш шароитида тупроқ унумдорлигининг асосий диагностик кўрачкларини эрозия таъсирида ўзгаришини таҳлил қилиш имконини берувчи маълумотлар асосида тузилганлиги ва жамланганлигидир. Ушбу маълумотлар асосида сўров ўтказиш ёрдамида тупроқларнинг ҳозирги ҳолатини баҳолаш мумкин. Шунингдек, интернет тармоғида жойлаштирилган ушбу маълумотлар базасини Давлат таълим стандартлари ва меҳнат бозори талаблари асосида ўзгартириш, янги маълумотлар билан тўлдириб бориш, шунингдек, қайд қилиб борилган ёзувларни таҳрирлаш имкониятлари мавжуд. Маълумотлар базаси асосий тупроқларни таснифини акс эттирувчи 13 та жадвалдан иборат бўлиб (1-жадвал), улар орқали сўров ва турли кўринишдаги ҳисоботлар олиш мумкин. Маълумотлар базасининг жадвалларининг тузилмасини яратиш куйидаги босқичларни ўз ичига олган:

Маълумотлар базасининг янги жадвалини шакллантириш – маълумотлар базаси жадвал тузилмасини яратишдан бошланади. Ушбу жараён майдонлар номларини, уларнинг турлари ва ўлчамларини аниқлашни ўз ичига олади (2-расм).

2-расм.

Маълумотлар базасида шакланган жадваллар кўриниши




Маълумотларни киритиш ва тахрирлаш. Деярли барча жадвалларга маълумотлар киритиш ва уларни тахрирлаш имконини беради. Бу ишларни икки усулда, яъни жадвал кўринишида таклиф этиладиган стандарт шакллар ёрдамида ва фойдаланувчи томонидан махсус яратилган экранли шакллар ёрдамида бажариш мумкин.

Жадвалдаги маълумотларга ишлов бериш. Маълумотлар базаси жадвалларидаги маълумотларга сўров бериш йўли билан ёки махсус ишлаб чиқилган дастурни бажариш жараёнида ишлов бериш мумкин. «Запрос» (Сўров) деганда ёзувларни танлаш учун бериладиган кўрсатма тушунилади.

3-расм.

Маълумотлар базасининг массив схемаси



1-жадв.

Тоғ тупроқларининг асосий хоссаларининг унификация қилинган маълумотлар базаси

Жадвалларни умумлашган номи	Атрибутив маълумотлар
Тоғ тупроқларининг агрегатлик ҳолати	Код, кесма рақами, тупроқ номи, горизонт чуқурлиги (см), ғал-вир ўлчами, агрегатлар миқдори (гр), агрегатлар миқдори(фоиз)
Тоғ тупроқларининг механик хоссалари	Код, кесма рақами, тупроқ номи, горизонт чуқурлиги (см), йирик қум 0,25 мм дан катта, ўрта қум 0,25–0,1 мм, майда қум 0,1–0,05 мм, йирик чанг 0,05–0,01 мм, ўрта чанг 0,01–0,005 мм, майда чанг 0,005–0,001 мм, лойқа фракциялари 0,001 мм, физик лой суммаси (фоиз)
Тоғ тупроқларининг морфологик кўрсаткичлари	Код, кесма рақами, тупроқ номи, горизонт чуқурлиги (см), тупроқ ранги, тупроқнинг механик таркиби, тупроқ структураси, тупроқ зичлиги, янгидан пайдо бўлишлар, ўсимлик илдиздар, ҳашарот излари, кейинги горизонтга ўтиш хусусиятлари
Тоғ тупроқларининг умумий физик хоссалари	Код, кесма рақами, тупроқ номи, горизонт чуқурлиги (см), ҳажм оғирлиги(г/см куб), солиштирма оғирлик (г/см куб), ғовакилик, фоиз
Эрозияга мойиллиги	Код, тупроқ номи, эрозияланиш даражаси, қиялик экспозияси, қилик нишаблиги
Ўсимлик қоплами	Код, ўсимлик турининг ўзбекча номи, ўсимлик турининг русча номи, ўсимлик турининг лотинча номи.
Тупроқларнинг тошлоқлик даражаси	Код, кесма рақами, тупроқ номи, горизонт чуқурлиги (см), тизма > 5 мм, 5–3 мм, 3–2 мм, 2–1 мм, тошлар суммаси>3 мм (фоиз), Качинский бўйича тошлоқлик даражаси
Тупроқ қопламининг структураси	Код, кесма рақами, тупроқ номи, тупроқ ҳосил қилувчи она жинс, денгиз сатҳидан баландлиги (м).

Маълумотлар базасидан ахборотни чиқариш. Ҳар қандай маълумотлар базаси компьютер экранига ёки чоп этиш қурилмасига «Таблицы» (Жадваллар) ёки «Формы» (шакллар) ҳолатларидан маълумотни чиқаришга имкон беради ва фойдаланувчи маълумотларни чиқариш учун ҳисоботлар тузишнинг махсус воситаларидан фойдаланиш имкониятига эга (3-расм).

Юқоридаги қайд этилганлардан шуни хулоса қилиш мумкинки, яратилган маълумотлар базаси Республикамиз турли тоғ минтақасида тарқалган тупроқларнинг асосий хоссаларига, яъни тоғ тупроқларининг морфологик кўрсаткичлари, механик ва агрегат таркиби, физик хоссалари, шунингдек, ўсимлик қоплами ва тошлилик даражасига оид маълумотларни тизимли равишда ўз ичига олган ва қишлоқ хўжалиги, илмий тадқиқотлар ва олий таълим муассасаларида қўлланилиш имкониятини яратади. ЭҲМ типи: IBM, Pentium ва юқори. Дастур тили: Microsoft Access. Операцион муҳит: Ms Dos, Windows 95 ва юқори. Маълумотлар базасининг ҳажми: 12,7 Мб.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Александрова С.В. Система информационного обеспечения исследований углеродного и азотного циклов в агроэкосистемах Средней Сибири // Автореф. дис... канд. биол. наук. – Красноярск, 2001. – 21 с.

2. Гафурова Л.А., Джалилова Г.Т. Современный подход к изучению эрозионноопасных земель бассейна Сукокская с применением ГИС технологии. – Т.: Fan va texnologiya, 2017. – 144 с.

3. Давлетшина М.Р. Вопросы разработки базы данных «Почвы Башкортостана» // Вестник Огу, – №12 (131), 2011. – 62 с.

4. Донгак Б.А. Электронная база данных «Растения Республики Тыва» как пример оцифровки перечня биологических видов и экосистем // «Биоразнообразие и сохранение генофонда флоры, фауны и народонаселения Центрально-Азиатского региона»: – Кызыл: РИО ТувГУ, 2011. – 167 с.

5. Джалилова Г.Т. Информационно-аналитические системы при агрохимическом мониторинге состояния почв // Иригация и мелиорация. – №1 (7), 2017. – 22 с.

6. Жуланова В.Н., Александрова С.В., Чупрова В.В. Создание информационной базы данных агроэкологического мониторинга реперных участков Тувы (методический подход) // Вестник КрасГАУ, – №5. 2012. – 288 с.

7. Михайлов И.С., Непомнящий Г.М. Опыт использования ЭВМ для интерпритации данных о почвенном покрове при земельном тематическом картографировании // Сб. науч. тр. Почвенного института им. В.В. Докучаева. – М., 1988. – 121 с.

8. Рожков В.А., Столбовой В.С. Построение классификации почв СССР с использованием автоматизированной системы // Сб. науч. тр. Почвенного института им. В.В. Докучаева. – М., 1988. – 99 с.

9. Савин И.Ю.. Анализ почвенных ресурсов на основе геоинформационных технологий. Автореф. дисс... док. с. х. наук. – Москва, 2004. – 47 с.

10. Серебряк С.Н. Общие положения о банках данных в тематической картографии. Изд-во Московского университета. – Москва, 1977. – 5 с.

11. Татаринцева О.П., Крыщенко В.С. Применение базы данных Южного Федерального округа в почвенных исследованиях. Материалы V Всерос. съезда почвоведов им. В.В. Докучаева. – Ростов н/Д: ЗАО «Ростиздат». 2008. – 504 с.

12. Четвериков В.Н., Ревкунов Г.И., Самохвалов Э.Н. Базы и банки данных. – М.: Высш. шк., 1987.

РЕЗЮМЕ

Мақола замонавий картографиянинг долзарб масалалари – тематик картография учун географик маълумотлар банкни ташкил қилишга бағишланган.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящена актуальным вопросам современной картографии – организации банков географических данных для тематического картографирования.

SUMMARY

The article is devoted to topical issues of modern cartography-organization of geographic data banks for thematic mapping.

Наишга доц. П.Қурбонов тавсия этган

**СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДА РАҚОБАТ МУҲИТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ**

Дилшодов М. Д., Турсунов Б.О. (ТМИ)

Таянч сўз ва иборалар: *ижтимоий-иқтисодий тараққиёт, бозор иқтисодиёти, бозор механизми, рақобат муҳити, ҳудудий номутаносиблик, тиббий хизматлар, солиқ имтиёзлари*

Ўзбекистоннинг ўзига хос ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлида ижтимоий соҳа фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган юксак эътибор туфайли инсон манфаатлари энг юқори даражага кўтарилди. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш орқали инсоннинг илмий-ижодий салоҳиятини намоён этиш учун мавжуд шароит ва қулайликларнинг яратилиши натижасида фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт каби соҳаларда қатор ижобий ўзгаришларга эришилди. Айниқса, соғлиқни сақлашнинг замонавий ташкилий тузилмасининг шакллантирилиши, аёллар ва болалар соғлиғини сақлаш, бўлғуси оналар соғлиғи ҳолати устидан назорат қилиш тизими тубдан такомиллашди, аҳолини вирусли ва юкумли касалликлардан ҳимоя қилишда зарарланиш манбаларини профилактика қилиш ва тугатишга қаратилган чора-тадбирларнинг доимий тартибда амалга оширилиши натижасида аҳоли саломатлиги сезиларли даражада мустаҳкамланди, оналар ўлими – 3,2, болалар ўлими 3,4 баробарга камайди, ўртача умр кўриш даражаси 66 ёшдан 74 ёшгача, аёллар ўртасида эса 76 ёшгача узайди [3].

Соғлиқни сақлаш тизимида эришилган қатор ютуқлар билан бирга айрим камчиликлар ҳам кўзга ташланади. Бу борадаги мавжуд камчиликларни бартараф этишнинг самарали тизимини шакллантириш долзарб масала эканлигини алоҳида таъкидлаган Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида қуйидагича тўхталиб ўтди: «...қишлоқ врачлик пунктлари, юқори технологиялар асосидаги ихтисослашган марказлар ва тез тиббий ёрдам станциялари бўйича мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва уларга доир топшириқларни амалга ошириш юзасидан таклифларни ва тегишли ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашни тезлаштириш зарур.., врачлар ва тиббиёт ходимлари малакасини ҳам мамлакатимизда, ҳам етакчи хорижий клиникаларда ошириш бўйича таъсирчан тизим яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш даркор» [2].

Юқорида кўзда тутилган масалаларнинг ижобий ечимини таъминлаш ва соҳа фаолиятида замонавий фан-техника ютуқларидан фойдаланиш жараёнларини такомиллаштиришда давлат механизмидан мақсадли фойдаланиш билан бирга соҳада бозор механизми таъсирини ошириш мақсадга мувофиқ. Бу борада рақобат муҳитини самарали ташкил этишда зарурий шарт-шароитлар яратиш талаб этилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 апрелда «Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2863-сонли Қарори мазкур йўналишни мувофиқлаштиришга қаратилган вазифаларни тизимлаштириш ва ижросини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу қарорга асосан хусусий тиббиёт муассасалари фаолиятини такомиллаштириш йўналишларини ислоҳ қилиш талаб этилади. Қарорнинг қуйидаги асосий йўналиш ва вазифалари соҳада рақобат муҳитини шакллантиришга самарали таъсир кўрсатади:

– мамлакатимизнинг барча ҳудудларида хусусий тиббиёт муассасалари тармоғи фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтириш учун қулай шароитлар яратиш;

- соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторнинг барқарор ривожланишига тўсқинлик қилаётган масалаларни тизимли ҳал этиш;
- хусусий тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий тиббиёт ускуналари, махсус инвентар ва асбоблар билан жиҳозлаш;
- тиббиёт ихтисосликлари турига мос келадиган ва санитария норма ҳамда қоидалари талабларига жавоб берадиган бино ва хоналар билан таъминлаш;
- хусусий тиббиёт муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш ва бошқалар [1].

Сўнгги йилларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида хусусий тиббиёт муассасалари тармоғи фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга қаратилган юксак эътибор натижасида хусусий тиббиёт муассасалари сони 2 баробарга кўпайиб, 3,5 мингтага етди. Уларни юқори технологияли тиббиёт техникаси билан жиҳозлаш даражаси 3 баробар ошди [4]. Айниқса, стоматология, лаборатория ташхиси, терапия, физиотерапия, неврология ва бошқа соҳаларга ихтисослашган хусусий тиббиёт муассасалари ривожланди.

Соғлиқни сақлаш соҳасида рақобат муҳитини такомиллаштириш жараёнига бугунги кунда энг катта таъсир кўрсатувчи омил бу – кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш борасида сифатли ва самарали тизимни шакллантириш ҳисобланади. Зеро, замонавий жиҳатдан тўла таъминланган тиббиёт муассасалари фаолиятида малакали тиббий хизматларни кўрсатувчи мутахассисларга талаб ҳажми ортиб боради. Ўз навбатида ушбу масала соғлиқни сақлаш соҳасида рақобат муҳитини шакллантиришнинг етакчи мезонларини шакллантиришга таъсир кўрсатади.

Агарда рақамларга эътибор берилса, аҳоли саломатлигида кундалик муаммога айланиб қолган касаллик турларини даволашга хизмат қилувчи шифокорларга талаб ҳажми ортиб бормоқда. Ушбу йўналишлар орасида энг юқори кўрсаткични қайд этган тиббиёт соҳалари: стоматология, лаборатория ташхиси, терапия, физиотерапия ва неврология ҳисобланади.

Охириги йилларда шифокорларнинг ихтисослик бўйича таҳлил натижалари ҳам мазкур йўналишларда тайёрланган мутахассислар салмоғи юқори эканлигидан далолат беради (1-жадвал).

1-жадв.

Ўзбекистон Республикасида 2013–2016 йилларда шифокорларнинг айрим ихтисосликлар бўйича тақсимланиши (минг киши ҳисобида) [4]

	2013	2014	2015	2016
Терапевтик ихтисослиги бўйича	26,9	28,0	28,4	29,2
Шу жумладан жисмоний тарбия ва спорт бўйича шифокорлар	0,1	0,1	0,1	0,1
Жарроҳлик ихтисослиги бўйича	10,5	11,1	11,4	10,9
Акушер-гинекологлар	5,9	5,7	5,8	5,7
Педиатрлар	8,1	7,5	7,0	6,5
офтальмологлар	1,5	1,6	1,6	1,7
отоларингологлар	1,7	1,7	1,8	1,8
фтизиатрлар	1,2	1,2	1,2	1,2
невропатологлар	2,5	2,6	2,7	2,7
психиатрлар	1,0	1,1	1,1	1,1
наркологлар	0,4	0,5	0,4	0,5
дермато-венерологлар	1,2	1,2	1,2	1,2
стоматологлар	7,6	7,1	7,4	7,6
санитария-эпидемиология гуруҳ шифокорлари	4,4	4,5	4,6	4,6
рентгенологлар ва радиологлар	1,2	1,2	1,3	1,4
онкологлар	0,9	0,8	0,8	0,7
Жами	81,7	82,0	83,4	84,1

Жадвал маълумотларига асосланиса, 2013 йилда жами шифокорлар таркибида терапевтик ихтисослиги бўйича шифокорларнинг улуши қарийб, 33 фоиз, 2016 йилда 34,8 фоизни ташкил этган. Ушбу йилларда тиббиётнинг мазкур йўналишида мутахассисларнинг ўртача йиллик ўсиши 575 кишини ташкил этган.

Тиббий ихтисосликлар бўйича мутахассислар тақсимоотида кейинги энг юқори кўрсаткични жарроҳлик ихтисослиги бўйича мутахассислар эгаллайди. Ушбу соҳанинг жами тиббиёт мутахассислар салмоғидаги улуши 2016 йилда қарийб 13 фоизни ташкил этган.

Стоматология соҳасидаги мутахассислар эса 2016 йилда жами тиббиёт ходимларининг 9 фоиз кўрсаткичини қайд этган ҳолда учинчи ўринни эгаллайди.

Шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасида фаолият кўрсатишдаги мавжуд муаммо соғлиқни сақлаш хизматларини кўрсатишда ҳудудий номутаносибликларни ҳам келтириб чиқармоқда. Хусусан, юқори малакали мутахассислар ва моддий-техник таъминотнинг юқори салмоғи ҳисобидан соғлиқни сақлаш соҳасида пулли хизматларни ташкил этиш ҳудудлар ўртасидаги тафовут кескин фарқланиш хусусиятига эга (2-жадвал).

2-жадв.

Худудлар бўйича соғлиқни сақлаш соҳасидаги пулли хизматлар
(амалдаги нархларда, млн.сўм ҳисобида) [4]

	2013	2014	2015	2016
Ўзбекистон Республикаси	671,9	868,1	1100,4	1416,3
Қорақалпоғистон Республикаси вилоятлар:	13,4	17,8	24,6	35,0
Андижон	35,5	47,0	58,2	74,8
Бухоро	44,5	54,9	70,3	90,0
Жиззах	14,8	19,5	27,2	36,1
Қашқадарё	20,6	28,2	38,3	44,4
Навоий	10,8	12,3	17,9	24,0
Наманган	41,6	56,4	65,3	82,6
Самарқанд	47,6	66,6	82,7	103,9
Сурхондарё	20,8	29,0	37,6	42,8
Сирдарё	9,9	13,5	16,5	20,6
Тошкент	65,9	83,6	110,4	127,4
Фарғона	65,3	84,1	102,1	131,9
Хоразм	20,5	28,2	33,1	45,5
Тошкент ш.	260,7	327,0	416,2	557,3

Жадвал маълумотларига асосан 2013 йилда ҳудудлар бўйича соғлиқни сақлаш соҳасидаги пулли хизматларни ташкил этишда Тошкент шаҳри 38,8 фоиз кўрсаткич билан мутлоқ устунликни қайд этган бўлса, 2016 йилда мазкур ҳудуднинг республикада соғлиқни сақлаш соҳасидаги пулли хизматларни ташкил этишдаги умумий улуши 39,3 фоизни ташкил этмоқда. Бу борада энг паст кўрсаткични 2016 йилда 1,45 фоиз билан Сирдарё вилояти эгаллайди.

Соҳа фаолиятига дахлдор шу каби қатор муаммолар тиббиётда кадрлар қўним-сизлигининг ортиб бориши, ҳудудларда тиббий хизмат кўрсатиш сифатининг пасайиши каби ҳолатларни кескин ортиб боришига сабаб бўлади. Бизнингча, бу каби қатор муаммоларнинг самарали ечимини таъминлашда рақобат муҳитини ташкил этиш билан боғлиқ қуйидаги омилларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

– соғлиқни сақлаш соҳасининг самарадорлик кўрсаткичлари узоқ даврни тақозо этганлиги сабабли соҳада хизмат кўрсатувчи хусусий соғлиқни сақлаш муассасалари учун солиқ имтиёзларини белгилаш;

– хусусий тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини такомиллаштириш мақсадида уларнинг замонавий тиббиёт асбоб-ускуналарига бўлган эҳтиёжларини молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилган кредитлар ҳажмини ошириш ва имтиёзли кредитлар бериш тизимини жорий этиш;

– кадрлар муаммосини ҳал қилишда ҳудудларда ортиб бораётган касаллик турларига нисбатан ёндашувни ташкил этиш;

– тиббий хизматларни кўрсатишда ҳудудий тафовутлар даражасини пасайтиришга қаратилган имтиёзлар дастурини шакллантириш ва бошқалар.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 апрелда «Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2863-сонли Қарори.

2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза. 2017 йил 14 январь. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 20.

3. Куронбоев Қ.Қ., Маджидов И.У., Ходиев Б.Ю., Умурзоқов Ў.П., Бекмуродов А.Ш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиядаги нутқини ўрганиш бўйича илмий-оммабоп рисола. – Т: Маънавият, 2017. – Б. 5.

4. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий ахборот сайти маълумотлари.

РЕЗЮМЕ

Мақолада соғлиқни сақлаш соҳасида рақобат муҳитини такомиллаштиришнинг мавжуд муаммолари тадқиқ этилган ва уларни бартараф этишга доир таклиф ва тавсиялар умумлаштирилган.

РЕЗЮМЕ

В статье исследованы проблемы совершенствования конкурентной среды в сфере здравоохранения, обобщены предложения и рекомендации по их устранению.

SUMMARY

The available problems in improvement of the competitive environment of health sector are investigated in this article and offers and recommendations about their elimination are generalized.

Наишга доц. Г.Эркаева тавсия этган

ТЕМУРШУНОСЛИККА ҚЎШИЛГАН САЛМОҚЛИ ҲИССА

2017 йил “Янги аср авлоди” нашриётидан профессор П.Равшановнинг “Темурийлар силсиласи” номли тарихий романи босилиб чиқди¹. Бу асарда юртбошимиз “Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуг аждодларимиз бор”² деб таъкидлаганларидек, ўзбек улуси тарихининг энг ёрқин даврлари бадиий талкинда ёритилади.

Жаҳон ва Ватанимиз тарихида ҳазрати Амир Темур (1336–1405) асос солган буюк салтанат ўзига хос салмоқли ўринга эгадир. Соҳибқирон ва унинг ворислари Туркистон, Хуросон, Форс, Озарбайжон ва Араб дунёсида бир ярим асрга яқин ҳукм суриб, марказлашган салоҳиятли туркий давлат ташкил этишган эди.

Бу “олтин давр” – “Темурийлар Ренессанси” (“Муслмон Ренессанси”, “Шарк Ренессанси”) номи билан тарихга абадий муҳрланди. Таниқли темуршунос олим, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али таъкидлаганидек: “Амир Темур тарихи ёлғиз бир шахс тарихи эмас, у бус-бутун миллат, мамлакат, демакки жаҳон тарихидир” (Муҳаммад Али. Буюк тарих сабоқлари. “Ўзбекистон овози”, 2007 йил 1 ноябрь).

Ўтган даврда жаҳон ва Ватан тарихида темуршунослик йўналиши шаклланиб, бу устувор мавзуда Ғарбда мингдан зиёд, Шарқ оламида эса икки мингдан ортиқ асарлар нашр этилди (Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х. Амир Темур в зеркало мировой науки, Т., 1999). Бу соҳада илмий тадқиқотлар сони тобора ошиб бормоқда. Юртимизда ҳам XIV аср охирида Ғиёсиддин Алининг “Ҳиндистонга юриши кундалиги” (1399) асари яратилганидан бошлаб ҳозиргача бу йўналишда кўплаб тадқиқотлар амалга оширилди. Мазкур йўналишда истиқлолдан сўнг салмоқли изланишлар олиб борилдики, бу алоҳида ва кенг қамровли илмий таҳлилни талаб қилади, албатта.

Аммо, Шўролар даврига назар ташласак, бу йўналишда илмий тадқиқотлар олиб бориш, асосан ҳукмрон мафкура измида эди. 1941 йил июнида Соҳибқирон ва авлодлари хилхонаси очилиб, руҳлари безовта қилинди. Лекин Қизил империя тазйиқларига қарамадан бу йўналишда маълум изланишлар ҳам олиб борилди.

1948 йилда шарқшунос М.Абдурайимов “Темур ва Тўхтамиш” мавзусида номзодлик диссертацияси ёқлади ва бу иш “Шарқ юлдузи” журналида (1999 йил 11-сон) босилди ва кейинчалик рисола шаклида нашр этилди (Т., 2001). Устоз академик И.Мўминовни Москвага сотганлар ҳам, ёмонотлик қилганлар ҳам ўзимизнинг ўша пайтдаги “ёш шарқшунос”ларимиз экан. Афсуски, уларнинг барчаси бу ёруғ дунёдан ўтганлиги сабабли исм-шарифларини келтиришдан ўзимизни тийиб туришни лозим топамиз.

1968 йил 5 июнида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилишида академик И.Мўминов “Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли” мавзуида маъруза қилган ва кўп ўтмасдан мазкур маъруза рисола шаклида нашр этилди (Т., 1968. рус тилидан Н.Ғойиёв таржима қилган). Ушбу мўъжаз рисола ҳақидаги тарихий ҳақиқат Н.Ғойиёвнинг “Донишманд” (Н.Ғойиёв “Донишманд”, Т., 2008.) китобида муфассал ёритилган. Ўтган йили таниқли тарихнавис олим профессор Ҳ.Бобобековнинг Турон Фанлар академияси Ахборотномасида бу ҳақдаги хотиралари босилиб чиқди (Турон ФА Ахборотномаси, 2016 йил, 3-сон, Б.93-102).

Рус олимлари Б.Д.Греков, А.Ю. Якубовскийларнинг “Олтин Ўрда ва унинг қулаши” номли салмоқли китоби нашр этилди (Т., 1956). Мазкур асардаги Амир Темур давлатининг кучайиши тўғрисидаги бўлимни А.Ю.Якубовский ёзган.

¹ Равшанов П. Темурийлар силсиласи: тарихий роман. – Т.: Янги аср авлоди, 2017. – 480 б.

² “Халқ сўзи” газетасининг 2017 йил 26 май сони.

1967 йилда Алихон Тўра Соғуний (1885–1976) томонидан “Темур тузуклари” форс тилидан ўзбекчага ўгирилиб, парчалари “Гулистон” журнаlining 8-сонида босилиб чиқди ва тезда тўхтатиб қўйилди.

Рус тилида Н.Остроумов раҳбарлигида “Темур тузуклари”ни фиксимил варианты (1899) академик И.Мўминов сўзбошиси билан 1968 йилда қайта нашр этилди, аммо дарҳол китоб дўконлари пештахтасидан йиғиб олинди. “Темур тузуклари”дан парчалар шарқшунос Ҳ.Кароматов томонидан 1989 йилда Алихон Тўра Соғуний таржимаси асосида “Шарқ юлдузи” журнаlining 8-сонида босилган эди. Бу асар рисола шаклида 1991, 1996 йилларда нашр этилди. Кейинчалик Биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг мухтасар сўзбошиси билан 2011 йилда ва кейинги йилларда ҳам янгитдан чоп этилди.

Шарқшунос олим У.Уватов қийинчиликларга қарамасдан машҳур араб муаррихи Ибн Арабшоҳнинг “Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур” (“Темур тарихида тақдир ажойиботлари”) асари бўйича номзодлик диссертациясини ёқлади (1974). Кейинчалик бу асосида Ибн Арабшоҳнинг “Амир Темур тарихи” номли икки жилдли салмоқли китоби ҳам нашр этилди (Т., 1992).

Профессор О.Тоғаев Испания (Кастилия) элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг “Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403–1406 йиллар)”ни (М.М.Срезневский нашридан, 1881) русчадан таржима қилиб, “Санъат” журнаlining 1989 йилги 9–12, 90–йилдаги 1–10 сонларида нашр эттирди. Ушбу кундаликлар таниқли журналист М.Сафаровнинг саъй-ҳаракатлари туфайли алоҳида китоб шаклида босилиб чиқди (Руи Гонсалес де Клавихо. “Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403–1406 йиллар)” Т., 2010).

Ўтган асрнинг 60-йилларида академик И.Мўминов ташаббуси билан Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институтида ташкил этилган Амир Темур тарихи ва манбаларини ўрганиш бўлими ҳам ёпиб қўйилди. 1969 йил сентябрь ойи бошида Халқаро ЮНЕСКО томонидан Самарқанд шаҳрида ўтказилган Амир Темур ва темурийлар давридаги Марказий Осиё санъати ва маданиятини ўрганиш бўйича халқаро илмий конференция ҳам ёпик эшиклар остида ўтказилди.

1972 йилда Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асари 1500 нусхада чоп этилди, бир қисми сотувга чиқмасдан китоб дўконларидан йиғиб олинди. 60-йилларда Ю.Ҳакимжонов томонидан форс тилидан таржима қилинган Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома” асари ҳам ёруғ дунёни кўрмади.

Ўтган асрнинг 70-йилларида собиқ Иттифоқ микёсидаги марказий ва республикамиз нашрларида Амир Темур шахсига қарши А.П.Новосельцев, М.Абдурахимов, Р.Набиев, М.Ваҳобовларнинг мақолалари нашр этилди. Соҳибқиронни “саводсиз”, “босқинчи” бўлганлиги Н.Маллаев, Г.Ҳидоят, М.Исҳоқова, В.Костецкий асарларида ҳам баён қилинди. Ваҳоланки, бу даврда хорижда Амир Темур ва темурийлар тарихи бўйича кўплаб асарлар яратилган эди (Х.Хукхэм, Ф.Манс, Е.Росс, Р.Гроссе, Ханс Роберт Ремер, Л.Керен, С.Россати, Жан Поль Ру, Б.Форбес, Ж.Вудс ва бошқалар).

Йирик библиограф олим Б.В.Лунин 60–70-йилларда Амир Темур ва темурийлар даври тарихнавислигига оид тадқиқотлари рўйхатини нашр эттирди, библиографик кўрсаткич тузди ва таснифлади.

Машҳур моҳар сайёҳи ва олими Ҳ.Вамберининг Амир Темур ва темурийлар даври тарихини ўз ичига олган (“Амир Темур”, “Темурнинг шахси, саройи ва турар жойи”, “Темурийлар”) “Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи” китоби ҳам нашр этилди (тўпловчи С.Аҳмад, Т., 1990).

Ўтган XX аср 80-йиллари ўрталарида собиқ Иттифоқда бошланган ошкоралик ва демократия эпкинлари ўтмиш тарихимизни, хусусан Амир Темур бой тарихий меросини ўрганишга ҳам қулай шарт-шароитлар туғдирди. Соҳибқирон тарихини ўрганишда бобокалонимизнинг юртдошлари қашқадарёликлар яловбардорлик қилишган, десак, асло муболаға бўлмас. Буни ўша вақтдаги Қашқадарё вилоятининг биринчи раҳбари И.А.Кари-

мов ҳам тўла қўллаб-қувватлаган эди (Бу ҳақда батафсил қаранг: П.Равшанов “Қашқадарё истиқлол арафасида: 1986–1989”. Т., 2003; “Авлоднома” Т., 2017.).

У.Уватов, О.Тоғаевнинг сермазмун нашрларидан сўнг ҳозирги Қарши давлат университетининг профессори Поён Равшановнинг “Ёшлик” журнали 1989 йил 10-сонида босилган “Соҳибқирон муҳри” мақоласи катта қизиқишга сабаб бўлди. Олим кўп ўтмай Салоҳиддин Тошкандийнинг “Темурнома” асарини нашрдан чиқарди. Бу китоб 1990–1991 йилларда икки юз мингдан, икки йилда жами тўрт юз минг нусхада босилиб чиқди. Бу шаклланаётган темуршуносликда катта воқеа эди (Салоҳиддин Тошкандий. Темурнома. Амир Темур Кўрагон жангномаси. Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва луғат муаллифи П.Равшанов. Т., 1990, 1991.).

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Республикада хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, профессор Поён Равшановнинг 50 йилдан зиёд илмий-ижодий фаолиятига назар ташласак, унинг истиқлолдан сўнг темуршунослик соҳасидаги тадқиқотлари анча салмоқли эканлигига гувоҳ бўламиз. Мустақиллик йилларида ниҳоятда бу сермаҳсул олимнинг ушбу йўналишдаги кўплаб салмоқли китоблари нашр этилди: “Завол” (Т., 1991), “Амир Темур туғилган жой ёхуд Занжирсарой қиссаси” (ҳаммуаллифликда, Т., 1991), “Амир Темур ватани” (Қарши, 2001), “Темурбек ва амир Ҳусайн қиссаси”. Достонлар. (Қарши, 2005), “Амир Темур сулоласи” (Т., 2014, 2015), “Оқсарой тарихи” (Т., 2016), “Темурийлар силсиласи” (Т., 2017).

Шунингдек, олимнинг “Қашқадарё тарихи” (Т., 1995), “Туркий қавмлар тарихи” (Т., 1995), “Нахшаб ва Кеш тарихи манбалари” (Қарши, 2005), “Қарши тарихи” (Т., 2006), “Шаҳрисабз тарихи” (Т., 2011), “Султон Мир Ҳайдар Ота даражоти” (Т., 2014) ҳамда “Сайланма” (1-жилд, Т., 2005; 2-жилд, Т., 2006; 3-жилд, Т., 2011) китобларининг бобларида ҳам темурийлар тарихи ҳақида теран мулоҳазалар мавжуд. Бунга олимнинг кўплаб газета, журнал ва илмий тўпламлардаги мақолалари кирмайди, албатта. Унинг 60 дан зиёд салмоқли китоблари, нашр этилган барча мақола, шеърӣ манзума ва илмий тадқиқотлари мухтасар рўйхати тузилса, ўзи бир катта рисола бўлиши табиийдир.

Биринчи Президентимиз И.А.Каримов ўз вақтида таниқли темуршунос олим П.Равшанов сермаҳсул ижодига юксак баҳо берган эди: “Мен Поён Равшановни жуда ҳурмат қиламан. Фидойи олим, ҳақиқий ватанпарвар. Унинг асарлари орқали ёшлар тарихимизни билиб олади. Умуман, мактабларда унинг асарлари фан қилиб ўқитилиши керак” (П.Равшанов. Авлоднома: мемуар роман, 1-2 к., Т., 2017. Б.609.).

Қаҳрамон шоиримиз Абдулла Орипов ҳам устоз Поён Равшановнинг самарали ижоди ва илмий изланишларини эътироф этганди: “Поён Равшанов “Қашқадарё тарихи”ни яратиб, инсоф юзасидан айтиш жоизки, ўзига ҳайкал тиклади. Бу салмоқли асар воҳанинг қарийб уч минг йиллик кечмишини қамрайди. Бу хилдаги китобларни ёзиш учун билимдан ташқари катта қалб, юртга буюк муҳаббат бўлмоғи лозим, албатта. Дўстимизда булар жамулжам” (Шу асар. – Б. 660).

Поён Равшановнинг кейинги “Темурийлар силсиласи” (– Т.: “Янги аср авлоди”, 2017) номли салмоқли китобига алоҳида тўхталадиган бўлсак, асар муқаддима, ўн бўлим ва хотимадан иборат. Китобдан “Тарихни ўзгартирган малика”, “Тахт ғурбати”, “Қаттол тож. Заҳролуд май”, “Болакай шоҳ қисмати”, “Тахт ё тахт! Завол”, “Падаркуш ва интиқом”, “Саратондаги бўрон”, “Султон Абу Саъид Мирзо”, “Ҳусайн Бойқаро Мирзо”, “Бошбошдоқлик ўпқони ёхуд сулола интиқоси” каби ранг-баранг, сермазмун боблари ўрин олган.

Романда XV асрнинг иккинчи ярми Шохруҳ ва Улуғбек Мирзолар вафотидан сўнг Туркистон ва Хуросонда подшоҳлик қилган темурийзодалар, уларнинг тожу тахт йўлидаги ўзаро курашлари, қисмати алоҳида мавзу қилиб олинган. Асарда тарихий манбалар асосида даврнинг ўта чигал манзараси, парокандалик авжи, қаттоллик сабаблари баён қилинган.

Китобга 1447 йилдан то 1507 йилга қадар кечган воқеа-ҳодисаларда Гавҳаршод Бегим, Улуғбек Мирзо, Алоуддавла, Иброҳим Султон, Абулқосим Бобур, Шоҳ Маҳмуд, Аб-

дулатиф, Абдуллох, Султон Аҳмад, Абу Саъид, Ёдгор, Хусайн Бойкаро, Султон Муҳаммад, Умаршайх, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бойсунғур, Султон Али Мирзолар иштироки, тутган ўрни тадқиқ ва тасвир доирасига киритилган. Ва нуфузли маккор маликалар Ҳадича ва Зухрабегимлар қиёфаларига ҳам чизгилар берилган.

Китобда муаллиф мавзу доирасида туркман, мўғул ва Дашти Қипчоқ сардору хонлари тажовузи, ички ишларга аралашуш манзараларини ҳам ёритишга интилган. Йўл-йўлакай Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида ҳам мушоҳада юритган. Туркман сардори Жаҳоншоҳ, Амир Ҳасанбек, мўғул хонлари Юнусхон, Султон Маҳмудхон, Дашти Қипчоқдан Абулхайрхон ва Муҳаммад Шайбонийхонларнинг Туркистон ва Хуросон ички ишларга аралашуви ва мамлакатни эгаллаш, талаш йўлидаги ғаразли ишлари, қўшин тортиб келишлари, мўғулларни ва эл-улусни танг аҳволга солиб қўйишлари баён этилган.

Тақриз қилинаётган китобдан ҳозирги давргача муфассал ёритилмаган Ёдгор Мирзо, Муҳаммад Жўгийларга ҳам саҳифалар ажратилган. Ёдгор Мирзонинг тарихи, унинг Ҳирот тахтини эгаллаш сабаблари бирламчи манбалар асосида баён этилган. Абдулатиф Мирзонинг ўгли Муҳаммад Жўгийннинг Туркистондаги узоқ давом этган исёнлари, Абу Саъид Мирзо ҳокимиятига жиддий тўғаноқ бўлганлиги, унга қарши олиб борилган курашлар моҳияти очиқ берилган.

Асарда мумтоз адабиётимиз тарихида темурийларни танқидий равишда тасвирлаш “Шайбонийнома” муаллифи Муҳаммад Солихнинг отаси Абу Саъид Мирзо ривоят қилган Нур Саъидбекнинг ҳатти-ҳаракатлари теранроқ ёритилган. Шоирнинг Темурийзодалардан юз ўгириши, Шайбонийхон хизматига кириб унинг кўкларга кўтариб мақташлари сабаблари ҳам янада ёрқин баён этилган.

Темурий мирзоларнинг муросадан узоқ, мутгасил ёвлашуви, ташки тажовуз ва бекликларга йўл очганлиги, натижада Соҳибқирон Амир Темур асос солган буюк салтанатнинг емирилиши, интиҳосига сабаб бўлганлиги теран талқин этилган. Ушбу “Темурбеклар силсиласи” романи олимнинг 2014–2015 йилларда нашр этилган “Амир Темур сулоласи” китобининг мантиқий давоми сифатида Темурийлар тарихи, қолаверса, Ватанимиз ўтмиши ва кечмиши билан қизиқувчиларга мўлжалланган. Демакки, П.Равшановнинг бу иккала салмоқли китоблари кўп йиллик сермашаққат меҳнати самараси ҳисобланади.

Муаллиф ўз китобида таъкидлаганидек: “Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари кечмишига академик И.Мўминовнинг машҳур рисоласи сабаб қизиқиб қолганман ва бу туйғу ҳамон қалбимда жўшқин оқим янглиғ далда ва даъват боиси бўлиб келади. Халқимиз кечмишини уммондан томчилаб йиққаним, ўзимча шаффоф ва зилол деб билганим икки ҳовучини – икки китобни сизга илиндим” (Амир Темур силсиласи. Б.8).

Китобнинг хулоса қисмида таъкидланганидек, “Буюк Амир Темур бобомиз бунёд этган, овозаси дунёни тутган, миллатимиз довруғини ёйган, аҳли жаҳонни бир сира тан олдирган, тараққиёт ва адолатнинг мезони даражасига кўтарилган салтанат тарих саҳифаларида зарҳал ҳарфлар билан ёзилиб, мангулик қаҳқашонида муқим қолади” (Темурийлар силсиласи. Б.475).

Хулласки, буюк Соҳибқирон Амир Темур ва авлоди тарихи – ҳаёт сабоғи, унинг мутолааси келажак йўлимизни ёритади, олға боришимизда муҳим таянч вазифасини бажаради. Шу боисдан, таниқли олим Поён Равшановнинг “Темурийлар силсиласи” салмоқли китоби Ўзбекистон темуршунослигига қўшилган салмоқли ҳисса, десак, асло муболаға бўлмайди.

Устоз Поён Равшановнинг ҳар бир китоби ва асаридаги мавзулар ниҳоятда долзарб, ранг-баранг бўлиб, бири иккинчисини асло такрорламайди, китобхонларда катта таассурот қолдиради. Устознинг оғзаки (воизлик) ва ёзма нутқлари ҳам бир хил, яъни уйғун ҳолатда, ниҳоятда юксак даражададир. Бундай фазилатларни санокли олимлардагина учратиш мумкин. Ҳозирги пайтда бундай нуқтадон олимлар сирасига

У.Уватов, А.Саидов, Р.Сулаймонов, Р.Шамсутдинов, А.Эркаев каби ижтимоий фанлар соҳасининг етук вакиллари хам киритиш мумкин.

Мамлакатимизнинг таниқли олими П.Равшановнинг номи кўпчиликка яхши таниш, юртимизда китоблари кириб бормаган хонадон йўқ, деярли. Шу боисдан ҳам таниқли олимнинг сермахсул ижоди ва изланишлари бўйича махсус рисоалар, китоблар яратса арзийди. Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев 2016 йил 16 ноябрда Шаҳрисабз туманида Қашқадарё вилояти сайловчилари вакиллари билан учрашувдаги нутқида воҳамиз олимлари ичида биринчи бўлиб Поён Равшановнинг номларини чуқур эҳтиром билан тилга олдилар¹ Устоз Поён Равшанов улугъ ёшда бўлсалар-да, доимо тинмай самарали илмий изланишлар билан машғул бўлиб, ҳар йилда камида 2–3 та салмоқли китоб нашр эттирмоқда, тадқиқотчиларга самимий маслаҳатларини асло аямайди. Домланинг изидан борган вилоят тарихчилари (М.Азизов, А.Ҳ.Чориев, О.Бўриев, И.Шоймардонов, Н.Хушвақтов, Б.Мамадиев, К.Султонов, Г.Равшанова) ва адиблари (И.Тўхтамишев, Муҳаммад Очил, Шарофат Ашурова, Ҳ.Сатторий, Қ.Абдинабиев, Ж.Халил, Ғ.Мирзо, А.Эргашев, Б.Ҳайдаров) темуршунослик йўналишида салмоқли изланишлар олиб боришиб, кўплаб сермазмун асарлар яратишди.

Фурсатдан фойдаланиб, таниқли олим ва адиб, дили, сўзи ва ўзи пок устоз Поён Равшановга Яратгандан янада узоқ умр, ҳамиша тани сиҳатлик, оилавий тўқислик, ижодига баракотлар тилаймиз. Ва келгусида янгидан янги салмоқли асарлар кутиб қоламиз. Бу эзгу ишларида буюк бобокалонимиз Соҳибқирон Амир Темур хазратларининг руҳлари доимо мададкор бўлсин деб тилак билдирамыз.

Бўриев О., Қарши давлат университети профессори,
Равшанова Г., Тарих кафедраси катта ўқитувчиси.

¹ Мирзиёев Ш. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамыз. – Т., 2017. – Б. 311.

**“ҚарДУ хабарлари” илмий-назарий, услубий журналида
мақола чоп этиш учун қўйиладиган
ТАЛАБЛАР**

1. Мақола сарлавҳаси бош ҳарфлар билан ўртада ёзилади.
2. Муаллиф фамилияси тўлиқ, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари, ундан кейин у ишлайдиган ОТМнинг номи қавс ичида берилади.
3. Таянч сўз ва иборалар келтирилади.
4. Мақола матни Times New Roman ёзувида, 14 шрифтда, 1,5 интервалда 6–10 саҳифа ҳажмида, чапдан 3, ўнгдан 1,5, юқори ва пастдан 2 см қолдирилиб ёзилади.
5. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати рақамланган ҳолда мақола сўнгида берилади. Унда адабиётдан олинган саҳифалар ёки шу манбанинг умумий ҳажми кўрсатилиши шарт. Матн ичида керакли ўринларда талаб этилаётган адабиётнинг рақами, ундан кейин икки нуқта қўйилиб, фойдаланилган бетлар ёзилади ва қавс ичига олинади ([1:176] тарзида).
6. Ҳавола (сноска)лар ҳар бир бетнинг пастида, рақамланган ҳолда берилиши керак.
7. Мақолалар ўзбек, рус ва инглиз тилларида ёзилиши мумкин.
8. Ўзбек, рус ва инглиз тилларида резюме бўлиши талаб этилади.
9. Муаллиф фаолият кўрсатадиган илмий муассасанинг услубий семинари ёки кафедра йиғилишининг мақолани нашрга тавсия этганлиги ҳақидаги қароридан кўчирма талаб қилинади.
10. Муаллиф фаолият кўрсатадиган илмий муассасанинг тўлиқ манзили, шахсий телефон рақами ёки электрон почтаси кўрсатилиши лозим.
11. Мақола qarduxj@qarshidu.uz ёки qarduxj@umail.uz электрон почталари орқали жўнатилади.
12. Қўшимча ахборотларни +998904413373 телефон рақами орқали олиш мумкин.
13. Қўлёзма ҳуқуқидаги мақолалар муаллифларга қайтарилмайди.

МУНДАРИЖА

ФИЗИКА-ТЕХНИКА

- Холмирзаев Н.С., Бобомуродова Г.М., Бахромова А.А.** Куёш геотермал сув билан иситиладиган соғломлаштириш бинолари гелиоколлектор ва иссиқлик аккумуляторларининг самарадорлигини ҳисоблаш 3
- Мустафакулов А.А., Юлдашев У., Асомиддинов Б.А.** Электр ва магнит майдонларининг тирик организмларга таъсири..... 7

КИМЁ

- Бобоёрова Ш. М., Мустафоева Ф.У., Жўраев Р.С., Чориев А.У.** 4-метоксибензилхлорацетатнинг аминлар билан реакциялари асосида коррозия ингибиторларининг синтези..... 10
- Boymurodov B.M., Yusupova F.Z., Beknazarova M.O., Choriyev A.U.** Synthesis of benzo-21-crown-7 and the influence of substituents on its complexing properties..... 14
- Yakubov E.Sh., Beknayeв N.M.** 2-karboksimetilaminonazolon-4 va uning d-metallar bilan koordinasion birikmalari..... 21

БИОЛОГИЯ

- Наралиева Н.М., Мамасолиев С.Т.** Рекреация худуд тупроқларидаги цианобактерия ва сувўтлари..... 25
- Умедова Ш.Н.** Академик лицей ўқувчиларининг соғлом овқатланишида маъданли моддалар 31
- Бегматов А.М., Шарипов А.Э.** Стевия (*Stevia rebaudiana bertonii*) ўсимлигини ўрганиш тарихи..... 36
- Абдурасулов Ш.** Видовой состав и сезонность паразитирования иксодовых клещей в Узбекистане..... 41
- Кадилова Д.Н., Рахматова М.У.** Особенности роста и развития некоторых внутривидовых форм пшеницы..... 46

ТАРИХ

- Ерметов А.А.** Ўзбекистон ички ишлар органларининг жамиятда тартиб-интизом ўрнатиш борасидаги фаолияти ва унинг ўзига хос хусусиятлари (1970-йиллар)..... 49
- Маматова М.** “Ҳаёт олови” ичимлиги тарихи..... 53
- Бўриев О., Ҳасанов А.** Ўзбекистон лўлилари этнотарихий лавҳаларда..... 56
- Мўминова Г.Э.** Ҳозирги замон шароитида халқ таъбиотига эътибор..... 60
- Имомов Б.** Ўзбекистон ва Туркия Республикалари ҳамкорлик алоқаларининг долзарб масалалари..... 63
- Тўхтаева Р.** Совет давлатининг молия сиёсати ва пул ислохотлари тарихшунослиги..... 69

ФАЛСАФА

- Do'smurotov J., Rahmonova G.** Axloq ilmining nazariy asoslari..... 73
- Бекмуродова Г.** Бефарқлик ва нописандлик – ижтимоий конформизм оқибати..... 78
- Sunatov D.H.** Axloqiy ong, uning mazmuni va xususiyatlari..... 80
- Ахмедова Д.С.** Ёшлар тарбиясида оиланинг ўрни..... 84
- Садикова Р.И.** Ибн Сино маънавий-ахлоқий қарашларининг ёшлар тарбиясидаги ўрни..... 87

ФИЛОЛОГИЯ

- Валиев Т.** Терминлар маъновий кўламининг қиёсий таҳлили..... 91
- Элмуродова Л.** Даража тушунчасини ифодаловчи функционал-семантик майдон ядросининг лисоний хусусиятлари..... 94
- Жумаев Т.** Қийин сўзининг этимологик талқини хусусида..... 97

Қувонова Ш.О. Стефан Цвайг – лирик новелла устаси.....	101
Намројева М. Omonimlar va polisemantik so‘zlarni farqlash mezonlari	104
ПЕДАГОГИКА	
Оллоқулова Ф. Тарбиявий, маънавий-маърифий ишлар – ўқувчиларда қадриятли муносабатларни шакллантиришнинг асоси.....	110
Қурбонова М. Ш Абу Али ибн Сино ва мусикашунослик.....	112
Базарова Н.Ш. Синтаксический сопоставительный анализ имен прилагательных узбекского и русского языков.....	115
Ишмуродова Г.И., Мирзаева Г.М. Ўқувчи ёшларни меҳнатга ва касбга тайёрлашнинг узлуксизлиги ва изчиллиги.....	118
ПСИХОЛОГИЯ	
Ёзиев Э. Маъмурий бошқарув ходимлари меҳнатини илмий асосда ташкил қилишнинг психологик хусусиятлари.....	123
Файзиев З. Казусли вазиятларда спортчиларнинг эмоционал ҳолатини психокоррекциялаш.....	126
ГЕОГРАФИЯ	
Бердиқулова М.Т. Қашқадарё вилоятида демографик жараёнларнинг ҳудудий хусусиятлари.....	130
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ	
Убайдуллаев Ш.Р., Жабборов Ф.Б. Турли экиш меъёрларида анғизда ўстирилган маккажўхорининг дон ҳосилдорлиги.....	133
Муратқасимов А.С., Юсупов Х., Умурзаков А., Гафурова Л.А. Лалмикор бўз тупроқлардан самарали фойдаланиш омиллари.....	138
Джалилова Г.Т. Тоғ тупроқлари асосий хоссаларининг унификация қилинган маълумотлар базаси учун атрибутларни ишлаб чиқиш.....	143
ИҚТИСОД	
Дилшодов М. Д., Турсунов Б.О. Соғлиқни сақлаш соҳасида рақобат муҳитини тақомиллаштириш муаммолари.....	148
ТАҚРИЗ	
Бўриев О., Равшанова Г. Темуршуносликка қўшилган салмоқли ҳисса.....	152

Илмий-назарий, услубий журнал

Мусахҳиҳлар:	Д.Шодмонова А.Убоженко
Саҳифаловчи	Я.Жумаев
Навбатчи	Т.Жумаев
Техник муҳаррир	М.Раҳматов

Муассис: Қарши давлат университети

**Журнал Қашқадарё вилояти Матбуот ва ахборот бошқармаси томонидан 17.09.2010
йилда № 14-061 рақамли гувоҳнома билан
қайта рўйхатдан ўтган.**

Теришга 03.03.2018 йилда берилди.
Босишга 20.03.2018 йилда рухсат этилди.
22.03.2018 йилда босилди.
Офсет қоғози. Қоғоз бичими 84x108/16.
Times New Roman гарнитураси.
Нашриёт ҳисоб табағи 11,26.
Буюртма рақами: № 10.
Адади 100 нусха. Эркин нарҳда.

**Қарши давлат университети кичик босмахонасида чоп этилди.
Манзил: 180003, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17.**

Индекс: 4071